

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

---

*РАҚОБАТ ҲУҚУҚИ*

---

*Дарслик*

---

Тошкент – 2016

Азизов Х.Т., Муаллифлар жамоаси.

**Рақобат ҳуқуқи.** Дарслик. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2016. 236-бет.

**Такризчилар:**

**О.Оқюлов** ТДЮУ “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси  
профессори, ю.ф.д.

**З.Умаров** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
қонунчилик палатаси кўмита раиси ўринбосари,  
депутат

Мазкур дарслик Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги 1990-сонли “Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори ва Тошкент давлат юридик университетининг ўқув режасидаги Рақобат ҳуқуқи ўқув дастури асосида тайёрланган. Унда рақобат ҳуқуқи тушунчаси, рақобатни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари, рақобат ва монополистик фаолият соҳасида қонунчилик, рақобат ҳуқуқининг субъектлари, монополистик фаолият ва унинг кўринишлари, савдоларни ва иқтисодий концентрацияни монополияга қарши тарзда тартибга солиш, табиий монополия, тадбиркорлик субъектларининг ўзаро рақобатлашувида рекламанинг ўрни, рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик билан боғлиқ мавзулар ёритилган, шунингдек улар миллий ва хорижий давлатлар қонунчилиги асосида тушунтирилган.

Дарслик олий юридик таълим юртларининг талабалари учун мўлжалланган, шунингдек ундан магистрантлар, илмий тадқиқот олиб борувчилар ва амалёт ходимлари фойдаланишлари мумкин.

© Муаллифлар жамоаси.

© Тошкент давлат юридик университети, 2016 йил.

## **МУНДАРИЖА**

---

### **КИРИШ**

### **ГЛОССАРИЙ**

#### **I БОБ. РАҚОБАТ ҲУҚУКИ – ҲУҚУҚИЙ ФАН СИФАТИДА**

- 1.1. Рақобат тушунчаси ва унинг қонунчиликда ақс этиши*
- 1.2. Рақобат ҳуқуқининг тушунчаси, предмети, принциплари, тизими. Рақобат ҳуқуқининг манбалари*
- 1.3. Рақобат ҳуқуқининг замонавий бозор муносабатларидаги аҳамияти.*
- 1.4. Рақобат ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси ва уларнинг турлари*

#### **II БОБ. МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ОРГАНЛАР**

- 2.1. Ўзбекистонда рақобатни ҳуқуқий тартибга солувчи махсус ваколатли давлат органи*
- 2.2. Монополияга қарши органнинг рақобат сиёсатини амалга оширишдаги роли*
- 2.3. Монополияга қарши органнинг реклама фаолиятини тартибга солишдаги ваколатлари*
- 2.4. Монополияга қарши органнинг истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ваколатлари*
- 2.5. Монополияга қарши органнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги*
- 2.6. Монополияга қарши органининг фаолиятини ташкил этиши*
- 2.7. Табиий монополия субъектлари фаолиятини монополияга қарши орган томонидан тартибга солиш*

#### **III БОБ. УСТУН МАВҚЕ ВА УНИ СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ**

- 3.1. Устун мавқе тушунчаси ва унинг ҳуқуқий табиати*
- 3.2. Товар ва молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеини эътироф этиши*
- 3.3. Товарнинг монопол юқори нархи*

*3.4. Товарнинг монопол паст нархи*

*3.5. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан устун мавқени суиистеъмол қилиши*

#### **IV БОБ. ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ РАҚОБАТНИ ЧЕКЛАЙДИГАН КЕЛИШИБ ОЛИНГАН ҲАРАКАТЛАРИ ВА БИТИМЛАРИ.**

*4.1. Рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлар ва уларнинг умумий тавсифи*

*4.2. Рақобатни чеклайдиган битимларнинг умумий тавсифи, турлари ва асосий жиҳатлари*

*4.3. Рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлар ва битимлар: хориж қонунчилиги тажрибаси*

#### **V БОБ. ТОВАР ВА МОЛИЯ БОЗОРИДА РАҚОБАТНИ ЧЕКЛАЙДИГАН ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ, МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ВА ЮРИДИК ШАХС БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИ ВА ҲАРАКАТЛАРИ**

*5.1. Товар ва молия бозорида рақобатни чеклайдиган давлат органлари ҳужжатлари ва ҳаракатлари тушунчаси ҳамда уларнинг таснифи*

*5.2. Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятига оқибатда рақобат чекланиши мумкин бўлган тарзда аралашиши*

*5.3. Давлат органлари ва юридик шахс бирлашмаларининг товар ва молия бозорларида рақобатни эркин ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситувчи ҳаракатлари*

*5.4. Товар ва молия бозорида рақобатни чеклайдиган давлат органларининг бошқа ҳаракатлари*

#### **VI БОБ. РАҚОБАТГА ҚАРШИ ҲАРАКАТ СИФАТИДА ИНСОФСИЗ РАҚОБАТ ВА УНИНГ КЎРИНИШЛАРИ.**

*6.1. Инсофсиз рақобат тушунчаси ва унинг ҳуқуқий тавсифи*

*6.2. Инсофсиз рақобат шакллари*

*6.3. Товар ва молия бозорида инсофсиз рақобатни ҳуқуқий баҳолаш*

6.4. Инсофсиз рақобат сифатида нотўғри реклама тушунчаси ва унинг ҳуқуқий белгилари

6.5. Рекламани ҳуқуқий тартибга солувчи миллий қонунчилик тизими

6.6. Реклама фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш ва назорат қилиш механизми

6.7. Шахсийлаштириш воситалари тушунчаси ва турлари

6.8. Инсофсиз рақобат кўриниши сифатида товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товар келиб чиққан жой номидан рухсатсиз фойдаланиш

6.9. Инсофсиз рақобат сифатида тижорат сиридан рухсатсиз фойдаланиш

6.10. Инсофсиз рақобатнинг бошқа кўринишлари

## **VII БОБ. САВДОЛАРНИ ЎТКАЗИШДА МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР ВА УНИ ОЛДИНИ ОЛИШ.**

7.1. Танлов (савдо)лар ўтказиш тартиби ва унинг ҳуқуқий асослари

7.2. Танлов ўтказишда монополияга қарши талаблар

7.3. Танлов (тендер) савдоларини ўтказишда рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар

7.4. Суд томонидан танловни ўтказилмаган деб топиш асослари

7.5. Биржа савдоларини ўтказиш тартиби

7.6. Биржа савдоларига доир монополияга қарши талаблар

7.7. Биржа савдоларида тузилган битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг оқибатлари

## **VIII БОБ. ИҚТИСОДИЙ КОНЦЕНТРАЦИЯНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ.**

8.1. Иқтисодий концентрация тушунчаси

8.2. Хўжалик юритувчи субъектлар бирлашмаларини ташкил этишда монополияга қарши талаблар

8.3. Хўжалик юритувчи субъектларни қайта ташкил этиш ва тугатишга розилик бериш тартиби

8.4. Хўжалик юритувчи субъектларнинг устав капиталидаги акция (улушлар)ни ва бошқа мулкый ҳуқуқларни олишда монополияга қарши талаблар

8.5. Хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш, хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш ва қўшиб олишда олдиндан розилик олиш тартиби

8.6. Жисмоний шахсларнинг хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқарув органларидаги иштироки

8.7. Хўжалик юритувчи субъектларни мажбурий тарзда бўлиш ёки ажратиб чиқариш тартиби

8.8. Молиявий хизмат кўрсатиш бозорида маблағни концентрация қилиш бўйича назорат қилиш

## **IX БОБ. МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ВА ТАБИЙ МОНОПОЛИЯНИ НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНИНГ РАҚОБАТ ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАНЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАРНИ ҚЎЗГАШИ ВА КЎРИБ ЧИҚИШИ.**

9.1. Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги ишларни қўзғатиш ва кўриб чиқиш

9.2. Рақобат қонунчилигини бузганлик аломатлари билан иш қўзғаш ва уни кўриб чиқиш тартиби

9.3. Монополияга қарши органнинг рақобат қонунчилиги бузилиши билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш тартиби

9.4. Ишни қўзғаш учун асослар

9.5. Табиий монополия фаолиятини тартибга солувчи орган ва монополияга қарши органнинг қарор қабул қилиш ва кўриб чиқиш жараёни

9.6. Монополияга қарши органнинг кўрсатмаларини ижро этиш

## **X БОБ. РАҚОБАТ ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК.**

10.1. Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тушунчаси

10.2. Жавобгарликка тортиш асоси сифатида айб

*10.3. Етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби*

*10.4. Рақобат қонунчилигини бузганлик учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик*

*10.5. Рақобат қонунчилигини бузганлик учун маъмурий ҳуқуқий жавобгарлик*

*10.6. Рақобат қонунчилигини бузганлик учун жиноий ҳуқуқий жавобгарлик*

**Муаллифлар жамоаси:**

---

**Азизов Х.Т.**, ю.ф.н., доц. - III-боб;

**Бабакулов З.К.**, ўқитувчи – VII-боб - (**Б.К.Ходжаев** – Япониянинг Нагоя университети докторанти, ю.ф.д. доц. в.б. билан ҳаммуаллифликда) ва X-боб;

**Бердикулов М.А.** – ўқитувчи - V-боб;

**Бердимуратов А.А.** – ўқитувчи - VIII-боб (**З.С.Умаров** билан ҳаммуаллифликда );

**Ибрагимова А.Р.** – ўқитувчи - I-боб;

**Иноятуллаев С.Х.** – ўқитувчи – IV-боб (ю.ф.н. доц в.б. **Н.М. Қўшаев** билан ҳаммуаллифликда);

**Маматов Ш.А.** – Ўзбекистон банклар ассоциацияси ташқи иқтисодий фаолият ва ҳуқуқий таъминлаш департаменти ҳуқуқшуноси - VII – боб;

**Сайдахмедов У.М.** – ўқитувчи - II-боб;

**Умаров З.С.** – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты - VIII-боб (**А.А.Бердимуратов** билан ҳаммуаллифликда);

**Ходжаев Б.К.** – Япониянинг Нагоя университети докторанти, ю.ф.н. – VII-боб (**З.К.Бабакулов** билан ҳаммуаллифликда);

**Худойбергенов Б.Б.** – ўқитувчиси - X-боб;

**Қўшаев Н.М.** – ю.ф.н. доц в.б. - IV-боб (**С.Х.Иноятуллаев** билан ҳаммуаллифликда).

## КИРИШ

Мамлакатимизда иқтисодиёт соҳасида тадбиркорлик муносабатларининг тобора ривожланиб бораётганлиги, маҳсулот бозорида товар, иш ва хизмат турларининг сифат жиҳатдан яхшиланишига, нарх-навонинг истеъмолчи эҳтиёжидан келиб чиқиб белгиланишига олиб келмоқда. Бу ўз навбатида бозорда эркин рақобат муҳитининг қанчалик даражада ижобий ривожланаётганлиги ва тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият олиб бориш механизмининг самарадорлиги натижаси сифатида қараш мумкин.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “...ишлаб чиқариш ва саноат жадал суръатлар билан ривожланмоқда, унинг таркиби тубдан янгиланмоқда, юқори технологияларга асосланган замонавий корхоналар ишга туширилиб, ишлаб чиқариш модернизация ва диверсификация қилинмоқда, иқтисодиётимизнинг рақобатдошлиги ошмоқда”<sup>1</sup>.

Рақобатлашиш бозор муносабатлари билан боғлиқ тушунча бўлиб, ушбу тушунча ўз навбатида ўзида ҳам иқтисодий ҳам ҳуқуқий жиҳатларини қамраб олиб тенг маънода бозор муносабатлари иштирокчиларининг белгиланган қонун-қоидаларга мувофиқ ҳалол, ошқора ўзаро ҳурмат ҳамда бир-бирини камситмаган ҳолда даромад топиш билан боғлиқ фаолияти тушунилади.

Рақобат муносабатларининг қарор топиши ва уни ҳуқуқий тартибга солиш механизми ўзида икки муҳим жиҳатни қамраб олади. **Биринчидан**, бозор муносабатларида эркин рақобатни тартибга солиш ушбу соҳада мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар воситасида амалга оширилади. Рақобатни ҳуқуқий тартибга солишнинг мазкур жиҳати ўзида императив қоидаларни мужассам этиб ҳуқуқни бузган шахсга нисбатан тегишли ҳуқуқий таъсир чорасини қўллашни назарда тутди; **иккинчидан**, эркин рақобат муносабатлари иштирокчиларининг мавжуд қонун қоидаларга ихтиёрий равишда сўзсиз амал қилиши сифатида қараш мумкин.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Асосий вазифамиз — жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. / Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2015 йил 06 декабрь.

Рақобат муносабатларига нисбатан ёндошишнинг мазкур икки жиҳатини умумий маънода инсофли ва инсофсиз хатти-ҳаракатлар билан тавфсифлаш мумкин.

Рақобат ҳуқуқий табиатидан келиб чиқиб, ажратилган инсофли ва инсофсиз рақобатлашиши бозор муносабатларида мавжуд бўлган ҳамда доимий мавжуд бўлган фаолият тушунилади. Чунки, айти татқиқот объекти товар ва молия бозорида рақобатлашиш муносабатларида иштирокчиларининг товар ишлаб ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш ҳамда уни реализация қилиш билан боғлиқ ҳаракатларини ҳуқуқий баҳолашдан иборат.

Тобора ривожланиб бораётган бозор муносабатларидан келиб чиқиб, эркин рақобат муносабатларини ўрганиш ўзида бир қатор долзарб масалаларни акс эттиради. Хусусан, мамлакатимизда тadbиркорлик фаолиятига кенг имкониятлар, шароитлар, имтиёз ва авзалликлар берилаётгани, хўжалик юритувчи субъектлар сонининг кўпаяётгани, бунда эркин рақобат муносабатларининг ривожланиши ҳамда ушбу муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини ўрганишга талабнинг ошиб бориши билан асосланади. Шу муносабат билан ушбу соҳада юридик кадрларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, таълимнинг юриспруденция йўналишида рақобат ҳуқуқини ўқитиш, эркин рақобат муносабатларини шакллантириш ва уларни ҳуқуқий тартибга солишда вужудга келадиган келишмовчилик ва низоларни ҳал этишда талабаларда муайян билимлар, кўникмалар ва малакаларга эга бўлиши талаб этилади.

Мазкур дарслик олий юридик таълим юртининг талабалари учун мўлжалланган бўлиб, рақобат ҳуқуқи тушунчаси, рақобатни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари, рақобат ва монополистик фаолият соҳасида қонунчилик, рақобат ҳуқуқининг субъектлари, монополистик фаолият ва унинг кўринишлари, савдоларни ва иқтисодий концентрацияни монополияга қарши тарзда тартибга солиш, табиий монополия, тadbиркорлик субъектларининг ўзаро рақобатлашувида рекламанинг ўрни, рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик билан боғлиқ масалаларни қамраб олган мавзулар ёритилган.

Ушбу дарслик мазкур фаннинг ўқув режаси ва дастури талаблари асосида ёзилган.

Мазкур дарслик Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги 1990-сонли “Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ Тошкент давлат юридик университетида қўлланилаётган ўқув жараёнини таълим беришнинг модулли тизимига асосланган ҳолда тайёрланган бўлиб, муаллифлар жамоаси дарслик бўйича билдириладиган фикр-мулоҳазаларни миннатдорчилик билан қабул қилади.

## ГЛОССАРИЙ

**инсофсиз рақобат** — хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг иқтисодий фаолиятни амалга оширишда афзалликларга эга бўлишга қаратилган, қонун ҳужжатларига, иш муомаласи одатларига зид бўлган ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектларга (рақобатчиларга) зарар етказадиган ёки зарар етказиши мумкин бўлган ёхуд уларнинг ишчанлик обрўсига путур етказадиган ёки путур етказиши мумкин бўлган ҳаракатлари;

**келишиб олинган ҳаракатлар** — товар ёки молия бозорида икки ёки ундан ортиқ хўжалик юритувчи субъектнинг бозорнинг мазкур иштирокчиларидан ҳар бирининг манфаатларини қаноатлантирадиган ва улардан ҳар бирига олдиндан маълум бўлган, рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлари;

**конфидент** — тижорат сирини унинг мулкдори билан тузилган шартнома асосида эгалик қилишга ва фойдаланишга олган юридик ёки жисмоний шахс;

**концентрация** — хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устунлигига олиб келадиган, товар ёки молия бозоридаги рақобатнинг ҳолатига таъсир кўрсатадиган битимлар тузиш ва (ёки) бошқа ҳаракатларни содир этиш;

**махсулот** — товарлар, ишлар, хизматлар;

**молия бозори** — банклар ҳамда бошқа кредит, суғурта ва ўзга молия ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматнинг, шунингдек қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари хизматларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ёки унинг бир қисмидаги муомала доираси бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мос келмаслиги мумкин ва мазкур муомала доираси чегараларида бундай хизматни кўрсатиш имконияти мавжуд бўлади;

**рақобат** — хўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари улардан ҳар бирининг товар ёки молия бозоридаги товар муомаласининг умумий шарт-шароитларига бир томонлама тартибда таъсир кўрсатиш имкониятини истисно этади ёки чеклайди;

**реклама** — бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ёки жисмоний шахслар, маҳсулот, шу жумладан товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва технологиялар тўғрисида ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай воситалар ёрдамида қонун ҳужжатларига мувофиқ тарқатиладиган маҳсул ахборот;

**рақобатга қарши ҳаракатлар** — рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида хўжалик юритувчи субъектлар учун ман этилган ҳаракатлар, шунингдек давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг рақобатни чеклашга қаратилган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги);

**тижорат сир** — учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли фан-техника, технология, ишлаб чиқариш, молия-иқтисодиёт соҳаларида ҳамда бошқа соҳаларда тижорат қимматига эга бўлган, қонуний асосда эркин фойдаланилмайдиган ахборот бўлиб, ушбу ахборот мулкдори унинг махфийлигини муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларни кўради;

**тижорат сирини ошкор этиш** — тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг учинчи шахсларга бундай ахборот мулкдорининг ёки конфидентнинг розилигисиз ёхуд меҳнат шартномаси (контракт) ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартномага ҳилоф равишда, мумкин бўлган ҳар қандай шаклда (оғзаки, ёзма, бошқа шаклда, шу жумладан техника воситаларидан фойдаланган ҳолда) маълум бўлиб қолишига олиб келадиган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик;

**тижорат сир** **режими** — тижорат сирдан фойдаланишни чеклайдиган ҳуқуқий, ташкилий, техник ва бошқа чора-тадбирлар тизими.

**товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси** — бир юридик ва жисмоний шахслар товарлари ва хизматларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгилардир.

**товар келиб чиққан жой номи** - Мамлакат, аҳоли пункти, жой ёки бошқа жўғрофий объектнинг (бундан буён матнда жўғрофий объект деб юритилади) товарни белгилаш учун ишлатиладиган, унинг алоҳида хусусиятлари тамомила ёки асосан мазкур жўғрофий объектга хос табиий шароитлар билан ёки бошқа омиллар ёхуд

табiiй шарoитлар ва ушбу oмилларнинг бирикмаси билан белгиланадиган ном

**товар бозори** — товарнинг (шу жумладан бир-бирининг ўрнини босадиган товарнинг) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ёки унинг бир қисмидаги муомала доираси бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мос келмаслиги мумкин ва мазкур муомала доираси чегараларида товарни олиш ёки реализация қилиш имконияти мавжуд бўлади;

**хўжалик юритувчи субъект** — товарларни ишлаб чиқариш, олиш ва реализация қилиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахс, шу жумладан чет эллик юридик шахс, хўжалик бошқаруви органи, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркор.

## I-БОБ.

### РАҚОБАТ ҲУҚУҚИ—ҲУҚУҚИЙ ФАН СИФАТИДА

---

- 1.1. Рақобат тушунчаси ва унинг қонунчиликда акс этиши*
- 1.2. Рақобат ҳуқуқининг тушунчаси, предмети, принциплари, тизими. Рақобат ҳуқуқининг манбалари*
- 1.3. Рақобат ҳуқуқининг замонавий бозор муносабатларидаги аҳамияти.*
- 1.4. Рақобат ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси ва уларнинг турлари*

#### 1.1. Рақобат тушунчаси ва унинг қонунчиликда акс этиши

Асли иқтисодий тушунча бўлган рақобат тушунчаси ҳақида кўпқиррали тасаввурлар мавжуд бўлиб, мазкур тушунчани турлича талқин этиш ҳоллари учрайди.

“Рақобат” сўзи араб тилидан келиб чиқувчи сўз ҳисобланиб, араб тилидан луғавий таржимаси “назорат, кузатиш” маъноларини англатади<sup>2</sup>. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида мазкур сўзга, иқтисодий маънода мустақил товар ишлаб чиқарувчи(корхона)лар ўртасида товарларни қулай шароитда ишлаб чиқариш ва яхши фойда келтирадиган нархда сотиш, умуман, иқтисодиётда, ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун кураш, деб таъриф берилган<sup>3</sup>.

“Рақобат” атамаси рус тилида “конкуренция”, инглиз тилида “competition”, немис тилида “wettbewerb” шаклида учрайди. Бу атамаларнинг барчаси латин тилидан келиб чиққан “concurrentia” – тўқнашув сўзидан келиб чиққан. Умумий маънода рақобат муайян бир муҳитда шахслар, гуруҳлар, ташкилотларнинг нисбатан яхшироқ натижаларга эришиш учун ўзаро мусобақалашувини англатади<sup>4</sup>.

---


<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат миллий нашриёти. Тошкент. 2006-2008. 360-бет.

<sup>3</sup> Ўша манба.

<sup>4</sup> Иллюстрированный энциклопедический словарь (электронное издание, воспроизведенное по изданию 1995 года). — М., 1997. Худди шу мазмундаги изоҳ инглиз луғатларида ҳам келтирилади: Longman dictionary of contemporary English. – Edinburgh, 2001. – P. 270.

Рақобат бозор иқтисодиётининг асосий механизми бўлиб, у компанияларнинг ўз товарлари ва хизматларини истеъмолчиларга энг қулай нархларда таклиф қилишларини рағбатлантиради<sup>5</sup>.

Иқтисодчи олимлар К.Холиқов ва Р.Дўсановларнинг фикрича, рақобат—иқтисодий фаолият иштирокчиларининг ўз эҳтиёж ва манфаатларини максимал қондириш, яхши даромад олиш, бозорда ўз мавқеини мустақамлаш, имкониятларини намоён этиш ҳамда имиджга эга бўлиш учун курашдан иборат жараён<sup>6</sup>.



Н.Бекнозовнинг таъкидлашича эса, рақобат – бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашишидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафликка эга бўлиш учун курашни англатади<sup>7</sup>.

Том маънода рақобат товар олди-сотдиси, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишда бозор қатнашчилари ўртасидаги ўзаро кураш демакдир. Рақобат товарлар олди-сотдиси билан шуғулланувчилар, ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчи ҳамда ишлар бажарувчиларни олға интилурувчи куч, бозордаги товарлар, ишлар ва хизматларнинг сифатига ҳамда нархига бевосита таъсир кўрсатувчи механизм ҳисобланади.

Рақобат нархларнинг пасайишини таъминлайди, истеъмолчилар учун танлов доирасини кенгайтиради, шунингдек, самаралилик ва янгиликка интилувчанликни рағбатлантиради<sup>8</sup>.

Рақобатнинг мавжуд бўлмаслиги рақобатга зид хатти-

<sup>5</sup>DG COMP website at [http://ec.europa.eu/competition/antitrust/overview\\_en.html](http://ec.europa.eu/competition/antitrust/overview_en.html).

<sup>6</sup>К.О.Холиқов, Р.Х.Дўсанов. Рақобат:назарияси, шакллари ва усуллари. Илмий рисола. ТермДУ. “Молия” кафедраси, 2009.-66.

<sup>7</sup> N.Beknozov. Iqtisodiyot nazariyasi:Darslik; Mas’ul muharrirlar; i.f.d.prof.J.T.Ro’ziyev.-T.-:2005.-170b.

<sup>8</sup> Moritz Lorenz. An introduction to EU competition law. Cambridge University Press, 2013, page 1.

ҳаракатларнинг содир этилиши нафақат мамлакат иқтисодиётига зарар етказди, балки истемолчилар ҳуқуқларининг ҳам поймол бўлишига олиб келади.

Айни шу масалада, бутун Европа Иттифоқи ҳамда дунёда катта шов-шувларга сабаб бўлган ҳолатлардан бири келтириб ўтиш ўринлидир.

Европанинг витамин ишлаб чиқаришга ихтисослашган машҳур компанияларидан бўлган Швейцариянинг Hoffman–La Roche, Германиянинг BASF ва Merck, Франциянинг Aventis SA, Голландиянинг Solvay Pharmaceuticals ва Япониянинг Daiichi Pharmaceuticals, Esai ва Takeda Chemical Industries компаниялари Европа ҳудудида ўн йиллар давомида ўзаро келишган ҳолда ҳаракатланишган. Улар савдо ҳажми ҳақидаги маълумотларни мунтазам равишда алмашиб турганлар, нархларни келишиб олганлар, йиллик даромадлар ва ишлаб чиқариш ҳажми мониторингини амалга оширганлар ҳамда айнан шу келишиб олинган ҳаракатлари учун ҳам жазоландилар. Тадбиркорлик субъектларининг мазкур келишиб олинган ҳаракатлари 2001 йилда юқори миқдордаги жаримага тортилишларига сабаб бўлганлиги билан тарихда қолган. Ўша пайтда, яъни 2001 йилда юқорида санаб ўтилган компаниялар 1 миллиард евро жаримага тортилганлар. Хусусан, жариманинг энг катта қисми Швейцария компанияси ҳиссасига тушган бўлиб, жарима миқдори—462 миллион евро ни ташкил этган эди<sup>9</sup>.

Асосан иқтисодчилар, молиячилар ҳамда маркетинглар диққат-марказида бўлган рақобат нафақат иқтисодий категория, балки юридик категория ҳамдир.

Рақобатни юридик категория сифатида ўрганиш учун ҳар томонлама асосимиз бор. Хусусан, 2012 йил 6 январдаги ЎРҚ-319-сонли Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган бўлиб, ушбу Қонуннинг мақсади товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга

<sup>9</sup> Кондратьева Н.Б. Конкуренция в ЕС: экономика, политика, право / Н.Б. Кондратьева ; Институт Европы РАН. – М.: Рус. сувенир, 2009. – 6 с. – (Доклады Института Европы. №248). – ISBN 978-5-91299-078-6.

солишдан иборат, деб белгиланган. Қонуннинг 4-моддасида рақобат тушунчасига ҳуқуқий таъриф берилган. Унга кўра, рақобат – хўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг муваққил ҳаракатлари улардан ҳар бирининг товар ёки молия бозоридаги товар муомаласининг умумий шарт-шароитларига бир томонлама тартибда таъсир кўрсатиш имкониятини истисно этади ёки чеклайди, деб таърифланган.

Мазкур таърифдан қонун чиқарувчи томондан рақобатнинг бир қатор белгиларини кўрсатиб берилганига гувоҳ бўламиз. Яъни:

**биринчидан**, рақобатнинг моҳияти хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги мусобақалашувда намоён бўлади;

**иккинчидан**, мусобақалашув хўжалик юритувчи субъектларнинг хатти-ҳаракатларида намоён бўлади;

**учинчидан**, мусобақалашув натижасида хўжалик юритувчи субъектнинг товар ёки молия бозоридаги товар муомаласининг умумий шарт-шароитларига бир томонлама тартибда таъсир кўрсатиш имконияти истисно этилади ёки чекланади.

“Рақобат тўғрисида”ги Қонунга кўра, хўжалик юритувчи субъект деганда, товарларни ишлаб чиқариш, олиш ва реализация қилиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахс, шу жумладан чет эллик юридик шахс, хўжалик бошқаруви органи, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркор тушунилади.

Бундан келиб чиқадики, рақобат—бу хўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) товарлар олди-сотдиси, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишида сифат, нарх, қўшимча хизматлар кўрсатиш даражасини белгилаш орқали бозорда кенгрок ўрин эгаллашга қаратилган фаолиятидир.

Рақобат тушунчасининг акси сифатида “монополия” тушунчасини кузатишимиз мумкин. Мазкур термин юнон тилидан олинган бўлиб, моно-“танҳо”, poleo-“сотаман” деган маъноларни англатади.

Монополистик фаолият эса хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг рақобат фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига хилоф бўлган, рақобатга йўл қўймасликка,

рақобатни чеклаш ёки бартараф этишга қаратилган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигидир.

Жорий қонунчилигимизга биноан, монополистик фаолият тушунчасига легал таъриф мавжуд эмас. Аммо “Рақобат тўғрисида”ги қонунда “Рақобатга қарши ҳаракатлар”деб номланган алоҳида боб мавжуд бўлиб, унда устун мавқени суиистеъмол қилиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлари ва битимларини тақиқлаш, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва юридик шахслар бирлашмаларининг рақобатни чеклайдиган ҳужжатлари ҳамда ҳаракатларини тақиқлаш, инсофсиз рақобатни тақиқлаш каби институтлар, шунингдек, “савдоларни ва иқтисодий концентрацияни монополияга қарши тарзда тартибга солиш” деб номланган бобда танлов (тендер) савдоларига доир монополияга қарши талаблар, биржа савдоларига доир монополияга қарши талаблар, хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш, қўшиб юбориш ва қўшиб олишга доир монополияга қарши талаблар, акцияларни (улушларни) ва бошқа мулкый ҳуқуқларни олишда монополияга қарши талаблар, олдиндан розилик олиш тартиби, жисмоний шахснинг хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқарув органларидаги иштироки, хўжалик юритувчи субъектларни мажбурий тарзда бўлиш ёки ажратиб чиқариш каби субинститутларда акс эттирилган.

Мазкур ҳолат юзасидан шундай хулосага келиш мумкинки, гарчи қонунчиликда тўғридан-тўғри монополистик фаолият тушунчаси келтириб ўтилмаган бўлса-да, моҳиятан монополистик фаолиятга қарши институтларга оид нормалар акс эттирилган.

Шу ўринда рақобат тушунчасига хориж давлатлари қонунчилигида берилган таърифларни кўриб чиқиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Хусусан, Япониянинг 1993 йил 19 майдаги № 47 сон “Инсофсиз рақобатнинг олдини олиш тўғрисида”ги Қонуни<sup>10</sup> мавжуд. Мазкур қонуннинг мақсади бизнес вакиллари ўртасида адолатли рақобатни ҳамда бу борадаги тегишли халқаро келишувларнинг бажарилишини таъминлаш, шу билан биргаликда, инсофсиз рақобатнинг олдини олиш чораларини кўриш ва

<sup>10</sup>Unfair Competition Prevention Act (Act No. 47 of May 19, 1993, as amended up to Act No. 30 of April 30, 2009. <http://www.wipo.int>

инсофсиз рақобат натижасида етказилган зарарни компенсация қилиш, бунинг натижасида эса халқ хўжалигининг соғлом ривожланишига ҳисса қўшиш ҳисобланади. Мазкур қонунни таҳлил қиладиган бўлсак, унда рақобат тушунчасининг легал таърифини учратмаймиз. Аммо инсофсиз рақобатни ўзида акс эттирувчи ҳаракатлар санаб ўтилади. Бунда япон қонунчилиги инсофсиз рақобатнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш орқали адолатли рақобатни таъминлаш йўлини тутади.

Корея Республикасининг 1961 йил 30 декабрда қабул қилинган №911 сон қонунга 2011 йил 30 июндаги №10810 сон Қонун билан ўзгартишлар киритилган “Инсофсиз рақобатнинг олдини олиш ва тижорат сири тўғрисида”ги Қонуни<sup>11</sup>да ҳам рақобат тушунчасининг таърифи келтирилмаган бўлсада, аммо инсофсиз рақобатни қайси ҳаракатларда ифодаланиши таснифланган.

Айни ҳолатда Япония ва Корея Республикасининг бу борадаги ёндашувининг ўхшашлигининг гувоҳи бўламиз.

Ҳозирги пайтда бу борадаги қонунларнинг номланишида дунёда ягона стандарт мавжуд эмас. Қонунларнинг номланиши, қоида тариқасида, қонунларнинг мақсади ва уларнинг мамлакат қонунчилиги иерархиясида эгаллаган ўрнига, шунингдек мамлакатнинг қонунчилик анъаналарига боғлиқ<sup>12</sup>.

Бутун дунёда барча давлатлар томонидан иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида ҳамда соғлом рақобат муҳитини таъминлаш учун рақобат тўғрисидаги қонунчиликни шакллантиришга кенг эътибор қаратилади. Бу турдаги қонунлар барча давлатларнинг қонунчилик тизимидан муҳим ўрин эгаллаган.

Мисол учун, 1889 йилда қабул қилинган Канаданинг<sup>13</sup> антимонопол қонуни рақобат борасидаги қонун шаклидаги ҳужжатларнинг биринчиси дейиш мумкин. Мазкур қонун рақобатни рақобатлантириш ва Канаданинг дунё савдосига чиқишини мақсад қилиб қўйган эди. Рақобатни муҳофаза қилишга доир дастлабки қонунлар АҚШда Фуқаролар уруши тугаши билан

<sup>11</sup>Unfair Competition Prevention and Trade Secret Protection Act (Act No. 911 of December 30, 1961, as amended up to Act No. 10810 of June 30, 2011. <http://www.wipo.int>

<sup>12</sup> Типовой закон о конкуренции. Серия документов ЮНКТАД по проблематике законодательства и политики в области конкуренции // Проект комментариев к возможным элементам статей типового закона и типовых законов. Женева. 2000. с.20., <http://www.un.org>

<sup>13</sup> Закон Канады «О предотвращении и подавлении объединений, направленных на ограничение торговли» (“Act for the prevention and suppression of combinations formed in restraint of trade”: <http://www.mccarthy.ca>

қабул қилинган. АҚШ қонунчилигига кўра бундай турдаги қонунлар антитрест қонунлари сифатида қайд этилади. Бу инглиз тилидаги “Antitrust Law” атамаси асосида вужудга келган. Бундай қонунларнинг биринчиси Мериленд штатида 1867 йилда қабул қилинган қонун ҳисобланади. 1890 йилда АҚШда “Шерман қонуни” номи билан машҳур бўлиб кетган Федерал қонун кучга кирган. Мазкур қонунга кўра, штатлараро савдо алоқаларини чеклашга қаратилган битимларни тузиш, муайян турдаги товарлар савдосида монополистик фаолиятни вужудга келтириш тақиқлаб қўйилган.

Европада эса бу борадаги дастлабки қонун 1923 йилда Германияда қабул қилинган. Бу қонуннинг қабул қилинишига сабаб хусусий сектордаги тадбиркорлар томонидан нарх-навонинг ҳаддан ортиқ ошириб юборилгани эди. Лекин бу қонун иқтисодий жараёни деярли тартибга сола олмаган.

Ғарбий Европада том маънодаги антимонопол қонун 1950 йилларда вужудга келди. 1958 йил 1 январда Европа иқтисодий иттифоқини ташкил этиш тўғрисида Рим шартномаси кучга кирди. Мазкур шартномадаги рақобатни муҳофаза қилишга қаратилган нормалар ҳозирги кунга қадар ҳам аъзо давлатлар ҳуқуқ нормаларидан ҳам устун турувчи нормалар ҳисобланади.

Рим шартномаси рақобатга зид хатти-ҳаракатларни тақиқловчи икки ҳолатни ўзида акс эттирган:

биринчидан, рақобатга зид келишувларни, ассоциациялар (бирлашмалар), компанияларнинг рақобатга зид қарорлари, рақобатга зид келишиб олинган хатти-ҳаракатларни тақиқлаш, шунингдек, ассоциация (бирлашмалар) ва компанияларнинг йўл қўйилшига рухсат бериладиган келишувлари ҳақида қайд этилган;

иккинчидан, товар бозорларида компанияларнинг устун мавқени суистеъмол қилишини тақиқлашга доир ҳолат. Мазкур тақиқ ҳеч қандай истисноларга йўл қўймаган.

Дунё миқёсида рақобатни ҳуқуқий тартибга солиш борасидаги нормаларни 1883 йилдаги Саноат мулкни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Париж конвенциясида ҳам учратиш мумкин. Хусусан, мазкур конвенцияда инсофсиз рақобат тушунчаси тариф берилган. Ушбу конвенциянинг 10-bis моддасига кўра, Иттифоққа аъзо

бўлган давлатлар аъзо давлатларнинг фуқароларини инсофсиз рақобатдан самарали ҳимоя қилишини таъминлаш шарт. Мамлакатимзда рақобат тушунчасининг легал таърифи мавжудлиги ижобий ҳолат ҳисобланади. Шу билан биргаликда мазкур тушунчанинг юридик маъноси билан биргаликда иқтисодий категория сифатидаги аҳамиятини ҳам унутмаслик мақсадга мувофиқдир.

## **1.2. Рақобат ҳуқуқининг тушунчаси, предмети, принциплари, тизими. Рақобат ҳуқуқининг манбалари**

“Рақобат ҳуқуқи” иқтисодий ва ҳуқуқий билимлар кесишуvidан пайдо бўлган ҳуқуқ соҳаси бўлиб, хусусий ва оммавий манфаатларни муҳофаза қилиш мақсадидаги рақобат субъектлари фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси ҳисобланади.

Рақобат ҳуқуқи атамаси рақобатни ривожлантириш, кўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш мақсадини назарда тутиб, ўзида ҳам оммавий ҳуқуқий, ҳам хусусий ҳуқуқий институтларни акс эттиради. Мазкур институтлар рақобатнинг ривожланиш жараёни, унда тадбиркорлар иштироки ҳамда ҳимояси, истъомчилар манфаатларининг инобатга олиниши кабиларни қамраб олади.

Мусобақалашувчи субъектларнинг ўз иқтисодий ва молиявий имкониятларини ишга солиб, ижодкорлик ва яратувчанлик кўникмалари асосида эркин бозор шароитида фаолият юритишлари, турли воситалар (чегирмалар, акциялар, бонуслар) ёрдамида бозор иштирокчиларини жалб этишлари ҳамда бу борада ўз эрк-иродалари(эрк мухторияти)дан келиб чиққан ҳолда ҳаракатланишлари рақобатнинг хусусий элементларини ўзида акс эттиради.

Рақобат ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи нормаларнинг давлат томонидан белгилаб қўйилиши, мусобақалашувчи субъектларнинг рақобатга қарши хатти-ҳаракатларини олдини олишга ҳамда бундай хатти-ҳаракатлар содир этилган тақдирда тегишли чоралар кўришни назарда тутувчи ҳолатларнинг белгилаб қўйилиши оммавий хусусиятларни қамраб олади.

Рақобат ҳуқуқини ҳуқуқ тармоғи, юридик фан ва ўқув курси сифатида талқин қилиш мумкин.

Рақобат ҳуқуқи – ҳуқуқ тармоғи сифатида соғлом рақобатни таъминлаш, инсофсиз рақобат, устун мавқени суистеъмол қилиш ҳамда монополияга қариши курашишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимидан иборат.

Рақобат ҳуқуқи – юридик фан сифатида рақобат ҳуқуқи институтларини, рақобат ҳуқуқининг асосий тушунча ва тамойилларини, шунингдек, рақобат ҳуқуқи нормаларини тадқиқ этувчи, ўзида ҳуқуқий билимлар билан биргаликда иқтисодиёт ҳамда маркетинг қоидаларини қамраб олган юридик фандир.

Рақобат ҳуқуқи фанини ўқитишдан мақсад, рақобат ҳуқуқининг назарий жиҳатларини ўрганиш ҳамда рақобат фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил этишдан, рақобат соҳасидаги ҳуқуқий институтлар ва жараёнларни тавсифлаш, изоҳлаш ва башорат қилиш, рақобат фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солиниши реал ҳолатини аниқлаш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида рақобат муҳитини мустаҳкамловчи ҳуқуқий ҳимоя усулларини ҳамда тадбиркорлар фаолиятида рақобат муҳитини муҳофаза қилишнинг янада самарали муҳофаза чораларини ишлаб чиқишдан иборат.

Рақобат ҳуқуқи фанининг предмети бўлиб рақобат ҳуқуқига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, мазкур нормаларнинг тадбиркорлар ҳамда маъмурий органлар томонидан амалиётда қўлланилиши, рақобат ҳуқуқининг Ўзбекистонда ва хорижда ривожланиши, рақобат ҳуқуқини ўрганиш ва такомиллаштириш усуллари, рақобатни ҳуқуқий тартибга солиш механизмларининг афзалликлар ва нуқсонларини ўзида акс эттирувчи муносабатларни тадқиқ этиш ҳисобланади.

Фаннинг назарий асослари сифатида “Давлат ва ҳуқуқ назарияси”, “Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи”, “Фуқаролик ҳуқуқи”, “Маъмурий ҳуқуқ”, каби фанларни кўришимиз мумкин ҳамда рақобат ҳуқуқи фани билан мазкур фанлар узвий равишда боғлиқдир.

Хусусан, “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” барча ҳуқуқ фанлари учун назарий асос ҳисобланса, “Рақобат ҳуқуқи” учун “Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи” таянч фан ҳисобланади. Фаоллик

ва самарали ташаббускорликка асосланган тадбиркорлик фаолиятини ҳаракатлантирувчи куч рақобат бўлар экан, рақобат институтига оид нормалари билан, гарчи умумий ракурсда бўлса-да, энг биринчи навбатда “Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи” фани орқали танишамиз. Маълумки тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятлари давомида ўзаро мусобақалашадилар, реклама қонунчилигига риоя этадилар, истеъмолчилар ҳуқуқларини таъминлашга интиладилар, агарда тадбиркорлик субъектлари бу борадаги тартиб-қоидаларга риоя этмасалар, қонунчилик талабларини бузсалар монополияга қарши орган томонидан тегишли таъсир чораси қўлланилишига сабаб бўлади.

“Фуқаролик ҳуқуқи”га оид тушунчалар ва институтлар ҳам “Рақобат ҳуқуқи”да кенг қўлланилади. Хусусан, ҳуқуқ субъектлари, битимлар, битимларни ҳақиқий эмас деб топиш шартлари, битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш, шартномавий муносабатларга оид нормалардан “Рақобат ҳуқуқи” кенг фойдаланилади. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан рақобат қонунчилигига зид бўлган, устун мавқенинг суистеъмол қилинишига олиб келувчи битимлар тузилиши ҳолатлари қонунчилигимизда қайд этилган. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузладиган битимларга оид умумий қоидалар, битимларнинг ҳақиқий эмаслик шартлари ва мазкур тоифадаги битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатлари, шартнома тарафларининг умумий характердаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари эса бевоишта фуқаролик ҳуқуқи орқали ўрганилади.

Рақобат ҳуқуқий муносабатларни давлат томонидан тартибга солишда тегишли давлат органларининг иштироки талаб этилар экан, “Рақобат ҳуқуқи”ни тадқиқ этишда “Маъмурий ҳуқуқ” фанининг аҳамияти ҳам беқиёсдир. Бу ҳолат айниқса, рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузилиши ҳоллари юзага келганда яққол сезилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 178-моддаси “Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш” деб номланади.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳам рақобат ҳуқуқий муносабатларга таалуқли нормалар бор. Масалан, Жиноят кодексининг 183-моддаси “Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш” деб номланади. Бундан келиб чиқадики рақобат ҳуқуқи “Жиноят ҳуқуқи” билан ҳам боғлиқ экан.

Шуни қайд этиш лозимки, мазкур фанни ўрганишда иқтисодиёт, маркетинг, менежментга оид билимларнинг зарурияти ҳам сезиларлидир.



Рақобат ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи барча ҳуқуқ нормалари рақобат ҳуқуқининг манбасини ташкил этади.

Рақобат ҳуқуқи манбалари ўз навбатида бозордагилар рақобатчилар фаолияти ва уларнинг ўзаро фаолияти, потенциал рақобатчилар фаолияти, бозордаги субъектлар таркибини давлат томонидан тартибга солиш, монополистик фаолият ва инсофсиз рақобатни чеклаб қўйиш, иқтисодий концентрацияларнинг антимонопол назорати, вайрон этувчи хорижий рақобатнинг

олдини олиш, хўжалик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва турли имтиёзларни тақдим этиш, бозорга кириш ва ундан чиқишдаги тўсиқларни назорат қилиш каби масалаларни тартибга солиши мақсадга мувофиқдир.

Рақобат ҳуқуқини тартибга солиш иккиёқлама характерга эга, яъни рақобат ҳуқуқий муносабатлар ҳам оммавий-ҳуқуқий, ҳам хусусий-ҳуқуқий характердаги нормалар билан тартибга солинади. О.Р.Чудинов мазкур ҳолатни рақобат ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишдаги дихотомия (иккиёқламалик)<sup>14</sup> деб атайди. Унга кўра, биринчи тарафдан, давлат антимионопол хатти-ҳаракатлар (бизнинг қонунчилигимизга кўра, рақобатга зид хатти-ҳаракатлар)ни тақиқловчи нормалар давлат томонидан мустаҳкамланади, иккинчи тарафдан эса, давлат органининг рақобат қонунчилиги бузилган тақдирда вужудга келган низоларни хусусий-ҳуқуқий нормалардан фойдаланган ҳолда ҳал этиши тушунилади. Мисол учун, юридик шахснинг интеллектуал фаолияти натижаларидан ва уларга тенглаштирилган индивидуаллаштириш воситаларидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланган ҳолда товарни реализация қилинса ҳуқуқи бузилган тараф инсофсиз рақобатга йўл қўйилганлиги туфайли хўжалик судига мурожаат қилганда, давлат органи бўлган суд мазкур масалани кўриб чиқиб ҳуқуқлари бузилган тарафнинг ҳуқуқларини тиклаб беради. Мазкур вазиятларда тадбиркорлик субъекти ўзининг ҳақлигини исботлаш учун хусусий ҳуқуқ нормаларидан фойдаланади, давлат органи эса бетараф, хусусий субъектлар ўртасидаги низони ҳал этувчи сифатида иштирок этади.

Барча ҳуқуқ соҳаларидаги нормалар умумий ҳамда махсус кўринишдаги нормаларга бўлинар экан, рақобат ҳуқуқи нормаларини ҳам бу қоидадан истисно қила олмаймиз. Маълумки, умумий нормалар, одатда, умумий характердаги муносабатларни тартибга солиш, асосий тушунчалар ва қоидаларни белгилаб бериш каби функцияларни бажаради. Махсус нормалар эса, нисбатан аниқ белгиланган доирадаги муносабатларни тартибга солади.


Ҳуқуқнинг асосий масалаларини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Олий

<sup>14</sup> О.Р.Чудинов. Дихотомия в регулировании конкурентных отношений правом Франции.— [vestnik.pstu.ru](http://vestnik.pstu.ru)

Мажлиси палаталарининг қарорлари, қонунлар ва қонуности ҳужжатлари умумий масалаларни тартибга соулвчи нормаларга мисол бўлса, бевосита, рақобат ҳуқуқий муносабатларга тааллуқли нормалар рақобат ҳуқуқининг махсус нормалари саналади.

Ҳозирги пайтда, рақобат ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувч энг асосий махсус қонун бу 2012 йил 6 январдаги ЎРҚ-319-сонли Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонунидир. Мазкур қонун 7 та боб 40 та моддадан иборат.

Мустақил Ўзбекистоннинг рақобат қонунчилигининг илк тартибга солиниши 1992 йил 2 июлдаги “Монополиятик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Қонунга бориб тақалади.



Кейинчалик мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиши ҳамда диверсификацияланиши, товар ва молия бозорларининг янада ривожланиши, соғлом рақобатни шакллантириш вазифасининг долзарблашуви натижасида мавжуд қонунчиликни такомиллаштириш зарурияти юзага келди. Бунинг натижасида, 1996 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисидаги”ги Қонун қабул қилинди.

2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни

янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги қонуннинг ўрнига мутлақо янги кўринишдаги “Рақобат тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш таклифини илгари сурилди.

“Ҳаммамиз яхши тушунамизки, бозор муносабатларининг асоси бўлган рақобатни ривожлантиришда монополияга қарши қонун ҳужжатлари катта роль ўйнайди. Аммо, амалдаги “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Қонун бугунги кунда эскирди ва замон талабларига жавоб бермай қолди. Шунинг учун эътиборга олган ҳолда, “Рақобат тўғрисида”ги янги қонунни ишлаб чиқишимиз ва қабул қилишимиз зарур. Ушбу қонунда монополистик фаолиятни нафақат товарлар бозорида, балки молия бозорларида ҳам тартибга солишни назарда тутиш лозим. Шунингдек, биржа савдоларида ҳам монополияга қарши механизмларни, акцияларни сотиб олиш, қўшиш ва бирлаштириш битимларини тартибга солиш ва назорат қилиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш бўйича нормаларни ушбу қонунга киритиш мақсадга мувофиқдир<sup>15</sup>” деган эди Президент ўз нутқида.

Натижада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 14 ноябрда “Рақобат тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, Сенат томонидан 2011 йил 5 декабрда маъқулланди. Ушбу қонун 2012 йил 6 январда Президент томонидан имзоланиб, 2012 йил 7 январда матбуотда расман эълон қилинди.

Шу билан биргаликда, мамлакатимизда стратегик аҳамиятга эга бўлган соҳаларда давлат секторининг етакчилиги ёки ҳақли равишда монопол эканлигини инобатга олган ҳолда, технологик хусусиятлар туфайли муайян товарлар (ишлар, хизматлар) турларига бўлган талабни қондиришнинг рақобатли шароитларини яратиш мумкин эмаслиги жиҳатидан ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмаслиги табиий монополияларнинг мавжуд бўлишини ҳамда табиий монополияларни тартибга солувчи

<sup>15</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

ҳуқуқий асос яратилишини тақозо этади. Айни шу мақсадда, 1997 йил 27 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Табиий монополиялар тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. 1999 йил 19 августда эса мазкур қонун “Табиий монополиялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунга асосан янги таҳрирда тасдиқланди.

Рақобат ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 августдаги 230-сон қарори билан тасдиқланган “Товар ва молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеини эътироф этиш ҳамда Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестрини юритиш тартиби тўғрисида”ги низом, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 августдаги 230-сон қарори билан тасдиқланган “Хўжалик юритувчи субъектларни мажбурий тарзда бўлиш ёки ажратиб чиқариш масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида”ги низом, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 декабрдаги 344-сон қарори билан тасдиқланган “Хўжалик юритувчи субъектлар бирлашмаларини ташкил этишга, хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юборишга, қўшиб олишга олдиндан розилик бериш тартиби тўғрисида”ги низом бу борада муҳим қонуности ҳужжатларидандир.

Шунингдек, бевосита рақобат ҳуқуқий нормаларни тартибга солувчи нормаларни ҳам рақобат ҳуқуқининг умумий масалаларини ҳал этувчи, шунингдек, рақобат ҳуқуқининг махсус институтларини тартибга солувчи нормаларга бўлишимиз мумкин.

Рақобатга оид умумий қонунчилик нормаларининг умумий ҳамда махсус характердаги нормаларга таснифланиши Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 6 январдаги № ЎРҚ-319 сонли “Рақобат тўғрисида”ги қонунида ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, мазкур қонуннинг 1 боби “Умумий қоидалар” деб номланган. Унда бир-бирининг ўрнини босадиган товарлар, инсофсиз рақобат, иқтисодий концентрация, иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш, камситувчи шартлар (шароитлар), келишиб

олинган ҳаракатлар, молия бозори, нотўғри таққослаш, рақобат, рақобатга қарши ҳаракатлар, товар, товар бозори, хўжалик юритувчи субъект каби тушунчаларга таъриф бериб ўтилган.

Махсус нормалар сифатида эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 августдаги 230-сон қарори билан тасдиқланган “Товар ва молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеини эътироф этиш ҳамда Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестрини юритиш тартиби тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 августдаги 230-сон қарори билан тасдиқланган “Товар ва молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеини эътироф этиш ҳамда Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестрини юритиш тартиби тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 августдаги 230-сон қарори билан тасдиқланган “Хўжалик юритувчи субъектларни мажбурий тарзда бўлиш ёки ажратиб чиқариш масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида”ги низомларни мисол келтиришимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, рақобат ҳукуқи фани рақобат ҳукуқининг асосий тушунчаларини, рақобат ҳукуқий муносабатларда иштирок этувчи ваколатли давлат органлари, устун мавқени суистеъмол қилишга оид масалалар, хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлари ва битимлари тавсифи, танлов(савдо)лар ўтказишда монополияга қарши курашишнинг ўзига хос хусусиятлари, инсофсиз рақобатнинг белгилари, рақобат муҳитида реклама тўғрисидаги қонунчиликнинг аҳамияти, чет эл рақобатчиларининг салбий ҳаракатларидан миллий бозорни ҳимоя қилишнинг ҳукуқий асослари, иқтисодий концентрацияни давлат томонидан назорат қилиш усуллари, рақобат қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик турлари, монополияга қарши ва табиий монополияни назорат қилувчи органнинг рақобат қонунчилигини бузганлик билан боғлиқ ишларни кўзғаш ва кўриб чиқишга доир масалаларнинг ҳукуқий асосларини ўрганиш ҳамда назарий жиҳатдан таҳлил қилиш масалаларини ўз ичига қамраб олади.

### 1.3. Рақобат ҳуқуқининг замонавий бозор муносабатларидаги аҳамияти

Замонавий шароитда бозор муносабатларининг самарали ривожланиши иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик тизимининг сифатига боғлиқдир. Иқтисодий муносабатларнинг соғлом ҳамда барқарор бўлишини таъминлаб берувчи омиллардан бири бу рақобатдир. Бугунги кунда мамлакатимиз товар ва молия бозорларида рақобатнинг амал қилишини таъминлаш мақсадида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими яратилган ҳамда улар ҳозирги кунда ҳам такомиллаштирилмоқда.

Жаҳон бозорларида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги шароитда иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини тубдан ошириш, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни кўллаб-қувватлашни кучайтириш, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятидаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш устувор аҳамият касб этади<sup>16</sup>.

Рақобатнинг бир қатор ижобий хусусиятлари мавжуд бўлиб, у қуйидагиларда намоён бўлади:

**биринчидан**, бозор талабларига жавоб бермайдиган товарлар, ишлар, хизматлар сифат ва нарх жиҳатдан талабга жавоб бермаса ўз-ўзидан бозорни тарк этади. Бу орқали рақобатнинг соғломлаштириш функцияси намоён бўлиб, рақобатбардош бўлмаган субъектлардан бозор тозаланади;

**иккинчидан**, рақобат рағбатлантириш хусусиятига эга. Бунда рақобатлашувчилар нисбатан яхшироқ сифат ва мутаносиб нархни шакллантириш учун тинимсиз равишда ўз товарлари(ишлар, хизматлар)нинг сифатини яхшилашга интилади. Шунини қайд этиш лозимки, кўпчилик ҳолатларда, маъмурий таъсир этиш воситаларига нисбатан хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро

<sup>16</sup> Бош мақсадимиз - мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 16.01.2016. <http://uza.uz/uz/politics/>

рақобати товарнинг нархи ва сифатига самаралироқ таъсир кўрсатади;

**учинчидан**, рақобат орқали истеъмолчиларнинг манфаатлари ҳам таъминланади. Агар бозорда рақобат мавжуд бўлмаса, табиийки, истеъмолчида танлаш имконияти мавжуд бўлмайди. Рақобатнинг мавжудлиги ҳамда муқобил товарлар, ишлаб чиқарувчилар ҳамда хизмат кўрсатувчиларнинг мавжудлиги истеъмолчи учун танлов майдонини юзага келтиради.

Рақобатнинг муҳитининг муҳофаза этилиши ҳамда давлат томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида мусобақалашувчи шахсларнинг мустақил ва ташаббускор фаолият олиб бориш эркинлиги таъминланади, тадбиркорда ўзига хос “ким ўзар”ликка интилиш ҳисси кучаяди.

Бугунги кунда рақобат ҳуқуқи борасида юристларга эҳтиёж ўсиб бормоқда, бу ҳолат қонунчилик нормаларининг такомиллашаётгани ҳамда мураккаблашаётгани, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ривожланаётгани ва улар ўртасидаги рақобат муҳитининг кучаяётгани, маъмурий ҳамда суд амалиётининг кўпаяётганлиги билан белгиланади. Шу жиҳатдан келиб чиқиб, бугунги кунда ушбу соҳада фаолият олиб бораётган юридик соҳа мутахассислигида рақобат ҳуқуқи фанининг ўқитилиши замон талабидир.

#### **1.4.Рақобат ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси ва унинг турлари**

Ҳар бир ҳуқуқ соҳасининг тартибга солинадиган муносабатлари бўлгани каби рақобат ҳуқуқининг ҳам тартибга солинадиган муносабатлари мавжуд. Мазкур муносабатлар рақобат ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади. Бундан келиб чиқадики, рақобат ҳуқуқининг предметини рақобат ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Рақобат ҳуқуқий муносабатлар бошқа ҳуқуқий муносабатлардан ўзининг субъекти, объекти ва мазмуни билан фарқ қилади.

Рақобат ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари мазкур муносабатда иштирок этувчилар ҳисобланади, рақобат ҳуқуқий

муносабатларнинг объекти бўлиб эса рақобат ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг диққат-марказида бўлган масалалар ҳисобланади.

Рақобат ҳуқуқий муносабат объекти бу мазкур муносабат субъектларининг эътибори қаратилган товарлар, ишлар ва хизматлардир. Бунда товарлар деганда, фақат моддий неъматларни тушунмаслик лозим. “Рақобат тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, товар – фаолиятнинг олиш ва реализация қилиш учун мўлжалланган маҳсули, шу жумладан ишлар ва хизматлардир. Демак, рақобат ҳуқуқида товар деганда, биз моддий неъматлар билан биргаликда, бажариладиган ишлар ва хизматларни ҳам тушунишимиз лозим. Рақобат ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг мазкур муносабат объектига нисбатан амалга оширадиган хатти-ҳаракатлари эса рақобат ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади.

Рақобат ҳуқуқий муносабатнинг мазмуни деганда, мазкур муносабат субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари эътироф этилади. Бунда хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро мусобақалашув жараёнида қандай ҳуқуқларга эга эканлиги, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият юритишлари учун қандай мажбуриятларга эгаликлари, шунингдек, монополияга қарши органнинг ҳамда рақобат ҳуқуқий муносабатда иштирок этаётган бошқа органларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари тушунилади.

Рақобат ҳуқуқи ўзида ҳам оммавий, ҳам хусусий элементларни акс эттирар экан, рақобат ҳуқуқий муносабатлар ҳам ҳам оммавий-ҳуқуқий, ҳам хусусий-ҳуқуқий характерга. Мазкур ҳолатни рақобат ҳуқуқий муносабатларнинг алоҳида турларини таснифлаганимизда яққол кўришимиз мумкин.

“Рақобат тўғрисида”ги қонун моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, рақобат ҳуқуқий муносабатларни қуйидагича таснифлаймиз:

1. Давлат томонидан рақобатнинг тартибга солиниши билан боғлиқ муносабатлар;
2. Рақобатга қарши ҳаракатларни чеклашга қаратилган ҳуқуқий муносабатлар;

3. Савдоларни ва иқтисодий концентрацияни монополияга қарши тарзда тартибга солишга оид ҳуқуқий муносабатлар;
4. Табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар;
5. Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишни олдини олишга қаратилган ҳуқуқий муносабатлар.

**Рақобат ҳуқуқий муносабатларни қуйидаги турдаги ҳуқуқий муносабатларга таснифлаш мумкин:**

1. Давлат томонидан рақобатни тартибга солиниши билан боғлиқ муносабатлар;

2. Рақобатга қарши ҳаракатларни чеклашга қаратилган ҳуқуқий муносабатлар;

3. Савдоларни ва иқтисодий концентрацияни монополияга қарши тарзда тартибга солишга оид ҳуқуқий муносабатлар;

4. Табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар;

5. Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишни олдини олишга қаратилган ҳуқуқий муносабатлар.

Давлат томонидан рақобатнинг тартибга солиниши билан боғлиқ муносабатлар деганда, рақобатни тартибга солишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилишида давлат органларининг иштироки ва рақобат муносабатларида иштирок этувчи давлат органларининг ўз ваколатларини амалга оширишлари билан боғлиқ муносабатлар тушунилади.

Айнан мазкур турдаги муносабатлар рақобат ҳуқуқининг оммавий-ҳуқуқий элементини ўзида акс эттиради.

Рақобатга қарши ҳаракатларни чеклашга қаратилган ҳуқуқий муносабатлар деганда, устун мавқени суистеъмол қилиш, хўжалик

юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлари ва битимлари, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва юридик шахслар бирлашмаларининг рақобатни чеклайдиган ҳужжатлари ҳамда ҳаракатлари, шунингдек, инсофсиз рақобатни тақиқлаш ҳамда мазкур ҳолатларга қарши курашишга оид ҳуқуқий муносабатлар назарда тутилади.

Процессорлар ишлаб чиқарувчи Intel компанияси компьютерлар ишлаб чиқарувчи заводларга субсидиялар ажратганлар. Бунинг эвазига эса улар турли технологияларни етказиб берувчи бошқа заводлар билан алоқани узишлари лозим бўлган ва шундай ҳам қилганлар. 2009 йилда Intel компанияси 1 млрд. евро жаримага тортилган<sup>17</sup>.

Савдоларни ва иқтисодий концентрацияни монополияга қарши тарзда тартибга солишга оид ҳуқуқий муносабатлар деганда, танлов (тендер) савдоларига доир, биржа савдоларига доир, хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш, қўшиб юбориш ва қўшиб олишга доир ҳамда акцияларни (улушларни) ва бошқа мулкӣ ҳуқуқларни олишда монополияга қарши талабларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар кўзда тутилади.

Nintendo компанияси ва унинг етита дистрибьюторлари Европа Иттифоқининг ягона бозорини “бўлиб олганлари”лари ва истеъмолчилар кўпроқ пул тўлай оладиган жойларда нархларни асоссиз ҳаддан ташқари ошириб юборганликлари учун 1990 йилларда 168 миллион евро жаримага тортилганлар. Бу ғайриқонуний келишувнинг иштирокчилари ўйин жиҳозларининг турли тиллардаги таржималарга табиий зарурат мавжудлигидан фойдаланиб турли тиллардаги версиялар нархи ўртасидаги фарқни сезиларли равишда сақлаб туриш имконини топганлар. Мавжуд товарнинг немис тилидаги намуналари чекланганлиги сабабли Германиядаги товарнинг нархи Буюк Британиядаги айни шу товарнинг нархидан 65 фоизга қиммат эди. Нархлар ўртасидаги

<sup>17</sup> Кондратьева Н.Б. Конкуренция в ЕС: экономика, политика, право / Н.Б. Кондратьева ; Институт Европы РАН. – М.: Рус. сувенир, 2009. – 8 с. – (Доклады Института Европы. №248). – ISBN 978-5-91299-078-6.

фарқни товарни Буюк Британиядан сотиб олиб Германияда сотадиган мустақил диллерлар орқали бартараф этиш мумкин эди. Nintendo эса бундай фирмаларнинг вужудга келишига тўсқинлик қилган<sup>18</sup>.

Табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар деганда, ваколатли давлат органининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, товар бозорларида табиий монополия субъектларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солиш, истеъмолчилар, давлат ва табиий монополия субъектлари манфаатларининг мутаносиблигини таъминлаш билан боғлиқ муносабатлар тизими тушунилади.

Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишни олдини олишга қаратилган ҳуқуқий муносабатлар деганда, рақобат, реклама, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, табиий монополиялар фаолиятига оид қонун ҳужжатларининг бузилиши, бу борадаги тегишли органларнинг ваколатлари, мазкур ҳолатлар содир бўлганда қўлланиладиган таъсир чоралари ва тегишли ҳуқуқий жавобгарликка тортишга оид ҳуқуқий муносабатлар назарда тутилади.

### **Назорат саволлари:**

1. Рақобат тушунчасининг юридик категория сифатидаги хусусиятларини тавсифлаб беринг.

2. Рақобат ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш билан Ўзбекистон Республикасининг рақобат ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ қонунчилик ва уларнинг мазмун-моҳияти.

3. Рақобат ҳуқуқининг бошқа ҳуқуқий фанлар билан ўзаро боғлиқлиги.

4. Рақобат ҳуқуқий муносабат турлари.

## **1-Казус**

<sup>18</sup> Кондратьева Н.Б. Конкуренция в ЕС: экономика, политика, право / Н.Б. Кондратьева ; Институт Европы РАН. – М.: Рус. сувенир, 2009. – 7 с. – (Доклады Института Европы. №248). – ISBN 978-5-91299-078-6.

Футбол коптоклари ишлаб чиқарувчи “Наргиз” МЧЖ ва “Нурбек” МЧЖ ўз коптоқларининг таннархи 9500 сўм бўлган ҳолатда, ушбу коптоқларнинг нарҳини 9870 сўм сифатида бозорга киритиш ҳамда коптоқларнинг нарҳини бу суммадан оширмасликка ўзаро келишиб олдилар. Бозордаги бошқа ишлаб чиқарувчилар томонидан таклиф этлаётган нарх 12000 сўмдан кам бўлмаганлиги сабабли бир ҳафта давомида улар томонидан ишлаб чиқарилган коптоқлар хариди кескин равишда тушиб кетди.

**Савол:** Сизнингча “Наргиз” МЧЖ ва “Нурбек” МЧЖнинг хатти-ҳаракатларида қонунчиликка зид ҳолат мавжудми? Мазкур ҳолат “Рақобат тўғрисида”ги Қонуннинг тегишли нормалари билан тартибга солинишини изоҳланг.

*Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.*

## 2-Казус

Қўл териси учун юмшатувчи кремлар ишлаб чиқарувчи “Умида” МЧЖ жавобгар “Сезам” МЧЖнинг устидан Хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилди. Даъвогар “Умида” МЧЖ 2010 йилдан бери бозорга “Бахмал қўллар” номи остида қўл териси учун юмшатувчи кремлар ишлаб чиқараётганлиги, 2014 йил май ойидан жавобгар “Сезам” МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган “Майин қўллар” номи остидаги шу туркумдаги кремларни “Умида” МЧЖнинг маҳсулотлари билан бир хил ўрамларда ҳамда бир хил ҳажмдаги идишларда қадоқлаётганлигини маълум қилиб, жавобгар “Сезам” МЧЖни инсофсиз рақобатда айблади

**Савол:** Сизнингча, интеллектуал мулк объектларига нисбатан рақобат қонунчилиги қўлланиладими? Мазкур ҳолатда инсофсиз рақобат элементлари мавжудми?

*Юқоридаги ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

### Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 1-сон, 5-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда

## II БОБ. МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ОРГАНЛАР

---

*2.1. Ўзбекистонда рақобатни ҳуқуқий тартибга солувчи махсус ваколатли давлат органи.*

*2.2. Монополияга қарши органнинг рақобат сиёсатини амалга оширишдаги роли.*

*2.3. Монополияга қарши органнинг реклама фаолиятини тартибга солишдаги, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ваколатлари.*

*2.4. Монополияга қарши органнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги ҳамда фаолиятини ташиқил этиши .*

*2.5. Табиий монополия субъектлари фаолиятини монополияга қарши орган томонидан тартибга солиши.*

*2.6. Хорижий мамлакатларда рақобатни ҳуқуқий тартибга солувчи махсус ваколатли давлат органлари.*

### **2.1. Ўзбекистонда рақобатни ҳуқуқий тартибга солувчи махсус ваколатли давлат органи**

Ҳар бир давлатда рақобат қонунчилиги ижросини таъминлаш ҳамда монополияга қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи ўзининг махсус ваколатли органлари фаолият юритади. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, монополияни тартибга солиш ва унга қарши курашиш учун нафақат мустақкам қонунчилик базаси, балки аҳолининг, ишбилармон доираларнинг ва давлат органларининг очиқлилик ва шаффофлик, мустақиллик асосида фаолият олиб борадиган монополияга қарши курашувчи органга бўлган ишончи ҳам лозим бўлади.

Турли рақобатга қарши ҳаракатларнинг жамиятга келтирадиган зарарларини салбий оқибатларини бартараф этиш учун кўпгина давлатларда монополияга қарши қонунчиликни риоя этишни назорат қилиш учун турли махсус органлар орқали амалга оширади.

Республикамизда рақобат муҳити мавжуд бўлган иқтисодийда тадбиркорлик ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг эркин бўлиши, уларнинг исталган товарлар бозорида

фаолият кўрсатишлари ва ушбу муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Ўзбекистон Республикасида рақобатни ҳуқуқий тартибга солувчи махсус ваколатли орган Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳисобланади (кейинги ўринларда “Давлат рақобат қўмитаси” деб юритилади). Хусусийлаштириш жараёнларининг чуқурлашуви, иқтисодиётда давлат иштирокининг камайтирилиши ҳамда хусусий мулкчиликнинг роли ва аҳамияти оширилиши истиқболдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ғоят муҳим устувор йўналиши инobatга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 ноябрдаги “**Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида**”ги ПФ–4483-сон Фармони қабул қилинди.

Давлат рақобат қўмитасини ташкил этишдан асосий мақсад:

- ✓ табиий монополияларнинг устунлиги ҳамда монополияга қарши самарали тартиботларни амалга ошириш;
- ✓ ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш;
- ✓ корхоналарнинг ва улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг, умуман мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини оширишни рағбатлантириш борасидаги ташкилий ва амалий чора-тадбирларни шакллантириш;
- ✓ товар ва молия бозорларида рақобатни чеклашга ҳамда устунлик мавқеини суиистеъмол қилишга олиб келадиган хатти-ҳаракатларга йўл қўймасликка, шунингдек ноҳалол рақобатни, товарлар (ишлар, хизматлар)нинг нархларини сунъий равишда ошириш ёки тушириб юборишни тақиқлашга алоҳида эътибор қаратиш;
- ✓ бозор иқтисодиётининг асоси бўлмиш давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хусусий мулкчилик кўламини кенгайтириш;
- ✓ монополияга қарши самарали тартиботларни амалга ошириш ҳамда реал рақобатчилик муҳитини шакллантириш;
- ✓ фонд бозори, хусусан, иккиламчи фонд бозорини жадал ривожлантириш;

✓ корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштиришдан иборатдир.

*Масалан АҚШ ва Европа Иттифоқида бундай махсус ваколатли органлар кенг ваколатларга эга бўлган мустақил идоралар, Греция, Швеция каби давлатларда вазирликлар тизимида бўлган бир неча минглаб ходимларга эга бўлган монополияга қарши курашувчи бошқармалар бўлиши мумкин*<sup>19</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармониинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги “**Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги 374-сон Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга қилинган илова “Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисида” Низомга биноан қўмитанинг мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва фаолиятининг ташкилий асослари белгилаб қўйилди.

Ушбу низомга кўра Давлат рақобат қўмитаси хусусийлаштириш, давлат мулкани бошқариш, қимматли қоғозлар бозори, монополияга қарши сиёсат, рақобатни ривожлантириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, биржа, баҳолаш, риэлторлик ва реклама фаолияти соҳасида давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

**Давлат рақобат қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий** ҳисобланади.

## **2.2. Монополияга қарши органнинг рақобат сиёсатини амалга оширишдаги роли**

Монополияга қарши органлар турли соҳалардаги, яна ҳам умумий қилиб айтганда товар ва молия бозорида (асосан, рақобатга

<sup>19</sup> <https://econolawresearch.wordpress.com>

қарши ҳаракатлар, устун мавқени суистеъмол қилиш, иқтисодий концентрация, инсофсиз рақобат, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига ташқи аралашувлар) табиий монополиялар соҳасида, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида, баъзи ҳолларда давлат харидларини тартибга солиш, капитал курилишда нарх мониторингини олиб бориш, давлатнинг қўллаб-қувватлаши орқали нархларни тартибга солишда монополияга қарши сиёсатни амалга оширади.

Давлат рақобат қўмитасининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари қуйидагилардан иборатдир:

- хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларидаги давлатга тегишли активларни ҳамда акциялар пакетлари (улушлари)ни хусусий мулкка сотиш, давлат мулкининг хусусий мулк эгаларига сотилишида очиқлик ва ошкораликни таъминловчи давлат тасарруфидан чиқаришнинг янги шакл ва усулларини жорий этиш, инвесторлар томонидан қабул қилинган инвестиция мажбуриятлари бажарилиши устидан мониторинг олиб бориш бўйича тизимли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- акциядорлик жамиятларининг капиталлашуви ва рентабеллиги ўсишини рағбатлантириш ҳисобига фонд бозори, иккиламчи фонд бозорини ривожлантириш, тадбиркорлар ва аҳолининг хабардорлигини кенгайтириш, уларнинг биржа операцияларида фаол қатнашувини таъминлаш, бозор инфратузилмасини янада такомиллаштириш, савдоларни электрон шаклда ўтказишга тўлиқ ўтиш чора-тадбирларини тизимли асосда амалга ошириш;

- акциядорлик жамиятларини бошқаришда акциядорларнинг ва кузатувчи кенгашларнинг ролини тубдан оширишга, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлашга, корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари учун ижро этувчи органларнинг акциядорлар олдидаги масъулиятини кучайтиришга йўналтирилган корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш;

➤ монополияга қарши самарали тартиботлар ўрнатиш ҳамда товар ва молия бозорларида рақобат чекланишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини амалга ошириш, монополистик фаолиятни чеклаш ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиб бориш;

➤ рақобат муҳитини ривожлантириш учун қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ва зарур шарт-шароитларни шакллантириш, товарлар (ишлар, хизматлар) бозорларида, биринчи навбатда ички истеъмол бозорида ва реклама соҳасида ноҳалол рақобатчиликка чек қўйиш чора-тадбирларини амалга ошириш, жамоат тузилмалари билан яқиндан мувофиқлаштирилган ҳолда истеъмолчиларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

➤ паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини чуқур таҳлил қилиш, уларни биринчи навбатда янги инвесторларни жалб этиш, модернизациялаш ва технологик қайта жиҳозлаш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, янги рақобатбардош маҳсулотни ўзлаштириш ҳисобига молиявий соғломлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

➤ иқтисодий ночор корхоналарни таркибий қайта қуриш ва банкрот қилиш борасидаги функцияларни бажариш, судгача ва суд санациясини ўтказиш, банкрот корхоналарнинг ташқи бошқаруви бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

#### **Давлат рақобат қўмитасининг асосий вазифалари:**

➤ республика иқтисодиётида хусусий сектор ўрни ва аҳамиятини тубдан ошириш ҳамда мазкур тармоқда давлат улушини янада камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

➤ вазирликлар, идоралар ва ташкилотларда, давлат корхоналари ва ташкилотларининг, шу жумладан Давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган давлат корхоналари ва ташкилотлари, шунингдек устав фондларида давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларининг давлат мулки ҳисобини ва реестрини юритишни таъминлаш;

- бошқарувчи компаниялар ва давлат ишончли вакилларининг давлат ихтиёридаги, шу жумладан чет эллардаги мулкни самарали бошқариш юзасидан фаолияти самарадорлиги мониторингини олиб бориш;
- Давлат мулки (улушлари) мавжуд бўлган корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан уларда замонавий менежментни жорий этиш, маркетингни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизациялашга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш;
- бозор механизмларини ривожлантириш, рақобат муҳитини шакллантириш ва хусусий мулк ортисини рағбатлантирувчи давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- корхоналарни кейинчалик хусусий мулк сифатида сотиш учун уларни хусусийлаштиришдан кейин ва сотишдан олдин самарали тайёрлашни жорий этиш;
- давлат мулки объектларини хусусийлаштириш жараёнларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, инвесторлар ўртасида республикада улар учун берилган имтиёзлар ва кафолатлар тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш;
- акцияларнинг давлат пакетларини ва объектларини хусусийлаштириш ва сотиш тартиботларини максимал даражада соддалаштириш ва ошкоралигини таъминлаш;
- акциядорлар, кузатув кенгашлари ва бошқа идоравий органларнинг давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятларини бошқаришдаги, корхоналар ижроия органларининг корхоналар фаолияти натижалари учун масъулиятини оширишдаги ролини тубдан оширишга қаратилган корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш;
- қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, меъёрий-ҳуқуқий базани соддалаштириш ва ошкоралигини таъминлаш, қимматли қоғозлар бозорида молиявий барқарор инвестицион тузилмаларни ривожлантириш, унинг инфратузилмасини мустаҳкамлаш ва замонавий молиявий ёндашувларни жорий этиш учун қулай ва зарур шарт-шароитларни яратиш, мамлакатимиз фонд бозорини халқаро капитал бозорларига интеграциялаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

➤ тизимли ва самарали реклама-ахборот ишларини амалга ошириш, давлат активларини хусусийлаштириш ва сотиш жараёнларининг ошкоралилиги ва очиқлигини таъминлашдан иборат бўлади.

*Мисол учун, Мексикада телекоммуникация соҳасида монополияга қарши сиёсатни Телекоммуникациялар бўйича федерал комиссия, Бразилияда Марказий Банк молия бозорларида иқтисодий концентрация ва рақобатга қарши ҳаракатларда назоратни амалга ошириш ҳуқуқига эга. Италияда банк соҳасида монополияга қарши ҳаракатларни тартибга солиш фақат Италия Банки томонидан тартибга солинади.*

### **2.3. Монополияга қарши органнинг реклама фаолиятини тартибга солишдаги, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ваколатлари**

Рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан самарали назоратни таъминлаш мақсадида 2005 йилнинг 12 октябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 225-сон Қарори билан **“Рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида”**ги низоми тасдиқланди.

Ушбу низомга кўра, Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги ишларнинг Давлат рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари томонидан кўриб чиқилишининг ташкилий ва ҳуқуқий асосларияратилди.

**Ушбу низомга биноан Давлат рақобат қўмитаси реклама фаолиятини тартибга солиш соҳасида:**

- реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қилади;

- реклама соҳасида инсофсиз рақобатга йўл қўймаслик ва нотўғри рекламага барҳам бериш мақсадида реклама бозорини тартибга солиш чора-тадбирларини кўради;
- давлат органлари билан биргаликда реклама соҳасида инсофсиз рақобатнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини мувофиқлаштиради.

#### **2.4. Монополияга қарши органнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги ҳамда фаолиятини ташкил этиш**

Давлат рақобат қўмитаси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

✓ ўз ваколатлари доирасида хусусийлаштириш, давлат мулкни бошқариш ва тасарруф этиш, баҳолаш, биржа ва риэлторлик фаолиятини лицензиялаш, монополияга қарши тартибга солиш, рақобатни ривожлантириш, табиий монополиялар субъектлари фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, реклама ва банкротлик, мол-мулкни ва интеллектуал мулкни баҳолаш стандартларини, биржа стандартларини, риэлторлик фаолияти, биржа савдолари электрон тизимлари стандартларини, устав фондида давлат улуши бўлган, муассисларидан бири давлат органлари, давлат корхоналари ва ташкилотлари бўлган давлат корхоналари, муассасалари ва хўжалик бирлашмаларини ташкил этиш (қайта ташкил этиш, тугатиш) масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва методик материалларни тасдиқлаш ҳамда кўрсатиб ўтилган ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилиш ва уларни қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлар бериш;

✓ Давлат рақобат қўмитаси ваколатига кирадиган масалалар бўйича судларга даъво аризалари ва аризалар бериш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қўлланилиши ва бузилиши билан боғлиқ ишларни судда кўриб чиқиш жараёнида қатнашиш;

✓ давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектлардан, шу жумладан тижорат банкларидан ва бошқа ташкилотлардан Давлат рақобат қўмитасига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган маълумотлар ва материалларни сўраш ва бепул олиш;

✓ Давлат рақобат қўмитаси ваколатига кирадиган масалаларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бузилиши билан боғлиқ жиноятлар белгилари бўйича жиноий иш қўзғаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун тегишли органларга материалларни юбориш;

✓ Давлат рақобат қўмитаси ваколатига кирадиган масалалар бўйича, шу жумладан корпоратив бошқаришни, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, давлат активларини самарали бошқариш, монополияга қарши тартибга солиш, рақобатни ривожлантириш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, банкротлик ва корхоналарни молиявий соғломлаштириш масалалари бўйича халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатларнинг давлат органлари ва бошқа ташкилотлари билан шартномалар тузиш;

✓ давлат мулки объектларини хусусийлаштиришдан, янгидан таъсис этилаётган давлат акциядорлик жамиятларининг акцияларини сотишдан тушган маблағларни Давлат рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий органларининг махсус ғазначилик шахсий ҳисоб рақамларида жамлаш, уларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақсимлаш;

✓ давлатга тегишли акциялар (улушлар)ни ва мол-мулкни сотиш, шунингдек уларни шу жумладан ташқи бозорларда хўжалик жамиятларининг акцияларига (улушига) ва мол-мулкига алмаштириш бўйича операцияларни амалга ошириш;

✓ инвесторлар томонидан инвестицион ва/ёки бошқа мажбуриятлар бажарилишини, шу жумладан инвестиция қўйиш объектига бориб ўрганиш;

✓ муайян даврга ўзаро мажбуриятлар ва хусусийлаштирилган объект фаолияти шакллари тўғрисида битим тузиш;

✓ шу жумладан, ностратегик компанияларда давлат акциялари пакетлари (улушлари), шунингдек бошқа мол-мулк ҳисобига устав фондларини шакллантириш йўли билан янги юридик шахслар ташкил этиш, уларга ўзининг инвестицион жалб этувчанлигини ошириш вазифаларини юклаш.

✓ жойига борган ҳолда хатловдан ўтказиш ва давлат мулкидан фойдаланиш самарадорлигини текшириш;

✓ идоравий бўйсунидан, идоравий бўйсунидан мавжуд бўлмаганда ҳудудий бўйсунидан келиб чиққан ҳолда кузатувчи кенгашларга ёки хўжалик жамиятларининг йиғилишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплексларига, давлат бошқаруви органларига, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларига асосланган тақдимномалар киритиш йўли билан устав фондида давлат улуши бўлган давлат корхоналари, хўжалик жамиятлари раҳбарларини алмаштириш масалалари ташаббуси билан чиқиш;

✓ давлат унитар корхоналарида, устав фондида давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларида ташаббус кўрсатиладиган аудиторлик текширишлари ўтказиш учун аудиторлик компанияларини танлов асосида аниқлаш;

✓ акциядорлик жамиятлари, бошқа хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг акцияларини (улушлари, пайларини) сотиб олиш;

✓ амалий тадқиқотларни бажариш, экспертиза ўтказиш, норматив-методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш, устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарда модернизациялаш самарадорлигини ошириш ва маркетингни ривожлантириш учун илмий-тадқиқот, аудиторлик, адвокатлик, консалтинг ташкилотларини ва бошқа ташкилотларни, мустақил экспертларни шартнома асосида жалб этиш;

✓ корпоратив бошқариш, менежмент, молия ва қимматли қоғозлар соҳасида иш тажрибасига эга бўлган мутахассисларни уларни устав фондида давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларининг кузатувчи кенгашлари таркибига киритиш учун жалб этиш;

✓ рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, банкротлик ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш ва қонун бузилишларини аниқлаш, улар бўйича иш қўзғаш ва (ёки) кўриб чиқиш, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда биржалар, баҳолаш ва риэлторлик ташкилотларини улар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши юзасидан текшириш, қонун бузилишларидан далолат берувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда эса режадан ташқари текширишлар ўтказиш;

✓ рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун хўжалик юритувчи субъектларни, давлат органларини, уларнинг мансабдор шахсларини ва бошқа жисмоний шахсларини тегишли жавобгарликка тортиш;

✓ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъектларга, давлат органларига, уларнинг мансабдор шахсларига, суд бошқарувчиларига рақобат, табиий монополиялар, банкротлик, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини бартараф этиш ва (ёки) уларнинг оқибатларини бартараф этиш, дастлабки ҳолатни тиклаш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш, шунингдек берилган кўрсатмалар бажарилишини назорат қилиш;

✓ устунлик мавқеини эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларни мажбурий тарзда бўлиш ёки ажратиб чиқариш зарурлиги тўғрисида кўрсатма бериш, шунингдек кўрсатиб ўтилган кўрсатмалар улар томонидан бажарилмаган тақдирда устунлик мавқеини эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларни мажбурий тарзда бўлиш ёки уларни ажратиб чиқариш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилиш;

✓ берилган ваколатлар доирасида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш;

✓ хўжалик юритувчи субъектларга, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ва уларнинг мансабдор шахсларига қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда жарималар солиш;

✓ рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши ишлари бўйича қарорлар қабул қилиш, шу жумладан рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши натижасида асоссиз равишда олинган даромадни (фойдани) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъектлардан олиб қўйиш ва (ёки)

истеъмолчиларга қайтариш, шунингдек жарима солиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

✓ истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини белгиланган тартибда таҳлил қилиш (ўрганиш, кўриқдан ўтказиш);

✓ хайъат қарори асосида хўжалик юритувчи субъектнинг аризаси бўйича, агар маблағларни олиб қўйиш тўғрисидаги қарорни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ижро этиш хўжалик юритувчи субъектнинг банкротлигига олиб келиши мумкин бўлса, ундирилиши керак бўлган суммани бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш;

✓ тегишли давлат органларига лицензиялашни жорий этиш ёки бекор қилиш, божхона тарифларини ўзгартириш, квоталарни жорий этиш ёки бекор қилиш, шунингдек солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича имтиёзлар бериш ёхуд имтиёзларни бекор қилиш, имтиёзли кредитлар бериш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бошқа турларини тақдим этиш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритиш;

✓ зарар кўриб ишлаётган иқтисодий ночор корхоналарни таркибий қайта ўзгартириш, ихчамлаштириш ва молиявий соғломлаштириш дастурларини шакллантиришда қатнашиш, шунингдек уларнинг амалга оширилиши мониторингини олиб бориш;

✓ устав фондида давлат улуши бўлган, иқтисодий таваккалчилик гуруҳида турган корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятини нормаллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан кўрсатмалар бериш;

✓ давлат томонидан қўллаб-қувватлашда судгача санациянинг бориши мониторингини олиб бориш, шунингдек устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг банкротлик таомиллари амалга оширилишини назорат қилиш;

✓ ижтимоий инфратузилма объектларини, шунингдек таркибий қайта ўзгартириш ва санация амалга оширилаётган корхоналарнинг умумий фойдаланиладиган ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг

функционал мансублиги бўйича тегишли хўжалик бирлашмалари балансига бериш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига таклифлар киритиш;

✓ қонун ҳужжатларига мувофиқ суд бошқарувчилари фаолиятини назорат қилиш, суд бошқарувчисининг фаолиятида қонун ҳужжатлари мунтазам равишда ёки бир марта кўпол равишда бузилиши аниқланган тақдирда уни мажбуриятларни ижро этиш бошқарувчисидан озод этиш ҳақида хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиш, суд бошқарувчиларига берилган аттестатларнинг амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиб туриш ва тўхтатиш;

✓ устав фондида давлат улуши бўлган ва хўжалик суди томонидан банкрот деб эътироф этилган хўжалик жамияти бўйича тугатиш ишларини амалга оширишда қатнашиш;

✓ зарур ҳолларда бошқа давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатлар чиқариш, шунингдек хулосалар олиш учун бошқа органларнинг мутахассисларини жалб этиш;

✓ Давлат рақобат қўмитаси ваколатига кирадиган масалаларни ҳал этиш учун комиссиялар, кенгашлар ва бошқа маслаҳат органлари ташкил этиш, шунингдек уларнинг низомлари ва тартибини тасдиқлаш, зарурият бўлганда уларга бошқа вазирликлар, идораларнинг ва бошқа ташкилотларнинг мутахассислари ва экспертларини жалб этиш;

✓ Давлат рақобат қўмитасининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағларини белгиланган тартибда тасарруф этиш.

## **2.5. Табiiй монополия субъектлари фаолиятини монополияга қарши орган томонидан тартибга солиш**

Монополияга қарши тартибга солиш, рақобат муҳитини ривожлантириш ва табiiй монополиялар субъектлари фаолиятини назорат қилиш соҳасида:

монополияга қарши тартибга солишни янада такомиллаштириш, рақобатни ривожлантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади, уларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасига, бошқа давлат органларига ва хўжалик бошқаруви органларига юборади;

рақобатга қарши хатти-ҳаракатларни ва тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)нинг шунингдек Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъектлар ёки шахслар гуруҳи томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматларга нархлар асоссиз ўсишини аниқлайди ва уларнинг олдини олади;

товар ва молия бозорларида рақобат муҳитининг ҳолатини ўрганади ва хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳларининг устунлик мавқеини аниқлайди, шахслар гуруҳлари қатнашчиларининг таркибини аниқлайди;

товар ёки молия бозорида устунлик мавқеини эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар ва табиий монополиялар субъектлари давлат реестрларини шакллантиради ва юритади;

хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш, уларни қўшиш ёки бирлаштиришда, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондида (устав капиталида) акцияларни (улушларни) сотиб олишда рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш, шунингдек табиий монополиялар субъектларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатишда табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

табиий монополиялар субъектларининг товарлари (ишлари, хизматлари)га нархлар ва тарифларни таҳлил қилади ҳамда табиий монополиялар субъектлари томонидан тақдим этиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) нархларининг асоссиз ошириб юборилишидан ва сифати пасайишидан истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади;

тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)га ва товарлар (ишлар, хизматлар)га устама нархларга риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширади;

табиий монополиялар субъектлари ва устунлик мавқеини эгаллаган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини нархларни шакллантиришда декларация қилиш (тасдиқлаш) учун тақдим этилган ҳисоб-китобларнинг асосланганлиги юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширади;

рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат органлари реестрини юритади ва эълон қилади;

марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга ошириладиган капитал қурилишда бошланғич нархлар шаклланиши устидан назоратни амалга оширади;

ўз ваколатлари доирасида хўжалик юритувчи субъектларни инсофсиз рақобатчилардан ва давлат органларининг ноқонуний қарорларидан, улар мансабдор шахсларининг рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузувчи хатти-ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан) ҳимоя қилишни таъминлайди;

ўз ваколатлари доирасида давлат органлари ва устунлик мавқеини эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг товар ёки молия бозорларига киришини таъминлаш бўйича қонун ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар ижро этилишини назорат қилади;

маҳсулотларнинг монопол турларини биржа савдоларига қўйиш тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилади;

маҳсулотларнинг юқори ликвидли ва монопол турларини биржа савдоларига қўйилишини белгиланган тартибда назорат қилади;

танлов (тендер) ва биржа савдолари ўтказишда рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қилади;

табiiй монополиялар субъектлари томонидан товарлар (хизматлар)ни реализация қилиш тартибига риоя этилишини назорат қилади ва мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчилар рўйхатини аниқлаш юзасидан таклифлар киритади;

устунлик мавқеини эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар ва табiiй монополияларнинг товарларига (ишларига, хизматларига) харажатларни камайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

юридик шахснинг индивидуаллаштирилган воситаларига ва товарни индивидуаллаштириш воситаларига мутлақ ҳуқуқни сотиб олиш билан боғлиқ инсофсиз рақобат ҳолатларини аниқлайди;

Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестрига киритилган

хўжалик юритувчи субъектлар ёки молиявий хизматлар кўрсатиш бўйича шахслар гуруҳи томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматлар нархлари устидан мониторинг олиб боради.

## **2.6. Хорижий мамлакатларда рақобатни ҳуқуқий тартибга солувчи махсус ваколатли давлат органлари**

Ҳар бир давлатда бирор бир соҳани тартибга солишга қаратилган қонунчилик ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу қонунчиликни ижросини таъминлашга қаратилган давлат органлари мавжуд бўлади. Бозор иқтисоди шиддат билан ривожланиши билан рақобат ҳам бирдай ривожланиб боради. Монополияга қарши органлари фаолияти билан айрим хорижий мамлакатлар тажрибасига назар ташласак.

Россия Федерациясида рақобатни тартибга солишга ваколатли орган **Федерал монополияга қарши хизмат** ҳисобланади.

**Федерал монополияга қарши хизмат** товар бозорларида ва рақобат соҳасида қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи, табиий монополия ва реклама субъектлари фаолиятида, молия хизматлари бозорида рақобатни ҳимоя қилиш ҳамда ушбу соҳада норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш функциясини амалга оширувчи ижро ҳокимиятнинг ваколатли органи ҳисобланади.

Шунингдек, ушбу орган маҳаллий ва давлат эҳтиёжлари учун товарлар, ишлар, хизматларни айирбошлаш соҳасидаги шартномавий муносабатларга оид қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширида, Россия Федерациясида хорижий инвестицияларни амалга ошириш бўйича ҳам назорат функциясини бажаради.

Россия Федерацияси ҳукуматининг 2014 йил 25 декбардаги 1489-сон Қарорига биноан Федерал монополияга қарши хизматига Мудофаа буюртмалари бўйича Федерал хизматнинг давлатнинг мудофаа буюртмалари соҳасида назорат функцияси ўтказилди. Ушбу қарор 2015 йилнинг 1 январидан кучга кирди.

Россия Федерацияси Президентнинг 2015 йил 21 июлдаги 373-сон Фармонида кўра Федерал монополияга қарши хизматига тарифларни бошқариш соҳасида функциялар берилди.

Ушбу орган Россия Президентининг 2004 йил 9 мартдаги 314-сон Фармониغا биноан ташкил этилган. Ҳукумат томонидан 2004 йилнинг 30 июнида **“Федерал монополияга қарши хизмат тўғрисидаги Низом” қабул қилинган.**

**Бугунги кунда Россия Федерациясида Федерал монополияга қарши хизматнинг 84 та ҳудудий органлари ўз фаолиятини амалга ошириб келмоқда<sup>20</sup>.**

Жанубий Кореяда рақобатни тартибга солувчи орган Корея Республикасининг адолатли савдо бўйича комиссия ҳисобланади. Ушбу орган 1980 йил 31 декабрдаги “Монополияни тартибга солиш ва адолатли савдо тўғрисида”ги 3320-сон Қонунини қабул қилиниши билан 1981 йилда ташкил топган. Ушбу орган раиси вазир даражасига тенглаштирилган.

Хитойда рақобат соҳасини тартибга солувчи орган Хитой Халқ Республикаси Тижорат вазирлиги (аввалги Иқтисодий ҳамкорлик ва ташқи савдо вазирлиги) ҳисобланади. Ушбу вазирликнинг асосий вазифалари ташқи савдо масалалари бўйича сиёсатни ишлаб чиқиш, экспорт ва импортни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, истеъмолчиларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, икки ва кўптомонлама савдо битимларини тузиш ва рақобат бозорини тартибга солишдан иборат.

Вазирлик мажбуриятига, шунингдек махсус маъмурий ҳудудлар (Гонконг ва Макао) билан мустаҳкам иқтисодий ҳамкорлик ўрнатиш киради<sup>21</sup>.

Қозоғистон Республикаси рақобатни тартибга солувчи орган бўлиб, ҳукумат таркибига кирмайдиган Қозоғистон Республикаси табиий монополияларни тартибга солиш бўйича агентлик ҳисобланади. Агентлик табиий монополиялар соҳасида ва бозорни тартибга солиш, шунингдек телекоммуникация ва почта алоқаси, темир йўл транспорти соҳасида товарлар ва ишлар тартибга солиш, электр ва иссиқлик энергияси, газ ва нефтмаҳсулотлари, фуқаро авиацияси ҳамда Қозоғистон Республикаси Ҳукумати томонидан ўрнатилган нарх сиёсатини ҳам тартибга солади.

### **Назорат учун саволлар:**

<sup>20</sup> <http://fas.gov.ru/about/overview/obshhee.html>

<sup>21</sup> <http://russian.mofcom.gov.cn/>

1. Хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳи мавқени устун деб эътироф этилиши учун қандай белгиларга эга бўлиши лозим?

2. Қонунчиликка асосланиб, бозордаги улуши 35% дан 50 % гача бўлган хўжалик юритувчи субъект устун мавқега эга бўлишини изоҳланг.

3. Устун мавқега эга бўлишнинг ўзи монополистик фаолият деб ҳисобланадими? Ҳисобланса, амалдаги қонунчилигимизга таяниб изоҳлаб беринг.

4. Устун мавқеини белгилаб берувчи даража кўрсаткичи турли давлатларда турлича. Бу бевосита шу давлат иқтисодиётининг ривожланганлик даражаси билан боғлиқ. Ривожланган давлатлар қонунчилигига таяниб устун мавқе тушунчасига таъриф беринг.

### 1-Казус

Шакар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи “AJ Sugar Candy” компанияси 2013 йилдаги статистик маълумотларга кўра товар бозорида шакар ишлаб чиқариш борасидаги улуши 40.8 % миқдорни ташкил этди. 2014 йилнинг биринчи чорагида эса, “AJ Sugar Candy” компаниясида талаб таклифдан ошиб кетганлиги боис товар бозорида ўз маҳсулотини сотиш борасида муаммоларга дуч келди. Шунинг учун компаниянинг директорлар кенгаши шакар маҳсулоти нархини пасайтириш тўғрисида қарор қабул қилди. Бундан эса шакар ишлаб чиқарувчи бошқа корхоналар зарар кўришди ҳамда “AJ Sugar Candy” компаниясига нисбатан Тошкент шаҳар рақобат бошқармасига ариза билан мурожаат қилишди. Тошкент шаҳар рақобат бошқармаси эса ўз навбатида “Рақобат тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддаси иккинчи қисми ҳамда 10-моддасига биноан “AJ Sugar Candy” компаниясининг ҳатти-ҳаракатини устун мавқени суистеъмол қилиш деб баҳолади.

*Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.*

### 2-казус

Салқин ичимликлар ишлаб чиқарувчи “The Coca Cola Company” МЧЖ 2014 йилнинг август ойидан бошлаб “Coca Cola” ичимлигини ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўйди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, “The Coca Cola Company” МЧЖнинг товар

бозорида салқин ичимликлар ишлаб чиқаришдаги умумий улуши 52 фоизни ташкил этган бўлиб, бу ўз навбатида мазкур МЧЖнинг товар бозорида устун мавқега эга эканлигидан далолат беради. Табиийки, “Coca Cola” ичимлигини ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўйилиши бозорда мазкур ичимликка нисбат талабнинг кескин ошишига сабаб бўлди. Шунингдек, ушбу ичимликнинг бозордаги тан нархида ўзгариш юз бериб, олдинги сотилаётганган нархидан 2 баробар ошиб кетди. Ушбу ҳолат юзасидан истеъмолчиларнинг бир гуруҳи Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига ариза билан мурожаат қилди.

*Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг. Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг позициясини аниқланг. Юқоридаги ҳолат “The Coca Cola Company” МЧЖнинг бозордаги устун мавқесини суиистеъмол қилиш деб баҳолашга асос бўладими?*

### **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 2-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 августдаги “Товар ва молия бозорларида монополияга қарши тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 230-сон Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 34-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 октябрдаги 225-сон Қарори билан тасдиқланган “Рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш кўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида”ги Низом. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 41-42-сон.

## **III-БОБ.**

### **УСТУН МАВҚЕ ВА УНИ СУИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ**

---

- 3.1. Устун мавқе тушунчаси ва унинг ҳуқуқий табиати.*
- 3.2. Товар ва молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеини эътироф этиши.*
- 3.3. Товарнинг монопол юқори нархи.*
- 3.4. Товарнинг монопол паст нархи.*
- 3.5. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан устун мавқени суистеъмол қилиши.*

#### **3.1. Устун мавқе тушунчаси ва унинг ҳуқуқий табиати**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим жиҳатлари – бу бозор иқтисодиётининг энг асосий элементларидан ҳисобланган рақобатни ривожлантириш, монопол ва устун мавқега эга хўжалик юритувчи субъектларнинг маҳсулотлари ва хизматларининг сифати ҳамда кафолатини кучайтириш, уларнинг таннархлари муқобиллигини таъминлаш, истеъмолчиларнинг харид талабини қондириш орқали

макроиқтисодий кўрсаткичларни янада оширишга қаратилганлигидан иборатдир.


Устун мавқе билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари билан амалга оширилади.

Жумладан, 2012 йил 6 январдаги “Рақобат тўғрисида”ги қонун (янги таҳрири), 2001 йил 30 августдаги “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 августдаги “Товар ва молия бозорларида монополияга қарши тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 230-сонли Қарори, 2010 йил 28 октябрдаги “Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 239-сонли Қарори бевосита ушбу муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

---


**Устун мавқе** – товар ёки молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёхуд шахслар гуруҳининг рақобатлашувчи хўжалик юритувчи субъектларга боғлиқ бўлмаган ҳолда унга ўз фаолиятини амалга ошириш ва рақобатнинг ҳолатига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш, тегишли бозорга бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг киришини қийинлаштириш ёхуд уларнинг иқтисодий фаолият эркинлигини бошқача тарзда чеклаш имкониятини берадиган ҳолат

---



Молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеини эътироф этиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, мустақиллик йилларида давлат томонидан самарали рақобат сиёсати амалга оширилиши натижасида товар ва хизматлар бозорларининг монополлашиш даражаси сезиларли равишда пасайди.



Ушбу кўрсаткичлар хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида рақобатни янада ривожлантиришга кенг имконият яратиб берилганлиги ҳамда товар ва молия бозорларида устун мавқеи эгаллаб турган субъектлар сони сезиларли даражада қисқарганлигидан далолатдир.

Ҳозирги пайтда бозордаги товари(иш, хизмати)нинг улуши 50% ва ундан кўпни ташкил этадиган хўжалик юритувчи субъектнинг мавқеи устун деб ҳисобланади. Бироқ хўжалик юритувчи субъектнинг бозордаги улуши 50% ва ундан ортиқ бўлгани билан, унинг мавқеи устун деб эътироф этилмаслиги ҳам мумкин. Бунинг учун хўжалик юритувчи субъект рақобатга салбий таъсир кўрсатмаётганлигини асослаб бериши лозим.

Бозордаги улуши 35% дан 50% гача бўлган хўжалик юритувчи субъект устун мавқега эга бўлмайди. Бироқ монополияга қарши давлат органи томонидан мазкур ҳолат устун мавқе деб эътироф этилиши ҳам мумкин. Бунда хўжалик юритувчи субъектнинг бозордаги улушининг барқарорлиги, бозордаги рақобатчиларга тегишли улушларнинг миқдори, мазкур бозорга янги рақобатчиларнинг кира олишлари ва бошқа мезонлар инobatга олинади. 35% гача бўлган улуш эса устун мавқе ҳолатини вужудга келтирмайди.

Жумладан, бу борадаги ривожланган давлатлар амалиётига эътибор қаратиш мумкин.

**АҚШ**нинг монополизмга қарши қонуни амалиётдаги қатъий белгиланган қонунлардан бири ҳисобланади. XIX аср охирларига келиб, ушбу мамлакат жамоатчилиги стихияли бозор механизмини айрим фирмалар эгаллаб олишидан, уларнинг якка ҳокимликка олиб келувчи келишувларидан ҳимоя қилинмаган деган хулосага келишган. Рақобатчиларнинг иқтисодиётдан ташқари яккаланиши ҳолларининг, шунингдек бозорларни тақсимлаб олиш ва нархларни ошириш ҳақидаги битимларнинг кўпайиши АҚШ Конгрессини 1890 йилда трестларга қарши биринчи қонунини – “рақобат тизимининг конституцияси” деб аталадиган Шерман ҳужжатини қабул қилинишига сабаб бўлган. Шерман ҳужжати бозорни ўша даврда ҳукмрон бўлган тармоқ монополияларидан ҳимоя қилишни кўзда тутди. Кейинчалик Шерман қонуни АҚШда ҳам бошқа мамлакатларда ҳам монополизмга қарши қонунчиликнинг шаклланиши ва ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, монополизмга қарши қонунчиликни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизми ишлаб чиқилди, у ўз ичига турли давлат муассасалари, парламент, ҳукумат, турли даражадаги судлар фаолиятини қамраб олди. Бу ҳужжат ўша даврдаги ишлаб

чиқаришни тартибга солиш ва монополистик фаолиятга йўл қўймаслик, ҳалол рақобатни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга ёрдам берди.

**Япония**нинг монополияга қарши қонуни устун мавқени тақиқлаш, савдо-сотикни ва инсофсиз савдо усулларини чеклаш, иқтисодий ҳокимиятнинг ҳаддан зиёд бир жойда тўпланишининг олдини олишга қаратилган қоидаларни ўзида мустаҳкамлаган. У ишлаб чиқариш, сотиш, нархлар, технологиялар ва бошқаларни нотўғри чеклашни бартараф қилиш, шунингдек тадбиркорлик субъектларининг ноқонуний манфаатларда қўшилиб кетиши, бирлашишига йўл қўймасликка хизмат қилади. Мазкур қонун тадбиркорларнинг ижобий ташаббусини рағбатлантириб, уларнинг ишдаги фаоллигини ошириш орқали эркин ва ҳаққоний рақобатни қўллаб-қувватлашга, бандликни таъминланишига ва аҳолининг реал даромадини кўпайтиришга, бунинг натижасида иқтисодиётни демократик тарзда ва соғлом ривожланишини, шунингдек истеъмолчиларнинг манфаатларини қўллаб-қувватлашни назарда тутди.

**Германия**нинг “Рақобатни чеклашга қарши” Қонунида кичик ва ўрта бизнес субъектларини ҳимоя қилиш, монополияга қарши чоралар белгилаш, рақобатни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ махсус нормалар белгиланган. Улар соғлом рақобатни таъминлашга хизмат қилади.

**Буюк Британия**да рақобатни ҳимоялашдан кўзланган асосий мақсад маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар сифатини яхшилаш ҳамда истеъмолчилар учун танлаш имкониятини кўпайтириш, инновациялар ва инвестициялашни жорий этиш учун рағбатлантиришни таъминлаш, Буюк Британия халқаро компаниялари обрўсини юксалтиришга қаратилгандир.

**Россия Федерацияси**да субъектларнинг бозордаги устунлигидан ғараз ниятларда фойдаланиши **доминант** хўжалик субъекти ёки бир неча хўжалик субъектларининг товар бозорида ўрнини босувчилар йўқлиги туфайли бозорга ва унда фаолият олиб бораётган субъектларга ўзининг таъсирини ўтказиш имконини берувчи ҳолатдир.

Доминант ҳолат субъектнинг бозордаги улуши 65% ва ундан кўп бўлгандагина тан олинади, агар хўжалик субъекти доминант

ҳолатда эмаслигини исботлаб берса, бундан мустасно бўлади. Лекин, хўжалик субъектларининг бозордаги улуши 65% дан кам бўлган ҳолатда ҳам устун ҳолат булиши мумкин. Бундай ҳолатда антимонопол органлар томонидан унинг бозордаги улуши барқарорлиги ва бошқа фирмаларнинг бозорга киришини кийинлаштириши мумкинлигини исботлаши керак.

Агар хўжалик субъектининг бозордаги улуши 35% дан кам бўлса устун ҳолатга эга бўла олмайди.

Россия Федерацияси “Товар бозорлари монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги қонунда устунлик ҳолатида бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чекловчи, четлаштирувчи ва бунга йўл қўймасликка қаратилган ҳаракатини таъқиқлайди. Бу каби ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ҳолатига қуйидагилар киритилган:

- ✓ бозорда тақчилликни қўллаб-қувватлаш ва яратиш мақсадида жавобгар сонини камайтириш ва бунинг натижасида нархларнинг кўтарилиши;

- ✓ товар бозорида бир субъектнинг бошқасига нисбатан нотекис ҳолатга тушурувчи ҳолатни яратиш;

- ✓ бозорга кириш (чиқиш) тарафларнинг тўсиқларнинг яратилиши;

- ✓ монопол даражасида юқори ва паст нархларнинг қўйилиши ва бошқалар.

### **3.2. Товар ва молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеини эътироф этиш**

Хўжалик юритувчи субъектлар ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеини эътироф этиш қонунчилиқда товар ва молия бозорлари учун алоҳида тартибни белгилайди.

Товар ва молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеи мавжудлигини аниқлаш қуйидаги изчилликда амалга оширилади:

1. • товарлар ва молиявий хизматларнинг бир-бирининг ўрнини босишини ҳисобга олган ҳолда товар ёки молия бозори чегараларини аниқлаш;
2. • хўжалик юритувчи субъектнинг ва (ёки) шахслар гуруҳининг бозор улушини аниқлаш;
3. • товар ва молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеини эътироф этиш.

Товар ёки молия бозори чегараси – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товар ёки молиявий хизматларнинг ёхуд Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мос келмаслиги мумкин бўлган муомаладаги ҳамда уларни сотиб олиш ва хизмат кўрсатиш имкони мавжуд бўлган чегаралардаги қисмининг муомала доираси.

Товар бозорида бозор улуши — хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳи томонидан ишлаб чиқарилган товар реализация қилинган ҳажмининг товар бозори чегаралари доирасида ушбу товар бозорининг барча иштирокчилари томонидан ишлаб чиқарилган товарни реализация қилишнинг умумий ҳажмига нисбати.

Молия бозорида бозор улуши — хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳи томонидан кўрсатилган молиявий хизматлар ҳажмининг молия бозори чегаралари доирасида ушбу молия бозорининг барча иштирокчилари томонидан кўрсатилган молиявий хизматларнинг умумий ҳажмига нисбати.

Бозор улуши - бу хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳининг аниқ товар бозоридаги савдо-сотиклар ҳажмининг умумий ҳажмидаги иштирокини ифодаловчи кўрсаткич ҳисобланади.

Товар бозорида бозорлар улушларини ҳисоблаб чиқиш учун ҳисоб-китобга товарларни реализация қилиш кўрсаткичлари асосан натура кўринишида (ифодасида), хизматлар бозорида эса – қиймат шаклида қабул қилинади. Натура кўринишидаги (ифодасидаги) тегишли кўрсаткичлар мавжуд бўлмаганда қиймат шаклидаги маълумотлар қабул қилинади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг бозор улуши ушбу субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг ишлаб чиқарилган товарни реализация қилиш ҳажмининг товар бозори ҳажмига нисбати сифатида аниқланади ҳамда қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$БУ = V_0 \times 100 / V_p$ , бу ерда:

БУ — хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг бозор улуши;

$V_0$  — товар бозори ҳудудида хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг товарни (шу жумладан бир-бирининг ўрнини босадиган товарни) реализация қилиш ҳажми,

$V_p$  — қуйидаги тарзда ҳисобланадиган товар бозорининг миқдори.

**Молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеи мавжудлигини аниқлаш учун фойдаланиладиган маълумотларга қуйидагилар кирди:**

1. кўрсатилган молиявий хизматлар миқдори;
2. тегишли молия бозорида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар рўйхати;
3. хўжалик юритувчи субъектнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
4. хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳамкорликдаги фаолияти билан боғлиқ шартномалар нусхалари;
5. молиявий хизматлар учун тарифлар (нархлар);
6. молиявий хизматлар кўрсатиш юзасидан тузилган шартномалар нусхалари.

**Товар бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеи мавжудлигини белгилаш учун фойдаланиладиган маълумотлар қуйидагилардан иборат:**

1. товарлар ишлаб чиқариш, реализация қилиш, импорт ва экспорт қилиш миқдорлари;
2. тегишли бозордаги товарни ишлаб чиқарувчи корхоналар рўйхати;
3. таъсис ҳужжатлари;

4. хўжалик юритувчи субъектнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
5. хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳамкорликдаги фаолияти билан боғлиқ шартномалар нусхалари;
6. товарларга нархлар;
7. товарларни реализация қилиш учун тузилган шартномалар нусхалари;
8. товарнинг техник ҳужжатлари (ГОСТ, ТШ ва бошқалар).

Монополияга қарши орган молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеи мавжудлигини аниқлаш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади.

Устун мавқе мавжудлигини аниқлашда ахборот агентликлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа ахборот манбаларидан, шунингдек молиявий хизматлар истеъмолчилари билан сўровномалар ўтказиш натижалари орқали олинган маълумотлардан фойдаланилади. Маълумот монополияга қарши органнинг сўрови асосида сўров олинган кундан **ўттиз календарь кун**дан ошмайдиган муддатда тақдим этилади. Зарур ҳолларда ва маълумотлар етарли бўлмаган тақдирда монополияга қарши орган тегишли маълумотни қўшимча равишда сўраб олиши мумкин. Молия бозорида устун мавқеини эгаллаган деб эътироф этилган хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳи “Товар ва молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеини эътироф этиш ҳамда Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестрини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низомда назарда тутилган тартибда Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар Давлат реестрига киритилади.


Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестри товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар ва шахслар гуруҳининг фаолияти мониторинги ва

назоратини амалга ошириш, монополияга қарши ҳаракатларини чеклаш ва уларнинг олдини олиш ҳамда улар томонидан устун мавқеини суиистеъмол қилишига йўл қўймаслик учун юритилади.

### 3.3. Товарнинг монопол юқори нархи

Бизга маълумки, агар молия бозорида икки ёки ундан ортиқ хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳи фаолият юритаётган бўлса, молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳи томонидан кўрсатилаётган хизматлар нархи, агар ушбу нарх молия бозори чегаралари доирасида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан белгиланган нархларнинг ўртача қийматидан ўн фоиздан зиёдга ошса, монопол юқори нарх деб ҳисобланади.

Товарнинг монопол юқори нархи тўғрисидаги қоидалар 2012 йил 6 январдаги “Рақобат тўғрисида” қонуннинг 7-моддасида мустаҳкамланган. Унга кўра:




Аmmo, товарнинг нархи биржа савдолари яқунларига кўра шаклланган тақдирда, у монопол юқори нарх деб эътироф этилмайди.

Товарнинг молия бозоридаги монопол юқори нархи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аниқланади. Бу Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 августдаги 230-сон қарорига мувофиқ тасдиқланган **Хизматларнинг молия бозорида монопол юқори ва монопол паст нархларни аниқлаш тартиби тўғрисида** Низом асосида аниқланади.

Молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳи томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг монопол юқори нарҳини аниқлаш Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг худудий органлари томонидан амалга оширилади.

Молия бозорида монопол юқори нарх молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг хизматларига нархларни бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан кўрсатиладиган хизматларга ўхшаш бўлган ва (ёки) ўзаро алмашинадиган хизматлар нархлари билан таққослаш йўли билан амалга оширилади.

Таққослаш молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳи томонидан белгиланган нарх билан ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг ўртача нархлари ўртасидаги тафовутни аниқлаш йўли билан амалга оширилади.



Хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган харажатлар ва фойда миқдорининг ошиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳи харажатлари ва фойдасининг иқтисодий жиҳатдан асосланганлигидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Харажатлар ва фойданинг иқтисодий жиҳатдан асосланганлиги молиявий хизматлар таннарҳига киритилган харажатлар таркибини ўрганиш йўли билан аниқланади. Монополияга қарши орган молия бозорларини тартибга солиш

соҳасидаги тегишли ваколатли органлардан хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳи харажатлари ва фойдасининг иқтисодий жиҳатдан асосланганлиги масаласи бўйича хулоса олиши мумкин.

### 3.4. Товарнинг монопол паст нархи

“Рақобат тўғрисида”ги қонуннинг 8-моддасида товарнинг монопол паст нархи борасидаги қоидалар мустаҳкамланган.

Товар бозорида сотувчи ёки сотиб олувчи сифатида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъект томонидан товарнинг таннархидан паст даражада ва ушбу товарни сотишдан зарар келтирадиган даражада белгиланадиган, натижада рақобатнинг чекланишига олиб келадиган нарх **товарнинг монопол паст нархидир**.

Товарнинг молия бозоридаги монопол паст нархи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда, яъни Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 августдаги 230-сон қарорига мувофиқ тасдиқланган **Хизматларнинг молия бозорида монопол юқори ва монопол паст нархларни аниқлаш тартиби тўғрисида** Низом асосида аниқланади.

Молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳи томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг монопол паст нархини аниқлаш худди монопол юқори нархни аниқлаш каби Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари томонидан амалга оширилади.

Хизматларнинг монопол паст нархи хизмат кўрсатиш учун зарур харажатлар қийматини қопламайдиган ва фойда олишни кўзда тутмайдиган, бунинг натижасида рақобатни чеклаш, бозордан рақобатчиларни сиқиб чиқариш ва рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид оқибатлари бўлган молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳи томонидан белгиланган нарх ҳисобланади.

Европа Иттифоқи суди Post Danmark компанияси(Дания) ишини кўриб чиқиб, устун мавқедаги субъектнинг бутун бизнеси худудидаги ўртача харажатларини қопламайдиган, лекин ўртача таннархдан юқори бўлган нархларни монопол паст нарх деб ҳисобланмаслиги ҳақида қарор чиқарган.<sup>22</sup>

Молия бозорида монопол юқори ёки монопол паст нархлар мавжудлиги ва қўлланиши аниқланганда монополияга қарши орган белгиланган тартибда иш қўзғатади ҳамда монопол юқори ёки монопол паст нархлар қўллашни бартараф этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

### **3.5. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан устун мавқени суистеъмол қилиши**

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан устун мавқега эга бўлишнинг ўзи монополистик фаолият деб ҳисобланмайди. Монополистик фаолият бўлиши учун албатта хўжалик юритувчи субъект ўзининг устунлик мавқеини суистеъмол қилиши керак. Ўз мавқеини суистеъмол қилиш хўжалик юритувчи субъектнинг рақобатни чеклаш ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий манфаатларига зарар етказиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатларида намоён бўлади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг устунлик мавқеини суистеъмол қилиши билан боғлиқ ҳаракатларни икки гуруҳга ажратиш мумкин.

**Биринчи гуруҳда**, монополистик фаолият хўжалик юритувчи субъектнинг бир томонлама ҳаракатларни содир этиши орқали амалга оширилади.

---

Ушбу ҳаракатларга қуйидагилар киради:

- ❖ бозорда тақчилликни келтириб чиқариш ва нархларни ошириш мақсадида товарларни муомаладан олиб қўйиш;
  - ❖ тегишли товарни ишлаб чиқариш ёки етказиб бериш имкониятлари мавжуд бўлганда шартнома тузишдан бош тортиши;
  - ❖ монопол қиммат ёки монопол арзон нархларни белгилаш;
- 

<sup>22</sup>Moritz Lorenz. "Introduction to EU Competition Law" Cambridge University Press, - New York; 2013, - p.231

---

❖ бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга киришига тўсқинлик қилиши.

---

**Иккинчи гуруҳда**, монополистик фаолият хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан шартномалар тузишида намоён бўлади.

---

Буларга қуйидагилар киради:

- контрагентга шартнома моҳиятига тааллуқли бўлмаган шартларни мажбуран киритиш;
  - контрагентни бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан тенг бўлмаган вазиятга солиб қўядиган камситувчи шартларни шартномага киритиш;
  - контрагент томонидан бошқа товарларни сотиб олиш ёки сотиш ёхуд контрагентнинг бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан товарлар сотиб олишидан ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектларга товарлар сотишидан ўзини тийиш шарти билан шартнома тузишга розилик бериш.
- 

Юқорида санаб ўтилган учала ҳолатда устун мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъект ўзи учун фойдали, контрагент учун фойдали бўлмаган шартлар асосида шартнома тузади. Бу эса унга қўшимча даромад келтиради ва унинг устунлик мавқеи янада кучаяди. Бироқ хўжалик юритувчи субъектнинг монополистик фаолияти билан боғлиқ ҳаракатлари баъзи ҳолларда қонуний деб топилиши ҳам мумкин. Бунинг учун ушбу ҳаракатларнинг ижобий ҳамда салбий томонлари таққослаб кўрилади.

Европа Иттифоқининг “Европа Иттифоқи фаолияти тўғрисида”ги шартномасининг 102-моддаси устун мавқени суиистеъмол қилишга бағишланган бўлиб, унга кўра устун мавқега эга бўлган тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларини олиб боришда эркиндирлар, аммо уларнинг бозорда рақобатни чекламаслик учун “махсус жавобгарлиги” мавжуд. Мазкур атама биринчи марта Европа Иттифоқи суди томонидан Мишеллин (Michelin) компаниясининг устун мавқеини кўриб чиққан суд ишида илк марта ишлатилган бўлиб, унда суд компаниянинг юк машиналари, автобуслар ва шу тоифадаги автомобиллар шиналарини қайта янгилашда бонус ва чегирмалар тизимини

қўллаган ҳолда устун мавқеини суиистеъмол қилганлик масаласини кўриб чиққан. Мазкур иш бўйича чиқарилган қарорда суд “устун мавқега бўлишнинг асосларидан қатъий назар, тадбиркорлик субъектининг бозорда рақобатни чекламаслик учун махсус жавобгарлиги мавжуд” деган қарорга келган. Шундай қилиб, юқоридаги шартноманинг 102-моддаси устун мавқени тақиқламайди, устун мавқега эга бўлган компанияларга махсус чекловларни ўрнатган.<sup>23</sup>

---

<sup>23</sup>Moritz Lorenz. “Introduction to EU Competition Law” Cambridge University Press, - New York; 2013, - p.188

Хўжалик юритувчи субъектнинг пировард натижада рақобатни чеклашга ва (ёки) бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатларини камситишга олиб келадиган ҳаракатлари, шу жумладан қуйидаги ҳаракатлари:

муомалада бўлган товарларнинг ҳажмини товар ёки молия бозорида тақчилликни келтириб чиқариш ёки сақлаб туриш мақсадида нархларнинг ошишига олиб келадиган тарзда қисқартириши;

товарнинг монопольюқори ёки монополь паст нархларини белгилаши;

шартнома предметиға тааллуқли бўлмаган шартларни, шу жумладан молиявий маблағларни, бошқа мол-мулкни, мулкый ҳуқуқларни ўзга шахсга ўтказишга доир асосиз талабларни, шунингдек рақобатнинг чекланишиға олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган бошқа ҳаракатларни содир этиш талабларини мажбуран қабул қилдириши;

шартномаға камситувчи шартларни киритиши, хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқа хўжалик юритувчи субъектлар (рақобатчилар) томонидан ишлаб чиқариладиган товарларни олишини ёки реализация қилишини тақиқлаши ёхуд чеклаши;

контрагент томонидан бошқа товарларни олиш ёки реализация қилиш ёхуд контрагентнинг товарларни ўзга хўжалик юритувчи субъектлардан олишдан ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектларға реализация қилишдан ўзини тийиши шарти билангина шартнома тузишға розилик бериши;

тегишли товарни ишлаб чиқариш ёки реализация қилиш имконияти бўла туриб, шартнома тузишдан асосиз равишда бош тортиши;

товар ёки молия бозорига бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг киришиға тўсиқлар қўйиши товар ёки молия бозорида устун мавқени сунистьемол қилиш деб эътироф этилади.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳи мавқени устун деб этироф этилиши учун қанақа белгиларга эга бўлиши лозим?

2. Бозордаги улуши 35% дан 50 % гача бўлган хўжалик юритувчи субъект устун мавқега эга бўладими? Бўлмаса, амалдаги қонунчилигимизга таяниб изоҳлаб беринг.

3. Устун мавқега эга бўлишнинг ўзи монополистик фаолият деб ҳисобланадими? Ҳисобланса, амалдаги қонунчилигимизга таяниб изоҳлаб беринг.

4. Устунлик мавқеини белгилаб берувчи даража кўрсаткичи турли давлатларда ҳар хил. Бу бевосита шу давлат иқтисодиётининг ривожланганлик даражаси билан боғлиқ. Ривожланган давлатлар қонунчилигига таяниб устун мавқе тушунчасига таъриф беринг.

### **1-Казус**

Шакар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи “AJ Sugar Candy” компанияси 2013-йилдаги статистик маълумотларга кўра товар бозорида шакар ишлаб чиқариш борасидаги улуши 40.8 % миқдорни ташкил этди. 2014 йилнинг биринчи чорагида эса, “AJ Sugar Candy” компаниясида талаб таклифдан ошиб кетганлиги боис товар бозорида ўз маҳсулотини сотиш борасида муамоларга дуч келди. Шунинг учун компаниянинг директор кенгаши шакар маҳсулоти нархини пасайтириш тўғрисида қарор қабул қилди. Бундан эса шакар ишлаб чиқарувчи бошқа корхоналар зарар кўришди ҳамда “AJ Sugar Candy” компаниясига нисбатан Тошкент шаҳар рақобат бошқармасига ариза билан мурожаат қилди. Тошкент шаҳар рақобат бошқармаси эса ўз навбатида “Рақобат тўғрисида ” ги қонуннинг 6-моддаси иккинчи қисми ҳамда 10-моддасига биноан “AJ Sugar Candy” компаниясининг ҳатти-ҳаракатини устун мавқени суиистеъмол қилиш деб баҳолади.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг. Тошкент шаҳар рақобат бошқармаси ҳатти-ҳаракати қонунийми?

“AJ Sugar Candy” компанияси маҳсулот нархини пасайтириш ҳуқуқига эгами? Агар эга бўлса, қайси ҳолатларда?

## **2-Казус**

Салқин ичимликлар ишлаб чиқарувчи “The Coca Cola Company” МЧЖ 2014 йилнинг август ойидан бошлаб “Coca Cola” ичимлигини ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўйди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, “The Coca Cola Company” МЧЖнинг товар бозорида салқин ичимликлар ишлаб чиқаришдаги умумий улуши 52 фоизни ташкил этган бўлиб, бу ўз навбатида мазкур МЧЖнинг товар бозорида устун мавқега эга эканлигидан далолат беради. Табиийки, “Coca Cola” ичимлигини ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўйилиши бозорда мазкур ичимликка нисбат талабнинг кескин ошишига сабаб бўлди. Шунингдек, ушбу ичимликнинг бозордаги тан нархида ўзгариш юз бериб, олдинги сотилаётганган нархидан 2 баробар ошиб кетди. Ушбу ҳолат юзасидан истеъмолчиларнинг бир гуруҳи Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига ариза билан мурожаат қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг. Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг позициясини аниқланг. Юқоридаги ҳолат “The Coca Cola Company” МЧЖнинг бозордаги устун мавқесини суиистеъмол қилиш деб баҳолашга асос бўладими?

### **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 августдаги “Товар ва молия бозорларида монополияга қарши тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 230-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 34-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги “Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 239-сонли Қарори

## **IV-БОБ. ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ РАҚОБАТНИ ЧЕКЛАЙДИГАН КЕЛИШИБ ОЛИНГАН ҲАРАКАТЛАРИ ВА БИТИМЛАРИ.**

*4.1. Рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлар ва уларнинг умумий тавсифи*

*4.2. Рақобатни чеклайдиган битимларнинг умумий тавсифи, турлари ва асосий жиҳатлари*

*4.3. Рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлар ва битимлар: хориж қонунчилиги тажрибаси*

### **4.1. Рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлар ва уларнинг умумий тавсифи.**

Маълумки, монополияга қарши самарали тартиботларни ўрнатиш ҳамда монополистик фаолиятни чеклаш ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиб бориш, товар ва молия бозорларида рақобат муҳитини ривожлантириш, рақобатнинг чекланишига йўл қўймаслик, товарлар (ишлар, хизматлар) бозорларида, биринчи навбатда, ички истеъмол бозорида ва реклама соҳасида ноҳалол рақобатчиликка чек қўйиш чора-тадбирларини амалга ошириш бозор тамойилларига асосланган иқтисодиёт ривожининг устувор йўналишларидан бири саналади.

Ушбу йўналишларда керакли чора-тадбирларни амалга ошириш бозорларда рақобат муҳитини шакллантириш, бизнесни бозор иқтисодиёти тамойилларини бузмайдиган тарзда ташкил этиш, бозорларда вужудга келадиган номутаносибликларни бартараф этиш, тезкор таъсир ўтказишнинг билвосита тартибга солиш усуллари орқали иқтисодиётда давлат иштирокини босқичма-босқич камайтиришга имкон беради.

Бунинг учун хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлари ва битимлари, рақобатга қарши хатти-ҳаракатларни, нархлар ва тарифларни тартибга солиш, уларнинг асоссиз равишда ўсиши ёки камайишини аниқлаш, маҳсулотларни биржа савдоларига қўйиш тўғрисида қарор қабул қилиш, танлов (тендер) ва биржа савдоларини

ўтказишда амалдаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат ўрнатиш каби чора-тадбирларнинг ўрни ниҳоятда муҳимдир.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлари ва битимлари бевосита **2012 йил январда янги таҳрирда қабул қилинган “Рақобат тўғрисида”ги Қонунда** ҳам ўз аксини топган бўлиб, ушбу қонуннинг асосий мақсади товар ва молия бозорларидаги рақобатга доир муносабатларни тартибга солишдан иборат. Чунки, мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти шу билан изоҳланадики, унда товар ва молия бозорларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатга қарши ҳаракатларини, инсофсиз рақобатни чеклашга ҳамда давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ғайриқонуний ҳаракатларига йўл қўймасликка қаратилган рақобатга доир давлат сиёсатини амалга оширувчи ваколатли орган белгиланган. Қонунда рақобатга қарши ҳаракатларни тақиқлашнинг ҳуқуқий нормалари белгиланган бўлиб, бунда хўжалик юритувчи субъектларнинг устун мавқеини суистеъмол қилиш, рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлари ва битимларини тузиш, шунингдек, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳужжатлари (ҳаракатлари) ҳамда инсофсиз рақобат тақиқланган. Бундан ташқари, танлов (тендер) ва биржа савдоларига доир монополияга қарши талаблар, хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш, қўшиб юбориш ва бирлаштиришга доир ҳамда акцияларни (улушларни) ва бошқа мулкӣ ҳуқуқларни олишдаги монополияга қарши талаблар киритилиб, ушбу ҳаракатларни амалга оширишда монополияга қарши давлат органининг олдиндан розилигини олиш тартиби белгиланган.

Шу билан бирга, табиий монополияларнинг устунлиги ҳамда монополияга қарши самарали тартиботларни амалга ошириш, ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш, корхоналарнинг ва улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг, умуман мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини оширишни рағбатлантириш борасидаги ташкилий ва амалий чора-тадбирларни шакллантириш билан боғлиқ кўпгина масалалар тизимли равишда босқичма-босқич ҳал этиб борилмоқда. Шу жиҳатдан олганда “Рақобат тўғрисида”ги қонунида назарда тутилган меъёр ва талабларни

амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилиши катта аҳамият касб этади. Бунда товар ва молия бозорларида рақобатни чеклашга ҳамда устунлик мавқеини суиистеъмол қилишга олиб келадиган хатти-ҳаракатларга йўл қўймасликка, шунингдек, ноҳалол рақобатни, товарлар (ишлар, хизматлар)нинг нархларини сунъий равишда ошириш ёки тушириб юборишни тақиқлашга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Бу ишларни фаоллаштириш учун қилинаётган саъй-ҳаракатларни жамлаш, хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бўйича ишларнинг бажарилишини таъминлайдиган давлат институтларини янада мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Янги таҳрирдаги 2012 йилги қонуннинг 4-моддасида бевосита ушбу мавзуга оид асосий тушунчалар ҳам белгилаб берилган. Унга мувофиқ, камситувчи шартлар (шароитлар), хўжалик юритувчи субъект, келишиб олинган ҳаракатлар, рақобатга қарши ҳаракатлар каби асосий тушунчаларга таъриф бериб ўтилган.

**камситувчи шартлар (шароитлар)** — товар ёки молия бозорига кириш, товарни ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш, олиш, реализация қилиш, ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш шартлари (шароитлари) бўлиб, улар бошқа тенг шартларда (шароитларда) битта ёки бир нечта хўжалик юритувчи субъектни ўзга хўжалик юритувчи субъект (рақобатчи) билан таққослаганда тенг бўлмаган ҳолатга солиб қўяди

**келишиб олинган ҳаракатлар** — товар ёки молия бозорида икки ёки ундан ортиқ хўжалик юритувчи субъектнинг бозорнинг мазкур иштирокчиларидан ҳар бирининг манфаатларини қаноатлантирадиган ва улардан ҳар бирига олдиндан маълум бўлган, рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлари

**рақобатга қарши ҳаракатлар** — рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида хўжалик юритувчи субъектлар учун ман этилган ҳаракатлар, шунингдек давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг рақобатни чеклашга қаратилган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)

**хўжалик юритувчи субъект** — товарларни ишлаб чиқариш, олиш ва реализация қилиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахс, шу жумладан чет эллик юридик шахс, хўжалик бошқаруви органи, шунингдек якка тартибдаги тадбиркор

Ушбу Қонуннинг 11-моддаси бевосита хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлари ва битимларини тақиқлашга бағишланган бўлиб, унга кўра:

товар ёки молия бозорида ўзаро рақобатлашаётган хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан потенциал рақобатчилар бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги келишиб олинган ҳаракатлар ва битимлар, агар бундай келишиб олинган ҳаракатлар ва битимлар:

сунъий равишда нархлар, тарифлар, чегирмалар, устамалар, кўшимча тўловларни ёки устама нархларни белгилашга ёки сақлаб туришга;

нархларни сунъий равишда оширган ёки пасайтирган ҳолда эркин бозор нархларининг қарор топишига тўсқинлик қилишга;

ишлаб чиқариш устидан, маҳсулот сотиш бозорлари ва капитал кўйилмалар устидан назорат ўрнатишга;

таклиф ҳажмини сунъий равишда ўзгартириш мақсадида ишлаб чиқариш ҳажмларини келишиб олишга;

шартнома предметига тааллуқли бўлмаган шартларни, шу жумладан молиявий маблағларни, бошқа мол-мулкни, мулкий ҳуқуқларни ўзга шахсга ўтказишга доир асоссиз талабларни, шунингдек рақобатни чекловчи бошқа ҳаракатларни содир этиш талабларини мажбуран қабул қилдиришга;

аукционларда, биржаларда ва бошқа савдоларда нархларни оширишга, пасайтиришга ёки сақлаб туришга;

шартномага камситувчи шартларни киритишга;

тегишли бозорни ҳудудий принцип бўйича, реализация қилиш ёки харидлар ҳажми бўйича, товарларнинг хиллари бўйича ёхуд товарларни сотувчилар ёки сотиб олувчилар, товар буюртмачилари доираси бўйича бўлиб олишга;

бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг тегишли товарларни сотувчилар ёки сотиб олувчилар, товар буюртмачилари сифатида

бозорга киришини чеклашга ёки уларни бозордан четлаштиришга ёхуд хўжалик юритувчи субъектларни муайян товарлар бозорига қўймасликка олиб келса ёки олиб келиши мумкин бўлса, тақиқланади.

Бири товар бозорида устун мавқени эгаллаб турган, бошқаси эса сотувчи ёки сотиб олувчи бўлган, ўзаро рақобатлашмаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг келишиб олинган ҳаракатлари ва битимларига, агар бундай келишиб олинган ҳаракатлар ва битимлар пировард натижада рақобатни чеклаб қўйса ёхуд чеклаб қўйиши мумкин бўлса, шу жумладан:

сотувчининг ёки сотиб олувчининг ҳудудни ёки сотиб олувчилар доирасини мустақил белгилашини чеклайдиган;

товарларни қайта сотиш учун нархларга чекловлар белгилайдиган;

хўжалик юритувчи субъектларга бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқариладиган товарларни реализация қилишни тақиқлайдиган келишиб олинган ҳаракатлари ва битимларига йўл қўйилмайди. Ушбу тақиқ товарларни товар белгиси, фирма номи ва сотувчининг интеллектуал мулк объектларига бўлган бошқа мутлақ ҳуқуқлари орқали реализация қилишни сотиб олувчи томонидан ташкил этиш тўғрисидаги битимларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий фаолиятини мувофиқлаштириши, агар бундай мувофиқлаштириш ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган оқибатларга олиб келса ёки олиб келиши мумкин бўлса, тақиқланади.

Рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлар ва битимларни аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Қонуннинг 3-боби савдоларни ва иқтисодий концентрацияни монополияга қарши тарзда тартибга солиш бўйича бўлиб, унинг 14 ва 15 моддалари бевосита танлов (тендер) ҳамда биржа савдоларига доир монополияга қарши талаблар келтирилган. Жумладан, 14-моддада танлов (тендер) савдоларини ўтказишда рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар, шу жумладан қуйидагилар тақиқланади:

савдолар ўтказишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибини бузиш;

савдоларнинг ташкилотчилари ва (ёки) буюртмачилари томонидан савдолар иштирокчиларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

хўжалик юритувчи субъектлардан савдоларда қатнашиш учун ҳужжатларни қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш;

савдолар иштирокчиларини асоссиз равишда четлаштириш;

савдоларнинг битта ёки бир нечта иштирокчисига савдоларда қатнашиш учун имтиёзли шарт-шароитлар яратиб бериш, шу жумладан ахборотдан фойдаланиш орқали имтиёзли шарт-шароитлар яратиб бериш;

товарнинг аниқ ишлаб чиқарувчисини кўрсатиш.

Ушбу белгиланган монополияга қарши талабларнинг бузилиши танлов (тендер) савдоларининг қарорларини ва шу савдолар натижалари бўйича тузилган шартномаларни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлади.

Қонуннинг 15-моддасига асосан биржа савдоларини ўтказишда рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар, шу жумладан:

биржа савдоларини ўтказиш жараёнига таъсир кўрсатадиган ҳаракатлар;

биржа савдолари иштирокчиларининг келишиб олинган ҳаракатлари натижасида жорий биржа нархларининг кескин кўтарилишига ёки қатъий белгиланишига олиб келадиган ҳаракатлар;

биржа савдоларида талабнинг ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин бўлган ёлғон маълумотларни тарқатиш билан боғлиқ ҳаракатлар тақиқланади.

Ушбу белгиланган монополияга қарши талабларнинг бузилиши биржа савдолари натижалари бўйича тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлади.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 2012 йил 13 ноябрдаги ПФ-4483-сон Фармони**га асосан монополияга қарши самарали тартиботларни

амалга ошириш ҳамда реал рақобатчилик муҳитини шакллантириш мақсадида тугатилаётган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси негизда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилди ва ушбу давлат қўмитасининг асосий вазифаларидан бири сифатида хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлари ва битимларини назорат қилиб бориш ва монополияга қарши самарали тартиботлар ўрнатиш ҳамда товар ва молия бозорларида рақобат чекланишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини амалга ошириш, монополистик фаолиятни чеклаш ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиб бориш белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари ушбу фармон бўйича Давлат рақобат қўмитасининг асосий фаолият йўналишларидан бири сифатида рақобат муҳитини ривожлантириш ва ноҳалол рақобатга йўл қўймаслик бўлиб, унга мувофиқ рақобатга қарши хатти-ҳаракатларни ва тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)нинг шунингдек Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъектлар ёки шахслар гуруҳи томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматларга нархлар асоссиз ўсишини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш ҳамда маҳсулотларнинг юқори ликвидли ва монопол турларини биржа савдоларига қўйилишини белгиланган тартибда назорат қилиш белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 ноябрдаги ПФ-4483-сон Фармонида асосан **Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 374-сон қарори** қабул қилинди. Ушбу қарорда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисида Низом тасдиқланиб,

низомга асосан Давлат рақобат қўмитасининг асосий функцияларидан бири сифатида монополияга қарши тартибга солиш, рақобат муҳитини ривожлантириш ва табиий монополиялар субъектлари фаолиятини назорат қилиш соҳаси киритилди. Унга кўра рақобатга қарши хатти-ҳаракатларни ва тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)нинг шунингдек Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъектлар ёки шахслар гуруҳи томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматларга нархлар асоссиз ўсишини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш функцияси янада мустақкамлаб қўйилди.

#### **4.2. Рақобатни чеклайдиган битимларнинг умумий тавсифи, турлари ва асосий жиҳатлари.**

Хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклайдиган битимларни бевосита тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича **2013 йил 20 августда Вазирлар Маҳкамасининг "Товар ва молия бозорларида монополияга қарши тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 230-сон қарори** қабул қилинди. Ушбу қарор билан **“Рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлар ва битимларни аниқлаш тартиби тўғрисида Низом”** тасдиқланди.

Ушбу Низом “Рақобат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ товар ёки молия бозорида рақобатлашадиган, шу жумладан потенциал рақобатчилар ҳисобланадиган хўжалик юритувчи субъектлар;

улардан бири товар бозорида устун мавқега эга бўлган, иккинчиси эса сотувчи ёки сотиб олувчи ҳисобланадиган рақобатлашмайдиган хўжалик юритувчи субъектлар;

хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, юридик шахсларнинг бирлашмалари ўртасидаги келишиб олинган ҳаракатларни ва рақобатни чеклайдиган битимларни аниқлаш тартибини белгилаб беради.

Ушбу Низомда юқорида қонунда кўрсатиб ўтилган асосий тушунчалардан ташқари келишиб олинган битимлар, ҳаракатлар,

горизонтал битимлар, вертикал битимлар каби яна бир нечта асосий тушунчалар ҳам киритилди.

**келишиб олинган битимлар** — рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган бирон-бир ҳаракатларни содир этиш тўғрисида ёзма ёхуд оғзаки шаклда икки ёки ундан кўп хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тузилган битимлар

**горизонтал битимлар** — битта товар ёки молия бозорида рақобатчилар, шу жумладан потенциал рақобатчилар ҳисобланадиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги келишиб олинган ҳаракатлар ва битимлар

**вертикал битимлар** — улардан бири товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган, иккинчиси эса сотувчи ёки сотиб олувчи ҳисобланадиган рақобатлашмайдиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги келишиб олинган ҳаракатлар ва битимлар

Ушбу Низомга асосан хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклайдиган қуйидаги келишиб олинган ҳаракатлари ва битимлари тақиқланади:

а) горизонтал битимлар, агар бундай битимлар қуйидагиларга олиб келса ёки олиб келиши мумкин бўлса:

нархлар, тарифлар, чегиришлар, устамалар, қўшимча ҳақлар ёки қўшимча нархларни сунъий белгилаш ёки сақлаб туришга;

нархларнинг ўсиши ёки пасайишини сунъий равишда келтириб чиқарган ҳолда эркин бозор нархларини ўрнатишга тўсқинлик қилишга;

ишлаб чиқариш, сотиш бозорлари ва капитал қўйилмалар устидан назорат ўрнатишга;

таклифлар ҳажмини сунъий ўзгартириш мақсадида ишлаб чиқариш ҳажмларини келишишга, шунингдек уларга талаб мавжуд бўлган товарлар ишлаб чиқаришни қисқартириш ёки тўхтатишга;

шартнома предметиға тааллуқли бўлмаган шартларни, шу жумладан молиявий маблағлар, бошқа мол-мулклар, мулкый ҳуқуқларни беришга тааллуқли асоссиз талабларни, шунингдек

рақобатни чеклайдиган бошқа ҳаракатларни содир этиш бўйича талабларни мажбуран қўйишга;

аукционларда, биржаларда ва бошқа савдоларда нархларни ошириш, пасайтириш ёки сақлаб туришга;

шартномага камситувчи шартларни киритишга;

тегишли бозорни ҳудудий принцип бўйича, сотиш ёки харид қилиш ҳажми бўйича, товарлар турлари бўйича ёхуд товарларни сотувчилар ёки уларнинг харидорлари, буюртмачилари доираси бўйича бўлиб олишга;

тегишли товарларни сотувчилар ёки уларнинг харидорлари, буюртмачилари сифатида бозордан фойдаланишни чеклашга ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектларни ундан четлатишга ёхуд хўжалик юритувчи субъектларни муайян товарлар бозорига киритмасликка;

профессионал ва бошқа бирлашмаларда қатнашиш шартларини белгилашга, агар бундай шартлар рақобатни чекласа, шунингдек уларда ўзаро рақобатлашувчи молия ташкилотлари қатнашмасдан зарур молиявий хизматларни кўрсата олмайдиган тўлов ёки бошқа тизимларда қатнашиш учун тўсиқ ҳисобланадиган асоссиз мезонларни белгилашга;

б) вертикал битимлар, агар бундай битимлар ўз натижаси билан рақобатни чекласа ёки чеклаши мумкин бўлса, шу жумладан:

сотувчи ёки харидорнинг кейинчалик товарни қайта сотиш мақсадида ҳудудни ёки харидорлар доирасини мустақил белгилашини чекласа;

товарларни қайта сотиш нархларини белгилашни чекласа;

хўжалик юритувчи субъектларга бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқарган товарларни сотишини тақиқласа.

Бундан ташқари, Низомга мувофиқ давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ёки юридик шахслар бирлашмаларига келишиб олинган ҳаракатлар ва битимларнинг қатнашчилари сифатида қаралиши мумкин.

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ёки юридик шахслар бирлашмаларининг қўйидагиларга олиб келувчи келишиб олинган ҳаракатлар ва битимларда қатнашишига йўл қўйилмайди:

нархлар ёки тарифларни оширишга, пасайтиришга, сақлаб туришга;

тегишли бозорни ҳудудий принцип бўйича, сотиш ёки харид қилиш ҳажми бўйича, товарлар турлари бўйича ёхуд товарларни сотувчилар ёки уларнинг харидорлари, буюртмачилари доираси бўйича бўлиб олишга;

бозордан фойдаланишни чеклашга ёки ундан хўжалик юритувчи субъектларни четлатишга.

Юридик ва жисмоний шахслар, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятини мувофиқлаштириш тақиқланади.

Ушбу Низомда назарда тутилган тақиқлар интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни бериш билан боғлиқ бўлган битимларга татбиқ этилмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Низомга кўра келишиб олинган ҳаракатлар ва битимлар белгиларини қуйидаги тартибда аниқлаш мумкин.

Келишиб олинган ҳаракатлар ва битимларнинг белгилари Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари томонидан товар ва молия бозорларини, юридик ва жисмоний шахсларнинг, давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мурожаатларини, оммавий ахборот воситаларининг хабарларини ҳамда тегишли органларнинг келишиб олинган ҳаракатлар ва битимлар белгиларининг мавжудлигини кўрсатадиган маълумотлардан иборат бўлган кўрсатмаларини ўрганишни назорат қилиш функцияларини белгиланган тартибда амалга ошириш давомида аниқланади.

Қуйидагилар келишиб олинган ҳаракатлар ва битимлар белгилари фактини аниқлашнинг асосий босқичлари ҳисобланади:

а) келишиб олинган ҳаракатларни содир этган ёки битимларда қатнашган хўжалик юритувчи субъектлар ва (ёки) давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, юридик шахсларнинг бирлашмалари доирасини аниқлаш;

б) қуйидагиларни:

бир-бирининг ўрнини босишини ҳисобга олган ҳолда муайян товарнинг муомалада бўлиш чегараларини;

келишиб олинган ҳаракатларни содир этган битим катнашчиларига ёки хўжалик юритувчи субъектларга тўғри келадиган бозор улушларини;

янги хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга киришини қийинлаштирадиган тўсиқларнинг мавжудлигини;

ишлаб чиқариш шароитларининг ўхшашлигини ҳамда товарни ишлаб чиқариш харажатларининг таққосланувчанлигини, товарнинг қийматидаги ягона нархларни белгилашга ва битимлар тузишга кўмаклашувчи доимий харажатлар салмоғини;

битимларнинг турини;

иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш ҳамда келишиб олинган ҳаракатлар ва битимларга кўмаклашадиган ахборотларни алмашилиш учун база тақдим этишлари мумкин бўлган давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, юридик шахслар бирлашмалари мавжудлигини;

Товар ёки молия бозорларида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар Давлат реестрида товарларни ишлаб чиқарувчилар ёки етказиб берувчиларнинг, шунингдек уларнинг товарларига нархларнинг давлат томонидан тартибга солинишини ўрганиш;

в) акцияларнинг назорат пакетларига эга бўлиш орқали бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан етказиб берувчилар ёки истеъмолчилар устидан назоратнинг мавжудлигини аниқлаш;

г) бозорда нархларнинг қарор топаётган ўзгаришларини ўрганиш ва шароитлари бўйича ўхшаш бўлган бошқа бозорлардаги нархлар билан уларни таққослаш;

д) келишиб олинган ҳаракатлар ва рақобатни чеклайдиган битимлар тузиш содир этилишининг бевосита ёки билвосита далилларини аниқлаш;

е) товар ёки молия бозорида давлат томонидан тартибга солиш мавжуд бўлган тақдирда рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қарама-қаршилиқларнинг мавжуд эмаслигини аниқлаш.

Қуйидагилар келишиб олинган ҳаракатларни ва рақобатни чеклайдиган битимларни амалга ошириш белгилари ҳисобланади:

нархларни бир вақтда ёки 30 кун мобайнида ошириш (пасайтириш);

ўхшаш товарни ишлаб чиқаришга ёки сотиб олиш ёхуд реализация қилишга харажатларнинг турли миқдорларида ягона нархларни белгилаш;

бозорда ягона нархларни белгилаш мақсадида товар қолдиқларини қўшимча баҳолаш;

ўхшаш товарларга бир хил нархлардан бир вақтда чегирмалар белгилаш;

бозорда танқислик ва нархлар юқори бўлган тақдирда келгусида товарларни қайта сотиш учун ишлаб чиқарилган, амалда сотиб олинган/импорт қилинган, товарларни бозорга етказиб бериш ҳажмларини камайтириш;

турли етказиб берувчилар томонидан реализация қилинаётган товарларга юқори нархларни сунъий тарзда сақлаб туриш;

бошқа харидорлар ёки сотувчилар билан шартнома тузилган худди шу шартларда муайян харидорлар ёки сотувчилар билан шартномалар тузишни рад этиш;

товарларни муайян минтақаларда сотишни тўхтатиш.

Хўжалик субъектлари ўртасида ёхуд хўжалик юритувчи субъектлар билан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ёки юридик шахсларнинг бирлашмалари ўртасида рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатларни ва битимларни амалга ошириш ҳолатларининг далиллари Низомга кўра қуйидагилар ҳисобланади:

товар етказиб бериш ҳажмларини келишиш;

нархларни сунъий тарзда ошириш ёки пасайтириш тўғрисида аҳдлашув;

бир хил прејскурантни ёки нархни тасдиқлайдиган буйруқ (протокол, фармойишни)ни қўллаш;

товарларни ишлаб чиқариш ёки сотиш ҳажмларига чеклашлар (квоталар) белгилаш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Рақобатни чеклайдиган битимлар тузиш ҳолатларининг далиллари бевосита ва билвосита бўлиши мумкин.

Шартномалар шартларини, счётлар, юк хатлари, прејскурантлар, тўлов топшириқномалари, қарорлар (шу жумладан

протоколлар), хатлар ва шу кабиларни ўрганиш давомида аниқланадиган келишиб олинган ҳаракатлар ва битимларнинг ҳужжатли тасдиғи рақобатни чеклайдиган битимлар тузиш бевосита далиллар ҳисобланади.

Келишиб олинган ҳаракатлар ва битимларни тасдиқловчи билвосита далиллар муайян даврда бозорда ёки савдолар жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг хатти-ҳаракатини қиёсий таҳлил қилиш давомида аниқланади.

Хўжалик юритувчи субъектлар, юридик шахсларнинг бирлашмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакиллари ўртасида ахборотларни оғзаки ёки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда айирбошлаш, нархларни ошқора эълон қилиш, шунингдек улар томонидан, бунга асосли сабаблар бўлмагани ҳолда, бир хил ва синхрон ҳаракатларни амалга ошириш рақобатни чекловчи битимлар тузишнинг билвосита далиллари ҳисобланади.

Юқоридакўрсатиб ўтилган келишиб олинган ҳаракатлар ёки битимлар белгилари аниқланган тақдирда монополияга қарши орган томонидан рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида, белгиланган тартибда иш кўзғатилади. Хўжалик юритуви субъектлар, давлат бошқаруви органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ёки юридик шахсларнинг бирлашмалари ўзлари содир этган ҳаракатлар ва битимларнинг келишиб олинмаганлиги ва рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид эмаслиги тўғрисидаги далилларни тақдим этишга ҳақли. Монополияга қарши органга ахборотни тақдим этмаганлик ёки ўз вақтида тақдим этмаганлик, ишончсиз ёки сохта маълумотлар тақдим этганлик учун хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, юридик шахсларнинг бирлашмалари ва уларнинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

#### **4.3. Рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлар ва битимлар: хориж қонунчилиги тажрибаси.**

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича биз хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлари ва битимларини юқорида етарлича таҳлил қилдик. Энди, бевосита ушбу йўналишда **хорижий давлатлар қонунчилигида** қандай ҳуқуқий нормалар мавжудлиги ва улар қай тарзда тартибга солинишини келтириб ўтсак.

**АҚШ.** АҚШда хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлари ва битимларини Шерман Қонунининг 1-моддасида шундай дейилади:

Трест шаклидаги ҳар хил битим (контракт) ёки бирлашиш, ёки бир нечта штатлар, ёки миллатлар ўртасидаги савдо-сотикни ёки тижоратни чеклаш мақсадида бошқа турдаги келишиб олишлар қонуний эмас деб ҳисобланади

Шу билан АҚШнинг рақобатга қарши келишиб қилинадиган ҳаракатларини ман қиладиган қонунчилик нормаси тугайди. Модда эса барча керакли элементларга эга:

1) Ҳар хил шаклдаги ҳаракатлар келишилган ҳисобланади (шартнома, трест кўринишида ёки бошқача бирлашиш, келишиш, жумладан яширинча ва ҳ.к.).

2) Келишилган ҳаракатлар рақобатни чеклайди.

Ушбу модда таъсирга тушган ҳаракатлар рўйхати Шерман Қонуни амалда бўлган вақт давомида ўзгариб келган ва Умумий ҳуқуқ (суд прецеденти) асосида шакллантирилган. АҚШнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳозирги кунда рақобатга қарши келишилган ҳаракатларни горизонтал ва вертикал ҳаракатларга, шунингдек ноқонуний *per se* ҳаракатлар тўғри ёндашиш қоидаси асосида кўрилади.

*Per se* ноқонуний келишилган ҳаракатларга асосан нархларни белгилаш, бозорларни тақсимлаш ва бўлиб олиш, вертикал келишувларда нархларни боғлиқлиги, яъни битта шахс бозорга салбий таъсир кўрсатадиган ҳукмронликка эга бўлишини келтириб чиқарадиган горизонтал картел келишувлар киради. Тўғри ёндашиш қоидасига биноан кўриб чиқиладиган келишилган ҳаракатлар рўйхати (қачон рақобатга қарши ҳаракатлар самараси ижобий самара эҳтимолига қарама-қарши тортилади) бирмунча кенгдир.

**Европа Иттифоқи.** Европа иттифоқи рақобат ҳуқуқига назар соладиган бўлсак, ушбу соҳанинг мутахассиси, Halle Университети ўқитувчиси Моритз Лоренс ўзининг “Европа иттифоқи рақобат ҳуқуқига кириш” китобида (Moritz Lorenz, *An introduction to EU competition law*, 2013) ҳамда Смит ва Кингларнинг “Рақобат ҳуқуқи истеъмолчиларни етарли ҳимоя қиладими?” номли китобларида (Smith and King, ‘Does Competition Law Adequately Protect Consumers?’, *European Competition Law Review*, 28 (2007) келтирилишича Европа иттифоқи умумий бозорида рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлар ва битимларнинг тузилишига асосий сабабчи қилиб давлат ҳокимияти органлари ва вакиллари кўрсатишган.<sup>24</sup> Яъни, турли давлат ва ҳукумат миқёсидаги учрашувларда йирик бизнесмен ва ишбилармон соҳа вакиллари учрашиб, ўзлари чиқараётган товарларини ёки кўрсатаётган хизматларини муҳокама қилиш жараёнида, ўзларига маъқул нарларни, сифатларни, шартларни ҳам белгилаб олишлари мумкин ва шундай ҳам бўлмоқда. Уларнинг бундай ҳатти-ҳаракатларини Адам Смит ўзининг 18-асрда ёзиб қолдирган “Миллатлар бойлиги” китобида (Adam Smith, *The Wealth of Nations* 1776) “кўринмас қўл” (invisible hand) деб номлаб, қолган шахсий ёки кичик бизнес вакилларига нисбатан адолатсизлик бўлаётгани ва рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлар ва битимлар доирасига киришини таъкидлашган.<sup>25</sup>

Бундан ташқари, Европа иттифоқининг фаолияти тўғрисидаги Битимнинг (TFEU -Treaty on the Functioning of the European Union) 101- моддаси рақобатга қарши битимлар (anticompetitive agreements), 102-моддаси устун мавқени бузиш (abuse of dominance), 107-109-моддаларидаги давлат ёрдами (State aid) каби моддалар ҳамда Европа иттифоқининг Компаниялар қўшилиши тўғрисидаги Регламентининг (EU Merger Regulation) тегишли

<sup>24</sup>Moritz Lorenz, *An introduction to EU competition law*, 2013, Chapter 7: The limitations of the market mechanism, p.23. Smith and King, ‘Does Competition Law Adequately Protect Consumers?’, *European Competition Law Review*, 28 (2007)

<sup>25</sup>Adam Smith, *The Wealth of Nations* 1776. Book 4, Chapter 2: Of restraints upon importation from foreign countries of such goods as can be produced at home.

бобларида ҳам рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлар ва битимлар ҳақида сўз кетган.<sup>26</sup>

Бундан ташқари Рим Шартномасининг 81-моддаси рақобатга қарши келишилган ҳаракатларни тақиқлашни АҚШдаги Шерман Қонунига қараганда кўпроқ келтирган.

Қуйидагилар умумий бозорга мос келмагани учун ман қилинади: умумий бозор чегарасида рақобатни олдини олиш, чеклаш ёки бузиш мақсадига эга бўлган ва Аъзо Мамлакатлар ўртасидаги савдо-сотикқа таъсир (салбий) кўрсатиши мумкин бўлган корхоналар ўртасидаги барча битимлар, корхоналар ассоциацияларини қарорлари ва келишилган ҳаракатлари, яъни:

а) Сотиш ва сотиб олиш нархларини ёки савдо-сотикни бошқа шартларини бевосита ёки билвосита белгилайдилар;

б) Ишлаб чиқаришни, бозорларни, техник ривожланишни, ёки инвестицияларни чеклайдилар ёки назорат қиладилар;

с) Бозорларни ёки етказиб бериш манбаларини тақсимлаёдилар;

д) Савдо-сотик бўйича бошқа ҳамкорлар билан эквивалент битимларга тенг бўлмаган шартларни қўллайдилар ва шу билан рақобатчиларни ноқулай аҳволга соладилар;

е) Туси ёки тижорат(савдо) белгиланганлиги бўйича контракт (битим, шартнома) предмети билан боғлиқ бўлмаган шартларни кўшимча тарзда контрактларга киритиш шарти билан контракт тузиш.

Шундай қилиб, моддада ушбу битимларни индикатив сифатида бешта асосий туридан иборат рўйхатини келтиради. Асосий мезонлар:

1. Ҳаракатлар томонлар ўртасида келишилган (мумкин бўлган барча шаклларда).

2. Ҳаракатларни мақсади ёки самараси рақобатни олдини олиш, чеклаш ёки бузиш.

Бироқ, Рим Шартномасининг 82 моддаси маълум мезонларга жавоб берувчи истисноларга рухсат беради:

... (келишиб қилинган ҳаракат) ишлаб чиқаришни яхшилашга ва товарларни тарқатишга ёки техника тараққиётига ҳисса қўшади,

<sup>26</sup> TFEU -Treaty on the Functioning of the European Union (consolidated version), OJNo. C 115 of 9 May 2008, p. 47], EU Merger Regulation.

шу билан бирга истемолчига охирги фойдадан инсофли улушни беради:

а) Кўрилаётган корхоналарга ушбу мақсадга эришиш учун мажбурий бўлмаган чеклашларни қўймайди;

б) Ушбу корхоналарга кўрилаётган бозор қисмларида рақобатни чеклаш имконини бермайди;

Юқорида эслаб ўтилгандек, Европа Комиссияси юқоридаги норма асосида истисноларни чиқаришга ваколатли бўлиб, якка тартибда, ҳамда бутун тармоқларга нисбатан гурухлашган (block exemptions) бўлиши мумкин.

**Россия.** Россиянинг “Рақобатни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг янги таҳрири Европа Иттифоқи ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан узвий боғлиқлиги кўзга ташланади (хусусан Рим Шартномасининг 82-моддаси ва ҳукумат ва ваколатли орган томонидан истисноларни бериш амалиёти). Биринчи қисм ушбу таъқиқлашга тушадиган 9 та ҳолатнинг рўйхатини келтиради. Жумладан, 6-моддада хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклайдиган битимлари ёки келишиб қилинган ҳаракатларини таъқиқлаш қуйидагича таъкидлаб ўтилган:

1. Муайян товар бозорида хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклаб қўйган ёки чеклаб қўйиши мумкин бўлган қуйидаги битимлари ва келишиб қилинган ҳаракатлар таъқиқланади:

1) нархлар (тарифлар), чегирмалар, устамалар (қўшимча тўлов) белгилаш (сақлаб туриш);

2) савдода нархларни ошириш, пасайтириш ёки ушлаб туриш;

3) бозорни ҳудуд бўйича, сотув ёки харид ҳажми, товарлар хиллари бўйича, сотувчилар ва харидорлар (буюртмачилар) бўйича бўлиб олиш;

4) маълум сотувчилар ёки харидорлар (буюртмачилар) билан шартнома тузишдан бош тортиш;

5) контрагентга унга фойдали бўлмаган ёки шартнома предметига таалуқли бўлмаган (молиявий маблағлар, бошқа мол-мулк ва мулкый ҳуқуқларни ўтказишга доир талабларни мажбуран қабул қилдириш, шартномани контрагент манфаатдор бўлмаган товарларга таалуқли бўлган қоидаларни киритиш шарти билан тузиш ва бошқа талаблар) шартларни мажбуран қабул қилдириш;

6) битта товарни сотиб олувчи шахсларга иқтисодий, техник ва бошқа шартлар билан асосланмаган турлича нархларда (тарифларда) сотиш;

7) буюртмалар ва талаб бўлган товарларни ишлаб чиқаришга қулай шароитлар бўлган тақирда ҳам, шунингдек уларни зарарсиз ишлаб чиқариш имконияти бўлганда ҳам уларни ишлаб чиқаришни асоссиз қисқартириш ёки тўхтатиш;

8) бошқа хўжалик юритувчи субъектларга бозорга кириш (чиқиш) учун тўсиқларни вужудга келтириш;

9) рақобани чеклаши, бартараф қилиши ёки унга йўл қўймаслиги мумкин бўлган профессионал ёки бошқа бирлашмаларда аъзолик (иштирок этиш) шартларини, шунингдек, аъзоликни асосланмаган мезонларини белгилаш тўлаш ёки бошқа системаларга кириш учун тўсиқ ҳисобланса, ва унда иштирок этмаслик ўзаро рақобатлашадиган молиявий ташкилотлар керакли молиявий хизматларни кўрсата олмасалар.

6-модданинг 2 ва 3 қисмлари рақобатга қарши горизонтал ва вертикал келишилган ҳаракатларни қолган ҳаммасини тақиқлайди. Асосий мезон – рақобатни чеклаш:

2. Муайян товар бозорида ҳаракатланувчи хўжалик юритувчи субъектларни рақобатни чекловчи бошқа битимлари ёки келишиб қилинган ҳаракатлари тақиқланади.

3. Маълум товар бозорида ўзаро рақобатлашмайдиган, товарни олувчи (потенциал сотиб олувчи ҳисобланадиган) ва тақдим қилувчи (потенциал сотувчи ҳисобланадиган) хўжалик юритувчи субъектларни рақобатни чекловчи битимлари ва келишиб қилинган ҳаракатлари тақиқланади, Федерал қонуннинг 7-моддасида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно.

Бироқ, 6-модданинг 3-қисми вертикал келишувларга қўлланиладиган *de minimis* нормага асосланади (7 модда):

Ўзаро рақобатлашмайдиган, товарни олувчи (потенциал сотиб олувчи ҳисобланадиган) ва тақдим қилувчи (потенциал сотувчи ҳисобланадиган) хўжалик юритувчи субъектларни рақобатни чекловчи битимлари ва келишиб қилинган ҳаракатларига рухсат берилади, қачонки, ушбу хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳар бирини улуши ҳар қандай товар бозорида 5% дан ортиқ бўлмаса.

Россиянинг қонуни шунингдек рақобатга қарши мувофиқлаштирувчи ҳаракатларни ҳам тақиқлайди, нимага-ки, уларни фарқи рақобатга қарши келишилган ҳаракатлардан (6 модда, 4 қисм):

4. Жисмоний шахслар, тижорат ва нотижорат ташкилотларининг ушбу моддани биринчи қисмида қайд этилган оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келадиган, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштирувчи фаолиятлари тақиқланади.

6-модданинг бешинчи қисмида 6-моддадаги тақиқлашларга истиснолар қилувчи нормага асосланади ва ушбу истисноларни (озод қилиш) бериш тартибини белгилайди:

5. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ушбу модданинг 2 ва 3 қисмларида кўрсатилган битимлари ёки келишиб қилинган ҳаракатлари, қонуний деб ҳисобланиши мумкин, қачонки хўжалик юритувчи субъект судга ёки монополияга қарши органган уни ҳаракатларини оқибатлари ушбу Федерал қонуннинг 8 моддасини 1 қисмини 1 ва 2 бандларида санаб ўтилган шартларни қондиришини исботлаб берса.

8 модда. Истиснолар

1. Хўжалик юритувчи субъектларни ушбу Федерал қонунни 5 моддасини 1 қисмида (5 модданинг 1 қисмини 1,2,3,5,6 ва 7 бандларида кўрсатилган ҳаракатлардан ташқари), 6 моддасини 2 ва 3 қисмларида ва 25 моддасида кўзда тутилган ҳаракатлари (ҳаракатсизликлари) қонуний деб ҳисобланади, қачонки ушбу ҳаракатлар (ҳаракатсизликлар) алоҳида шахслар учун маълум товар бозорида рақобатга йўл қўймаслик ёки уни бартараф этишга шароит яратмаса, ва қуйидаги оқибатларга олиб келиши мумкин бўлса:

1) товарларни ишлаб чиқариш (сотиш) ёки техника тараққиётини (иқтисодий) рағбатлантиришга ёхуд жаҳон бозорида товарни рақобатбардошлигини оширишга қўмаклашса;

2) харидорлар томонидан ушбу ҳаракатларни содир этишдан тегишли шахслар оладиган афзалликларни (фойда) бир қисмини олиши ва бунда учунчи шахсларга ёки ушбу ҳаракатларда қатнашувчиларни ушбу ҳаракатларини чекламаса, ва ушбу ҳаракатлар мақсадига эришиш учун зарур бўлса.

2. Россия Федерацияси Ҳукумати ушбу модданинг (жамоа истиснолари) 1 қисми, 1 ва 2 бандларида кўрсатилган шартларга мос келадиган битимлар ва келишиб қилинадиган ҳаракатлар турларини белгилаш ҳуқуқига эга Маълум турдаги битимлар ва келишиб қилинган ҳаракатларни кўрсатилган шартларга мос келиши тўғрисидаги қарор ушбу Федерал қонунни 6 моддасини 2 ва 3 қисмларида кўрсатилган битимлар ва келишиб қилинган ҳаракатларга нисбатан Монополияга қарши федерал органнинг таклифи бўйича Россия Федерацияси Ҳукумати томонидан қабул қилинади. Жамоа истиснолари аниқ муддатга киритилади ва қуйидагиларни белгилайди:

- 1) битимлар ва келишиб қилинган ҳаракатларнинг тури;
- 2) ушбу битимлар ёки келишиб қилинган ҳаракатларга нисбатан йўл қўйиладиган шартлар;
- 3) шундай битимларда бўлиши шарт бўлган мажбурий шартлар;

Жамоа истиснолари сифатида ушбу битимлар ва келишиб қилинган ҳаракатлар мос келадиган бошқа шартлар ҳам кўзда тутилиши мумкин.

**Япония.** Япониянинг Монополияга қарши қонунини 3 моддаси хусусий монополлашишдан ташқари, шунингдек савдо-сотикни нотўғри чеклашни ман қилади: ҳеч қайси тадбиркор хусусий монополлашиш ёки савдо-сотикни нотўғри чеклаши мумкин эмас.

Нотўғри чеклашни таърифи 2-модданинг 6 қисмида берилган:

ушбу ҳужжатда ишлатиладиган “савдо-сотикни нотўғри чеклаши” атамаси шундай тадбиркорлик фаолиятини билдирадики, бунда ҳар хил тадбиркор шартнома, битим ёки ҳар хил бошқа келишилган ҳаракатларга мувофиқ, уларни номидан қатъий назар, бошқа тадбиркор билан шундай ҳаракатларни амалга оширадики, бунда биргаликдаги ҳаракат нархларни ушлаб туриш ёки уларни оширишга, технологиялар, хизмат қилиш воситалари шундай таъсир кўрсатадики, бу билан мижозлар(истеъмолчилар) ёки етказиб берувчиларни жамоа манфаатларига зид келуви, ва савдо-сотикни ҳар хил алоҳида соҳасида рақобатни сезиларли тарзда чеклашини келтириб чиқаради.

**Германия.** Германиянинг келишиб қилинган ҳаракатларни тартибга солувчи Рақобатга қарши чеклаш қонуни нормалари барча

милий қонунчиликлар ичида энг мукаммали деса муболаға бўлмайди. Шерман Қонунидан фарқли тарзда ГФР қонуни рақобатни чеклаш бўйича ҳар хил битимлар, бирлашишлар ёки келишиб олишларга нисбатан умумий тақиқлашлар йўқ. Унда чеклашнинг маълум шаклларига нисбатан алоҳида нормалар қайд қилинган, уларга қуйидагилар киради:

1. Горизонтал чеклашлар ( 1-13 моддалар)
2. Вертикал чеклашлар (14-18 моддалар)
3. Камситувчи чеклашлар (20 модда)
4. Бойкотлар ( 21 модда)
5. лекин, ГФР “Рақобатни чеклашга қарши Қонуни” Европа

Иттифоқи нормаларига мослаштирилган.

**Буюк Британия.** Бирлашган Қиролликларни Рақобат тўғрисидаги қонунини рақобатга қарши келишилган ҳаракатларини ман қилувчи моддаси Рим Шартномасини 81 моддасига кўра ишлаб чиқилган. Рақобат тўғрисидаги қонуннинг 2 моддасини 1 қисмида шундай дейилади:

3 моддада қайд қилинар экан, корхоналар ўртасидаги , уларни ассоциациялари қарорлари ёки келишиб қилинган ҳаракатлари:

а) Бирлашган Қироллик худудида савдо-сотикқа салбий таъсир кўрсатиши мумкин, ва

б) Бирлашган Қироллик чегарасида рақобатни олдини олиш, чеклаш ёки бузишни ўзини объекти ёки самараси деб билса, тақиқланади, агарда ушбу Қисм (1 қисм) шартларига асосан озод қилинмасалар

2-модданинг 2 қисми Рим Шартномасини (ЕИ) 81 моддасидан сўзма-сўз олинган ушбу битимлар турларини тўлиқ бўлмаган рўйхатини келтиради:

- Сотиш ва сотиб олиш нархларини ёки савдо-сотикни бошқа шартларини бевосита ёки билвосита белгилайдилар;
- Ишлаб чиқаришни, бозорларни, техник ривожланишни, ёки инвестицияларни чеклайдилар ёки назорат қиладилар;
- Бозорларни ёки етказиб бериш манбаларини тақсимлаёдилар;
- Савдо-сотик бўйича бошқа ҳамкорлар билан эквивалент битимларга тенг бўлмаган шартларни қўллайдилар ва шу билан рақобатчиларни ноқулай аҳволга соладилар;

- Туси ёки тижорат(савдо) белгиланганлиги бўйича контракт (битим, шартнома) предмети билан боғлиқ бўлмаган шартларни кўшимча тарзда контрактларга киритиш шарти билан контракт тузиш.

Офисни Бош Директорини Йўриқномасида, ушбу модда таъсирига тушувчи битимлар/келишиб қилинган ҳаракатларни батафсил рўйхати келтирилади:

Нархларни бевосита ва билвосита чеклаш бўйича битимлар

Савдо шартларни чеклаш бўйича битимлар

Бозорларни бўлиб олиш бўйича битимлар

Ишлаб чиқариш ва инвестицияларни чеклаш ёки назорат қилиш бўйича битимлар

Савдодаги келишиб олиш

Биргаликда сотиб олиш/сотиш

Ахборотларни алмаштириш бўйича битимлар

Рекламани чеклаш бўйича битимлар

Стандартлаштириш бўйича битимлар

Бунда ушбу рўйхат иллюстративланган ҳисобланади. Корхоналар ўртасидаги муносабатлар, келишиб қилинган ҳаракатлар турли-туман бўлиши мумкин. Иқтисодий ва технологик ривожланиш муносабати билан муносабатларни янги турлари пайдо бўлади, уларни барчасини битта ҳужжатда ҳисобга олиш имконияти йўқ.

Германиянинг қонунчилиги сингари, Буюк Британиянинг рақобат тўғрисидаги қонуни рақобатга қарши битимлар/келишиб қилинган ҳаракатларни ман қилишдан мустасно қилишни жуда мураккаб ва муфассал таърифлаб берилган схемасига эга.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, рақобатни ҳимоя қилувчи восита ва кучли инструмент сифатида монополияга қарши сиёсатга суяниш ички рақобат иқтисодиётни муҳим жиҳати ҳисоблаган ривожланган мамлакатлар учун энг кучли ва тўғри йўл бўлди. Масалан, дунё миқёсида монополияга қарши энг қаттиқ сиёсат АҚШ ва Европа Иттифоқида (асосан Германия) кузатилган. Дунё миқёсида унчалик катта бўлмаган иқтисодиётлар муқобил иқтисодий мақсадларни баҳолаш тенденциясига эга бўлганлар, булар асосан, саноатни ривожланиши ва экспортни ўсишини рақобатга нисбатан юқори қўйилган ва индустриал сиёсатни

рақобатга қарши самара билан кенг ишлатишни намоиш қилганлар.

Рақобатдан бошқа мақсадларга эътибор қаратиш кучсиз сиёсатда акс этади, у маълум хатти-ҳаракатларни ўрганишдан озод қилади ёки монополияга қарши қонунлар доирасида легитимликни рақобатлашмайдиган стандартларини ишлаб чиқади. Монополияга қарши ўрганишдан озод қилиш иқтисодий мақсадларни кўзлашни фавқулодда чораси ҳисобланади, рақобатдан фарқ қилади ва шу билан энг устувор иқтисодий мақсадлар билан чекланиши мумкин.

Лекин шунга қарамасдан, иқтисодий юксалиш суръатларини сусайиши ва иқтисодиётни миллий индустриал секторлари томонидан концентрациялашувчи юқори даражаларига эришиши билан, монополияга қарши тартибга солиш ва охиргидан озод этиш учун стандартларни тартибга солишни каттиқлашиши тенденцияси мавжуддир.

Ўрганилган иқтисодиётларни ичида умумий жиҳатлар бу қонунларни хусусий секторни хатти-ҳаракатларини тартибга солишга қаратилганлигидир. Масалан, нархларни чеклаш ва уларни ушлаб туриш деярли ҳамма жойда ноқонуний ҳисобланади. Бироқ, ушбу қонунларни ҳаётга тадбиқ этишни маъмурий механизмлари мамлакатдан мамлакатга жуда ўзгарувчан бўлади. Барча қонунчиликлар монополияга қарши қонунларни маъмурий агентликлар ёрдамида ўрганишни ўтказиш, қонунларни талқин қилиш ва қонунбузувчиларга нисбатан компенсация чораларини белгилаш ёрдамида амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикасида ҳам ҳалол рақобатни қўллаб-қувватловчи, монополияга қарши ҳаракатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тобора мукамаллашиб ушбу соҳада вужудга келадиган муносабатларни тартибга солишда улкан аҳамият касб этмоқда.

Жумладан, хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлари ва битимлари таҳлил этилиб, уларни бу каби ҳаракатлардан тийилишга, эркин рақобатни вужудга келтиришга ва бу каби саъй-ҳаракатлар натижасида бозор иқтисодиётини янада ривожлантиришга замин яратилмоқда.

## **НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР:**

1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатларининг битимлардан фарқи ва ўхшаш жиҳатлари нимада акс этади?

2. Горизонтал битимларнинг вертикал битимлардан асосий фарқи нимада? Жавобингизни асослаб беринг.

3. Ишлаб чиқариш бозорида маҳсулотлар устидан назорат ўрнатиш хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлари ёки битимлари сирасига кирадими?

4. Хорижий давлатлар қонунчилигидаги келишиб олинган ҳаракатлар тушунчаси билан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ўртасида қандай ўхшаш ва тафовутлар мавжуд?

### 1-казус

Товар бозорида 10% шакарни етказиб берувчи “Али” МЧЖ ва 15% шакар етказиб берувчи “Вали” МЧЖ шакарнинг ҳар бир килограммини 5,000 сўмдан сотишга келишиб олди. Лекин бозорда 75% шакарни етказиб берувчи “Гани” АЖ ушбу нарх уни қониқтирмаслигини ва шакарни олдинги 4000 сўм нархда сотиш кераклигини таъкидлади.

“Али” МЧЖ ва “Вали” МЧЖларнинг ҳаракатлари келишиб олинган ҳаракатлар сирасига кирадими? Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг?

### 2-казус

Бозорда сут маҳсулотларининг 10% етказиб берувчи “Қаймоқ” ХК раҳбарига шу бозорда гўшт маҳсулотларини сотувчи ва устун мавқега эга бўлган “Қассоб” МЧЖ раҳбари сут маҳсулотларини фақат “Қассоб” МЧЖдан олишини, акс ҳолда “Қаймоқ” ХК маҳсулотлари ҳажмини 5%га қисқартириши ёки ўзига бошқа жойдан бозор излаши лозимлигини таъкидлади.

Ушбу вазиятга рақобат қонунчилиги бўйича ҳуқуқий баҳо беринг.

**V-БОБ.**  
**ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ, МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ**  
**ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР**  
**БИРЛАШМАЛАРИНИНГ РАҚОБАТНИ ЧЕКЛАЙДИГАН**  
**ҲУЖЖАТЛАРИ ҲАМДА ҲАРАКАТЛАРИ**

---

*5.1. Товар ва молия бозорида рақобатни чеклайдиган давлат органлари ҳужжатлари ва ҳаракатлари тушунчаси ҳамда уларнинг таснифи*

*5.2. Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятига оқибатда рақобат чекланиши мумкин бўлган тарзда аралашши*

*5.3. Давлат органлари ва юридик шахс бирлашмаларининг товар ва молия бозорларида рақобатни эркин ривожлантиришига тўсқинлик қилувчи ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситувчи ҳаракатлари*

*5.4. Товар ва молия бозорида рақобатни чеклайдиган давлат органларининг бошқа ҳаракатлари*

---

**5.1.Товар ва молия бозорида рақобатни**  
**чеклайдиган давлат органлари ҳужжатлари**  
**ва ҳаракатлари тушунчаси ҳамда уларнинг**  
**таснифи**

---

Тадбиркорлик фаолиятини рақобатсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам у иқтисодиётни ривожлантирувчи асосий омиллардан бўлиб ҳисобланади.

Рақобат инсон фаолиятининг деярли барча соҳаларида учрайди. Рақобатда рақобатлашаётган тарафлар битта мақсад учун ўзаро мусобақалашади. Бунда хўжалик юритувчи субъектлар товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотишда бир-биридан яхшироқ шароитларни яратиб, мумкин қадар кўпроқ фойда олишга интилишади.

Рақобат муҳити мавжуд бўлган иқтисодиётда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти эркин бўлади, яъни исталган товар(иш,хизмат)лар бозорида фаолият кўрсатишлари ва улардан ўз хоҳишлари бўйича чиқиб кетишлари мумкин.

Рақобат ривожланган сари одамларнинг турмуш даражаси яхшиланиб боради. Рақобатни йўқ қилиниши ёки асоссиз равишда чеклаб қўйилиши эса иқтисодиётни инқирозга ҳамда одамларнинг турмуш даражасини тушиб кетишига олиб келиши мумкин. Чунки фақатгина рақобат воситасида нархи арзон ва сифати юқори бўлган товар(иш,хизмат)лар ишлаб чиқилади ҳамда реализация қилинади.

Рақобат шароитида ўзи билган ёки билмаган ҳолда бозорда **инсофсиз рақобат ёки монополистик фаолият** мавжуд бўлишига имконият яратмаслиги лозим. Ушбу ҳолатни олдини олишга қонунчилик қатъий ёндашади ва бу масала кейинги қисмларда чуқурроқ ёритилади.

Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида “рақобатга қарши ҳаракатлар” тушунчаси таърифи берилган:

**Рақобатга қарши ҳаракатлар**—бу рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида хўжалик юритувчи субъектлар учун ман этилган ҳаракатлар, шунингдек давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг рақобатни чеклашга қаратилган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)дир.

Рақобатга қарши ҳаракатларнинг бир тури сифасида давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва юридик шахслар бирлашмаларининг рақобатни чеклайдиган ҳужжатлари ҳамда ҳаракатлари эътироф этилади ва қонун билан тақиқланади (“Рақобат тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддаси).

Давлат органларига давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари киради.

**Давлат бошқаруви органларига** – вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари ҳамда уларнинг ҳудудий бошқарма ва бўлинмалари кирса, **маҳаллий давлат ҳокимияти органлари** вилоят, туман ва шаҳархалқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимликлар ҳисобланади.

Булардан ташқари, рақобатга қарши ҳаракатларнинг ушбу турини содир этиши мумкин булган субъектлар сирасига юридик

шахсларнинг бирлашмалари ҳам киради. **Юридик шахс бирлашмалари** сифатида икки ёки ундан ортиқ юридик шахсларнинг манфаатлар ҳамоҳанглигида (фойда олишни кўзлаб) бирлашган кўринишлари эътироф этилади. Масалан: “Ўзкимёсаноат” АЖ, “Ўзпахтасаноат” АЖ, “Ўздонмахсулот” АК.

“Рақобат тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддасида давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг амалга ошириши таъқиқланган фаолият турлари кўрсатилган.

Улардан бири –буфаолиятнинг бирор бир соҳасида янги хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этишга чекловлар жорий этиши, шунингдек фаолиятнинг айрим турларини амалга оширишни ёки муайян товарлар ишлаб чиқаришни ман этиши. Ушбу турдаги ноқонуний ҳаракатлар рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни берадиган давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва юридик шахслар бирлашмалари томонидан содир этилиши мумкин.

Бундан ташқари, шартномалар тузишда устунлик бериш, сотиб олувчиларнинг муайян доирасига товарларни биринчи навбатда реализация қилиш, молиявий маблағларнинг манбаларини танлаш ва улардан фойдаланиш йўналишларининг афзаллиги тўғрисида хўжалик юритувчи субъектга кўрсатмалар бериш ҳам амалга оширилиши таъқиқланган фаолият турларига киради.

Кейингиси, амалиётда кўп учраши мумкин бўлган таъқиқланган фаолият турларидан бири бу айрим хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга кўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асосиз равишда беришдир. Рақобатга қарши ушбу турдаги ҳаракат ноқонуний тарзда берилган ёки берилиши кутилаётган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликлар бошқа рақобатлашиши мумкин бўлган хўжалик субъектларнинг

айрим(лар)ига берилиши ва бошқа хўжалик субъектларига берилмаслиги тарзида амалга оширилади.

Давлат органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиш, ўз вазифаларини хўжалик юритувчи субъектларнинг вазифалари билан қўшиб бажариши ҳамда айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) белгилаш ҳам амалга ошириши ҳам таъқиқланган фаолият турларига киради. Боиси, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллардан ташқари, давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат органлари ва юридик шахсларнинг бирлашмалари бошқа хўжалик юритувчи субъектнинг устав капиталидан улушга эга бўлиши таъқиқланади.

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва юридик шахслар бирлашмаларининг рақобатни чеклайдиган ҳаракатлари сирасига яна ўз вазифаларини хўжалик юритувчи субъектларнинг вазифалари билан қўшиб бажариши ҳам киради. Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва юридик шахслар бирлашмалари қонун ҳужжатлари ва ўз таъсис ҳужжатларида белгиланган вазифаларни бажаришлари шарт. Улар томонидан муайян хўжалик юритувчи субъект

---

## **5.2. Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятига оқибатда рақобат чекланиши мумкин бўлган тарзда аралаш**

---

Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётида етарлича рақобатни таъминлашда хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик ва иқтисодий фаолияти бўйича турли хил функцияларни (тартибга солиш, кўмаклашиш ва улар фаолиятини назорат қилиш ва ҳ.к.) амалга оширадиган ижро ҳокимияти муҳим

аҳамият касб этади. Хусусан, ижро ҳокимияти органлари иқтисодиётга ҳар хил таъсирлар кўрсатиши, рақобат воситаларини таъминлаши мумкин. Қонун чиқарувчи эса, ҳар қандай вазиятда ижро ҳокимияти органлари томонидан ижро ҳокимияти органларининг, жумладан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ва юридик шахслар бирлашмаларининг рақобатни чекловчи ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)га йўл қўймасликка қаратилган муайян талабларни белгилайди.

“Рақобат тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддасида айтиб ўтилган қоидалар бу ерда ҳам амал қилади.

“Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятига **оқибатда рақобат чекланиши мумкин бўлган тарзда аралашши**” деганда нимани тушуниш мумкин?

Айтайлик, маълум бир тадбиркорга маълум муддатга афзаллик бериш, аввалига рақобатга тўсқинлик қилмайдиган ҳаракат бўлиши мумкин, лекин охир оқибатда рақобатни чеклайдиган ҳолатлар пайдо қилиши хавфи борми, демак бундай ҳужжатлар чиқариш ёки ҳаракатларни амалга ошириш ҳам таъқиқланади.

Бунга мисол тариқасида 12-модданинг биринчи ва иккинчи қисмида келтирилган барча ҳолатларни келтириш мумкин.

Юридик шахслар бирлашмаларининг ҳам хўжалик юритувчи субъектлари иқтисодий фаолиятига пировард натижа дарақобатни чеклаб қўядиган ёки чеклаб қўйиши мумкин бўлган тарзда аралашши тақиқланади.

---

### 5.3. Давлат органлари ва юридик шахс бирлашмаларининг товар ва молия бозорларида рақобатни эркин ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситувчи ҳаракатлари

---

Давлат органларининг рақобат қоидаларини бузадиган ҳаракатлари ва ҳужжатларининг катта қисми хўжалик фаолиятини

амалга оширишга асоссиз тўсқинлик қилишда кузатилади. Ушбу турдаги тўсқинлик қилиш қуйидагиларда: ноқонуний тўловлар жорий қилиш, объектларни жойлаштиришга рухсат беришни рад қилиш, рухсат берувчи ҳужжатларни ва ҳужжатларга розилик беришни рад қилиш ва ҳ.к.намоён бўлади

“Рақобат тўғрисида”ги қонунининг 12-моддаси иккинчи қисмига кўра:

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва юридик шахслар бирлашмаларининг товар ёки молия бозорининг нормал фаолият кўрсатишига, рақобатни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситувчи ҳаракатлари, шу жумладан:

нархларни ёки тарифларни ошириши, пасайтириши, сақлаб туриши;

тегишли бозорни худудий принцип бўйича, реализация қилиш ёки харидлар ҳажми бўйича, товарларнинг хиллари бўйича ёхуд товарларни сотувчилар ёки сотиб олувчилар, товар буюртмачилари доираси бўйича бўлиб олиши;

хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга киришини чеклаши ёки уларни бозордан четлатишга олиб келадиган келишиб олинган ҳаракатлари ва битимлари таъқиқланади.

Давлат ҳокимияти ҳужжатлари (ҳаракатлари, келишувлари) масаласи янги қонуннинг бир неча моддасида ёритилган.

Уларнинг айримларига тўхталамиз.

Ҳужжатлари (ҳаракатлари) рақобатни чеклаши мумкин бўлган шахслар (давлат органлари) гуруҳига ижро этувчи органлар, маҳаллий ўзини-ўзи бошқарувчи органлар (хиссасига кўпроқ микдордаги ҳуқуқбузарликлар тўғри келади) ёки бошқа органлар ва ташкилотлар киради.

**Жорий қонунчиликка кўра, органлар ва ташкилотларга**

**қуйидаги қарорларни қабул қилиш ёки хатти-ҳаракатларни амалга ошириш таъқиқланади:**

**7.** Хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини чегараловчи ҳужжатлар чиқариш;

**8.** Алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг фаолият шартларига асос солиш ва бир пайтда иккала шартларни таъминлаш;

**9.** Қаршилиқ, тўсқинлик қилиш, рақобатни бартараф қилиш ва хўжалик юритувчи субъектлар манфаатларини эгаллаш ёки эгаллаб олиш.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шикоятлар йўқлиги монополияга қарши кураш органи учун ўз ваколатлари доирасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини назорат қилиш ва қонунга хилоф хатти ҳаракатларини олдини олишга тўсқинлик қилмаслиги лозим. Шундай қилиб мазкур нормани келтириб ўтилган шахсларга товар бозорларида меъёрдаги рақобатга тўсқинлик қилувчи ва бунинг оқибатида эса хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқларини камситилишига сабаб бўлувчи ҳужжатлар қабул қилишни ҳамда ҳаракатлар содир этишни таъқиқловчи норма сифатида кўриб чиқилса тўғрироқ бўлади.

Ноқонуний ҳужжатлар ва фаолиятларнинг ягона оқибати рақобатга путур етказишдан иборат бўлади. Бундай ҳужжатлар рақобатни вужудга келтирмаслиги, чеклаши, йўқ қилинишига олиб келади ёки олиб келиши мумкин.

Мавжуд ҳолат сифатида таъкидлаш лозимки, нафақат давлат органларининг ҳаракатлари, балки, ҳаракатсизлиги ҳам таъқиқланиши мумкинлиги янги қонунда кўрсатилган.

Яна бир муаммо сифатида ҳокимият органларининг ҳуқуқбузарлигини тартибга солиш муаммосига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Бу доминант ваколат (устун мавқе) ни суиистеъмол қилишга тааллуқли.

Қонунда ҳаракат (ҳаракатсизлик)ка тақиқ, “рақобатни ривожлантириш ва бошқа шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни чекловчи, тақиқловчи, йўл қўймайдиган бўлиб кўринадиган ёки кўриниши мумкин бўлган натижага олиб келувчи”

тақиқлар кўрсатиб ўтилган. Бу пунктда алоҳида тақиқланган хатти-ҳаракатлар рўйхати ҳам кўрсатилган бўлиб, бунинг учун “шу жумладан” ибораси қўлланилган. Бу ҳолатни икки хил йўсинда таҳлил қилиш мумкин. Бир томондан, айтиш мумкинки, рўйхатда кўрсатилган рақобатни чекловчи ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказувчи хатти-ҳаракатлар рўйхатда назарда тутилган алоҳида ҳаракатлар жумласига киради. Бу ҳолатда рўйхатда кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш фактини исботлаш муҳим аҳамият касб этиб, рақобатни чеклаш ёки бошқа субъектларнинг манфаатларига путур етказиши шарт эмас. Бошқа томондан, рўйхатда назарда тутилган хатти-ҳаракатларни бошқа шартларни тақиқловчи бир турдаги шартлар билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар натижаси рақобатни чекловчи, тақиқловчи ёки йўл қўймайдиган шартлар натижасига олиб келиши мумкин.

Агар рўйхатда назарда тутилмаган ҳужжат ёки хатти-ҳаракат масала доирасида қабул қилинган бўлса, унда уларни рўйхатда назарда тутилмаган қонунга хилофликнинг ҳамма аломатларини, қонунда назарда тутилган рақобатнинг вужудга келиши мумкин бўлган ёки вужудга келган алоқаларни истисно қилган ҳолда исботлаш мумкин.

Мисол учун, таъқиқландиган ҳолат сифатида формал таркибли давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва юридик шахслар бирлашмаларининг рақобатни чеклайдиган ҳужжатлари ҳамда ҳаракатлари қаторида у ёки бу хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига тўсқинлик қилиш мавжуд.

Яна бир мисолни кўриб чиқадиган бўлсак, суд амалиётида шундай ҳолат бўлганки, хўжалик низоси солиқ инспекциясининг бир МЧЖга солиққа тортишнинг соддашлаштирилган тизимига ўтишига тўсқинлик қилганлигидан бошланган. МЧЖ антимонопол (монополияга қарши кураш органи) (рақобат) органига мурожаат қилиб, солиқ органининг мазкур ҳаракати унинг хўжалик фаолиятига тўсқинлик қилишини ва манфаатларини чеклашини баён қилган. Рақобат органи солиқ инспекциясига қарорини бекор

қилиш хусусида кўрсатма берган. Ўз навбатида, солиқ инспекцияси судга мазкур кўрсатмани ҳақиқий эмас деб топиш талаби билан муурожаат қилади. Суд низони кўриб чиқиб, солиқ инспекциянинг рад қилиши хўжалик субъектининг мустақиллигини чекламаганлигини, тадбиркорлик фаолияти масалаларида камситмаганлигини ва рақобатбардошлигига таъсир кўрсата олмаслигини ва ж қилиб, солиқ инспекция талабларини қаноатлантирган.

Бошқа вазиятда солиқ инспекцияси хўжалик юритувчи субъектга сотилган маҳсулотларга қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаш хусусида кўрсатма беради. Ушбу ҳолатда антимонопол орган солиқ инспекцияга Рақобат тўғрисидаги қонуннинг бузилиш ҳолатини бартараф этиш ҳақида кўрсатма беради. Солиқ инспекция судга муурожаат қилиб, антимонопол орган томонидан солиқ инспекциясининг қабул қилган ҳужжати ва содир этган ҳаракати хусусида далил тақдим этмаганлигини ва нархларни белгилашда хўжалик юритувчи субъект қонунлар доирасида мустақиллигини баён қилади. Оқибатда солиқ инспекциясининг талаблари қондирилади.

---

#### 5.4. Товар ва молия бозорида рақобатни чеклайдиган давлат органларининг бошқа ҳаракатлари

---

Давлат органлари ва юридик шахслар бирлашмалари (иттифоқлари, уюшмалари), хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг уюшмага кирган хўжалик юритувчи субъектлар хўжалик фаолиятига рақобатни чеклайдиган ёхуд чеклаши мумкин бўлган тарзда аралашини тақиқланади. Ушбу талабни бузиш монополияга қарши давлат органи (ўз ваколатлари доирасида ҳудудий орган)нинг даъвосига биноан юридик шахслар бирлашмаси (иттифоқи, уюшмаси)нинг, хўжалик ширкати ёки жамиятининг суд орқали тугатилишига асос бўлиши мумкин.

Қонун бузилиши ҳақида, шу аснода, рақобатни чеклайдиган ҳаракатлар ва ҳужжатлар ҳақида гапирар эканмиз, шу эътиборга олиш лозимки, амалиётда шундай ҳолатлар юзага келиши мумкинки, у қонунчиликда назарда тутилмаган бўлиши мумкин.

Яъни, “**...бошқа ҳаракатлар**” деганда қонунчиликда назарда тутилмаган бошқа ҳолатлар ҳам рақобатни чеклайдиган ҳужжатлар ёки ҳаракатлар деб топилиши мумкин.

Кўриб чиқиладиган масалани чуқурроқ тадқиқ этиш мақсадида ривожланган давлатлар амалиётига эътибор қаратсак мақсадга мувофиқ бўлади.

**Америка Қўшма Штатлари**да амалда бўлган Шерман Қонунининг 1-моддасида шундай дейилади<sup>27</sup>:

Трест шаклидаги ҳар хил битим (контракт) ёки бирлашиш, ёки бир нечта штатлар, ёки миллатлар ўртасидаги савдо-сотикни ёки тижоратни чеклаш мақсадида бошқа турдаги келишиб олишлар қонуний эмас деб ҳисобланади.

Шу билан АҚШнинг рақобатга қарши келишиб қилинадиган ҳаракатларини ман қиладиган қонунчилик нормаси тугайди.

Мазкур модда таъсирига тушган ҳаракатлар рўйхати Шерман Қонуни амалда бўлган вақт давомида ўзгариб келган ва Умумий ҳуқуқ (суд прецеденти) асосида шакллантирилган.

**Япониянинг** “Монополияга қарши қонун”ининг 3-моддаси хусусий монополлашишдан ташқари савдо-сотикни нотўғри чеклашни ҳам ман қилади<sup>28</sup>:

Ҳеч қайси тадбиркор ёки юридик шахс бирлашмаси хусусий монополлашиш ёки савдо-сотикни нотўғри чеклаши мумкин эмас.

Нотўғри чеклашнинг таърифи шундай берилган:

Ушбу ҳужжатда ишлатиладиган “савдо-сотикни нотўғри чеклаш” атамаси шундай тадбиркорлик фаолиятини билдирадигани, бунда ҳар хил тадбиркор шартнома, битим ёки ҳар хил бошқа келишилган ҳаракатларга мувофиқ, уларни номидан қатъий назар, бошқа тадбиркор билан шундай ҳаракатларни амалга оширадигани, бунда биргаликдаги ҳаракат нархларни ушлаб туриш ёки уларни

<sup>27</sup>Competition law and policy in the United States. Department of Justice. Federal Trade Commission publishing house, 2002. Textbook. P.18.

<sup>28</sup>Competition Law in Japan. Abstract of Doctoral Thesis by Simon Vande Walle and Tadashi Shiraishi. University of Tokyo. 2015. p.34.

оширишга, технологиялар, хизмат қилиш воситалари шундай таъсир кўрсатадики, бу билан мижозлар(истеъмолчилар) ёки етказиб берувчиларни жамоа манфаатларига зид келувчи, ва савдо-сотикни ҳар хил алоҳида соҳасида рақобатни сезиларли тарзда чеклашни келтириб чиқаради.

**Германиянинг “Рақобатга қарши чеклаш қонуни”** нормалари барча айтиб ўтилган қонунлар ичида энг мукаммали деса муболаға бўлмайди. Шерман Қонунидан фарқли тарзда ГФР қонуни рақобатни чеклаш бўйича ҳар хил битимлар, бирлашишлар ёки келишиб олишларга нисбатан умумий тақиқлашлар йўқ. Унда чеклашнинг маълум шаклларига нисбатан алоҳида нормалар қайд қилинган. Лекин, ГФР “Рақобатни чеклашга қарши Қонуни” Европа Иттифоқи нормаларига мослаштирилган<sup>29</sup>.

**Буюк Британиянинг “Рақобат тўғрисидаги қонуни”**нинг 2-моддаси 1-қисмида шундай дейилади:

корхоналар ўртасидаги, уларни ассоциациялари қарорлари ёки келишиб қилинган ҳаракатлари **тақиқланади**, агар у:

а) Бирлашган Қироллик ҳудудида савдо-сотикқа салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, ва

б) Бирлашган Қироллик чегарасида рақобатни олдини олиш, чеклаш ёки бузишни ўзини объекти ёки самараси деб билса.

2-модданинг 2-қисми Рим Шартномасини 81-моддасидан сўзма-сўз олинган бўлиб, ушбу битимлар турларини тўлиқ бўлмаган рўйхатини келтиради:

- ❖ Сотил ва сотиб олиш нархларини ёки савдо-сотикни бошқа шартларини бевосита ёки билвосита белгилайдилар;
- ❖ Ишлаб чиқаришни, бозорларни, техник ривожланишни, ёки инвестицияларни чеклайдилар ёки назорат қиладилар;
- ❖ Бозорларни ёки етказиб бериш манбаларини тақсимлайдилар;
- ❖ Савдо-сотик бўйича бошқа ҳамкорлар билан эквивалент битимларга тенг бўлмаган шартларни қўллайдилар ва шу билан рақобатчиларни ноқулай аҳволга соладилар;

<sup>29</sup> Competition Law in Germany. Watson, Farley and Williams 2014. Guide book. Published by Hamburg Publishing house.

- ❖ Тури ёки тижорат (савдо) белгиланганлиги бўйича контракт (битим, шартнома) предмети билан боғлиқ бўлмаган шартларни қўшимча тарзда контрактларга киритиш шarti билан контракт тузиш.

Германиянинг қонунчилиги сингари, Буюк Британиянинг рақобат тўғрисидаги қонуни рақобатга қарши битимлар (келишиб қилинган ҳаракатлар)ни ман қилишдан мустасно қилишни жуда мураккаб ва муфассал таърифлаб берилган схемасига эга.

### **НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР:**

1. Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳужжатлар чиқаради?
2. Ушбу ҳужжатлар ўртасида қандай фарқ мавжуд?
3. Давлат рақобат қўмитаси томонидан чиқариладиган ҳужжатларнинг бошқа вазирликлар ва давлат муассасалари томонидан чиқариладиган ҳужжатлардан фарқли жиҳатларини тавсифланг.
4. Антимонопол органларнинг қарорлари устидан қандай тартибда шикоят қилинади?
5. Монополияга қарши давлат органи "ЭнергйПлус" компанияси ва унинг филиалига "Статус" компанияси билан энергия етказиб бериш тўғрисида шартнома тузишни топширди.

### **1-казус**

"ЭнергиПлус" компанияси хўжалик судига мурожаат этиб ўз номига келган топшириқ хатини ноқонуний деб топишни сўради, ва бунга асос қилиб ўзини энергия етказиб бериш билан шуғулланмаслигини келтириб, бундай шартнома туза олмаслигини айтиб ўтди.

*Монополияга қарши давлат органи томонидан чиқарилган қарор амалдаги қонунчиликка мосми?*

### **2-казус**

Темир йўл ташиш хизматлари билан шуғулланадиган корхона ўз хизматлари орасидан асоссиз белгиланган тарифларни аниқлаб қолди.

Монополияга қарши давлат органи ушбу ҳолатни монополияга қарши қонун бузилиши деб топди ва тарифларнинг ўзига хос йўналишларини белгилаб, тарифларни ўзгартиришни ва қонунийлаштиришни буюрди.

Компания эса бундай тарифларни ўзи мустақил белгилайман деб ҳисоблайди.

*Ушбу низоли вазиятда тарафларнинг статусига баҳо беринг.*

*Монополияга қарши давлат органи юқоридаги ҳолатда ўзининг қандай ваколатларидан фойдаланиши мумкин бўлади?*

### **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 1-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 августдаги “Товар ва молия бозорларида монополияга қарши тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 230-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 34-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги “Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 239-сонли Қарори
4. Конкурентное право России. Алешин Д.А., Артемьев И.Ю. и др. М.:2012. — 392 с.
5. Оқюлов О., Мансуров К., Ходжаев Б. Рақобат ҳуқуқи. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – 174 б.
6. Ершова И.В., Иванова Т.М. Предпринимательское право. Учеб.пособие.2-е изд.-М.: 2000.
7. Ходжаев Б. Реклама хизмати ва реклама хизмати кўрсатишнинг фуқаролик ҳуқуқий тавсифи.// ТДЮИ Ахборотномаси, 2008.
8. United Nations conference on Trade and Development: UNISTAD Research Partnership Platform – Competition Law and the State. Volume 1: Summary of answers to the questionnaire, UNISTAD publication series, 2015, p.67.
9. Competition Law in Japan. Abstract of Doctoral Thesis by Simon Vande Walle and Tadashi Shiraishi. University of Tokyo. 2015. p.34.

10. Competition Law in Germany. Watson, Farley and Williams 2014. Guide book. Published by Hamburg Publishing house.
11. Competition law and policy in the United States. Department of Justice. Federal Trade Commission publishing house, 2002. Textbook. P.18.

## **VI- БОБ. РАҚОБАТГА ҚАРШИ ҲАРАКАТ СИФАТИДА ИНСОФСИЗ РАҚОБАТ ВА УНИНГ КЎРИНИШЛАРИ**

- 6.1.Инсофсиз рақобат тушунчаси ва унинг ҳуқуқий тавсифи*
- 6.2.Инсофсиз рақобат шакллари*
- 6.3.Товар ва молия бозорида инсофсиз рақобатни ҳуқуқий баҳолаш*
- 6.4.Инсофсиз рақобат сифатида нотўғри реклама тушунчаси ва унинг ҳуқуқий белгилари*
- 6.5.Рекламани ҳуқуқий тартибга солувчи миллий қонунчилик тизими*
- 6.6.Реклама фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш ва назорат қилиш механизми*
- 6.7.Шахсийлаштириш воситалари тушунчаси ва турлари*
- 6.8.Инсофсиз рақобат кўриниши сифатида товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товар келиб чиққан жой номидан рухсатсиз фойдаланиш*
- 6.9.Инсофсиз рақобат сифатида тижорат сиридан рухсатсиз фойдаланиш*

### **6.1. Инсофсиз рақобат тушунчаси ва унинг ҳуқуқий тавсифи**

Тобора ривожланиб бораётган бозор муносабатлари шароитида инсофсиз рақобат ва уни олдини олиш бугунги кунда иқтисодиётнинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, давлат иқтисодий муносабатларни тартибга солиш борасида рақобатни янада кучайтиришга шахсларнинг рақобатга зид бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш билан боғлиқ қонунчилик тизимини янада такомиллаштириш борасида тизимли ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширилиб келинмоқда.

Инсофсиз рақобат ўзида жамият манфаатларига путур етказувчи, қонун ҳужжатлари ва тадбиркорлик субъектларнинг иш муомаласи одатларига зид бўлган ҳамда унга зарар етказиш билан боғлиқ ҳатти-ҳаракат (ҳаракатсизлик)ларни ўзида намоён этади. Мазкур ҳуқуққа хилоф ҳатти-ҳаракатлар нафақат бозорининг нормал фаолият олиб боришига тўсқинлик қилади, шунингдек,

тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига ҳам путур етишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасида “инсофсиз рақобат” тушунчаси ва уни ҳуқуқий чеклаш билан боғлиқ ҳолатлар 2012 йил 6 январда қабул қилинган “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солинади. Мазкур қонуннинг 2-боби “Рақобатга қарши ҳаракатлар” деб номланиб, у ўзида устун мавқени суиистеъмол қилиш хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлари ва битимлари, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва юридик шахслар бирлашмаларининг рақобатни чеклайдиган ҳужжатлари ҳамда ҳаракатлари, инсофсиз рақобат кўринишлари билан боғлиқ рақобатга зид муносабатларни ўзида мужассам этади.

Мазкур норманинг Қонунга киритилишидан мақсад хўжалик юритувчи субъектларни рақобат муносабатларида инсофсиз ҳаракатларидан ҳимоя қилиш ҳисобланади. Шунингдек, инсофсиз рақобатни тартибга солиш хусусияти шундан иборатки, бунда ҳаракатлар интеллектуал мулк ҳуқуқини объектлари билан ҳам бевосита боғлиқ. Бу борада инсофсиз рақобатнинг қайси ҳолларда рақобат ҳуқуқ ва қайси ҳолларда интеллектуал мулк ҳуқуқи билан тартибга солинишини ажратиш ҳуқуқшунослар учун муҳимдир.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларининг ҳуқуқий мақоми (яъни рўйхатдан ўтказиш ва ҳ.к) интеллектуал мулк ҳуқуқи билан белгиланса, улардан қонунга ҳилоф равишда фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар рақобат ҳуқуқ билан тартибга солинади. Масалан, товар белгисини қалбакилаштириш, тижорат сири эгасининг розилгисиз фойдаланиш ёки уни ошкор этиш в.х. Бундай ҳаракатларнинг тартибга солиш доираси кенгайганлиги учун ҳам ҳозирги кунга келиб Европа Иттифоқига аъзо давлатларда (масалан Германияда) махсус “Инсофсиз рақобат ҳуқуқи” (“Unfair Competition Law”) билан тартибга солинади.

Инсофсиз рақобат тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида белгиланган бўлиб унга кўра, инсофсиз рақобат – хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг иқтисодий фаолиятни амалга оширишда афзалликларга эга бўлишга қаратилган, қонун ҳужжатларига, иш муомаласи одатларига зид бўлган ҳамда бошқа

хўжалик юритувчи субъектларга (рақобатчиларга) зарар етказадиган ёки зарар етказиши мумкин бўлган ёхуд уларнинг ишчанлик обрўсига путур етказадиган ёки путур етказиши мумкин бўлган ҳаракатлари тушунилади.

**Инсофсиз рақобатнинг асосий жиҳатлари бўлиб:**

бошқа шахсларга нисбатан иқтисодий афзалликка эга бўлиш

қонун ҳужжатлари(иш муомаласи одатлари)га риоя қилмаслик

рақобатчиларга зарар етказиш ёки зарар етказиши мумкин бўлган ҳатти-ҳаракатларни содир этиши

Иқтисодий афзаллик деганда – бозорни эгаллаш мақсадида (“market power”) нархларни белгилаш ва шу каби бошқа муҳим иқтисодий унсурлар орқали бозорни манипулятция қилиш ва оқибатда рақобатни чеклаш тушунилади. Бунинг натижасида шахсларнинг товар бозорида тадбиркорлик субъектларининг ишчанлик обрўсига путур етишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 6-моддасида иш муомаласи одатлари деб - тадбиркорлик фаолиятининг бирон-бир соҳасида вужудга келган ва кенг қўлланиладиган, қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган хулқ-атвор қоидаси, бирон-бир ҳужжатда ёзилганлиги ёки ёзилмаганлигидан қатъи назар, иш муомаласи одати деб ҳисобланиши белгилаб ўтилади.

Инсофсиз рақобат натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибат хусусиятидан келиб чиққан рақобатчига инсофсиз рақобат натижасида етказилган моддий зарар ҳамда номоддий зарар кўринишида бўлиши мумкин. Моддий зарар одатда зарар етказувчи томонидан зарар кўрувчининг мол мулкининг камайишига олиб келадиган зарар бўлса, ушбу бозорда бошқа рақобатчилар олдида унинг манфаатига хусусан камситилиши натижасида ҳуқуқ ва манфаатларининг пой-мол бўлишини тушуниш мумкин.

Зарар тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 14-моддасида келтирилган бўлиб унга кўра зарар деб - ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади.

Шу билан бирга инсофсиз рақобат тушунчаси халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган. Хусусан 1991 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган Саноат мулки объектларини муҳофаза қилиш бўйича Париж Конвенциясининг 10-bis-моддасида келтирилган бўлиб, унга кўра рақобат қўйидаги ҳолларда инсофсиз рақобат сифатида таъкидланади:

- рақобатчининг тадбиркорлик фаолиятига турли йўллар билан аралашиш билан боғлиқ барча ҳатти-ҳаракатлари;
- ўзига рақобатчи бўлган шахсни турли ёлғон маълумотлар тарқатиш йўли билан обрўсизлантириш;
- товарнинг хусусияти, ишлаб чиқариш усули ва жойи, истеъмол хоссалари, нархи, сифати чалғишига олиб келадиган маълумотларни тарқатиш билан боғлиқ ҳаракатлари тушунилади.

Одатда инсофсиз рақобатни келтириб чиқарувчи омил шахснинг (ёки шахслар гуруҳининг) ўз моддий манфаати йўлида ғараз мақсадларни кўзлаган ҳолда зарар етказишга қаратилган онгли ҳатти-ҳаракатларини тушуниш мумкин. Чунки шахс (ёки шахслар гуруҳи) зарар етказувчига аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда турли йўллар билан хусусан ўзига рақобатчи бўлган шахснинг кўрсатаётган хизматини, бажараётган иш ёки сотаётган товар маҳсулоти тўғрисида истеъмолчиларга ёлғон маълумотларини турли йўллар билан тарқатиш билан боғлиқ ҳатти-ҳаракатлар (ёки ҳаракатсизлиги) сифатида тушуниш мумкин.

Инсофсиз раобат деб баҳоланадиган ҳаракатлар доираси “Рақобат тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра қуйидагилар инсофсиз раобат исобланади:

- нотўғри таққослаш, яъни қиёсий реклама талабларини бузиш (“comparative advertising”);

- интеллектуал фаолият натижалари ва уларга тенглаштирилган индивидуаллаштириш воситаларидан ноқонуний фойдаланиш (“infringement”);

- истеъмолчиларни чалғитиш (“misleading advertising”);

- индивидуаллаштириш воситаларини такрорлаш (“likelihood of confusion”);

- нусха кўчириш орқали қалбакиллаштириш (“dilution”);

- тижорат сири эгасининг розилигисиз фойдаланиш.

Шунингдек, қонунда бозорга киришга тўсқинлик қилиш ҳам инсофсиз рақобат ҳаракати сифатида кўрсатилган бўлиб, аслида бу ҳолат ривожланган давлатлар (АҚШ, Германия, Япония) қонунчилигида инсофсиз рақобат кўриниши эмас балки белгиси сифатида намоён бўлади.

Қолаверса, бугунги кунда инсофсиз рақобат доираси янада кенгайиб, АҚШ ва Япония давлатларида “Unfair Trade Practices” (“Инсофсиз савдо амалиёти”) деб юритилмоқда. Амалиёт деганда турли усуллар тушунилиб, унинг доирасига Ўзбекистон қонунчилигида санаб ўтилган ҳаракатлардан ташқари “иқтисодий бойкот” (“boycott”), “товарни истеъмолчига мажбурлаб сотиш” (“unreasonable coercion of consumers”), “мутлақ диллерлик келишуви” (“exclusive dealing agreement”) каби ҳаракатлар киритилган.

## **6.2. Инсофсиз рақобат сифатида нотўғри реклама тушунчаси ва унинг ўзига хослиги**

Маълумки, реклама тадбиркор томонидан ишлаб чиқарган товар маҳсулоти, иш ва хизмат турларини кенг истеъмолчи оммасига танитадиган маркетинг усули ҳисобланади. Шу сабабли, ўз маҳсулоти билан бозорга кириб келмоқчи бўлган шахс энг аввало ўз маҳсулоти рекламасини амалга оширади ҳамда маълум истеъмолчилар оммасини ўз атрофида тўплайди. Истеъмолчини қанчалик даражада ўзига жалб этиш рекламанинг қанчалик даражада ишончлилиги, аниқлилиги, қонунийлиги билан бевосита боғлиқ. Лекин, реклама берувчи ҳар доим ҳам ўз маҳсулоти тўғрисидаги маълумотларни юқорида рекламада қўйилган талаблар доирасидан келиб чиққан ҳолда белгиламайди. Натижада,

маҳсулотни ҳарид қилган истеъмолчининг моддий ва маънавий зарар кўришига олиб келади.

Мамлакатимизда инсофсиз реклама муносабатларини чеклаш ва ҳуқуқий тартибга солиш Ўзбекистон Республикасида реклама муносабатларини тартибга солиш билан боғлиқ 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги қонуни, 2012 йил 6 январдаги “Рақобат тўғрисида”ги, 2001 йил 26 мартдаги “Рекламани жойлаштириш тўғрисида”ги Низоми каби шу ва бошқа қонун ва қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддасига мувофиқ нотўғри реклама ўзининг ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориши, яшириб кетиши оқибатида, рекламани тарқатиш вақти, жойи ва усулига нисбатан қўйилган талабларни ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа талабларни бузиши натижасида рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган, шахсларга, шунингдек давлатга зарар ва маънавий зарар етказиши мумкин бўлган реклама нотўғри (инсофсиз, билатуриб ёлғон) реклама ҳисобланиши белгилаб ўтилади.

Юқоридаги ушбу таърифдан келиб чиқиб, рекламани “нотўғри реклама” деб қуйи баҳо бериш учун қуйидаги мезонлар мавжуд бўлиши керак:

- “чалғитувчилик мезони” (“deceptiveness” standard), яъни реклама истеъмолчиларни чалғитиши лозим ёки мумкин бўлса;

- чалғитувчи ҳаракатларнинг амалга оширилганлиги (“materiality” standard), яъни қонунда бундай ҳаракатлар ноаниқлик, икки хил маъно англатиши, бўрттириб юбориш, яшириб кетиш орқали амалга оширилиши мумкинлиги белгиланган. Бу борада “яшириб кетиши” деганда яширин реклама эмас балки, рекламада муҳим маълумот қолдириб кетилиши назарда тутилган.

- рекламанинг вақти, жойи ва усулига оид талабларнинг бузилиши;

- (рақобатчи шахсга, истеъмолчига, давлатга) зарар етказиши мумкинлиги.

Нотўғри рекламани тарқатиш инсофсиз рақобатнинг бир кўриниши бўлиб, бунда нотўғри рекламани тарқатаётган шахс ўз

рекламасининг қонунда белгиланган талабларга ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига ва иш муомаласи одатларига путур етишини биледи ва онгли равишда ҳаракат қилади. Одатда нотўғри рекламани тарқатаётган шахс бир шахсга нисбатан ёки умуман ўзига рақобатчи бўлган бошқа шахслар гуруҳига нисбатан қаратилган бўлади.

Нотўғри рекламани оммалаштириш турли воситалар орқали амалга оширилади.

**Реклама воситалари дейилганда эса, рекламани ундан фойдаланувчиларга етказиш учун ишлатиладиган воситалар тушунилади ва уларнинг қуйидаги турлари мавжуд:**

оммавий ахборот воситалари

телефон ваҳужжатли электрон алоқа

транспорт ва почта жўнатмалари

ташқи реклама

Мазкур рекламани тарқатиш воситалари ичида нотўғри рекламани оммалаштириш одатда ташқи рекламада фойдаланиш ҳолатлари кўп учраб туради. Ташқи рекламага алоҳида махсус конструкцияларда, тахталавҳаларда, экранларда, биноларда, иншоотларда, йўл чеккаларида, кўча ёритгичларининг таянчлари ва ҳоказоларда жойлаштириладиган реклама киради.

Инсофсиз рақобатга олиб келувчи ижтимоий муносабатларнинг бир шакли сифатида ўзида ёлғон ҳамда ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни ўзида акс эттирган нотўғри рекламани тарқатиш бозорнинг доимий ривожланиш тенденциясига ўз салбий таъсирини ўтказди. Хусусан инсофсиз реклама:

биринчидан, инсофсиз рекламани тарқатаётган шахс ўзига рақобатчи бўлган шахсни ёки шахслар гуруҳини товар ёки молия бозорида обрўсизлантириш, ишчанлик обрўсига путур етказиши;

иккинчидан, истеъмолчиларга муайян маҳсулот тўғрисида нотўғри маълумот тарқатилиши натижасида уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига, соғлиғига жиддий зарар етказилиши;

учинчидан, маҳаллий бозорда фаолият олиб бораётган ёки шундай фаолият билан шуғулланмоқчи бўлган хорижий давлат ишбилармонларининг ишончсизлигига олиб келиши;

тўртинчидан, бозорда икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг даромад топиш имкониятини чеклаган ҳолда бир шахснинг якка монопол ҳукмронлигини ўрнатиш ҳамда бошқаларнинг ушбу борзорга кириб келишига тўсқинлик қилиш, умуман бозордаги мавжуд маҳсулот тақсимотига ҳамда истеъмолчининг товар, иш ёки хизмат турини эркин танлаш имкониятини чеклаш каби шу ва бошқа салбий жиҳатларини санаб ўтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига кўра қуйидаги ҳолатларда шахснинг ёки шахслар гуруҳининг товар ва молия бозорида инсофсиз рақобатга олиб келувчи ҳатти-ҳаракатлари сифатида қараш мумкин бўлиб буларга жумладан:

- ишлаб чиқарилиши ёки реализация қилиниши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган маҳсулот тўғрисида ахборот тарқатиш;

- жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеига қараб, бошқа ҳолатларга кўра камситиш ёки ўзга шахсларнинг маҳсулотини бадном этиш;

- қонун ҳужжатларининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган, фуқароларнинг соғлиғи ёки ҳаётига ва атроф муҳитга зарар етказувчи ёхуд зарар етказиши мумкин бўлган, шунингдек хавфсизлик воситаларига эътиборсизлик туйғусини уйғотувчи ҳаракатларга даъват қилиш;

- мажбурий сертификатлаштирилиши зарур бўлган ёки ишлаб чиқарилиши ёхуд реализация қилиниши учун махсус рухсатнома (лицензия) бўлиши талаб этиладиган маҳсулотни тегишли сертификати, лицензияси бўлмайд туриб реклама қилиш;

- агар муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, бошқа маҳсулот рекламасида қўлланиладиган умумий ечим, матн, тасвир, муסיқали ёки овозли оҳангларни айнан такрорлаш (таклид ёки ўхшатма қилиш);

- жисмоний шахснинг номи ёки тасвиридан унинг розилигисиз фойдаланиш;

- ахборот мазмунининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган хорижий сўз ва иборалардан фойдаланиш;

- маҳсулотнинг давлат органлари ёхуд уларнинг мансабдор шахслари томонидан маъқулланганлигини кўрсатиш;

- иштирок этиш учун муайян маҳсулотни олиш шarti қўйилган рағбатлантирувчи лотерея, танлов, ўйин ёки шунга ўхшаш бошқа тадбир ўтказишни тадбирнинг ташкилотчисини, уни ўтказиш қоидалари ва муддатларини, бундай тадбир ҳақидаги ахборот манбаини, мукофотлар ёки ютуқлар миқдорини, уларни олиш муддатлари, жойи ва тартибини кўрсатмаган ҳолда реклама қилиш;

- маҳсулотни товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси реклама қилиш тақиқланган ёхуд реклама қилишга нисбатан тегишли чекловлар ёки талаблар белгиланган маҳсулотнинг товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёхуд унга айнан ўхшаш бўлган бошқа маҳсулотнинг рекламаси кўринишида реклама қилиш. Шахс ёки шахслар гуруҳи томонидан юқорида рекламани оммалаштириш билан боғлиқ ҳаракатлардан бирини содир этиши унга нисбатан рақобат қонунчилигини бузиш ҳолати сифатида қараш мумкин.

-

### **6.3. Рекламани ҳуқуқий тартибга солувчи миллий қонунчилик тизими**

Бозор иқтисодиёти шароитида реклама тадбиркорликни ривожлантириш, рақобатни кучайтириш, монополияга қарши курашиш, истеъмол бозорини эгаллаш ҳамда фойда олишни тезлаштиришга хизмат қилади. Реклама кўринишидан номоддий хусусиятга эга бўлгани билан, у жамиятда бозорнинг қатнашчиси бўлишга оид «ижтимоий фикр»ни шакллантиради. Соғлом

иқтисодий рақобат ҳаққоний ахборот, яъни реклама натижасида яратилади. Реклама бозорнинг иштирокчиларини доимо ахборот билан таъминлаб туради.

Бу борада реклама ахборотини тарқатиш жараёнини тартибга солиш қонунчиликда муҳим аҳамиятга эга. Чунки, тузилиши жиҳатдан тўғри, яъни қонуний бўлган реклама ахборотини тарқатиш жараёнида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилмаса, у ўз-ўзидан нотўғри (ноқонуний) рекламага айланиб қолиши, шунингдек, истеъмолчиларга ва бошқа рақобатчиларга зарар етказиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, тарқатиш вақти, жойи ва усулига нисбатан қўйилган талаблар бузилган ҳолда намойиш этилган реклама, албатта, реклама берувчи билан истеъмолчинини янада яқинлаштириш ўрнига уларни бир-биридан узоқлаштиради, шунингдек рекламани тарқатишдаги камчиликлар туфайли салоҳиятли шериклар ва контрагентларда реклама қилинган товарга нисбатан «рад этиш» кайфияти пайдо бўлади. Мазкур ҳолатларни инобатга олган ҳолда реклама ахборотини қабул қилиш психологияси нуқтаи назаридан қонун чиқарувчи орган товар (иш, хизмат) эгалари ҳисобланган реклама берувчи билан бундай товар (иш, хизмат)ларга эҳтиёжи бўлган истеъмолчилар ўртасидаги ўзаро алоқани умумлаштиришга хизмат қилувчи норма сифатида рекламани тарқатиш қоидаларини ўрнатишга ҳаракат қилган. Бундай қоидалар эса, ўз навбатида, рекламани тарқатишга оид талаб ва тақиқларни белгилаб берувчи норматив ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Рекламани тарқатиш вақти, жойи ва усулининг кўп имконлилигини инобатга олган ҳолда қонун чиқарувчи мазкур уч омилнинг ҳар бирининг хусусиятларини белгилаб чиққан тарзда рекламани тарқатишнинг намунавий ва қатъий шартларини ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамлаган.

Демак, рекламанинг ўзи иқтисодий категория бўлса-да, рекламани тарқатиш ҳуқуқий категория ҳисобланади. Бироқ айрим олимлар рекламани тарқатишни реклама сингари иқтисодий категория сифатида талқин қиладилар.

Рекламани тарқатиш жараёнини тартибга солишда «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2001 йил 6

апрелдаги қарори билан тасдиқланган “Рекламани жойлаштириш тўғрисида”ги Низоми муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда рекламани жойлаштириш ва унга рухсат бериш тартиби, рухсат берувчи органларнинг рўйхати кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, реклама муносабатларини шартномавий ҳуқуқий тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, реклама қонунчилигини бузганлик учун тегишли ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг жиноий ва маъмурий қонунчилик нормалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги Қонуни миллий реклама муносабатларини тартибга солувчи махсус қонун ҳужжати ҳисобланади. Мазкур қонун ҳужжати реклама муносабатларини тартибга солувчи махсус қоидаларни белгилаб хусусан ушбу қонуннинг 1-моддаси биринчи қисмига кўра, реклама тўғрисидаги қонуннинг мақсади рекламани тайёрлаш ва тарқатиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб вазифалари белгилаб ўтилади.

### Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги Қонуннинг вазифалари бўлиб:

юридик ва жисмоний шахслар ёки маҳсулотлар тўғрисида ахборот  
оқимини шакллантириш

тадбиркорлик ва истеъмол маданиятини такомиллаштириш

рекламанинг давлат ва жамоат манфаатларига, ахлоқ ва  
маънавиятнинг умумэътироф этилган нормаларига, юридик ва  
жисмоний шахсларнинг ишчанлик обрўсига,

маҳсулотнинг характери, тайёрланиш усули ва жойи, истеъмол  
хусусиятлари, сифати ва бошқа тавсифлари, уни реализация қилиш  
шартларига кўра истеъмолчиларни чалғитадиган ёлғон ёки ноаниқ  
маълумотлар реклама воситасида тарқатилишининг олдини олиш

Шунингдек, мазкур қонунда реклама муносабатлари субъектлари (реклама берувчи, реклама тайёрловчи ва тарқатувчи)нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатиб ўтилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасида реклама берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган бўлиб унга кўра, реклама берувчи ҳуқуқлари бўлиб:

- реклама хусусида шартнома тузиш тўғрисида ошкора таклиф (оммавий оферта) киритиш;
- реклама тайёрловчи ва тарқатувчи шартномани асоссиз равишда бекор қилган ҳолларда, етказилган зарарнинг ўрнини ва маънавий зарарни қоплаш тўғрисида даъво билан судга мурожаат қилиш.

Реклама берувчи мажбуриятлари:

- реклама тайёрловчи ва (ёки) тарқатувчининг талабига биноан реклама ахборотининг ишончлилигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши;
- агар реклама берувчининг фаолияти лицензияланиши зарур бўлса, маҳсулотни ёки реклама берувчининг ўзини реклама қилаётганда тегишли лицензияни тақдим этиши шарт.

Реклама берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва ўзга мажбуриятларни бажариши мумкин. Шунингдек, мазкур қонун ҳужжатида рекламани тарқатиш воситалари ва уни реклама қилиш тартиби, айрим маҳсулот турларини реклама қилиш тартиби кўрсатиб ўтилади. Хусусан, телевидение ва радиодаги реклама, босма оммавий ахборот воситаларидаги реклама, телефон ва ҳужжатли электр алоқадан фойдаланиладиган тарздаги реклама шакллар кўрсатиб ўтилади.

Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддасида телевидение ва радио воситаларида маҳсулот тўғрисидаги маълумотларни реклама қилиш тартиб қоидалари белгиланиб ўтилади. Жумладан, телерадио ташкилотлар учун рекламага ажратилган кўрсатув (эшиттириш) вақти кўрсатувнинг (эшиттиришнинг) ҳар бир соатига 10 фоиздан ошиб кетмаслиги керак. Бу талаб кўрсатувнинг (эшиттиришнинг) ихтисослаштирилган рекламавий каналларига татбиқ этилмайди. 45 минутдан ортиқ давом этадиган концерт-томоша ва спорт

дастурлари, кино- ва телефильмлар реклама учун тўлиқ 45 минутлик вақт оралиғида кўпи билан бир марта узиб қўйилиши мумкин. Реклама бу кўрсатувларнинг (эшиттиришларнинг) бошланиши олдида ва (ёки) улар тугаганидан сўнг жойлаштирилиши ҳам мумкин. 10 минутдан кам давом этадиган телекўрсатувларга (радиоэшиттиришларга) умуман, 10 минутдан ортиқ давом этадиган телекўрсатувларга (радиоэшиттиришларга) эса бу телекўрсатувларнинг (радиоэшиттиришларнинг) муаллифлик ҳуқуқи эгаси билан келишмасдан туриб реклама жойлаштирилиши мумкин эмаслиги белгиланиб ўтилади.

Юқорида таҳлил қилинган миллий қонунчиликдан ташқари, реклама хизмати турли хил халқаро ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинган. Чунончи, Халқаро савдо палатаси томонидан 1987 йил июнда Парижда қабул қилинган Халқаро реклама кодексида биринчилардан бўлиб рекламанинг асосий тамойиллари ва қоидалари белгиланган .

МДХ иштирокчи-давлатлари ўртасида 1993 йил 23 декабрда имзоланган Монополияга қарши сиёсатни баҳамжиҳат олиб бориш тўғрисидаги Халқаро шартномада эса амалдаги миллий реклама қонунчилигимиз вазифалари учун асос сифатида олинган рекламага қўйилган тақиқлар ўрнатилган. Кейинчилик мазкур халқаро шартнома 2000 йил 25 январда янги таҳрирда Москва шаҳрида имзоланган. Мазкур халқаро шартнома ижросини таъминлаш мақсадида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи-давлатлари ўртасида 2003 йил 19 декабрда Москва шаҳрида Реклама фаолиятини тартибга солиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланиб, унинг предмети МДХ иштирокчи-давлатлари бозорларида, хусусан, банк, суғурта ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини жалб қилиш билан боғлиқ бошқа турдаги хизматлар бозори, шунингдек, қимматли қоғозлар бозорларида рекламани тайёрлаш, жойлаштириш ва тарқатиш жараёнида юзага келадиган муносабатларни тартибга солишга қаратилган .

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 16 апрелдаги 198-сонли қарори билан тасдиқланган 1997 йил 14 мартда Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматлари ўртасида имзоланган Монополияга қарши сиёсат

соҳасидаги интеграцияни чуқурлаштириш тўғрисидаги Келишувда эса Тарафлар ўзларнинг миллий қонун ҳужжатларига мувофиқ реклама фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини имкон қадар уйғунлаштириш масаласини кўриб чиқишлари белгиланган.

#### **6.4. Реклама фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш ва назорат қилиш механизми**

Тадбиркорликнинг бошқа соҳалари каби реклама фаолиятида ҳам давлат назорати ва реклама муносабатлари иштирокчиларининг ўзини ўзи бошқаруви муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бундай муҳимлик улар ўртасидаги ўзаро алоқа доирасини ҳам белгилаб беради. Рекламани бошқариш ва назорат қилиш бўйича жаҳон амалиёти, хусусан, давлатимизнинг миллий тажрибаси бу борада қуйидаги уч усуlining мавжудлигини тасдиқлаб беради:

Биринчидан, тартибга солиш умуммажбурий кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни чиқариш ва уларнинг ижро этилишини назорат қилиш йўли билан фақат давлат органи томонидан амалга оширилади. Реклама муносабатларининг иштирокчилари эса мустақил ҳуқуқ ижодкорлиги орқали ўз фаолиятларини бевосита тартибга солиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар. Мазкур усул Ўзбекистон Республикасининг реклама амалиётида мустақиллик йилларидан бошлаб 2000 йилгача амалда мавжуд бўлган.

Иккинчидан, биринчи усулдан фарқли ўлароқ реклама муносабатлари фақат уларнинг иштирокчилари томонидан тартибга солинади. Улар рекламани жамоатчилик тамойили асосида ўзаро ҳамкорликда тартибга солиш мақсадида нодавлат ташкилотларига бирлашган ҳолда реклама фаолиятига оид қоидаларни ишлаб чиқадилар ҳамда ихтиёрий равишда ўз зиммаларига бундай қоидаларга риоя қилиш ва уларни бажариш мажбуриятини оладилар. Ушбу ҳолат жаҳон реклама амалиётида камдан-кам учраб, асосан Ғарбий Европа мамлакатларининг тажрибасида намоён бўлган.

Учинчидан, юқорида баён этилган иккала усули бир вақтда қўллаган ҳолда реклама фаолиятини тартибга солиш бўйича давлат ҳокимияти органи ва ўзини ўзи тартибга солувчи жамоат

бирлашмалари ўртасида вазифаларни тақсимлаш орқали бошқарув амалга оширилади. Бунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни чиқариш ва уларнинг ижроси назорати давлат томонидан амалга оширилиши билан бирга, айрим ҳолатларда ҳуқуқ ижодкорлиги ва назорат қилиш функцияси ўзини ўзи бошқаришга қаратилган бирлашмалар томонидан амалга оширилади. Мазкур усул МДҲ давлатларининг деярли барчасида амалда мавжуд бўлиб, давлатимизнинг реклама амалиётида 2000 йилдан буён қўлланиб келинмоқда.

Бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларда тадбиркорликнинг реклама ёрдамида қўллаб-қувватланиши кундалик ишга айланиб бормоқда. Бунда давлат бозор иқтисодиётига асосланган бозор муносабатларининг ўзига хос қонуниятларини эътиборга олган ҳолда тадбиркорлик соҳаларидан бири бўлган реклама фаолиятига тўғридан-тўғри аралашмайди, балки уни тартибга солиш чора-тадбирларини кўради, холос.

Ўзбекистонда Республикасида реклама фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади. Мазкур қўмитанинг ташкилий ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига илова тарзида тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисида”ги Низомига мувофиқ амалга оширади. Мазкур Низом қоидаларига кўра, Давлат рақобат қўмитаси хусусийлаштириш, давлат мулкани бошқариш, қимматли қоғозлар бозори, монополияга қарши сиёсат, рақобатни ривожлантириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, биржа, баҳолаш, риэлторлик ва реклама фаолияти соҳасида давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Давлат рақобат қўмитасининг реклама муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш ва назорат қилиш ваколатлари

“Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси тўғрисида”ги Низомида белгиланган бўлиб унга кўра:

Давлат рақобат кўмитаси истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини тартибга солиш соҳасида:

- истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қилади;

- истеъмол товарларига нархлар ва хизматларга тарифлар мониторингини олиб боради, бозорда сифатсиз истеъмол товарлари ва хизматлар пайдо бўлишининг олдини олиш чораларини кўради;

- жамоат тузилмалари билан биргаликда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишини, шунингдек аҳолининг истеъмол маданиятини ошириш бўйича маърифий ишлар олиб борилишини амалга оширади;

- реклама соҳасида инсофсиз рақобатга йўл қўймаслик ва нотўғри рекламага барҳам бериш мақсадида реклама бозорини тартибга солиш чора-тадбирларини кўради;

- давлат органлари билан биргаликда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва реклама соҳасида инсофсиз рақобатнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқиши ва амалга оширилишини мувофиқлаштиради.

Ташқи рекламани жойлаштириш тартиби маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида белгиланади. Ташқи рекламани жойлаштириш учун тегишли маҳаллий давлат ҳокимият органларининг рухсати олиниши лозим. Муайян шахс эгаллаб турган бинонинг ташқи томонида, бинога кириш жойида шу шахс тўғрисида жойлаштирилган ёки мазкур шахснинг маҳсулоти ҳақида шу бино витринасидаги ахборот (пешлавҳа) реклама деб ҳисобланмайди ва бунинг учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг рухсатини олиш талаб этилмайди.

Ушбу қоида мулк ҳуқуқининг мазмунидан келиб чиқиб, бино мулкдорининг ўзига тегишли бинонинг ташқи томони ва пештоқига ўзи ҳақидаги ва ўзининг маҳсулоти хусусидаги маълумотларнинг жойлаштирилганлиги реклама ҳисобланмаслиги ва бунинг учун маҳаллий давлат органларининг рухсати олинмаслигини кўзда тутади. Зеро, ФКнинг 164-моддасига мувофиқ, мулкдор ўз мол-

мулкини ўз хоҳиши ва манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этишга ҳақлидир.

Ташқи рекламани жойлаштиришга нисбатан қонун муайян талабларни белгилайди. Зеро, ташқи реклама жойлаштираётган пайтда реклама берувчи ва реклама тарқатувчилар муайян қоидаларга амал қилишлари лозим. Шу билан бирга рекламани йўл чеккаларига жойлаштираётган шахслар нафақат ўз манфаатларини кўзлашлари балки, йўлда ҳаракатланаётган транспорт воситалари, пиёдаларнинг эркин ва хавфсиз ҳаракатланишларига тўсқинлик қилмасликлари шарт.

Ташқи реклама жойлаштириладиётганда йўл белгилари, светофорлар, чорраҳалар, пиёдаларнинг ўтиш жойлари, умум фойдаланишдаги транспорт воситалари бекатларини тўсиб қўйилмаслиги керак. Бундан ташқари, йўл чеккасида жойлаштириладиган реклама йўл белгилари ва тасвирини такрорламаслиги (ёки айнан тақлид қилмаслиги) талаб этилади.

Табиатни муҳофаза қилиш объектлари доирасида ташқи рекламани жойлаштиришга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ёки тегишли давлат бошқарув органларининг ваколат доирасида улар билан келишилган ҳолда рухсат берилади.

Табиатни муҳофаза қилиш объектлари ҳисобланадиган ўрмонлар, йўл четидаги дарахтзорлар, қўриқхоналар ва шу каби бошқа объектларда ташқи рекламани жойлаштириш учун маҳаллий давлат органи билан бирга тегишли давлат органининг ваколоти доирасидаги ўзаро келишган рухсати олинади. Бундай органлар жумласига табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари киради.

Табиатни муҳофаза қилиш объектлари доирасида рекламани жойлаштириш учун рухсат бериладиётган пайтда табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги тузилмалари рекламани жойлаштириш табиатни муҳофаза қилиш объектига зарар етказмаслигини, атроф-муҳитга путур етказмаслигини текшириши лозим. Табиатни муҳофаза қилиш объектлари доирасида реклама бериш ташқи рекламанинг ўзига хос кўриниши сифатида ҳар доим умумий тусдаги маълумотларни бериш билан бирга, табиий атроф-муҳитини асрашга қаратилган ижтимоий ахбротли рекламани ҳам ўзида ифодалаши мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 26 июндаги “Реклама тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чоратадбирлари ҳақида”ги 243-сонли қарори билан “Реклама тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талаблари бажарилишини таъминлаш юкланган давлат бошқаруви органлари ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари рўйхати тасдиқланиб, мазкур рўйхатда реклама қонунчилигига риоя этилишини таъминлаш мақсадида Қонуннинг моддалари бўйича давлат органларининг ваколатлари бирма-бир аниқ тарзда кўрсатиб ўтилган:

1. “Ўзтелерадио” компаниясига телекўрсатувларда ва радиоэшиттиришлардаги реклама бўйича Қонуннинг 11-моддаси; ҳомийлар тўғрисидаги ахборотлар бўйича кўрсатмалар ҳамда ҳомийлар хизматларидан телекўрсатувларда ва радиоэшиттиришларда фойдаланишга йўл қўймаслик борасида Қонуннинг 12-моддаси; яширин рекламалардан фойдаланишга йўл қўймаслик борасида Қонуннинг 14-моддаси; телевидение ва радиода рекламаларни чеклаш бўйича Қонуннинг 17-моддаси талаблари бажарилишини таъминлаш юкланган;

2. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги зиммасига – оммавий ахборот воситаларида рекламани амалга ошириш бўйича Қонуннинг 11-моддаси; рекламага ҳомийлар тўғрисидаги ахборотлар бўйича кўрсатмалар бўйича Қонуннинг 12-моддаси; яширин рекламалардан фойдаланишга йўл қўймаслик юзасидан Қонуннинг 14-моддаси; оммавий ахборот воситаларида рекламаларни чеклаш бўйича Қонуннинг 18-моддаси; матбуот нашрларида тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликлар рекламасини чеклаш борасида Қонуннинг 23-моддаси талабларига риоя этилишини таъминлаш юкланган;

3. Оммавий ахборот воситаларини нашр этувчи вазирликлар ва идоралар, мустақил оммавий ахборот воситалари зиммасига – оммавий ахборот воситаларида рекламаларни чеклаш бўйича Қонуннинг 18-моддаси; матбуот нашрларида тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликлар рекламасини чеклаш борасида Қонуннинг 23-моддаси талаблари бажарилишини таъминлаш юкланган;

4. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигига – почта жўнатмалари, электрон алоқа воситаларида рекламаларнинг бир хил бўлишини таъминлаш борасида Қонуннинг 11-моддаси; рекламада ҳомийлар тўғрисидаги ахборотлар бўйича кўрсатмалар бўйича Қонуннинг 12-моддаси; яширин рекламалардан фойдаланишга йўл қўймаслик бўйича Қонуннинг 14-моддаси; почта жўнатмаларида рекламаларни тарқатиш учун рухсатномалар бериш борасида Қонуннинг 21-моддаси талабларига риоя этилишини таъминлаш юкланган;

5. Жойлардаги давлат ҳокимияти органлари зиммасига – ташқи рекламаларни жойлаштириш тартибини белгилаш, ташқи жойлаштиришни назорат қилиш бўйича Қонуннинг 20-моддаси; тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликлар рекламаларини ташқи жойлаштиришни назорат қилиш бўйича Қонуннинг 23-моддаси; ер усти транспорт воситаларида; метрополитенда, вокзалларда, портларда ва аэропортларда рекламаларни жойлаштириш ҳамда тарқатишни назорат қилиш борасида Қонуннинг 21-моддаси талаблари бажарилишини таъминлаш юкланган;

6. Ички ишлар вазирлиги (ЙПХ) зиммасига - ер усти транспорт воситаларида; метрополитенда, вокзалларда, портларда ва аэропортларда рекламаларни жойлаштириш ҳамда тарқатишни назорат қилиш бўйича Қонуннинг 21-моддаси талабларга риоя этилишини таъминлаш юкланган;

7. Соғлиқни сақлаш вазирлигига – Қонуннинг 22-моддаси талабларига асосан вояга етмаганлар учун дори-дармон воситалари; гипноз қилиш ва таъсир кўрсатишнинг руҳий ёки биоэнергия усулларидадан фойдаланган ҳолда даволаш сеанслари, шунга ўхшаш бошқа тадбирлар; тиббиёт буюмлари, тиббий техникани, гигиена, дезинфекция, дезинсекция ва дератизация воситалари; даволаб бўлмайдиган ва даволаш қийин бўлган касалликларга нисбатан терапевтик натижа; тиббиёт муассасалари учун мўлжалланган дори-дармонларни реклама қилиш тартибини белгилаш, унинг бажарилишини назорат қилиш; косметика воситалари, витаминли ва биологик фаол озик-овқат қўшимчалари; маиший кимё воситалари, озик-овқат маҳсулотларини реклама қилиш учун рухсатномалар бериш ваколати берилган;

8. "Ўздавстандарт" марказига – Қонуннинг 22-моддаси талабларига асосан косметика воситалари, витаминли ва биологик фаол озиқ-овқат қўшимчалари; маиший кимё воситалари, озиқ-овқат маҳсулотларини қўллаш ва сотиш учун тегишли рухсатномалар бериш ваколати берилган.

### **6.5. Шахсийлаштириш воситалари тушунчаси ва турлари**

Шахсийлаштириш воситаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1031-моддасига фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товар келиб чиққан жой номи кўрсатиб ўтилади. Шахсийлаштириш воситаси эгаси ўзига тегишли товарни, ишни ёки хизматни шахсийлаштирмайди, балки, ушбу белгига нисбатан ҳуқуқни амалга ошириш билан боғлиқ мутлақ ҳуқуқни ўзида намоён этади.

Шахсийлаштириш воситалари ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра кенг ва тор доирада шарҳлаш мумкин. Шахсийлаштиришнинг кенг маънода шарҳлашга кўра, субъектларнинг товарлар ишлаб чиқариш ва уни сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида бир-биридан турли белгиларини шахсийлаштириш воситалари орқали тафовутланиши ҳисобланади. Шахсийлаштиришнинг бундай воситаси билан айна субъектларнинг ўзига хос белгиси орқали товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ва ишлар бажариш шарт-шароитларига эга бўлишлари тушунилади.

Шахсийлаштиришнинг тор доирадаги тушунчасига кўра, фуқаролик муносабатларида фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўзига тегишли турли хусусий аломатига эга бўлган белгилар, сўзлар ва бошқа аломатларидан фойдаланиб товарлар ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнидан муносабат тушунилади. Мазкур ҳолатда интеллектуал мулк объектини юридик ва жисмоний шахслар томонининг ўзи томонидан шахсийлаштириш воситасидан фойдаланиб лицензия шарномаси асосида бошқа шахсга вақтинча лицензиарнинг назорати остида фойдаланиши тушунилади.

Интеллектуал мулк объектларини шахсийлаштириш деганда саноат намуналарини объектларининг (фирма номлари, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товар келиб чиққан жой

номалари, тижорат белгилари, домен номлари в.х) бир шахс томонидан ваколатли давлат органи рухсатини олган ҳолда ўзининг номига расмийлаштириш ва ундан фойдаланган ҳолда товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш муносабатлари тушунилади.

Шахсийлаштириш воситаси фуқаролик ҳуқуқий муносабат иштирокчилари сифатидаги муносабатини икки кўринишда ҳуқуқий ҳамда иқтисодий категория сифатида қарашимиз мумкин. Ҳуқуқий жиҳатдан товар белгилари хизмат кўрсатиш белгилари ва бошқа интеллектуал мулк объектларига нисбатан мулк ҳуқуқини қонунда кўрсатилган тартибда шахсийлаштириш хусусиятини келтириб чиқаради. Бунинг натижасида ушбу объектларга нисбатан шахснинг шахсий эгаллиги вужудга келади ва бошқалардан унинг рухсатсиз фойдаланишга рухсат этилмаслиги ёки қонунда кўрсатилган тартибда фойдаланишни ўз ичига қамраб олади. Шахсийлаштиришнинг иқтисодий мазмунига кўра ушбу объект эгаси ундан даромад олишга шахсан амалга оширилиши ёки бошқа шахсларга фойдаланиш учун беришга қаратилади.

Шахсийлаштириш воситаларини иқтисодий мазмунини унинг товар бозорида алоҳида муносабат сифатида муомалада бўлиши билан белгиланади. Чунки, шахсийлаштириш воситалари ижтимоий муносабатда қўлланилмас экан ҳеч қандай ҳуқуқий оқибат ёки иқтисодий манфаат келтириб чиқармайди.

Шахсийлаштириш воситаларини амалга ошириш нафақат унинг эгаси балки тегишли саноат намунасини башқа шахсларга ҳам фойдаланишга рухсат берилади. Мазкур муносабатда иккинчи шахс тадбиркорлик фаолиятида лицензий шартномаси асосида лицензиарнинг розилигини олган олган ишлаб чиқариш хизмат кўрсатиш ва бошқа фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқини қўлга киритади. Ҳамда биринчи шахс томонидан шахсийлаштирилган объектни иккинчи шахснинг ундан қай даражада фойдаланилаётганлигини назорат қилиб бориш шарт бўлиб ҳисобланади. Чунки иккинчи шахс томонидан шахсийлаштирилган объектга нисбатан инсофли муомалади бўлмаслиги натижасида унинг эгасига катта моддий маънавий зиён келтириб чиқаради. Натижада унинг маҳсулоти ёки хизмат кўрсатиш фаолияти истеъмолчилар назаридан четда қолиб

кетишига сабаб бўлади. Шу ҳисобда ҳуқуқни амалга ошириш муносабатларида шахсийлаштирилган объектни учинчи шахслар томонидан ижобий ёки салбий ҳолат сифатида эътироф этилади.

### **6.6. Инсофсиз рақобат кўриниши сифатида товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товар келиб чиққан жой номидан рухсатсиз фойдаланиш**

Ижтимоий ва иқтисодий нуқтаи назардан тадбиркор товар ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширар экан, энг аввало, ишлаб чиқарган маҳсулотининг истеъмолчилар ўртасида кенг оммалашишини ҳамда уларни ўзига ипсиз боғлаб олган ҳолда кўп даромад топишни мақсад қилади. Айтиш мумкинки, товарнинг истеъмолчини ўзига бу даражада жалб этишида шахсийлаштириш воситаси бўлган товар белгисининг ўрни ва роли катта. Чунки, айнан мазкур номоддий объект истеъмолчини келгусида яна шу маҳсулотни сотиб олишда асосий воситачи бўлиб хизмат қилади.

Товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товар келиб чиққан жой номлари билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ муносабатлар 2001 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонунига кўра тартибга солинади. Шу билан бирга мазкур шахсийлаштириш воситалари билан боғлиқ шартномавий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг (65-боби, 1098-1111-моддалари) қоидаларига кўра тартибга солинади.

2001 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддаси биринчи қисмига мувофиқ Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси бу бир юридик ва жисмоний шахслар товарлари ва хизматларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгилардир деб белгинланса мазкур қонуннинг 5-моддасида Мамлакат, аҳоли пункти, жой ёки бошқа жўғрофий объектнинг (бундан буён матнда

жўғрофий объект деб юритилади) товарни белгилаш учун ишлатиладиган, унинг алоҳида хусусиятлари тамомила ёки асосан мазкур жўғрофий объектга хос табиий шароитлар билан ёки бошқа омиллар ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омилларнинг бирикмаси билан белгиланадиган номи товар келиб чиққан жой номи деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 6 январдаги “Рақобат тўғрисида”ги 13-моддаси биринчи қисм учинчи бандида товар белгисини ва юридик шахсни шахсийлаштиришнинг бошқа воситасини такрорлаш, реклама материалларидан, товарнинг фирма ўрови ва шаклидан нусха кўчириш орқали қалбакилаштириш инсофсиз рақобат сифатида кўрсатиб ўтилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигига мувофиқ, шахсийлаштириш воситаларидан қонуний фойдаланиш унга нисбатан ҳуқуқни вужудга келиши тегишли равишда давлат рўйхатидан ўтказилган ҳолда вақтдан вужудга келади. шахсийлаштириш воситаларига нисбатан мазкур талабнинг бажарилиши шахснинг ёки шахслар гуруҳининг инсофли рақобатлашиш ҳолатини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1098-моддаси учинчи қисмига мувофиқ юридик шахснинг фирма номи унинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилади. Фирма номига бўлган ҳуқуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтидан эътиборан юзага келади. Товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси)га бўлган ҳуқуқ Фуқаролик кодексининг 1102-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигидан рўйхатдан ўтган вақтдан бошлаб юзага келади. Шунингдек, фирма номига (1101-модда), товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) (1105-модда), товар келиб чиққан жой номига (1109-моддаси)га бўлган ҳуқуқни лицензия шартномасига кўра ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш шахсийлаштириш воситаларидан инсофли эгаллаш деб топилиб инсофли рақобат муносабатлари сифатида қаралади.

Шахсийлаштириш воситаларидан инсофсиз рақобат шаклида фойдаланиш қуйидаги жиҳатларини алоҳида таъкидлаш лозим бўлиб:

Биринчидан, мутлақ ҳуқуқ эгасининг розилигисиз унинг шахсийлаштириш воситаларидан товар ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш муносабатларида фойдаланиш.

Иккинчидан, олдин устун мавқега эга бўлган товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товар келиб чиққан жой номларига ўхшаш бўлган белгидан фойдаланиш.

### **6.7. Инсофсиз рақобат сифатида тижорат сиридан рухсатсиз фойдаланиш.**

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қонунчилик асосларини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар қонунчилик соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Иқтисодиётнинг мазкур соҳасида банд бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш ва ҳимоя қилиш зарурлигининг асосий мақсади мамлакатда эркин ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ва турли ҳуқуққа зид ҳатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилишдан иборат.

Тадбиркорлик субъектларига тегишли тижорат сирини инсофсиз рақобатдан ҳуқуқий ҳимоя қилиш ана шундай қонунчилик ислоҳотларидан бири ҳисобланади. Мазкур интеллектуал мулк объектини ҳуқуқий муҳофаза қилиш энг аввало шахснинг унга бўлган ҳуқуқларини эркин амалга ошириш ва бошқалардан ушбу ҳуқуқни бузмасликни талаб қилишни ўзида акс эттиради. Моддий хусусиятга эга бўлган ашёлардан фарқли ўлароқ тижорат сирини бошқа шахсларга маълум бўлмаган маълумотларни ўзида мужассам этган мутлақ ҳуқуқ объекти ҳисобланади.

Инсофсиз рақобат сифатида тижорат сиридан унинг эгасини розилигисиз фойдаланганлик ҳолатини ҳуқуқий баҳолашнинг ўзига хослигини ҳуқуқий таҳлил этишдан олдин тижорат сирин ҳуқуқий моҳиятини очиб бериш лозим бўлади.

Тижорат сирини ҳуқуқий мақомига кўра шахснинг ўзидан бошқа ҳеч кимга маълум бўлмаган ҳамда қатъий ҳимоя қилинадиган техникавий, ташкилий ва тижорат хусусиятига эга бўлган маълумотлар йиғиндиси ҳисобланади. Адабиётларда тижорат сирини турли кўринишда “ишлаб чиқариш сирини”, “ноу-хау”, “ошкор этилмаган маълумот” шаклларида учрайди. Аслида санаб ўтилган

мазкур тушунчалар бир маъно ва мазмунни ифодалаб шахс ёки шахслар гуруҳига тегишли бўлган унинг эгасига нисбий ва ҳақиқий тижорат қийматига эга бўлган ахборот сифатида тушунилади. Хорижий давлатлар қонунчилигида ҳам “trade secret” яъни тижорат сирини маъносида таҳрир этилади.

Тижорат сирини интеллектуал мулкнинг бошқа объектларига нисбатан айрим хусусиятига кўра ажралиб туради. Хусусан тадбиркорлик фаолиятида тижорат сиридан фойдаланиш учун рухсат олиш бошқа интеллектуал мулк объектларидан фарқли равишда қўшимча равишда давлат рўйхатидан ўтказилиши талаб этилмайди. Масалан, юридик шахснинг фирма номидан фойдаланиш ФКнинг 1098-моддаси иккинчи қисмига кўра, товар белгиси ФКнинг 1101-моддаси биринчи қисмига кўра, товар келиб чиққан жой номи ФКнинг 1108-моддасига мувофиқ у давлат рўйхатидан ўтказилган вақтда эътиборан юзага келади ва ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади.

Тижорат сирини юқорида санаб ўтилган номоддий объектлардан фарқли ўлароқ ФКнинг 1095-моддаси иккинчи қисмига кўра, тижорат сирини ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилиш ҳуқуқи бу ахборотга нисбатан бирон-бир расмийликни бажаришдан у давлат рўйхатидан ўтказиш асосида гувоҳнома олиш ёки олмасликдан қатъи назар вужудга келади ҳамда ушбу сир шахсга умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқига эга бўлади тўғрисида унга нисбатан монополь ҳуқуқни ўзида намоён этади. Ушбу сирдан бошқа шахсга фойдаланиш учун тақдим этиш ҳуқуқи ҳам тегишли тартибда рўйхатдан ўтказилиши талаб этилмайди. Лекин тижорат сирини бошқа шахсга беришда ушбу сирни сақлаш билан боғлиқ чораларни кўришни ёзма равишда расмийлаштириб қўйилади.

Фуқаролик қонунчилигида тижорат сирини ҳуқуқий муҳаза қилишнинг икки хил шакли яъни рўйхатдан ўтказилган ва рўйхатдан ўтказилмаган ҳолда муҳофаза қилиш белгиланган. Тижорат сирини у рўйхатдан ўтказилмасдан ҳуқуқий муҳофаза қилиш ушбу номоддий объектга нисбатан эгаси атамаси қўлланилади. Агар тижорат сирининг эгаси ушбу сирни тегишли ваколатли давлат органидан рўйхатдан ўтказилган ҳолда эгаллик қилса у ҳолда тижорат сирини нисбатан ушбу тижорат сирининг эгаси эмас балки мутлақ ҳуқуқи эгаси тушунчаси қўлланилади.

Тижорат сирини фуқаролик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш ҳамда ҳуқуқни бузган шахсга нисбатан фуқаролик таъсир чорасини қўллаш ФКнинг 98-моддасида белгиланган шартлар мавжуд бўлгандагина амалга оширилади. Бундай белгилар жумладан:

- ушбу сир учинчи шахсларга номаълум бўлиши;
- унинг эгасига нисбатан ҳақиқий ва нисбий тижорат қийматига эга бўлиши;
- тижорат сирини эгаси унинг бошқа шахслар томонидан эркин фойдаланиш имкониятини чеклаш мақсадида ушбу сирнинг махфийлигини сақлашга доир чораларни кўрган бўлиши асос бўлади.

Юқорида санаб ўтилган ҳолатлар қатъий аҳамиятга эга бўлиб уларнинг мавжуд эмаслиги зарар етказувчидан зарар кўрган шахс зарарни талаб қилиш ҳуқуқдан маҳрум бўлишига олиб келади. Бунда:

- биринчидан, учинчи шахс ушбу тижорат сирини ҳақиқий маънода манфаатдор бўлган тадбиркорлар, ушбу сир эгаси бўлган шахс билан рақобатчи бўлган шахслар, тижорат сирининг эгаси томонидан таклиф этаётган маҳсулотга контрагент бўлган субъектлар ҳисобланади;

- иккинчидан, тижорат сирининг эгасига ундан ўзи томонидан бевосита товар ишлаб чиқариш, иш бажариш ёки хизмат кўрсатиш билан боғлиқ фаолият бўлса ёки билвосита фойдаланиш эса ушбу сирни лицензия шартномасига мувофиқ вақтинчалик бошқа шахсга бериши тушунилади.

- учинчидан, ушбу сир эгаси тижорат сирини билан боғлиқ маълумотларни сақлаш чораларни кўрган бўлиши лозимлиги юқорида таъкидлаб ўтилди.

Бундай ҳимоя қилиш унинг эгаси ёки ҳуқуқни қабул қилган шахс томонидан турли техник, ташкилий ҳамда юридик воситалардан фойдаланиш орқали амалга оширилишини тушуниш мумкин. Лекин, шуни назарда тутиш мумкинки, ушбу сир эгаси ёки ундан фойдаланишга рухсат олган лицензиат ҳар доим ҳам барча ҳимоя қилиш чораларини кўриш имкониятига эга бўлавермайди. Тижорат сирини фойдаланиш билан боғлиқ ҳолат кўриб чиқиладиганда тижорат сирининг эгаси ҳақиқатдан ушбу сирни ҳимоя қилиш хоҳиши очиқ-ойдин кўриниб турган бўлиши талаб

этилади. Мазкур талаб тижорат сирини ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Лекин, ушбу сир эгаси уни ҳимоя қилиш чорасини кўрган бўлишига қарамай учинчи шахсларнинг ушбу сирдан эркин фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги тижорат сирини ҳуқуқий муҳофаза қилишни истисно этади ҳамда ҳеч қандай фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни келтириб чиқармайди. Масалан, тижорат сирининг эгаси ушбу сирни ҳуқуқий муҳофаза қилиш чораларини кўрган, лекин ўзи билмаган ҳолда оммавий ахборот воситаларида ва нашрларда эълон қилган, интернет саҳифаларида маҳсулотнинг таркиби тўғрисида ушбу сирни ўзида акс эттирган маълумотларни жойлаштириб қўйиши тижорат сирини оммага ошкор этиш сифатида тушуниш мумкин.

Тижорат сиридан инсофсиз равишда фойдаланиш ҳар доим шахснинг онгли ҳатти-ҳаракатлари орқали содир этилади. Бунда ҳуқуқни бузувчи шахс асосан икки мақсадни яъни ҳуқуқни бузувчи шахс атайлаб ғаразли мақсадда тижорат сирининг эгасига зарар етказиш мақсадини кўзласа, иккинчидан, ҳуқуқни бузувчи шахс тижорат сирини инсофсиз шароитда эгаллаган ҳамда унинг эгасига турли ҳуқуққа зид ҳатти-ҳаракатлар билан (тижорат сирини ошкор этиш билан кўрқитиш, инсофсиз шахс билан тижорат сирини эгасининг рақобатлашмаслиги в.х) таҳдид қилган ҳолда фойдаланишни тушуниш мумкин.

Одатда тижорат сирини инсофсиз равишда эгаллаш шахснинг турли усул ва воситаларни қўллаган ҳолда унинг эгасини розилигисиз олиш (бу ўз навбатида меҳнат муносабатларида тижорат сиридан хабардор бўлган ходим билан ўзаро тил бириктириб эгаллаши, лицензия шартномасига кўра фойдаланаётган лицензиатнинг бошқа шахсга уни эгасининг розилигисиз фойдаланиши) ёки тижорат сирини тўғрисидаги маълумотларни ўзида акс эттирган маълумотларни тақдим этишни талаб қилишга ваколатли давлат органи томонидан ошкор этиши каби тижорат сирини ошкор этиш билан боғлиқ ҳолатларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Демак, тижорат сирини ошкор этиш билан боғлиқ мазкур ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда иккига бўлиш мумкин.

Юқоридаги ҳолатдан келиб чиқиб мазкур ҳолатларни таҳлил этсак. Биринчи ҳолатда шахснинг ихтиёридан ташқари бошқа шахс

томонидан тижорат сирини эгаллаш ва ундан фойдаланиш тижорат мақсадини кўзлаган ҳолда унга рақобатчи бўлиши сифатида қараш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 январда қабул қилинган “Рақобат тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддаси биринчи қисми тўртинчи бандида тижорат сирини эгасининг розилигисиз олиш, ундан фойдаланиш ва уни ошкор этиш инсофсиз рақобат сифатида кўрсатиб ўтилади. Мазкур модда матнида таҳлил этилаётган ҳолат бошқа шахснинг ҳуқуққа зид ҳатти-ҳаракатларини ўзида акс эттиради.

Тижорат сирини уни эгасининг розилигисиз олиш, бошқа ҳуқуққа зид ҳаракатлар жумладан тижорат сиридан фойдаланиш, ва уни ошкор этишдан ажралиб туради.

Тижорат сирини олиш ихтиёрий равишда (лицензия шартномасига кўра) ёки ушбу сир эгасининг ихтиёридан ташқари эгаллашини тушуниш мумкин. Тижорат сирини олиш инсофсиз рақобат сифатида қаралиб унинг эгасига нисбатан уни ноқонуний (қонуний) эгаллаган шахс томонидан турли ноқулай вазиятларни яратиш хусусан:

- тижорат сирини ноқонуний эгаллаган шахс билан бир ёки бир неча ҳудудда рақобатлашмаслик талабини қўйиш;

- ушбу сир эгасини ушбу бозордан чиқиб кетиш талабини қўйиш;

- тижорат сирини ошкор этмаслик шарти билан ҳақ талаб қилиш;

- тижорат сирини эгасининг ўз контрагентлари билан тузган товар олди-сотди, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ фуқаролик шартномаларини тижорат сирини инсофсиз эгаллаган шахс фойдасига бекор қилишни талаб қилиш;

- тижорат сирини эгасининг ушбу сирни инсофсиз эгаллаган шахсдан олдидан рухсат олган ҳолда ҳаракатланиш талабини бажариш талабини қўйиш билан боғлиқ бошқа ҳуқуққа зид ҳолатларни санаб ўтиш мумкин.

Тижорат сиридан инсофсиз равишда фойдаланиш рақобат қонунчилигига кўра инсофсиз рақобат сифатида қаралади. Тижорат сиридан инсофсиз равишда фойдаланиш уни эгасининг розилигисиз товар маҳсулотини ишлаб чиқариш ва уни сотиш, иш бажариш ёки хизмат кўрсатиш билан боғлиқ фуқаролик ҳуқуқий

муносабатларни ўзида ифодалайди. Фойдаланиш деганда – инсофсиз эгаллаган ҳолда ўзи томонидан (бевосита фойдаланиш) ёки лицензия шартномасига мувофиқ бошқа шахсга шартномада кўрсатилган ҳаракатларни амалга ошириши учун бериши (билвосита фойдаланиш) сифатида тушуниш мумкин.

Тижорат сиридан фойдаланишнинг бевосита шакли тижорат сирини инсофсиз эгаллаган шахснинг юқорида таъкидлаб ўтилган ҳатти-ҳаракатларни амалга ошириш тушунилади. Бунда шахс ушбу сирдан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарган товарни реализация қилиши, иш бажариши ва хизмат кўрсатиши билан боғлиқ фаолиятidir. Лицензия шартномасига кўра ушбу сирни бошқа шахсга фойдаланиш учун тақдим этиш ушбу сирдан билвосита фойдаланишган ҳолда даромад топиши билан боғлиқ ҳуқуққа зид ҳаттаи-ҳаракатлари сифатида баҳоланади.

Тижорат сирини ошкор этиш инсофсиз рақобат сифатида этиш қасддан содир этилади ҳамда ушбу эгасига зарар етказиш билан тугайди. Ушбу ҳатти-ҳаракатларнинг моҳияти энг аввало ўзига рақобатчи бўлган шахсни бозордан чиқариб юбориш ҳамда фаолиятини мажбурий тугатилишига (банкрот бўлиши, ўзига кўшим олиши в.х) олиб келиши кўзланади.

Одатда тижорат сирини ошкор этиш билан боғлиқ шахслар доирасини иккига бўлиш мумкин бўлиб:

биринчиси, юридик ва жисмоний шахс томонидан ошкор этиши;

иккинчиси, тижорат сирини ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг монополияга қарши орган томонидан ошкор этилиши. Таъкидлаб ўтилган биринчи ҳолат юқорида фикр-мулоҳазаларимизда сўз юритган эдик.

Тижорат сирини инсофсиз равишда ошкор этишнинг иккинчи тури ўзига хос ҳуқуқий табиати билан ажралиб туради. Мазкур хусусият энг аввало тижорат сирини эгасининг ушбу сирга бўлган ҳуқуқини сир сақланишини монополияга қарши орган томонидан лозим даражада бўлмаган ҳаракатлари натижасида ошкор этилади. Бунда тижорат сирининг эгаси тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни мазкур орган талаби билан тақдим этилиши ҳамда ошкор этмаслик шарти билан ҳуқуқий муҳофаза қилинади. Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги Қонунинг 24-

моддасига кўра, Монополияга қарши орган ушбу Қонунга мувофиқ ўзига берилган ваколатларни амалга ошириши муносабати билан маълум бўлиб қолган тижорат сирини ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Инсофсиз рақобат тушунчаси ва унинг ҳуқуқий табиати.
2. Инсофсиз рақобатга олиб келувчи ҳолатлари
3. Инсофсиз рақобатни ҳуқуқий баҳолаш.
4. Шахсга тегишли шахсийлаштириш воситаларидан рухсатсиз фойдаланиш билан боғлиқ инсофсиз рақобат.

### **1-Казус**

Монополияга қарши кураш органига “Ситрус” компанияси томонидан рақобатга қарши ҳаракатлар амалга оширилаётганлиги ҳақида “Тиббиёт маркази” муассасасидан ариза келиб тушди.

“Тиббиёт маркази” муассасаси миллий ва ҳорижий мижозларга тиббиёт хизмати кўрсатиш билан шуғулланади. “Ситрус” компанияси эса алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқариш ва Ўзбекистон Республикасига сотиш билан шуғулланади, шу вақт давомида “Ситрус” компанияси Ўзбекистон Республикасида тиббиёт муассасаси очишга қарор қилади.

Тиббиёт бозоридаги вазиятни ўрганиш учун “Ситрус” компанияси ўз ходими R.Gни “Тиббиёт маркази” муассасасига юборади, R.G муассаса ходимига ўзини мижоз сифатида таништириб, уларнинг фаолиятиги қизиқаётганини, танишиб чиқиш учун муассаса фаолиятига оид маълумотларни тақдим этишни сўрайди.

“Тиббиёт маркази” муассасаси ходимаси унинг асл мақсадини билмаган ҳолда мижозлар рўйхатини R.Gга тақдим қилади натижада рўйхат муассасага қайтарилмайди. Монополияга қарши курашиш органи мижозлар рўйхати реестри тижорат сирини ташкил қилишини ва тегишли тартибда сир сақланишини аниқлади. R.G мазкур реестрни “Ситрус” компаниясига тақдим этди ва

компания тиббиёт муассасаси ташкил этиш ва мижозлар базаси шакллантиришда фойдаланди.

Хусусан “Ситрус” компанияси “Тиббиёт маркази” муассасаси мижозларига ўзи ташкил этган тиббиёт муассасаси ҳақида маълумот тақдим этди ва ўз муассасаси хизматидан фойдаланишни таклиф этди. Шу тарзда мазкур реестрдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланди.

“Ситрус” компанияси тиббиёт муассасаси сифатида ўз фаолиятини бошлагач, унинг 15 фоиз атрофидаги мижозлари “Тиббиёт маркази” муассасаси хизматидан фойдалангани маълум бўлди.

**Савол.**

Ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

Инсофсиз рақобат нима ва унинг қандай белгилари бор?

## 2-Казус

Концерт дастурини ташкиллаштирувчи “Санъаткор” фирмаси Тошкент шаҳрида жойлаштирилган афишалар ва ОАВларида 2013 йилнинг июнь ойининг 11-15 кунларида 10 дан ортиқ санъат юлдузлари иштирокида галаконцерт дастури бўлиб ўтиши тўғрисида реклама берган.

Ваҳоланки, концерт дастури 10 дан ортиқ санъат юлдузлари иштирокида эмас, балки 2 та санъат юлдузи иштирокида ўтказилган холос.

“Санъаткор” фирмасининг реклама қонунчилигини бузганлиги учун жавобгарлик масаласини таҳлил қилинг.

Мазкур ҳолатда рақобатга қарши давлат органининг ваколатларини тушунтиринг.

Ҳолатни қонуний жиҳатдан асослаб беринг.

## **VII-БОБ. САВДОЛАРНИ ЎТКАЗИШДА МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР ВА УНИ ОЛДИНИ ОЛИШ**

---

*7.1. Танлов (савдо)лар ўтказиш тартиби ва унинг ҳуқуқий асослари.*

*7.2. Танлов ўтказишда монополияга қарши талаблар.*

*7.3. Танлов (тендер) савдоларини ўтказишда рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар.*

*7.4. Суд томонидан танловни ўтказилмаган деб топиш асослари.*

*7.5. Биржа савдоларини ўтказиш тартиби.*

*7.6. Биржа савдоларига доир монополияга қарши талаблар.*

*7.7. Биржа савдоларида тузилган битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг оқибатлари.*

### **7.1 Танлов (савдо)лар ўтказиш тартиби ва унинг ҳуқуқий асослари.**

Савдолар тизимини такомиллаштириш долзарб масалалардан бўлиб мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади ҳамда товар (хизмат, иш) ва ҳом-ашё бозорининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, кўрсатилган соҳаларда қонунбузарликларни олдини олиш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадларига хизмат қилади.


Танлов савдоларнинг бир тури ҳисобланади (ким-ошди савдолари билан бир қаторда). Бунда танлов ташкилотчиси томонидан олдиндан тузилган танлов комиссиясининг ҳулосасига кўра энг яхши таклифни берган (кимошди савдоларида энг яхши нарх берган) иштирокчи танлов ғолиби бўлади. Айрим чет эл ҳуқуқий амалиётида танлов савдолари тендер деб юритилади.

Тендер (ингл. Tender – таклиф) деганда товарлар етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажаришни кўзда тутувчи таклифларни ҳужжатларда олдиндан белгиланган шартлар ва муддатларда рақобат, одиллик ва самарадорлик тамойиллари асосида танлаш тушунилади<sup>30</sup>. Бунда шартнома тендер ғолиби,

---

<sup>30</sup><https://ru.wikipedia.org/w/index.php>

яъни талабларга мос келувчи ва энг яхши шартлар кўрсатган иштирокчи билан тузилади.



«Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли Қарорига асосан 2000 йил 1 декабрдан бошлаб давлат бюджети, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукуматининг қарорларига мувофиқ ташкил этилган давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар ҳамда донор мамлакатлар, халқаро, хорижий ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлар билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукумати томонидан тузилган шартномалар доирасида бериладиган хорижий грантлар маблағлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси кафолати остида бериладиган хорижий кредитлар ҳисобига молиялаштириладиган ва битта контракт бўйича қиймати 100 минг АҚШ долларига тенг миқдордан ортиқ бўлган импорт қилинадиган ва мамлакатимизда ишлабчиқарилган хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар тендер асосида харид қилинади. Шунингдек, хорижий етказиб берувчилар билан тузиладиган тендер контрактлари бўйича юклар ташилишини таъминлайдиган транспорт-экспедиторлик компаниялари тендер асосида танланади.

Тендер савдолари 100 минг АҚШ долларига тенг миқдордан ортиқ битта контракт бўйича товарлар етказиб беришни амалга оширишда ўтказилади.

Бундан ортиқ - 300 АҚШ долларидан 100 минг АҚШ долларигача тенг суммадаги битта контракт бўйича етказиб беришларни амалга оширишда харидлар буюртмачи томонидан ташкил этиладиган махсус комиссия қарорига кўра энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида тендер савдолари ўтказмасдан қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

**харид қилинадиган товарлар, ишлар ва хизматларнинг тавсифномасини, сонини, бажариш муддатини ва товарни етказиб бериш жойини кўрсатган ҳолда таклифларни етказиб берувчиларга ёки пудратчиларга юбориш;**

**етказиб берувчилар ёки пудратчилар эълон қилган нархлар ва тавсифномаларни таққослаш.**

Махсус комиссия буюртмачининг раҳбар ходимлари ва ваколатли мутахассисларидан камида уч нафардан иборат бўлган таркибда тузилади. Махсус комиссиянинг қарори баённома билан расмийлаштирилади.

Қарорларни ошкора ва холисона қабул қилиш, мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари (етказиб берувчилари) учун устуворликни сақлаган ҳолда тендер қатнашчилари учун тенг рақобат шароитлари яратиш тендерлар ўтказишни ташкил этишнинг асосий тамойиллари ҳисобланади.

Тендер савдоларини ташкил этиш тендерларни ўтказиш бўйича доимий ёки вақтинчалик органи бўлган тендер комиссиясига юклатилган. Комиссиянинг ишчи органи тендерларни ўтказишни (товар етказиб берувчиларни олдиндан малакали танлаш, тушадиган таклифларни эксперт баҳолаш, бинолар ва ёрдамчи ходимлар бериш, реклама ишларини ташкил этиш, тендер комиссияси ҳужжатларини ва шу кабиларни амалга оширишни) амалда ташкил этувчи асосий орган ҳисобланади. Комиссия аъзолари сони тоқ (одатда камида тўққиз, ўн бир киши), шу жумладан унинг таркиби қуйидагилардан иборат бўлади:


буюртмачининг вакиллари;  
тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари (зарур бўлганда);  
хизмат кўрсатувчи тижорат банки ва мустақил эксперт  
ташкilotлар вакиллари;

буюртмачининг юқори ташкilotлари, вазирликлари,  
идоралари вакиллари;

тендер савдолари хорижий товар етказиб берувчиларни жалб  
этган ҳолда ташкilot қилинган тақдирда, транспорт-экспедиторлик  
компаниялари вакиллари.

Буюртмачининг ёки унга қарашли корхоналар ваташкilotлар  
вакиллари сони тендер комиссияси таркибининг  
30 фоизидан ошмаслиги керак.

Тендерни ташкilot этиш ва ўтказиш қуйидаги **босқичлардан**  
иборат бўлади:



Тендернинг ишчи органисавдолар ўтказилишидан камида  
30 кун олдин тендер тўғрисидаги ахборотни оммавий ахборот  
воситаларида эълон қилиш (бунда ушбу мақсад учун ҳам  
мамлакатимизда, ҳам чет элларда энг кенг тарқалган ва  
ихтисослашган журналлар, газеталарни танлаш мажбурий  
ҳисобланади) ва/ёки мамлакатимиздаги ишлаб чиқарувчиларни, шу  
жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини  
албатта жалб этган ҳолда почта, телефакс орқали ёки бошқача  
шаклда аниқ даъвогарларга расмий таклифномалар юбориш йўли  
билан даъвогарларга етказди. Ёпиқ тендерлар ўтказилганда тендер  
тўғрисидаги эълон оммавий ахборот воситаларида чоп этилмайди.

Тендер бошлангунга қадар тендерда иштирок этиш учун қўйиладиган даъвогарларнинг тендер комиссияси томонидан малакали танлови ўтказилади.

Танловда қуйидаги субъектлар иштирок этишларига йўл қўйилмайди:

- ❖ қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган;
- ❖ малакали танлов учун барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;
- ❖ илгари тузилган контрактлар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни зарур даражада бажармаган;
- ❖ тендер эълон қилингунга қадар таъсис этилганига 6 ой бўлмаган;
- ❖ буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик муҳокамасида иши кўриб чиқиляётган;
- ❖ тижорат ва молия кўрсаткичлари бўйича тендер комиссиясининг талабларига жавоб бермайдиган ташкилотлар.

Юқоридаги чекловларнинг мақсади савдоларда унинг ташкилотчиси ва иштирокчиларнинг ўртасида манфаатлар

Танлаб олинган қатнашчилар рўйхати тендер комиссияси томонидан тасдиқланади. Тендерда қатнашишга рухсат этишни рад этиш тўғрисидаги қарор тендер комиссияси томонидан қабул қилинади ва бу ҳақда ишчи орган даъвогарларни ёзма равишда хабардор қилади.

**Тендер ўтказиш тартиби.** Оммавий ахборот воситаларида тендер ўтказиш тўғрисидаги эълон расман босиб чиқарилган сана ёки тендер қатнашчиси почта (сана почта штемпели бўйича аниқланади), телефакс бўйича ёки бошқа шаклда хабар қилинган (таклиф этилган) сана тендер очилган сана ҳисобланади.

Ўтказиладиган тендерлар доирасида тендер таклифлари тайёрлаш муддати тендер комиссияси томонидан белгиланади ва тендер очилиши тўғрисидаги эълонда кўрсатиб ўтилади.

*Мисол:*

№	Товар, иш, хизматлар	Ўл. бир.	Мик.	Бошланғич нархи, минг сўм	Боғланувчи ходим ва телефон рақами
1.	Коммутатор и оптик трансивер CISCO	Донна	6	150 000	Алибеков И.Р. 113-33-40
2.	"УзРХТБ" АЖмарказий аппарат биносини реконструкция қилиш бўйича етказиб бериш ва аниқлаш			аниқлаш босқичида	Алибеков И.Р. 113-33-40
3.	"УзРХТБ" АЖмарказий аппарат биносини фасад бўйича етказиб бериш ва аниқлаш	м <sup>2</sup>	1300	аниқлаш босқичида	Алибеков И.Р. 113-33-40
4.	Ташқи RGB LED панель (кенглиги 50 см)	п.м.	45	300 000	Алибеков И.Р. 113-33-40
5.	Биржа мулкни ҳисобини автоматлаштириш учун жиҳозлар ва дастурий таъминот	к-т	1	30 000	Алибеков И.Р. 113-

Тендер комиссияси тендер таклифларини тақдим этиш муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин, ушбу қарор тендернинг барча қатнашчиларига нисбатан жорий этилади.

Тендер комиссияси ўз иши тартибини мустақил равишда ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. Мазкур масала бўйича қарор тендер комиссияси аъзолари умумий сонининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган ҳолларда тендер комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

Ҳар бир аниқ ҳолатда тендер комиссияси тендерда қатнашиш учун даъвогар томонидан бериладиган закат олиш тартиби, миқдори ва шаклини белгилаб беради. Закат миқдори харид ҳисоб-китоб қийматининг 1-5 фоизи доирасида бўлишига йўл қўйилади. Закалатлар буюртмачи ёки ишчи органнинг ҳисобварағига киритилади (агар ихтисослаштирилган ташкилот ишчи орган бўлиб ҳисобланган ҳолларда). Мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари (товар етказиб берувчилари)нинг закатлари сўмларда олинади.

Эътиборлиси, тендер таклифлари фақат муҳрланган икки қаватли хат жилдда қабул қилинади. Ишчи органнинг номи ва манзили кўрсатилган ташқи хат жилдда тендер қатнашчиси томонидан закат берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат, ички хат жилдда - тендер таклифи, товарнинг номи ва таклифларни қабул қилиш учун белгиланган сана бўлади.

Юқоридаги санадан кейин олинган таклифлар кўриб чиқилмайди ва хат жилдлар очилмасдан тендер қатнашчиларига қайтариб юборилади. Тендер қатнашчиси кўрсатиб ўтилган санадан сўнг ўзгартиришлар киритган ёки ўз таклифини қайтариб олган ҳолларда закат унга қайтариб берилмайди. Тендер қатнашчиси тендер буюртманомалари қабул қилиб олинadиган охириги санагача кечи билан 5 кун муддатда ўз таклифини қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

Тендер комиссияси мажлисини ўтказиш учун кворум унинг таркибининг 70 фоизини ташкил этади. Тендер комиссиясининг

барча мажлислари ва барча қабул қилинган қарорлари протоколлар билан расмийлаштирилиши керак.

Тендер қатнашчиларининг таклифлари солинган хат жилдлар бевосита тендер комиссияси мажлисида очилади. Бундай ҳолларда тендер комиссияси мажлисининг протоколида тендер қатнашчилари томонидан тақдим этилган таклифларнинг тендер ҳужжатларига мувофиқлиги ёзиб қўйилади.

Тендер таклифларини кўриб чиқиш муддати тендер комиссияси томонидан хат жилд очилган вақтдан бошлаб белгиланади. Бу муддат сотиб олинadиган товарнинг турига боғлиқ бўлиб уч ойдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Таклифларни кўриб чиқиш чоғида уларнинг тендер ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги аниқланади, зарур ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг тўғри расмийлаштирилиши текширилади.

Тендер комиссияси тушган таклифларнинг тендер шартларига мувофиқлигини текширади ва тендер шартларида белгиланган, энг кўп рақобат нархлари, етказиб бериш шартлари, тўлов ва бошқа мезонлар бўйича ғолибларни аниқлайди. Шароитлар тенг бўлган бошқа ҳолларда ғолибни аниқлашда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари (етказиб берувчилари)га устунлик берилади.

Тендерни ташкил этиш ва ўтказиш харажатлари, шунингдек, эксперт ташкилотларининг хизматлари учун тўловлар қатнашчилар томонидан тендер ҳужжатларини сотиб олиш учун тўланган маблағлардан тўланади.

Тендер ўтказилгандан кейин буюртмачи ёки ишчи орган (ихтисослаштирилган ташкилот) қатнашчиларга (ғолиб бундан мустасно) уларнинг закатларини банк операцияларини ўтказиш харажатларини чиқариб ташлаган ҳолда қайтаради. Закат тендер ғолиби эълон қилинган вақтдан бошлаб белгиланган муддат мобайнида, бироқ 11 банк кунидан кечиктирмай қайтарилади. Тендер ғолибининг закати контракт шартлари бажарилиб бўлгунга қадар бундай контракт шартларининг тендер ғолиби томонидан керакли тарзда бажарилишига кафолат сифатида буюртмачининг ихтиёрида қолиши мумкин. Тендерда қатнашиш ҳуқуқи бошқа юридик шахсларга берилишига йўл қўйилмайди.

## **7.2. Танлов (тендер) савдоларигадоир монополияга қарши талаблар.**

Танлов жараенларига монополияга қарши талабларнинг татбиқ этилиши муҳим аҳамият кас этиб савдоларнинг қонунда белгиланган принципларга риоя этилган ҳолда ўтказилишига

Ягона (умумий) иқтисодий манфаатга эга бўлган шахслар йиғиндиси шахслар гуруҳи деб эътироф этилиб, уларга татбиқан қуйидаги бир ёки бир нечта шарт бажарилади:

икки ва ундан ортиқ юридик шахснинг бири бевосита ёки билвосита, шунингдек ўзга шахслардан олган ваколатларига мувофиқ бошқа юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) эллик фоизидан ортиғига эгалик қилади;

икки ва ундан ортиқ юридик шахсда айна бир жисмоний шахс, шунингдек унинг эри (хотини), ота-онаси (фарзандликка олувчилари), болалари (фарзандликка олинган болалари), туғишган ва ўғай ака-укалари ҳамда опа-сингиллари (бундан буён матнда яқин қариндошлари деб юритилади) ушбу юридик шахслардаги иштироқи туфайли ёхуд бошқа шахслардан олган ваколатларига мувофиқ мазкур юридик шахслардан ҳар бирининг устав фондининг (устав капиталининг) эллик фоизидан ортиғига эга бўлади;

икки ва ундан ортиқ юридик шахсда айна бир юридик шахс ушбу юридик шахсларда ўзининг иштироқи туфайли ёхуд бошқа шахслардан олган ваколатларига мувофиқ мазкур юридик шахслардан ҳар бирининг устав фондининг (устав капиталининг) эллик фоизидан ортиғига эга бўлади;

икки ва ундан ортиқ юридик шахснинг ижро этувчи органи таркибига айна бир жисмоний шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари киради;

икки ва ундан ортиқ юридик шахснинг коллегиял ижро этувчи органи ва (ёки) кузатув кенгаши сон таркибининг эллик фоизидан ортиғини айна бир жисмоний шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари ташкил этади;

икки ва ундан ортиқ юридик шахслардан бири қонун ҳужжатларига ёки ушбу юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатларига ёхуд улар ўртасида тузилган шартномаларга асосан ушбу юридик

шахсларга ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беришга ҳақли бўлади;

икки ва ундан ортиқ юридик шахсда айна бир жисмоний шахс ёки айна бир юридик шахс қонун ҳужжатларига ва ушбу юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатларига ёхуд улар билан тузилган шартномаларга асосан уларга ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беришга ҳақли бўлади.

Қонунчиликда шахслар гуруҳига товар ёки молия бозорининг ягона субъекти сифатида қаралади.

Устун мавқе товар ёки молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёхуд шахслар гуруҳининг рақобатлашувчи хўжалик юритувчи субъектларга боғлиқ бўлмаган ҳолда унга ўз фаолиятини амалга ошириш ва рақобатнинг ҳолатига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш, тегишли бозорга бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг киришини қийинлаштириш ёхуд уларнинг иқтисодий фаолият эркинлигини бошқача тарзда чеклаш имкониятини берадиган ҳолатидир.

Товар бозорида қайси хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳи товарининг улуши:

1) эллик ва ундан ортиқ фоизни ташкил этса;

2) ўттиз беш фоиздан эллик фоизгача ҳажмда бўлиб, бунда қуйидаги шартлар:

хўжалик юритувчи субъектнинг товар бозоридаги улуши камида бир йил мобайнида барқарор бўлиб туриши;

товар бозорида бошқа хўжалик юритувчи субъектларга (рақобатчиларга) тегишли улушларнинг нисбий миқдорда бўлиб туриши;

ушбу бозорга янги хўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) киришига имконият бўлиши шартлари белгиланган бўлса, шу хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг мавқеи устун мавқе деб эътироф этилади.

Молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеини эътироф этиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Товарнинг товар бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъект томонидан белгиланадиган нархи, агар ушбу нарх:

бундай товарни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш учун зарур бўлган харажатлар ҳамда фойда суммасидан юқори бўлса;

асоссиз харажатларнинг ўрнини қоплашга ёки товарнинг сифатини пасайтириш натижасида қўшимча фойда олишга йўналтирилган бўлса, монопол юқори нархдир.

Товарнинг нархи биржа савдолари якунларига кўра шаклланган тақдирда, у монопол юқори нарх деб эътироф этилмайди. Товарнинг молия бозоридаги монопол юқори нархи Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аниқланади.

Товар бозорида сотувчи ёки сотиб олувчи сифатида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъект томонидан товарнинг таннаридан паст даражада ва ушбу товарни сотишдан зарар келтирадиган даражада белгиланадиган, натижада рақобатнинг чекланишига олиб келадиган нарх товарнинг монопол паст нархидир.

Товарнинг молия бозоридаги монопол паст нархи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аниқланади.

### **7.3. Танлов (тендер) савдоларини ўтказишда рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар**

Танлов (тендер) савдоларини ўтказишда рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар, шу жумладан, қуйидагилар тақиқланади:

савдолар ўтказишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибини бузиш;

савдоларнинг ташкилотчилари ва (ёки) буюртмачилари томонидан савдолар иштирокчиларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

хўжалик юритувчи субъектлардан савдоларда қатнашиш учун ҳужжатларни қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш;

савдолар иштирокчиларини асоссиз равишда четлаштириш;

савдоларнинг битта ёки бир нечта иштирокчисига савдоларда қатнашиш учун имтиёзли шарт-шароитлар яратиб бериш, шу жумладан, ахборотдан фойдаланиш орқали имтиёзли шарт-шароитлар яратиб бериш, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

товарнинг аниқ ишлаб чиқарувчисини кўрсатиш, бундан товарларнинг мос келмаслиги ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳоллар мустасно.


Ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган монополияга қарши талабларнинг бузилиши танлов (тендер) савдоларининг қарорларини ва шу савдолар натижалари бўйича тузилган шартномаларни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлади.

Монополияга қарши органнинг олдиндан берилган розилигисиз содир этилган, товар ёки молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеи юзага келишига ёки кучайишига ва (ёки) рақобатнинг чекланишига олиб келадиган ҳаракатлар (тузилган битимлар) суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

#### **7.4. Суд томонидан танловни ўтказилмаган деб топиш асослари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги № 456 “Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан тендер савдоларини тендер комиссияси томонидан ўтказилмаган деб эълон қилиниши ҳолатлари белгиланган.

Жумладан:



Бунда агар тушган тендер таклифларининг бирортаси тендер ҳужжатлари шартларига мувофиқ бўлмаган тақдирда, тендер ўтказилади, аммо салбий натижага эга деб ҳисобланади.

Амалдаги қонунчиликда судлар фаолиятида танловларни ўтказилмаган деб топиш бўйича аниқ нормалар кўрсатилмаган бўлиб ушбу масаладаги ишларни кўриб чиқишда тендер савдоларини ўтказишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги савдоларга қўйилган талаблар, таклифларни танлаш шартлари ва мезонлари, иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларидан келиб чиқиб қарор чиқарилади. Ҳусусан, Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги 456-сонли, 2013 йил 11 июндаги 166-сонли, 2015 йил 14 сентябрдаги 264-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 5 апрелдаги 1948-сонли қарорларида танловлар, тендер савдолари ва электрон савдоларни ташкил этишга доир қоида ва тартиблар ўз аксини топган.

### **7.5. Биржа савдоларини ўтказиш тартиби**

Биржа фаолияти мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган товарлар ва ҳом-ашё базасининг катта ҳажмлардаги савдоларини қонуний йўллар орқали ва замонавий усулларда амалга ошириш учун масъул бўлган ягона марказлаштирилган орган - Ўзбекистон

товар ҳом-ашё биржаси (кеинги матнда “ЎзРТХБ” деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Таъкидлаш жоизки ушбу фаолият йилдан йилга жадал суръатлар билан ривожланмоқда. 2004-2014 йиллар давомида ЎзРТХБда тузилган битимлар ҳажми 20 баробарга ошди (2004 йилдаги 450 млрд. сўмдан 2014 йилдаги 8,9 трлн. сўмгача). Охирги йилларда биржа бозорининг ЎзТХБ айланмаси ҳажмидаги улуши 80 фоизга етди. Биржа савдолари орқали сотиладиган товарлар номенклатураси 14 та позицияга ошди<sup>31</sup> ва бу ўсиш кўрсаткичлари келажакда ҳам сақланиб қолиши кутилмоқда.

Биржа савдолари биржада унинг аъзоларининг барчасига ушбу савдоларда бир вақтда иштирок этиш имконияти берилган ҳолда, марказлаштирилган тарзда электрон шаклда ўтказилади.

Ўз ўрнида биржа савдоси қоидаларида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

биржа аъзолари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги низом;

биржа аъзоларининг биржа савдоларида иштирок этишига рухсат бериш тартиби;

товарларни биржа савдоларига қўйишга рухсат беришни амалга ошириш тартиби;

биржа битимларининг турлари;

биржа савдоларида муомалада бўладиган ҳосила молиявий воситаларнинг (деривативларнинг) тавсифи;

тузилган биржа битимларининг бажарилишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш тартиби;

биржа савдоларини ўтказиш тартиби;

биржа битимларини ва биржа савдолари натижаларини рўйхатга олиш ҳамда расмийлаштириш тартиби;

клиринг ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби;

биржа товарларини котировкалаш (уларнинг нархини белгилаш) тартиби;

биржада нархларнинг шаклланиш жараёни устидан назорат қилиш тартиби;

биржа савдолари тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш тартиби;

---

<sup>31</sup><http://gkk.uz/ru/>

биржа савдоси қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қоидалар;

биржада низоларни ҳал этиш тартиби.

Биржа савдоси қоидаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа қоидалар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Дастлабки кўздан кечиришни талаб этмайдиган, сифат кўрсаткичлари ўзгармаслиги ва биржа битимлари мунтазам равишда тузилиши билан тавсифланадиган, биржа савдоларига қўйилган муайян турдаги товарлар рўйхати биржанинг котировкалаш варағидир.

Товарни биржа савдоларига қўйишга рухсат беришни амалга ошириш қуйидаги тартиб-таомилларни ўз ичига олади, қимматли қоғозлар бундан мустасно:

товар ишлаб чиқарувчининг ёки етказиб берувчининг товарни биржанинг котировкалаш варағига киритиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш;

товарнинг Қонун талабларига мувофиқлигини текшириш;

товарнинг ликвидлилигини баҳолаш;

товарни биржанинг котировкалаш варағига киритиш ва уни биржа аъзоларига етказиш.

Қимматли қоғозларни биржа савдоларига қўйишга рухсат беришни амалга ошириш (биржа листинги) қуйидаги тартиб-таомилларни ўз ичига олади:

қимматли қоғозлар эмитентининг ўз қимматли қоғозларини биржанинг котировкалаш варағига киритиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш;

қимматли қоғозлар эмитентининг молиявий ҳолатини баҳолаш;

қимматли қоғозларнинг ликвидлилигини баҳолаш;

қимматли қоғозларни биржанинг котировкалаш варағига киритиш ва уни биржа аъзоларига етказиш.

Биржанинг котировкалаш варағига киритилган товар биржа савдоларига қўйилган ҳисобланади.

Чет эл валютаси ва давлат қимматли қоғозлари биржанинг котировкалаш варағига товарни биржа савдоларига қўйишга рухсат беришни амалга ошириш ва биржа листинги тартиб-таомилсиз киритилади.

Биржа савдолари биржа аъзолари томонидан берилган буюртмалар асосида, биржа савдоси қоидаларига мувофиқ ўтказилади.

Биржа товарини котировкалаш биржа савдоларида биржа товарининг биржа нархини белгилаш мақсадида автоматик режимда, биржа савдоси қоидаларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Биржа савдолари яқунларига кўра олинган қимматли қоғозларнинг, давлат қимматли қоғозлари бундан мустасно, биржа нархи мазкур қимматли қоғозларнинг биржа савдолари санасидаги бозор нархидир.

## **7.6. Биржа савдоларига доир монополияга қарши талаблар**

Мамлакатимиз Президенти томонидан қабул қилинган 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475 сонли “ Давлат харидлари тизимини муқобиллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб қилишни кенгайтириш тўғрисида “ ги қарорига кўра 2011 йилнинг 1 апрелидан мазкур тизимни такомиллаштиришга қаратилган чоратadbирларни янада мустаҳкамлаш ҳамда Давлат харидлари жараёнининг шаффофлигини таъминлаш бўйича янги тизимнинг жорий этилганлиги ва унинг самаралари ҳақида атрофлича тўхталиб ўтилди.

Янги тизим Ўзбекистон Республикаси товар хомашё биржаси томонидан электрон аукцион савдолари тартибида ташкил этилиб, Электрон савдолар Ўзбекистон Республикаси бўйлаб интернет орқали , реал вақт режимида амалга оширилади. Бу ўз навбатида бир қатор қулайликларни келтириб чиқармоқда. Аввало, электрон аукцион тизимининг аҳамиятли жиҳати бюджет ташкилотлари учун сотувчи қидиришга ҳожат йўқ. Биржа сайтига эълон беришнинг ўзи кифоя ва натижада уларга етказиб берувчилар ўз хизматларини таклиф этадилар.

Мазкур соҳада 2011-2014 йилларда амалга оширилган ишларни таҳлил этадиган бўлсак, кичик бизнес субъектларининг Давлат харидлари бўйича электрон савдолардаги иштироки 30 мингтани ташкил этганлиги ёки беш баробарга ошганлигини кўриш мумкин. Уларнинг товарлар таъминотидаги улуши

99 фоизга кўпайган. Давлат харидлари бўйича электрон савдоларда дастлабки йилларда ҳар бир талаб учун иккитадан таклиф берилган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони олтитадан ошди.

Президент қарорини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат харидлари бўйича Ҳукумат комиссияси ташкил қилинган бўлиб, унинг ишчи органи – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги тайинланди. Бу борада бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 26 мартдаги 69- сонли қарори билан тасдиқланган Низом асосида “ЎзРТХБ” АЖда 2015 йилнинг 1 июнидан биржанинг янги электрон савдо тизими- “ Давлат харидларида электрон каталог “ ишга туширилди. Қисқа вақт ичида мазкур тизим ўзининг ижобий натижаларини кўрсатди. Жорий йилнинг июнь-октябрь ойларида электрон каталог бўйича 36,5 млрд. сўмлик битимлар имзоланиб, 9,3 млрд. сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинди. Бу борада кичик бизнес субъектларининг улуши 100 фоизни ташкил этди<sup>32</sup>.

Биржа савдоларини ўтказишда рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар, шу жумладан:

биржа савдоларини ўтказиш жараёнига таъсир кўрсатадиган ҳаракатлар, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

биржа савдолари иштирокчиларининг келишиб олинган ҳаракатлари натижасида жорий биржа нархларининг кескин кўтарилишига ёки қатъий белгиланишига олиб келадиган ҳаракатлар;

биржа савдоларида талабнинг ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин бўлган ёлғон маълумотларни тарқатиш билан боғлиқ ҳаракатлар тақиқланади.

Шу билан бирга, биржа савдоларини ўтказиш жараёнига таъсир кўрсатадиган ҳаракатлар аниқланганиши биржа савдолари натижалари бўйича тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлади.

---

<sup>32</sup><http://www.uzex.uz>

### **7.7. Биржа савдоларида тузилган битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг оқибатлари**

Биржа битими деганда биржа томонидан рўйхатга олинган, биржа савдосининг биржада қайд этилган натижаси бўйича тузилган биржа товарига доир олди-сотди шартнома тушунилади.

Биржада биржа битимлари, шу жумладан:

биржа товарларининг уларни кечиктирмасдан етказиб бериш шарти билан тузиладиган олди-сотди битимлари (спот);

биржа товарларининг уларни кечиктириб етказиб бериш шарти билан тузиладиган олди-сотди битимлари (форвардлар);

биржа товарини етказиб беришни (етказиб бериш фьючерси) ёки биржа товарини етказиб бермаган ҳолда битим тарафлари ўртасида пул ҳисоб-китоблари амалга оширилишини (ҳисоб-китоб фьючерси) назарда тутадиган, келгусида бажариш мажбурияти билан тузиладиган ҳосила молиявий воситаларнинг (деривативларнинг) олди-сотди битимлари (фьючерслар);

биржа товарларини ёки ҳосила молиявий воситаларни (деривативларни) келгусида сотиб олиш ёхуд сотиш ҳуқуқи билан тузиладиган ҳосила молиявий воситаларнинг (деривативларнинг) олди-сотди битимлари (опционлар);

валюталарни бир вақтда олиш-сотишга доир битимлар бўйича ҳисоб-китобларни муайян муддат ўтгач, аввалдан белгиланган валюта курси бўйича амалга ошириш шарти билан тузиладиган валюталарни бир вақтда олиш-сотишга доир битимлар (валюта своплари);

қимматли қоғозларни муайян муддат ўтгач, аввалдан белгиланган нарх бўйича қайта сотиб олиш шарти билан тузиладиган қимматли қоғозларга доир олди-сотди битимлари (репо) тузилиши мумкин.

Биржа битими тўғрисидаги ахборот (биржа товарининг номи, сони, котировкаси (нархи), биржа битими тузилган сана бундан мустасно) учинчи шахсларга ошкор қилиниши мумкин эмас. Биржа битими тўғрисидаги ахборот судларга тақдим этилади, суриштирув ва тергов органларига эса, қўзғатилган жиноят иши мавжуд бўлган тақдирда тақдим этилади.

Биржа битимини рўйхатдан ўтказиш ва расмийлаштириш биржа савдолари натижалари бўйича ёзма ёки электрон шаклда амалга оширилади.

Қимматли қоғозларга доир биржа битимларини ёзма равишда расмийлаштириш талаб қилинмайди. Биржа битимлари нотариал тартибда тасдиқланмайди.

Биржалар тузилган биржа битимларининг бажарилишини таъминлаш учун қуйидагилар орқали шарт-шароитлар яратади:

клиринг ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

агар биржа битими шартларида назарда тутилган бўлса, биржа товарларини етказиб беришни назорат қилишни ва ҳисобга олишни амалга ошириш;

пул маблағларини ва биржа товарларини олдиндан депонентга қўйишни назарда тутувчи механизмларни белгилаш;

биржа савдоси қоидаларига ва биржа битимлари бўйича мажбуриятларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш.

Биржа банкрот деб топилган тақдирда, биржа аъзоларининг ва улар мижозларининг биржа ҳисобварақларидаги мол-мулки тугатиш массасига киритилмайди ҳамда биржа аъзоларига ва уларнинг мижозларига уларнинг биржа битими бўйича мажбуриятлари бажарилганидан кейин қайтарилиши лозим.

Биржанинг мажбуриятлари бўйича ундирувни биржа аъзоларининг ва улар мижозларининг мол-мулкига қаратишга йўл қўйилмайди.

Биржа аъзоларининг маблағлари етарли бўлмаган тақдирда, биржа битими бўйича мажбуриятларни бажариш тузилган биржа битимларининг бажарилишини таъминлаш фондининг пулли ва қайтариб бериш асосида биржа аъзоларига тақдим этиладиган маблағлари орқали таъминланиши мумкин.

Биржа битимларини ҳақиқий эмас деб топиш юзасидан алоҳида меъёрий ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас бўлиб мазкур масала амалдаги қонунчиликнинг битимларга оид умумий қонунчилик нормалари билан тартибга солинади<sup>33</sup>. Қуйидаги ҳолларда битим суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин, хусусан

<sup>33</sup>Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси (113-128-моддалар) – Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т. - “Адолат” 2007 й. – 504 б.



Шунингдек, агар битим



**унингоқибатларида манфаатдор шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин**

Битим қонунчиликда белгилаб қўйилган асосларга кўра, суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилганлиги сабабли (низоли битим)

ёки бундай деб топилишидан қатъи назар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Бунда низоли битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талабни қонунчиликда кўрсатилган шахслар қўйишлари мумкин<sup>34</sup>.

Битим ҳақиқий бўлмаганида тарафларнинг ҳар бири бошқасига битим бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб бериши, олинган нарсани аслича (шу жумладан олинган нарса мол-мулкдан фойдаланиш, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат билан ифодаланганда) қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса, агар битим ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилган бўлмаса, унинг қийматини пул билан тўлаши шарт<sup>35</sup>.

### Назорат учун саволлар:

1. Танлов ва тендер тўғрисида нималар биласиз? Уларнинг норматив-ҳуқуқий асосини қайси қонун ва қонуностиҳужжатлари ташкил этади?

2. Танлов (тендер) савдоларини ўтказишда рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларни амалиёт ва қонунчиликка таяниб изоҳлаб беринг.

3. Биржа савдоларини ўтказишда қонунийликни таъминлаш учун қайси ҳолатларга эътибор бериш зарур?

4. Биржа савдоларини ўтказишда қандай монополияга қарши талабларга амал қилиш керак?

### 1-казус

Юнусобод туман Пенсия жамғармаси битта шартнома доирасида умумий қиймати 42 минг АҚШ долл. тенг компьютер техникасини харид қилди. Хусусийлаштириш, монополияда чиқариш ва рақобатни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси жамғармани текшириш якунларига

<sup>34</sup>Қаранг: ЎзР Олий Хўжалик суди Пленумининг 2014 йил 28 ноябрдаги 269-сон "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги нормаларни қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги Қарори

<sup>35</sup>Қаранг: ЎзР Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги "Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида"ги 17-сон Қарори

кўра Жамғарма томонидан махсус комиссия тузилганлиги аммоқўрсатилган техникани етказиб берувчилар эълон қилган нархлар ва тавсифномаларни таққосланмаган ҳолда харидлар амалга оширилганлиги аниқланиб, Хўжалик судига тегишли даъво аризаси киритилган.

*Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг. Тошкент шаҳар рақобат бошқармасининг даъвоси қонунийми? Битта контракт бўйича етказиб беришларни амалга оширишни кўзда тутувчи харидларни амалга ошириш тартибини тушунтириб беринг.*

## 2-казус

“Тонг юлдузи” АЖ “Вул Индастри” АЖ томонидан ҳам-ашё етказиб бериш бўйича эълон қилган тендерда қатнашиш учун тавсифнома берган ва тендер ғолиби бўлган. Тендер якунларига кўра тузилган шартнома тендер иштирокчиларининг шикоятига кўра Тошкент вилоятдалия бошқармасининг тақдимномасига асосан бекор қилиниши талаб қилинган. Ушбу ҳужжатда келтирилишича тендерда иштирок этиш пайтида “Тонг юлдузи” АЖнинг устав жамғармаси қонунчиликда АЖлари учун белгиланган энг кам миқдордан камайиб кетганлиги туфайли уни мажбурий тарзда камайтириш ва жамиятни қайта ташкил этиш зарур бўлган.

*Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг. Адлия бошқармасининг тақдимномаси қонунийми? Битта контракт бўйича етказиб беришларни амалга оширишни кўзда тутувчи харидларни амалга ошириш тартибини тушунтириб беринг. Тендер бошлангунга қадар ўтказиладиган малакали танлов қандай тартибда ўтказилади?*

### Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати:

4. Ўзбекистон Республикасининг “Биржа тўғрисида”ги Қонуни. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2014 йил 22 сентябрь, 38-сон, 481-модда

5. “Тендер савдолари ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг Қарори 14.09.2015 й. № 264 "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2015 йил 21 сентябрь, 37-сон, 485-модда.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 августдаги 230-сон қарорига "Рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлар ва битимларни аниқлаш тартиби тўғрисида"ги Низом. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2013 йил 26 август, 34-сон, 456-модда.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 августдаги "Товар ва молия бозорларида монополияга қарши тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 230-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 34-сон.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги "Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 239-сонли Қарори

## **VIII-БОБ. ИҚТИСОДИЙ КОНЦЕНТРАЦИЯНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ.**

---

*8.1. Иқтисодий концентрация тушунчаси.*

*8.2. Хўжалик юритувчи субъектлар бирлашмаларини ташкил этишида монополияга қарши талаблар.*

*8.3. Хўжалик юритувчи субъектларни қайта ташкил этиш ва тугатишига розилик бериш тартиби.*

*8.4. Хўжалик юритувчи субъектларнинг устав капиталидаги акция (улушлар)ни ва бошқа мулкый ҳуқуқларни олишида монополияга қарши талаблар.*

*8.5. Хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш, хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш ва қўшиб олишида олдиндан розилик олиш тартиби.*

*8.6. Жисмоний шахсларнинг хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқарув органларидаги иштироки.*

*8.7. Хўжалик юритувчи субъектларни мажбурий тарзда бўлиш ёки ажратиб чиқариш тартиби.*

### **Иқтисодий концентрация тушунчаси**

Ишлаб чиқариш кучларининг мувофақиятли ривожланишининг муҳим шарти ва бир вақтнинг ўзида ушбу процесснинг натижаси бу уларни умумийлаштириш даражасининг доимий ўсиши билан боғлиқ. Мазкур умумиқсодий қонуннинг амал қилиши тўхтовсиз ва доим йириклашиб борадиган концентрацига ва капиталнинг марказлашишига, ишлаб чиқаришнинг монополиялашувга олиб келади.

Ҳозирда саноатни прогрессив ривожлантириш, энг замонавий технологик ютуқларни қўллаш учун ресурсларни марказлаштириш керак бўлади. Битта корхона бозор сегментини ушлаб туриш, бозор рақобатига бардош бериш учун ресуррга ҳам, интеллектуал кучга ҳам эга эмас. Бозор сегментини ушлаб туришнинг технологик даражаси фақат ўзларининг кучлари ва ресурсларини биргаликдаги технологик мажмуада бирлаштирган корхоналар гуруҳи дорасида сақланади.

Жаҳон иқтисодининг ривожланиши ишлаб чиқариш ва

капиталнинг бир давлат миллий чегаралари доирасида марказлашуви ва концентрацияси чегарасидан чиқиб, интернационал даражага чиқиши билан тавсифланади. Аксарият бозорлар рақобат ва монополия ўртасидаги оралиқ ҳолатни эгаллайди.

Капитализмнинг монополистик босқичигача эркин рақобат ҳукм сурган. Эркин рақобат деганда капитал оламида ҳамманинг ҳаммага қарши курашини назарда тутлади. Бу бахсда йирик корхоналар кичиклари олдида ҳал қилувчи устунликларга эга. Корхона қанча йирик бўлса ишлаб чиқаришни яхшилаш имконияти кўпроқ бўлади, янги техникаларни киритиши, технологик янгиланишларни киритиш имконига эга бўлади ва шу билан махсулот ишлаб чиқаришдаги сарф харажатларни камайтиради.

Йирик корхоналар кичикларига нисбатан кредитлардан кенгрок фойдаланиши мумкин. Йирик корхоналар ишлаб чиқариш биноларини барпо этиш ва сақлаш, хом ашё ва материалларни сотиб олиш ва етказиш, тайёр махсулотларни сотиш билан боғлиқ харажатларни тежаш йўли орқали ишлаб чиқаришдаги сарф харажатларни камайтириши мумкин. Эркин рақобатни тўлақонли ҳукмронлигида амал қиладиган капитализмнинг иқтисодий қонунлари натижаси ўлароқ кучсиз корхоналар тубга шўнғиб кетади, йирик ўйинчилар эса сув юзасига қалқиб чиқади.

Капитализмнинг иқтисодий қонунлари капитални концентрациялаш ва марказлаштиришни тақозо қилади. Капитални концентрациялаш ва марказлаштириш ишлаб чиқаришни концентрациялаш, йирик корхоналарнинг ўрни ва аҳамияти билан чамбарчасб боғлиқдир.

Етарли даражада ривожланган ишлаб чиқаришни концентрацияси монополияни келтириб чиқаради. Шундай қилиб, монополияларга ўтиш ишлаб чиқаришни концентрациялаш билан тайёрланган, ишлаб чиқаришни концентрациялаш эса ўз ўрнида эркин рақобат асосида ривожланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги 2012 йил 6 январдаги № ЗРУ-319- сонли Қонунига асосан иқтисодий концентрация – хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устунлигига олиб келадиган, товар ёки молия бозоридаги рақобатнинг ҳолатига таъсир кўрсатадиган битимлар

тузиш ва (ёки) бошқа ҳаракатларни содир этиш ҳисобланади (4-м. 3-қ.).

Иқтисодий концентрация остида аввалам бор тижорат ташкилотларни муйаян шартларда ташкил этилиши ва қайта ташкил этилиши билан боғлиқ бўлган битмлар, муйаян шартларда акциялар ва улушлар (активларнинг миқдори, сотилган товардан фойда ва ҳ.к.) билан боғлиқ битмлар ва рақобатнинг ҳолатига таъсир кўрсатувчи айрим бошқа битмлар.

**Иқтисодий концентрацияни назорат қилиш мақсади:**

Бозорда ушбу битмлар ва ҳолат ҳаракати натижасида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ўзига хос шартлар ва шароитлар мавжудлиги, ўзининг салмоқли мавқеини суистеъмол қилиши, шунингдек, бундай суистеъмолчиликни пайдо бўлишини олдини олиш.

**Иқтисодий концентрацияни назорат қилиш вазифаси:**

Бозорда хўжалик юритувчи субъектнинг (шахслар гуруҳи) салмоқли ўрнини вужудга келиши ёки кучайишига йўл қўймаслик, агарда бу борада рақобатни чеклашга ва бартараф қилишга олиб келиши мумкин бўлса.

**Хўжалик юритувчи субъектлар бирлашмаларини ташкил этишда монополияга қарши талаблар**

**Дастлабки назорат.** Монополияга қарши курашиш назорати дастлабки ва келгуси шаклларда бўлиши мумкин. Монополияга қарши курашиш назорати қўшиб юборилгунга, қўшиб олишга, ташкил этишга, битм тузишга ёки давлат назорати объекти ҳисобланган бошқа ҳаракат содир этишга қадар амалга оширилади ва монополияга қарши курашиш органлари томонидан рақобат тўғрисидаги Қонунга мувофиқ илтимосномада кўрсатилган ҳаракатларни бажаришга рухсат бериш ҳақидаги илтимосномаларни кўриб чиқишдан иборат бўлади. Бу ҳолатда монополияга қарши курашиш орган рухсати мавжудлиги илтимосномада кўрсатилган ҳаракатларни амалга оширишнинг зарур шарти ҳисобланади, бу эса давлат назоратидаги ҳаракатларни амалга оширишга рухсат берувчи тартиб ўрнатилганлигини англатади.

**Келгуси назорат.** Келгуси назорат монополияга қарши курашиш орган томонидан хўжалик юритувчи субъект томонидан содир этилган фактлар тўғрисида хабарномаларни кўриб чиқишдан иборат.

**Иқтисодий концентрация шакллари:**

Халқаро амалиётда 3 турдаги (хилдаги) иқтисодий концентрацияларни фарқлаш мумкин (уни ифодалаш учун “қўшиб юбориш” тушунчаси ишлатилади): горизонтал, вертикал ва конгломерат. Қўшиб юборишнинг классификация (баҳолаш) мезони сифатида иқтисодий концентрация иштирокчилари, рақобат соҳасида хўжалик юритувчи субъектлари, ўртасидаги муносабат ҳисобланади.

Горизонтал қўшиб юбориш деганда бир хўжалик юритувчи субъект томонидан ўша ҳудудда бир хилдаги ёки шунга ўхшаш маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ва сотувчи иккинчи хўжалик юритувчи субъектни қўшиб юбориши тушунилади. Горизонтал қўшиб юбориш рақобат учун сезиларли хавф туғдиради.

Қўшиб юборишни назорат қилишдан асосий мақсад қўшиб юбориш натижасида устун мавқе юзага келиши ёки ривожланиши мумкин. Бу туфайли эса истеъмолчилар соғлом рақобат натижасида эришиладиган кўплаб ютуқлардан маҳрум бўлишлари мумкин, хусусан, паст нархлар, маҳсулотнинг юқори сифати, товарлар ва хизматларнинг кенг танлови ва инновациялар. Қўшиб юбориш натижасида эса компания тегишли бозордаги нархни мувофиқлаштириши ва ошириши мумкин<sup>36</sup>.

Иқтисодий концентрациянинг иккинчи кўриниши вертикал концентрация ҳисобланади, бунда концентрациянинг бир иштирокчиси ўзининг маҳсулотларини харидорини ёки етказиб берувчисини сотиб олади.

Вертикал иқтисодий концентрация бозорга бошқа субъектларнинг киришига тўсқинлик қилади ёинки бошқа субъектларни ҳам рақобатга бардош бериши учун ушбу вертикал иқтисодий концентрацияни амалга ошириш учун мажбурлайди. Бу

<sup>36</sup> Moritz Lorenz. An introduction to EU competition law. Cambridge University Press, 2013, page 242.

эса ўз навбатида, потенциал тадбиркорлик субъектларини бозорга чиқишини чеклаши мумкин.

Вертикал концентрациянинг мақсади бозорда салмоқли ўринга эга бўлган хўжалик юритувчи субъект иштирокчилари томонидан бозорга бошқа субъектларнинг киришига тўсқинликлар яратиш бўлиши мумкин, чунки бошқа субъектлар иштироқи уларга бозорда ўз мавқеидан фойдаланган холда катта миқдорда фойда олишларига тўсқинлик қилиши мумкин. Юқоридагилардан келиб чиқиб вертикал концентрация мавжуд бозорларга рақобат муносабатларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин, айниқса бозорга кириш учун тўсиқлар яратади. Ушбу хавфга қарши курашиш, кўрсатилган салбий оқибатларга қарши курашиш монополияга қарши курашиш орган рақобатга зарар етказиши мумкин бўлган, вертикал иқтисодий концентрацияни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган қонунчиликнинг мақсадини ташкил қилади.

Концентрациянинг учинчи кўриниши – конгломерат концентрацияси унинг иштирокчилари бир хилдаги ёки вертикал босқичдаги бозордаги хўжалик юритувчи субъектлардир. Ушбу концентрация горизонтал ва вертикал турдаги концентрация билан қамраб олмаган барча бошқа ҳолларни ўз ичига олади. Бу концентрация иштирокчилари:

- а) ўзаро шартномавий хўжалик муносабатларида бўлишмайди;
- б) бир типдаги махсулотларни ишлаб чиқарувчи, лекин географик жойлашуви нуқтавий назаридан рақобатчи бўла олмайдиган хўжалик юритувчи субъектлари ҳисобланади;
- в) махсулот ишлаб чиқарувчи ёки сотиш билан функционал боғлиқ бўлган хўжалик субъекти ҳисобланади.

Иқтисодий концентрация турли хил кўринишларни фарқлаб олиш нафақат назарий, балки кўпроқ амалий жихатдан муҳимдир, чунки улар ўртасидаги сезиларли фарқ уларни монополияга қарши курашиш органлари томонидан фаолиятини амалга ошириш учун рухсат бериш ёки рад қилиш масаласини ҳал қилишда ҳар хил ёндашув асосида бўлиши керак. Рақобатга энг катта хавфни горизонтал концентрация тўғдиради, чунки у хўжалик субъекти мақомини бозорда кучайтиришга тўсқинлик қилади. Шунинг учун кўп давлатларнинг қонунчилиги биринчи навбатда ушбу кўринишдаги концентрацияни тартибга солади.

екин қонунчиликда бошқа концентрациялар (вертикал ва конгломерат) бир бозорда кўрсатмаётган субъектларни қамраб олмасида, аммо рақобатга салбий таъсир кўрсатувчи тегишли бозорга кириш учун тўсиқлар ўрнатувчи ва кўпайтирувчи, бозордан рақобатчиларни йўқ қилувчи ёки бошқача тарзда рақобатга реал хавф туғдирувчи иши инобатга олинади.

### **Хўжалик юритувчи субъектларни қайта ташкил этиш ва тугатишга розилик бериш тартиби**

Капитализмнинг домополитик босқичида эркин рақобат ҳукм сурган. Эркин рақобат капитал оламида ҳамманинг ҳаммага қарши курашини англатади. Бу курашда йирик корхоналар кичикларига нисбатан ҳал қилувчи имкониятларга эга бўлишади. Корхона қанчалик йирик бўлса, унинг ишлаб чиқаришни яхшилаш, янги техника киритиш, уларни ишлатиш орқали товарларни ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтириш борасидаги имкониятлари шунчалик катта бўлади.

Йирик корхоналар кичик корхоналарга нисбатан тенглаштириб бўлмайдиган катта миқдорда кредитлардан фойдаланиши мумкин. Йирик корхоналар ҳаражатлар тежамкорлигидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш биноларининг эскириши, ишлаб чирариш хом-ашёлари ва маҳсулотларни сотиб олиш орқали ишлаб чиқариш ҳаражатларини қисқартириши мумкин. Капитализмнинг эркин рақобат ҳукмронлигининг тўлиқ шартлари амал қилувчи иқтисодий қонунлари шуни кўрсатадики, нозик корхоналар денгиз тубига қараб, йирик акулалар сиртига қараб сузиб чиқади.

Иқтисодий қонунлар капиталнинг марказлашуви ва консентрацияси жараёнларини тақозо қилади.

Капиталнинг консентрацияси йирик корхоналарнинг аҳамияти ва роли ва марказлаштирилиши ишлаб чиқариш консентрацияси билан узвий боғлиқ.

Ишлаб чиқариш консентрацияси ривожланишнинг юқори поғонасига етиши натижасида монополия вужудга келади. Шу тариқа, монополияга ишлаб чиқариш консентрацияси орқали ўтилган, ишлаб чиқариш консентрацияси эса, эркин рақобат асосида ривожланган.

Ишлаб чиқариш концентрацияси айрим ҳолларда бирлаштириш билан боғлиқ бўлиб, одатда бир корхонада ҳар хил ёки аралашган ишлаб чиқариш соҳалари мужассамлашган бўлади.

Турли хил ишлаб чиқариш соҳаларини бирлаштириш йирик ишлаб чиқариш имкониятларини оширади. Даставвал, бирлаштириш ишлаб чиқаришни арзонлаштиради, хом-ашёдан фойдаланишнинг рационал ва комлекс имкониятларини оширади, жиҳозлардан янада яхшироқ фойдаланиш имкониятларини беради. Кейинчалиқ, бирлаштириш ишлаб чиқарувчи корхоналарини савдогарлар ва хом-ашё эгаларининг даромадлари билан боғлиқ муаммолардан халос этади. Ва ниҳоят, корхонани бирлаштириш бир турдаги маҳсулотлардан олинган даромадлар билан бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришдаги йўқотишларни қоплаш имкониятига эга. Бу эса, уларга рақобатбардошликни таъминлайди.

Бирлаштириш билан бир қаторда, ишлаб чиқариш ва концентрация шакли замонавий капитализм шароитида диверсификацияни ҳосил қилади.

Диверсификация (лот. –diversificatio –ўзгартириш, ҳар ҳиллик) –бу хўжалик фаолиятини янги соҳаларга ёйиш, кенгайтириш демакдир (ишлаб чиқариш маҳсулотлари ассортименти, кўрсатилаётган хизматлар тури, фаолиятнинг географик соҳалари ва хкларга ёйиш, кенгайтириш.). Тор маънода, диверсификация тўғридан-тўғри алоқалар ёки уларнинг асосий вазифаларидан мустақил равишда корхоналарнинг тармоқлашувидир. Диверсификация натижасида корхона кўп тармоқли мураккаб комплексга айланиб боради. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда диверсификация АҚШ, шунингдек Англия, Ғарбий Германия ва бошқа капиталистик давлатларда кенг қулоч ёзди.

Диверсификация натижасида корхона нафақат аралаш турдаги, балки бошқа маҳсулотларнинг алоҳида турларини ишлаб чиқаради. Маҳсулотларнинг деталлари ёки қисмларини ишлаб чиқарувчи корхона, алоҳида тайёр маҳсулотлар учун деталлар ишлаб чиқаришга ўтади.

Тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналар ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар номенклатурасини кўпайтиради.

Бозор талабининг муаллақ бўлмаган шартларида диверсификация бир турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан

бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтишга имкон яратади. Бу эса диверсификациянинг асосий хусусияти-яъни хар хилликдан таъсирчанликка ўтишга олиб келади.

Бундай таъсирчанликдан кўзланган мақсад, маҳсулотларнинг бир қанча турини битта корхонада ишлаб чиқариш, катта бўлмаган ихтисослашган корхоналарда ишлаб чиқаришдан кўра афзалроқ. Хар хилликнинг асосий манбалари:

### **Хўжалик юритувчи субъектларнинг устав капиталидаги акция (улушлар)ни ва бошқа мулкый ҳуқуқларни олишда монополияга қарши талаблар**

Ишлаб чиқариш қувватидан турли хил мақсадларда фойдаланиш;

Ягона тармоқда концентрациялашув (товарлар ва хизматлар фақат битта тармоқда сотилади);

Маълумотлар, билимлар, техник ва бошқарув тажрибасининг бир ишлаб чиқарувчидан бошқасига бериш имконияти;

Ходимларни хар томонлама тайёрлаш ва улар оладиган маълумотларнинг хар хиллиги.

Бу талабнинг мавсумийлигида муҳим аҳамият касб этади, масалан, енгил саноат ёки автотрактор эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш. Шулар билан бир қаторда, хусусан АҚШда диверсификация даромад кидирувчи қудратли монополистларнинг юқори даромад олиниши натижасида келиб чиққан. Уларда бирлаштириш ва кенгайтириш бир пайтда амалга оширилган.

Шу билан бирга диверсификация концентрациянинг юқори турувчи органларидан фаолиятнинг кўпгина соҳаларида кучайтиришни талаб қилади ва аниқ бозорда вазиятни назорат қилишни сусайтиради, бу корхонанинг рақобатбардошлигини сусайишига олиб келади.

Янги тармоққа кириб келиш харажатлари етарли даражада баланд бўлиши мумкин ва бу таҳмин қилинаётган даромаднинг камайишига олиб келади. Шунинг учун диверсификациянинг рационал характери хақида гаплашган маъқул.

### **Масофавий иқтисод**

Йирик ва ривожланган корхоналар масофавий иқтисодга эга бўлишлари мумкин. Масофавий иқтисод (economie of sale)- бу иқтисодий тенгхуқуқлилик, ҳар бир ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар узок вақт давомида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми тушишидир.

Масофавий иқтисодиёт:

Биринчидан, барча маҳсулотлар ҳажмига чиқариладиган маҳсулотлар ҳажмининг таъсири

Иккинчидан, корхонанинг катталашуви натижасида меҳнат ихтисослашуви вужудга келиб, натижада ходимларнинг янада самарали ишлаши

Учинчидан, иқтисодиётда асосий фондлардан янада тўлиқ фойдаланишга олиб келади.

Иккинчи ва учинчи қоидалардан, асосий жиҳозлар ишлаб чиқариш ҳажмидан икки уч баробар кўпаяди.

Лекин масофавий иқтисодиётнинг бу уч факторларни барча тармоқларга тадбиқ қилиб бўлмайди. Хўш, биринчи фактор асосан кичик корхоналарда амал қилади, иккинчи ва учинчилари эса том маънода ишлаб чиқарувчи корхоналарда амал қилади. Шунингдек, ҳар бир маҳсулот нархи жуда йирик корхоналар учун ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан ошишига олиб келиши мумкин. Масалан, бошқарув қийинлашуви сабабли.

Масофавий иқтисодиёт уч нуктаи назар билан таҳлил қилинади:

-бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш

-барча маҳсулотларни бир корхонада ишлаб чиқариш

-бир қанча ишлаб чиқарувчи корхоналарни ўз ичига олган битта компания томонидан ишлаб чиқариш.

Таъкидлаб ўтилган ҳар бир омиллар махсус кўриб чиқишни талаб этади. Биз умумий ҳолатларни эътиборга оламиз. Даставвал уларга йирик фирмалар ишлаб чиқариш жараёнида прерқвларни қисқартириши мумкин. Бу ҳар бир маҳсулот турини ишлаб чиқарувчи жиҳозларни ўрнатиш вақтини қисқаришига, янада рационал ташкилотлар учун фирма ходимлари тажрибасининг ошишига олиб келади. Қолаверса, таъсирчан фаолият юритувчи фирмаларнинг харажати ошсада, ишлаб чиқариш ҳажмининг оширилиши ҳар бир маҳсулот учун харажатларнинг камайишига

олиб келади. Йирик фирмалар томонидан ресурсларнинг улгуржи сотиб олиниши, бир томондан ресурслар нархининг тушишига эришиш, иккинчи томондан улардан янада кенг фойдаланишга олиб келади. Қолаверса, фирмалар билан етказиб берувчилар каби дистрибуторлик ташкилотлари ва транспорт ташкилотлари билан мустаҳкам алоқаларни ўрнатишга олиб келади.

Шуни таъкидлаш лозимки, йирик фирмаларда қоида тариқасида малакали инженерлар, мутахассислар, ходимлар фаолият юритади.

Шу билан бирга корхонанинг ҳажми чегараланмаган. Меҳнат учун рағбатлантириш доим тўхтатиб турилади. Ишчи кучига муҳтожлик уни жалб қилишга бўлган эҳтиёжни олиб келади. Анъанавий технологиялар ёрдамида ресурсларни қайта ишлашбилан улар стабиллигига эришиш мумкин. Ресурсларни фирмага етказиб бериш ва тайёр маҳсулотларни етказиб бериш қийинлашувига олиб келади. Шунингдек, йирик корхонани бошқариш кичик корхонани бошқаришга қараганда қийинроқ бўлади. Қолаверса, харажатларнинг барча турлари ўсади. Бу масофавий таъсирчанликни англатади. Бу ерда фирманинг ўсиш темпларини ва ҳар бир маҳсулот учун оптимал йўллари пайдо бўлади.

Шу тариқа, масштаб таъсирчанлиги доим тарихий аниқ ва ишлаб чиқариш технологияси ўзгариши, фирма бошқарув тизимининг қанчалик интенсивлиги, компания бош менеджери ишлаб чиқариш масштаби ўсишида муҳим аҳамият касб этади.

Ҳамма фирма ҳам масштаб таъсирчанлигидан фойдалана олмайди, фақат омадли фирмалар фойдаланади. Ва ўша фирмалар ресурслар қайта тақсимооти механизми яхши ривожланган фирмалар ҳисобланади.

### **8.5. Хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш, хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш ва қўшиб олишда олдиндан розилик олиш тартиби.**

Антимонопол тартибот антимонопол қонунчиликка асосланиб, рақобатни ҳимоя қилишнинг муҳим элементи бўлиб ҳисобланади. У бевосита ва оператив хатти-ҳаракатлар тарзидаги рақобатга хавф

солувчи таҳдидларни бартараф қилади, шунингдек, уларни пайдо бўлишини олдини олади.

Антимонопол тартибот-давлат томонидан таъминланадиган иқтисодий, маъмурий ва қонуний чоралар йиғиндиси бўлиб, бозор рақобатини таъминлаш ва бозор рақобатининг нормал механизмига хавф солувчи таҳдидларни олдини олиш воситалари комплекси ҳисобланади. Антимонопол режим концентрация даражасини тартибга солиш ва ишлаб чиқаришни монополизация қилиш, корхоналарнинг стратегиялари ва йўналишлари, ташқи иқтисодий фаолият, нарх ва солиқ билан боғлиқ тартиботни ўз ичига олади.

Давлатнинг антимонополистик сиёсатидан иборат таъсир чоралари комплексига асосан, рақобат бозорида юқори моддий ҳолатдаги фуқароларнинг эркин тарзда товарларолиш ва хизматлардан фойдаланишни тақозо қилувчи умумий концептуал вакиллик ўрнатилган. Шунингдек ҳисобга олиш лозимки, агар шу тариқа амалга ошириладиган барча шартномалар нарх бўйича тузиладиган бўлса, жамият рақобат тарафларининг нархларни кўтариш ёки пасайтиришга қараганда кўпроқ моддий афзалликларга эга бўлади. Рақобат бозори шу тариқа, умумий ишлаб чиқаришни универсал тартибга солувчи сифатида майдонга чиқади. Шу ўринда, товар ва хизматлар бозорида қанча миқдорда нима ишлаб чиқаришни истеъмолчининг ўзи ҳал қилиши билан боғлиқ савол туғилади.

Антимонопол қонунчиликнинг қайта кўриб чиқилиши ва қабул қилиниши-давлат иқтисодий сиёсатининг энг асосий моддаларидан ҳисобланади. Замонавий шароитда бу қонунчиликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бозор механизми каби олигополияни ҳимоя қилишга олиб келади. Монополияга қарши курашнинг икки хил шакли мавжуд бўлиб, улар:

Монополияни вужудга келишини огоҳлантириш

Монопол ҳокимиятдан фойдаланишни қисқартириш.

Иқтисодиётда монополизацияга қарши кураш ишлаб-чиқариш-савдо фаолиятида фирмаларнинг йириклашиб кетиши, қайта ташкил этилиши ёки бўлинишини таъқиқлаш орқали ҳам амалга оширилади.

Турли хил давлатларнинг хар хил антимонополистик қонунчилигига қарамасдан, у умумий мақсадлар ва хусусиятларга эга. Буларга:

Рақобатни ривожлантириш

Бозорда асосий ўрин эгаллаган фирмаларнинг фаолиятини назорат қилиш

Истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш

Кичик ва ўрта бизнес шаклланишига шароит яратиш.

Бозорларни ҳудудий бўлиб олиш, рақобатчиларга чора қўллаш, сотиб олувчини муайян манбаларга бириктириб қўйиш, нархлар ва чегирмаларни ўзаро келишган ҳолда белгилаш, таклиф характерида келиб чиқиб манипуляция мақсадида ишлаб чиқариш квоталарини белгилаш, рақобатчи фирмаларнинг ягона директорларини тайинлаш субъектларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ҳисобланади.

### **Жисмоний шахсларнинг хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқарув органларидаги иштироки**

Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонунида иқтисодий концентрацияга йўл қўймаслик масадида хўжалик юритувчи субъектларга талаблар қўйилган. Уларга таалуқчилари-тендер савдоларига, биржа савдоларига, хўжалик субъектларини ташкил қилиш, тугатиш, қўшиб олишга, акцияларга ва бошқа мулкый ҳуқуқларга эгалик қилишга нисбатан антимонопол талаблардир.

Қолаверса, Қонунда баъзи фаолият турлари учун Рақобатга қарши кураш қўмитасидан рухсат олиш тартиблари мустаҳкамланган. Қонуннинг 18-моддасига кўра, Хўжалик юритувчи субъектларнинг бирлашмаларини ташкил этишга, хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юборишга, қўшиб олишга доир ҳаракатларни амалга оширишда ва устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиш бўйича битимлар тузишда шахслар ёки шахслар гуруҳлари бу ҳаракатлар содир этилгунига (битимлар тузилгунига) қадар монополияга қарши органга:

ҳаракатларни содир этишга (битимлар тузишга) олдиндан розилик бериш тўғрисидаги аризани;

жисмоний шахс учун - аризачининг паспортига оид маълумотларни (ҳужжатнинг серияси ва рақами, берилган санаси ва жойи, ҳужжатни берган орган);

аризачи ариза берган кундан олдинги икки йил мобайнида ёхуд агар фаолият икки йилдан камроқ муддатни ташкил этса, фаолият амалга оширилган муддат мобайнида олиб борган фаолият турлари, ишлаб чиқарган ва реализация қилган товар турларининг номлари ҳамда уларнинг ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларни;

ўтганикки календарь йилгадоирмолиявийва статистика ҳисоботини;

шахслар гуруҳининг таркиби тўғрисидаги, бу шахсларнинг ушбу гуруҳга кириш асослари кўрсатилган маълумотларни ва устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиш бўйича кўриб чиқиладиган битимларга тааллуқли бошқа ахборотни тақдим этади.

Монополияга қарши орган зарур ҳужжатлар ва маълумотлар олинган пайдан эътиборан ўн календарь кундан кечиктирмай аризачига қабул қилинган қарор тўғрисида ёзма шаклда хабар қилади. Акцияларнинг (улушларнинг) айна бир туркумини олишга олдиндан розилик олиш учун шахслар ёки шахслар гуруҳлари бир вақтнинг ўзида мурожаат этган тақдирда, монополияга қарши органнинг қарори аризачиларга айна бир кунда етказилади. Зарур ҳолларда, агар монополияга қарши органда ҳаракат (битим) рақобатнинг чекланишига олиб келади ёки олиб келиши мумкин, шу жумладан товар ёки молия бозорида устун мавқенинг вужудга келиши ёхуд кучайиши орқали рақобатнинг чекланишига олиб келади ёки олиб келиши мумкин деб тахмин қилиш учун асослар пайдо бўлса, аризани кўриб чиқиш муддати бир ойдан кўп бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин. Монополияга қарши орган, агар:

ҳаракатларни содир этишга (битимлар тузишга) олдиндан розилик бериш тўғрисидаги аризининг қаноатлантирилиши товар ёки молия бозорида тегишли хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеи юзага келишига ёки кучайишига ва (ёки) рақобатнинг чекланишига олиб келиши мумкин бўлса;

тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқишда уларда баён этилган ахборотнинг ишончсизлиги ёки ёлғонлиги аниқланса, аризачига олдиндан розилик беришни рад этишга ҳақли.

### **Хўжалик юритувчи субъектларни мажбурий тарзда бўлиш ёки ажратиб чиқариш тартиби**

Монополияга қарши орган ҳаракатларни содир этишга (битимлар тузишга) олдиндан розилик беришга ва буни рақобатни таъминлашга қаратилган талабларни бажаришга боғлиқ қилиб қўйишга ҳақли. Бунда мазкур талаблар, шунингдек уларни бажариш муддатлари монополияга қарши органнинг хўжалик юритувчи субъектлар бирлашмаларини ташкил этишга, хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш, қўшиб олиш ҳамда устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) ва бошқа мулкӣ ҳуқуқларни олиш бўйича битимлар тузишга олдиндан розилик бериш тўғрисидаги қарорида кўрсатилиши керак. Мазкур ҳаракатларнинг содир этилиши (битимлар тузилиши) товар ёки молия бозорида тегишли хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеи юзага келишига ёки кучайишига ва (ёки) рақобатнинг чекланишига олиб келиши мумкин бўлган тақдирда, бу ҳаракатларни содир этиш (битимлар тузиш) тўғрисида қарор қабул қилган юридик ва (ёки) жисмоний шахслар монополияга қарши органнинг талабига кўра рақобатнинг зарур шарт-шароитларини тиклаш чора-тадбирларини кўриши шарт.

Монополияга қарши орган товар ёки молия бозорида ҳатто хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеи юзага келиши ёки кучайиши ва (ёки) рақобатнинг чекланиши, нохуш оқибатлар юз бериши мумкин бўлган тақдирда ҳам, агар хўжалик юритувчи субъектларнинг бирлашмаларини ташкил этиш, хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш, қўшиб олиш ва устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) ҳамда бошқа мулкӣ ҳуқуқларни олиш бўйича битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик ва (ёки) жисмоний шахслар ўз ҳаракатлари (битимлари) истеъмолчиларга сезиларли даражада наф келтиришини исботлаб берса,

ҳаракатларни содир этиш (битимлар тузиш) учун олдиндан розилик бериш ҳақидаги аризани қаноатлантиришга ҳақли.

Монополияга қарши органнинг олдиндан берилган розилигисиз содир этилган, товар ёки молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеи юзага келишига ёки кучайишига ва (ёки) рақобатнинг чекланишига олиб келадиган ҳаракатлар (тузилган битимлар) суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Қонун шунингдек, жисмоний шахсларнинг хўжалик субъектлари бошқарув органларидаги иштирокини (19-модда) мустаҳкамлайди. Унга кўра, жисмоний шахс товар ёки молия бозоридаги активларининг жами баланс қиймати охириги ҳисобот даврининг сўнгги ҳолатига кўра энг кам иш ҳақининг юз минг бараваридан ортиқ бўлган ёки охириги календарь йилда товарларни реализация қилишдан олган жами тушуми энг кам иш ҳақининг юз минг бараваридан ортиқ бўлган ёхуд хўжалик юритувчи субъектлардан бири товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган икки ва ундан ортиқ хўжалик юритувчи субъектнинг ижро этувчи органларида ёки кузатув кенгашларида иштирок этган тақдирда, мазкур жисмоний шахс ижро этувчи органларга ёки кузатув кенгашларига тайинланганидан ёхуд сайланганидан кейин ўн беш календарь кун ичида монополияга қарши органни бу ҳақда хабардор қилиши керак. Бунда хўжалик юритувчи субъектлар шу муддат давомида монополияга қарши органга жорий йилдаги даврда ва жисмоний шахс уларнинг ижро этувчи органи ёки кузатув кенгаши таркибига тайинланган ёхуд сайланган йилдан олдинги йилда ишлаб чиқарилган ҳамда реализация қилинган товарларнинг турлари ва ҳажмлари тўғрисида ахборот тақдим этади.

Агар монополияга қарши орган ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда жисмоний шахснинг хўжалик юритувчи субъектларнинг ижро этувчи органларидаги ёки кузатув кенгашларидаги иштироки рақобатни чеклаётганлигини аниқласа, у ҳолда монополияга қарши орган рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида қарор қабул қилади.

Хўжалик юритувчи субъектларни мажбурий тарзда бўлиш ёки ажратиб чиқариш масалалари ҳам қонунда ўз ифодасини топган. Товар ёки молия бозорида устун мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини бартараф этиш юзасидан илгари қўлланилган чоралар самарасиз бўлган тақдирда, монополияга қарши орган хўжалик юритувчи субъектни мажбурий тарзда бўлиш ёки ажратиб чиқариш ҳақидаги даъво билан судга мурожаат этади, бўлиш ёки ажратиб чиқариш хўжалик юритувчи субъект негизида икки ёхуд бир нечта алоҳида хўжалик юритувчи субъектни ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектни мажбурий тарзда бўлиш ёки ажратиб чиқариш қуйидаги шартларнинг барчаси жам бўлганда амалга оширилиши мумкин:

бўлинаётган ёки ажратиб чиқарилаётган таркибий бўлинмаларнинг ташкилий ва ҳудудий жиҳатдан ажралиб чиқиш имконияти мавжуд бўлганда;

унинг таркибий бўлинмалари ўртасида ўзаро узвий технологик боғланиш мавжуд бўлмаганда;

бўлиш ёки ажратиб чиқариш натижасида ташкил топган таркибий бўлинмаларнинг товар ёки молия бозорида мустақил фаолият кўрсатиш имконияти мавжуд бўлганда.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Иқтисодий концентрациянинг аломатлари нималардан иборат
2. Назоратнинг уч турини тавсифлаб беринг
3. Бир (бир гуруҳ) хўжалик субъекти томонидан бошқа хўжалик субъектидан асосий ишлаб чиқариладиган моддалар ёки номоддий активларни олиш, фойдаланиш, эгалик қилишни назорат қилишнинг аҳамияти нимада
4. Молиявий хизматлар бозорида капитал концентрациясининг давлат томонидан назорат қилинишининг зарурати нимада.

### **1-Казус**

Виргин оролларида рўйхатдан ўтган “Fieriya ltd.” Масъулияти чекланган жамият Кипр республикасида рўхатдан ўтган “Terra plus inc.” АЖнинг Ўзбекистон Республикасига йилига 1,2 млрд сўмлик офис компьютерларини етказиб бериш ҳуқуқини берувчи 80 фоиз акцияларини сотиб олишга қарор қилди. “Fieriya ltd.” Компанияси ва унинг гуруҳининг устав капитали 3 млрд сўмни ташкил қилади. “Terra plus inc.” Компанияси ва унинг гуруҳининг устав капитали 2,5 млрд сўмни ташкил қилади.

Ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

Бу ҳолатда акцияларни олиш ишида Ўзбекистон монополияга қарши кураш қўмитасининг розилиги талаб этиладими.

Иқтисодий концентрациянинг қандай турдаги битимларига нисбатан антимонопол назорат тадбиқ қилинади.

## 2-Казус

Буюк Британия қонунчилиги асосида ташкил қилинган “Star inc.” АЖ, Кипр Республикаси қонунчилиги билан ташкил қилинган “Gold inc.” АЖга тегишли 55 фоиз акцияларни сотиб олмоқчи бўлди.

“Gold inc.” АЖ Ўзбекистон Республикасидаги муайян товарлар бозорида 35 фоиз хиссага эга бўлган “Элеватор” АЖнинг 75 фоиз акцияларига эгалик қилади.

Иқтисодий концентрациянинг қандай турдаги битимлари монополияга қарши кураш қўмитасининг олдиндан рухсат беришини талаб этади.

Мазкур ҳолат юзасидан олдиндан рухсат олиш талаб этиладими.

**IX-БОБ. МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ВА ТАБИЙ  
МОНОПОЛИЯНИ НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНИНГ  
РАҚОБАТ ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАНЛИК БИЛАН  
БОҒЛИҚ ИШЛАРНИ ҚЎЗГАШИ ВА КЎРИБ ЧИҚИШИ.**

---

*9.1. Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги ишларни қўзғатиш ва кўриб чиқишга доир ҳуқуқий асослар*

*9.2. Рақобат қонунчилигини бузганлик аломатлари билан иш қўзғаш ва уни кўриб чиқиш тартиби.*

*9.3. Монополияга қарши органнинг рақбат қонунчилиги бузилиши билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш тартиби.*

*9.4. Ишни қўзғаш учун асослар.*

*9.5. Табиий монополия фаолиятини тартибга солувчи орган ва монополияга қарши органнинг қарор қабул қилиш ва кўриб чиқиш жараёни.*

*9.6. Монополияга қарши органнинг кўрсатмаларини ижро этиш.*

**9.1. Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги ишларни қўзғатиш ва кўриб чиқишга доир ҳуқуқий асослар .**

Ўзбекистон қонунчилигида товар ва молия бозорида хўжалик юритувчи субъектлар, жисмоний шахслар, давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир алоҳида нормалар мавжуд бўлиб, улар тартибга солинадиган муносабатларнинг кенг қамровлиги ва ранг-баранглиги билан бошқа ҳуқуқий нормалардан ажралиб туради.

Рақобат қонунчилигини бузиш билан боғлиқ ишларни судлар ва бошқа органлар томонидан кўриб чиқишга доир масалалар ЎЗР ФПК, ЎЗР ХПК, ЎЗР МЖТК, шунингдек, 1996 йил 26 апрелдаги “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, 1998 йил 25 декабрдаги “Реклама тўғрисида”ги, 1999 йил 19 августдаги “Табиий монополиялар тўғрисида”ги (янги таҳрири), 2012 йил 20 декабрдаги “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунларда ўз

аксини топган. 1991-2012 йилларда рақобат қонунчилигини бузиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар юқоридаги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган бўлса, бугунги кунга келиб бу соҳадаги муҳим ҳужжат 2012 йил 6 январда қабул қилинган “Рақобат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳисобланади.

Рақобат қонунчилигини бузганлик билан боғлиқ ишларни кўзғаш ва кўриб чиқишга оид қонуности норматив ҳужжатлар сифатида куйидагиларни келтириш мумкин:

- 2012 йил 13 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4483-сон Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони;

- 2005 йил 12 октябрдаги “Рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш кўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 225-сон Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори;

- 2012 йил 14 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 322-сон Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори;

- 2012 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 374-сон Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори;

- 2013 йил 15 августдаги “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 225-сон Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори

- 2013 йил 20 августдаги “Товар ва молия бозорларида монополияга қарши тартибга солишни такомиллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисидаги 230-сон Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори;

- 2013 йил 27 декабрдаги “Монополияга қарши курашни тартибга солиш соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 344-сон Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори.

Рақобатни ҳуқуқий тартибга солишда хориж тажрибасига назар солсак, МДХ давлатларида ушбу соҳадаги миллий қонунларнинг мақсади ва вазифалар бир-бирига яқин бўлсада, турлича номланиши мумкин. Жумладан, Россия Федерациясида 2006 йил 26 июлда “Рақобатни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун<sup>37</sup>, Беларусь Республикасида 2013 йил 12 декабрда “Монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобатни ривожлантириш тўғрисида”ги Қонун<sup>38</sup> қабул қилинган.

Европа Иттифоқи доирасида 2007 йил 13 декабрда қабул қилинган Европа иттифоқи фаолияти тўғрисидаги шартнома (Treaty on the functioning of the European Union)<sup>39</sup> аъзо давлатлар ўртасида божхона сиёсати, ички бозор фаолиятини таъминлашда рақобат қоидаларини белгилаш, валютаси евро ҳисобланган давлатларнинг пул-кредит сиёсатини белгилаш, балиқчилик соҳасида денгиз биологик ресурсларни сақлашда умумий сиёсатни амалга ошириш, умумий савдо сиёсатига тадбиқ этилади. Бундан ташқари, Европа Иттифоқига аъзо давлатлар томонидан рақобат соҳасида алоҳида ички ҳужжатлар ҳам қабул қилинган бўлиб, уларда юқоридаги шартномага ҳаволалар келтирилади. Масалан, Швеция Рақобат актининг 3-моддасида Европа иттифоқи фаолияти тўғрисидаги шартнома амалда бўлиши, 4-моддасида рақобат билан боғлиқ айрим низолар Европа Иттифоқининг тегишли органларида кўриб чиқилиши белгиланган.<sup>40</sup>

1985 йилда қабул қилинган (2015 йил 9 мартда сўнгги марта ўзгартиш киритилган) Канада Рақобат актининг мақсади давлат иқтисодиётида рақобатни сақлаш ва кенгайтириш, шу орқали дунё

<sup>37</sup> [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_61763/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_61763/)

<sup>38</sup> <http://www.wipo.int/wipolex/ru/details.jsp?id=14969>

<sup>39</sup> [http://eur-lex.europa.eu/resource.html?uri=cellar:41f89a28-1fc6-4c92-b1c8-03327d1b1ecc.0007.02/DOC\\_1&format=PDF](http://eur-lex.europa.eu/resource.html?uri=cellar:41f89a28-1fc6-4c92-b1c8-03327d1b1ecc.0007.02/DOC_1&format=PDF)

<sup>40</sup> <http://www.konkurrensverket.se/globalassets/english/competition/the-swedish-competition-act.pdf>

бозорида фаол қатнашишдан иборат.<sup>41</sup> 2002 йилда қабул қилинган Ҳиндистон Рақобат актида рақобатни ҳуқуқий тартибга солиш масаласи кенг ёритилган.<sup>42</sup>

## **9.2. Рақобат қонунчилигини бузганлик билан боғлиқ ишларни қўзғаш ва кўриб чиқишда монополияга қарши органнинг ваколатлари ва унинг роли**

Рақобат қонунчилиги суд ҳимояси билан бир қаторда товар ва молия бозорида оммавий тартибда хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда монополияга қарши органнинг ваколатларини ҳам белгилайди. Рақобат тўғрисидаги Қонуннинг 9-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари монополияга қарши орган ҳисобланиб, товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги ваколатли органдир.

“Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисида”ги Низомда (Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги 374-сон қарорига илова) Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси қисқача Давлат рақобат қўмитаси деб кўрсатилади.

<sup>41</sup> <http://laws.justice.gc.ca/PDF/C-34.pdf>

<sup>42</sup> [http://www.cci.gov.in/sites/default/files/cci\\_pdf/competitionact2012.pdf](http://www.cci.gov.in/sites/default/files/cci_pdf/competitionact2012.pdf)



Монополияга қарши орган товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги, хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатга қарши ҳаракатларини, инсофсиз рақобатини чеклаш ва уларнинг олдини олишга ҳамда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ғайриқонуний ҳаракатларига йўл қўймасликка қаратилган давлат сиёсатини амалга оширади.

Рақобат қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш функцияси рақобат қонунчилигини бузиш тўғрисидаги ишларни қўзғаш ва кўриб чиқишда Рақобат қўмитаси ваколатларини белгилаш, ижро этувчи органлар ва хўжалик юритувчи субъектлар учун мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш, тегишли буйруқлар чиқариш йўли билан амалга оширилади.

Рақобат тўғрисидаги Қонуннинг 21-моддасида монополияга қарши органнинг рақобат қонунчилигини бузиш билан боғлиқ ишларни қўзғаш ва кўриб чиқишда бир қатор ваколатлари келтирилган. Жумладан, монополияга қарши орган:

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишларини аниқлайди, улар бўйича ишлар қўзғатади ва уларни кўриб чиқади;

- рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги иш юзасидан, шу жумладан хўжалик юритувчи субъектлардан

рақобатга қарши ҳаракатлар натижасида асоссиз равишда олинган даромадни (фойдани) олиб қўйиш ва жарима солиш ҳақида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарор қабул қилади;

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъектларга, давлат бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларини бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беради;

- рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун хўжалик юритувчи субъектларни, давлат бошқаруви органларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, уларнинг мансабдор шахсларини ва бошқа жисмоний шахсларни тегишли жавобгарликка тортади;

- рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги билан боғлиқ жиноят аломатлари бўйича жиноят иши кўзғатиш ҳақидаги масалани ҳал қилиш учун материалларни тегишли органларга юборади;

- рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қўлланилиши ва бузилиши билан боғлиқ ишларнинг судда кўриб чиқилишида иштирок этади;

- хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширишлар ўтказилади;

- рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг реестрини юритади ва эълон қилади.

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг мансабдор шахслари монополияга қарши органнинг талабига кўра унга зарур ҳужжатларни ва ахборотни белгиланган тартибда текин тақдим этиши шарт. Монополияга қарши органнинг мансабдор шахслари рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш, рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳақидаги аризалар ва ишларни кўриб чиқиш,

шунингдек рақобатнинг ҳолатини аниқлаш учун белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъектнинг ҳужжатларини, ахборотини олиш ва унинг ҳудудига кириш ҳуқуқига эга.

Монополияга қарши орган ўзига берилган ваколатларни амалга ошириши муносабати билан маълум бўлиб қолган тижорат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

Монополияга қарши органнинг ходимлари тижорат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг ошкор этилиши натижасида етказилган зарар учун жавобгар бўлади. Хўжалик юритувчи субъектга етказилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши керак.

Бундан ташқари, монополияга қарши орган айрим қуйидаги масалалар бўйича ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга:

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва юридик шахслар бирлашмаларининг рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига бутунлай ёки қисман мувофиқ бўлмаган ҳужжатларини ва ҳаракатларини ҳақиқий эмас деб топиш;

рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган битимларни (шартномаларни) ўзгартириш ёки бекор қилиш;

рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган битимларни (шартномаларни) бутунлай ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш;

рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги натижасида олинган даромадни (фойдани) белгиланган тартибда ундириш;

савдоларини ўтказишда рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар кўра савдоларни ва мазкур савдолар натижасида тузилган битимларни

хўжалик юритувчи субъектларни мажбурий тарзда бўлиш ёки ажратиб чиқариш;

рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйган шахсларга нисбатан ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш.

Ўз уставларига мувофиқ рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш ва истеъмолчиларнинг манфаатларини рақобатга қарши ҳаракатлардан ҳимоя қилиш мақсадига эга бўлган жамоат бирлашмалари рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга ҳақли.

МДХ давлатларида ҳам рақобат қонунчилиги бузилишига оид ишларни тегишли органлар кўзгайди ва кўриб чиқади. Масалан, Россия Федерациясида Федерал антимонопол хизмати,<sup>43</sup> Беларус Республикасида Антимонополияни тартибга солиш ва савдо вазирлиги ишларни кўзгайди ва комиссия ташкил этиб кўриб чиқади.<sup>44</sup>

Европа иттифоқи фаолияти тўғрисидаги шартномага асосан, аъзо давлатлар юридик ва жисмоний шахслари томонидан рақобат қонунчилиги бузилган тақдирда Европа комиссиясига бўйсунувчи Рақобат Бош директорати ташкил қилинган бўлиб, у ўз фаолиятини Брюсселда олиб боради. Комиссия қарори устида Люксембургдаги Умумий судга муурожаат қилиш мумкин.<sup>45</sup>

Канада Рақобат актининг 7-қисмида ҳар бир штат губернатори рақобат бўйича Комиссарни тайинлайди ва у ушбу акт бажарилишини таъминлайди.<sup>46</sup> Ҳиндистон Рақобат актида Ҳукумат томонидан Рақобат комиссияси ташкил этилиши ва унинг таркибига иқтисод, ҳуқуқ, савдо, саноат соҳасида билимга эга бўлган, камида ўн беш йил иш тажрибасига эга бўлган шахслар киритилиши мумкинлиги белгиланган.<sup>47</sup>

### **3. Монополияга қарши орган томонидан рақобат қонунчилиги бузилишига доир ишларни кўзгайди**

Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги ишларни кўзгайдиш ва кўриб чиқиш монополияга қарши орган

<sup>43</sup> [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_61763/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_61763/)

<sup>44</sup> <http://www.wipo.int/wipolex/ru/details.jsp?id=14969>

<sup>45</sup> <https://www.slaughterandmay.com/media/64569/an-overview-of-the-eu-competition-rules.pdf>


<sup>46</sup> [http://www.cci.gov.in/sites/default/files/cci\\_pdf/competitionact2012.pdf](http://www.cci.gov.in/sites/default/files/cci_pdf/competitionact2012.pdf)

<sup>47</sup> <http://laws.justice.gc.ca/PDF/C-34.pdf>

ТОМОНИДАН

амалга

оширилади.



Қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги иш жисмоний шахсга, хўжалик юритувчи субъектга, давлат бошқаруви органига ва маҳаллий давлат ҳокимияти органига нисбатан улар жойлашган жой бўйича тегишли монополияга қарши орган томонидан қўзғатилади.

Давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ва хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахслари томонидан рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳақидаги ишларни монополияга қарши орган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ кўриб чиқади.




Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги ишларни кўзғатиш ва кўриб чиқиш учун монополияга қарши органнинг ўз текширувлари, ўрганишлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг, давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аризалари ҳамда оммавий ахборот воситаларидаги ҳуқуқ бузилиши белгилари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар мавжуд бўлган хабарлар (кейинги ўринларда матнда “ариза” деб юритилади) асос бўлади.

Ариза монополияга қарши органга қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳолатлари (белгилари)дан далолат берувчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда ёзма шаклда берилади.

Аризада ариза берувчи ва унга нисбатан ариза берилган шахс тўғрисидаги маълумотлар бўлиши, қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари (белгилари) тавсифланиши зарур.

Монополияга қарши орган берилган аризани олдиндан кўриб чиқади ва ариза билан бирга берилган ҳужжатлар ва материалларни ўрганади.

Монополияга қарши орган аризани олдиндан кўриб чиқишда ҳамда бошқа ҳужжатлар ва материалларни ўрганишда:



Монополияга қарши орган ариза ва материалларни олдиндан кўриб чиқиш давомида:

хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан ва фуқаролардан танишиш учун зарур материаллар ва ҳужжатларни сўраб олишга, улардан нусха кўчиришга ҳамда уларни иш материалларига қўшиб қўйишга;

ариза берувчи, шунингдек жисмоний шахс уларга нисбатан ариза берилган хўжалик юритувчи субъект, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакиллари билан суҳбат ўтказишга;

ариза берувчидан ва уларга нисбатан ариза берилган шахслардан ариза билан мурожаат қилишга сабаб бўлган ҳолатлар (белгилар) бўйича ёзма ёки оғзаки тушунтиришлар олишга;

ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа чора-тадбирларни кўришга, аризани олдиндан кўриб чиқиш материаллари бўйича хулосалар ва тушунтиришлар бериш учун ваколатли экспертлар ёки мутахассисларни жалб этиш ҳақлидир.

Қонун ҳужжатлари бузилиши тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш учун монополияга қарши органда қонун ҳужжатлари бузилганлигини кўриб чиқиш бўйича монополияга қарши органнинг масъул ходимларидан иборат махсус комиссиялар (кейинги ўринларда «комиссия» деб юритилади) ташкил этилади. Комиссия таркибига комиссия томонидан қабул қилинадиган қарорлар юзасидан жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорлик субъектлари фаолияти эркинлиги кафолатларини таъминлаш соҳасидаги бошқа давлат бошқарув органларининг ҳамда нодавлат нотажорат ташкилотларининг вакиллари киритилиши мумкин.

Аризани олдиндан кўриб чиқиш натижалари бўйича, тақдим этилган материаллар асосида комиссия раиси қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида иш қўзғаш ёки муружаатда кўрсатилган масалалар, монополияга қарши органнинг ваколатига тегишли эмаслиги ёхуд қонун бузилганлиги белгилари йўқлиги муносабати билан иш қўзғаш рад этилиши тўғрисидаги масалани ҳал қилади.

Қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳолати (белгиси) бўйича иш қўзғаш ёки иш қўзғаш рад этилиши тўғрисида комиссия раиси томонидан ажрим чиқарилади.

#### **4. Монополияга қарши орган томонидан рақобат қонунчилиги бузилишига доир ишларни кўриб чиқиш тартиби**

Ажрим топширилганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан биргаликда буюртмали хат билан ишни кўриб чиқишда иштирок этувчиларга юборилади. Ишни кўриб чиқиш бўйича қатнашчиларга ажрим, шунингдек тилхат остида монополияга қарши органда ёки улар жойлашган жой бўйича топширилиши мумкин. Зарурият бўлганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳолати (белгиси) бўйича иш қўзғаш тўғрисидаги ажрим факсимил алоқа, электрон почта орқали ёки ажрим юборилганнинг уни олганлиги ҳолатини қайд этиш имконини берадиган бошқа алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда юборилиши мумкин.

Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги ишда иштирок этувчи шахслар қуйидагилар:



Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги ишда иштирок этувчи шахслар иш кўзғатиш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан иш материаллари билан танишиб чиқишга, бундан давлат сирлари ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар мустасно, улардан кўчирмалар олишга, оғзаки ва ёзма тушунтиришлар беришга, далиллар тақдим этишга ва уларнинг текширилишида иштирок этишга, ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга саволлар беришга, илтимосномалар киритишга ҳамда ишда иштирок этаётган бошқа шахсларнинг илтимосномалари ва важларига қарши эътирозлар билдиришга ҳақли.

Ишни комиссия мажлисида кўриб чиқиш раис томонидан ишнинг ҳолатлари энг тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганилиши ва унга баҳо берилишини таъминлайдиган, қонун ҳужжатлари бузилишини бартараф этадиган ва унинг олдини оладиган, қонун ҳужжатлари бузилиши тўғрисида унга нисбатан иш олиб борилаётган шахслар,

шунингдек бошқа манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланадиган тарзда олиб борилади.

Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги иш қўзғатилган кундан эътиборан бир ойлик муддат ичида кўриб чиқилади. Алоҳида ҳолларда, ишнинг мураккаблигига қараб, мазкур муддат кўпи билан бир ойга узайтирилиши мумкин.

Ишнинг кўриб чиқилиши вақти ва жойи тўғрисида уларга нисбатан иш қўзғатилган жисмоний шахслар хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ишда қатнашиш учун жалб этиладиган бошқа шахслар хабардор қилинади.

Ишни кўриб чиқиш комиссия таркибини эълон қилишдан бошланади. Комиссия мажлисида раислик қилувчи қандай иш кўриб чиқилиши кераклигини эълон қилади ва унга нисбатан иш кўрилади шахсларнинг номини айтади.

Ишни кўриб чиқиш қатнашчиларига уларнинг ҳуқуқлари тушунтирилади.

Ишни кўриб чиқишда комиссия иш бўйича далилларни бевосита ўрганади, шу жумладан:

ишни кўриб чиқиш бўйича қатнашчиларнинг тушунтиришларини, мутахассисларнинг ва бошқа манфаатдор шахсларнинг хулосаларини, гувоҳларнинг кўрсатмаларини эшитади;

ёзма далиллар билан танишади ва уларни эълон қилади.

Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги ишни кўриб чиқиш кейинга қолдирилиши ёки тўхтатиб турилиши мумкин. Ишни кўриб чиқишни кейинга қолдириш, тўхтатиб туриш ва тиклаш тўғрисида монополияга қарши орган тегишли ажрим чиқаради, мазкур ажримнинг кўчирма нусхаси ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади.

Ишни кўриб чиқиш қуйидаги ҳолларда комиссиянинг навбатдаги мажлиси санаси ва вақти кўрсатилган ҳолда комиссия томонидан кечиктирилиши мумкин:

вакилнинг мажлисда қатнаша олмаслиги сабабли ишни кўриб чиқиш кечиктирилиши тўғрисида субъектнинг асосланган илтимосномаси муносабати билан;

субъектнинг қонун ҳужжатлари бузилишини кўрсатмасиз ихтиёрий равишда бартараф этиш тўғрисидаги илтимосномаси муносабати билан;

қўшимча далиллар олиш зарурияти муносабати билан;

ишни кўриб чиқиш қатнашчиларидан бирортасининг ҳозир бўлмаганлиги ёки томоннинг вакилида ишончнома йўқлиги муносабати билан;

комиссия фикрига кўра ишни кўриб чиқишга экспертларни жалб этиш ёки бошқа шахсларнинг иштироки албатта зарурлиги муносабати билан;

ишни ушбу мажлисда ҳал этиш мумкин бўлмаганда.

**Ишни кўриб чиқиш қуйидаги ҳолларда тўхтатилиши мумкин:**

судда хулосалари ишни кўриб чиқиш натижалари учун аҳамиятли бўлган бошқа иш кўриляётганда;

экспертизадан ўтказиш ёки тегишли экспертнинг ёки мутахассиснинг хулосаси зарур бўлганда.

материалларни қўшимча ўрганиш ва сўраш талаб қилинадиган ҳолатлар вужудга келганда.

Ишни кўриб чиқиш уни тўхтатишга сабаб бўлган ҳолатлар бартараф этилгандан кейин давом эттирилади.

Ишни кўриб чиқиш комиссия томонидан қуйидаги ҳолларда тўлиқ ёки қисмлари бўйича тугатилиши мумкин:

қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тасдиқланмаганда;

қонун ҳужжатлари бузилиши тўғрисида унга нисбатан иш қўзғатилган хўжалик юритувчи субъект тугатилганда ёки жисмоний шахс вафот этганда;

унга нисбатан иш қўзғатилган хўжалик юритувчи субъект ва жисмоний шахс қонун бузилишини ихтиёрий равишда бартараф этганда;

монополияга қарши орган томонидан кўриб чиқиляётган қонун ҳужжатлари бузилиши тўғрисидаги иш бўйича суд томонидан қарор қабул қилинганда.

Ишни кўриб чиқишни кечиктириш, тўхтатиб туриш, қайта тиклаш ва тугатиш тўғрисида ажрим чиқарилади, у комиссия раиси ва аъзолари томонидан имзоланади, унинг нусхаси ишни кўриб чиқиш қатнашчиларига жўнатилади.

**Комиссия рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги ишни моҳиятан кўриб чиқиш натижалари бўйича:**

рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилганлиги факти аниқланиши ва тегишли ҳуқуқий таъсир чораларини кўрилиши ҳақида;

иш юритишни тугатиш ҳақида қарор қабул қилади.

Комиссия томонидан қарор кўриб чиқалаётган масала бўйича таклиф этилган шахслар иштирокисиз, очиқ овоз бериш орқали кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда комиссия раиси овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Комиссия раиси ва аъзолари овоз беришда бетараф қолиш ҳуқуқига эга эмаслар. Комиссия раиси энг охирида овоз беради.

Агар комиссия раиси ёки аъзоси қарорга рози бўлмаса, у уни имзолаши шарт ва ўзининг алоҳида фикрини баён қилишга ҳақлидир, унинг фикри ишга қўшиб қўйилади.

Қарор комиссия раиси ва аъзолари томонидан имзоланади.

Комиссиянинг қарорнинг хулоса қисми маълум қилинган мажлиси ўтказилган сана қарорнинг қабул қилинган санаси ҳисобланади.

Комиссия мажлисида протокол юритилади, у комиссия аъзоларининг биттаси томонидан ёки комиссия раиси протоколни тузиш учун махсус жалб этган монополияга қарши орган мутахассиси томонидан тузилади.

Комиссия мажлиси протоколида қуйидагилар кўрсатилади:  
ишни кўриб чиқаётган монополияга қарши органнинг номи;  
ишнинг номи ва тартиб рақами;  
мажлисининг ўтказилган йили, ойи, куни ва жойи;

комиссия таркиби;  
 ишни кўриб чиқиш қатнашчиларининг ҳозир бўлганлиги ва уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар текширилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;  
 ишни кўриб чиқиш қатнашчиларининг оғзаки илтимосномалари;  
 ишни кўриб чиқиш қатнашчиларининг ишда қатнашаётган бошқа шахсларнинг илтимосномалари ва далилларига қарши эътирозлари;  
 ишни кўриб чиқиш қатнашчиларининг тушунтиришномалари, мутахассисларнинг ёзма изоҳларини эълон қилиш тўғрисидаги маълумотлар;  
 гувоҳларнинг кўрсатмалари;  
 комиссия қабул қилган қарор;  
 бошқа маълумотлар.

Мажлис протоколи комиссия раиси, аъзолари ва комиссия мажлиси котиби томонидан имзоланади.

Монополияга қарши органнинг рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги иш юзасидан қарори дарҳол эълон қилиниши лозим.

Монополияга қарши органнинг рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги иш юзасидан қарорига асосан, ўзига нисбатан қарор қабул қилинган шахсга кўрсатма берилади.

Монополияга қарши органнинг кўрсатмаси унда белгиланган муддатда ижро этилиши лозим. Кўрсатмани муддатида ижро этмаганлик қонунда назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

Монополияга қарши органнинг кўрсатмасини унда белгиланган муддатда ижро этмаганлик деганда кўрсатмани ижро этишни рад қилиш ёки қисман ижро этиш ёхуд ўз вақтида ижро этмаслик тушунилади.

Кўрсатма қуйидаги ҳолларда қисман бажарилмаган ҳисобланади:

кўрсатмага мувофиқ бартараф этилиши керак бўлган барча қонун ҳужжатлари бузилишлари бартараф этилмаганда;

кўрсатмада назарда тутилган барча жисмоний шахсларга ёки хўжалик юритувчи субъектларга ёхуд бошқарув органларига нисбатан қонун ҳужжатлари бузилиши бартараф этилмаганда.

Кўрсатмаларни бажаришдан бош тортиш ёки бажармаслик деганда субъект кўрсатмани бажаришдан бош тортиши ёки қисман бажармаслиги ёхуд кўрсатмани ўз вақтида бажармаслиги тушунилади;

Кўрсатмалар ўз вақтида бажарилмаган деганда кўрсатманинг унда кўрсатилган муддатни бузган ҳолда бажарилиши тушунилади.

Монополияга қарши орган томонидан кўрсатма берилган шахслар кўрсатмани ижро этиш муддатини узайтириш тўғрисида илтимоснома бериши мумкин. Илтимосномада кўрсатилган ҳолат узрли деб топилган тақдирда, монополияга қарши орган кўрсатмани ижро этиш муддатини узайтиришга ҳақли.

Кўрсатилган муддатни узайтириш тўғрисидаги қарор қонун ҳужжатлари бузилишларини кўриб чиқиш комиссияси томонидан қабул қилинади.

Илтимосномада кўрсатилган ҳолатлар комиссия томонидан сабабли деб эътироф этилган тақдирда комиссия кўрсатманинг бажариш муддатини узайтириш, лекин кўпи билан уч ойга узайтириш тўғрисида ажрим чиқаради.

Монополияга қарши орган ўз кўрсатмалари ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Комиссия ажримни алоҳида ҳужжат тарзида чиқаради.

Ажримда қуйидагилар бўлиши керак;  
 монополияга қарши органнинг тўлиқ номи, ишнинг тартиб рақами, ажрим чиқарилган сана, комиссия таркиби, кўриб чиқиш предмети;  
 иши кўриб чиқиладиган шахс (шахслар) тўғрисидаги маълумотлар;  
 ажрим чиқариладиган масала;  
 комиссиянинг қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда, ўз хулосасини чиқаришига асос бўлган сабаблар;  
 кўриб чиқиладиган масала бўйича хулоса.

Комиссия қароридида қуйидагилар бўлиши керак:

қарор қабул қилган монополияга қарши органнинг номи, комиссия таркиби, ишнинг тартиб рақами, қарорнинг қабул қилинган санаси ва жойи, ишни кўриб чиқиш предмети, иши кўриб чиқиладиган шахс тўғрисидаги, шунингдек ишни кўриб чиқишнинг бошқа қатнашчилари тўғрисидаги маълумотлар;

ишни кўриб чиқишда аниқланган ҳолатларнинг, комиссиянинг ушбу ҳолатлар тўғрисидаги хулосаларига асос бўлган далилларнинг, содир этилган қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун жавобгарликни назарда тутувчи қонунчиликка асосланишнинг баёни;

қонун ҳужжатлари бузилганлиги факти аниқлангани тўғрисидаги хулоса, мазкур қонун бузилиши учун назар тутилган молиявий санкциялар миқдори, молиявий санкцияларни ихтиёрий равишда тўлаш муддати ва тартиби тўғрисидаги тушунтириш;

кўрсатма бериш тўғрисидаги хулоса;

қарор юзасидан шикоят билдириш мумкинлиги тўғрисидаги маълумотлар;

бошқа маълумотлар.

Кўрсатмада қуйидагилар кўрсатилиши керак:

монополияга қарши органнинг тўлиқ номи, ишнинг тартиб рақами, кўрсатма берилган сана;

кўрсатма берилишига асос бўлган қарор тўғрисидаги маълумотлар;

ўзига нисбатан кўрсатма бериладиган шахснинг номи;

шахс томонидан бажарилиши керак бўлган аниқ хатти-ҳаракатлар (тўхтатиш, бартараф этиш, бундан кейин қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўймаслик, асоссиз олинган даромадни истеъмолчиларга қайтариш, дастлабки ҳолатни тиклаш ва бошқалар) ҳамда бажариш муддатлари;

кўрсатма юзасидан шикоят билдириш тартиби тўғрисида тушунтириш.

Ажримлар, қарорлар ва кўрсатмалар намуналари Давлат рақобат кўмитаси томонидан тасдиқланади.

Молиявий санкция қўлланиши назарда тутилган қонун ҳужжатлари бузилганлиги факти аниқланганлиги тўғрисида ўзига

нисбатан қарор чиқарилган шахс монополияга қарши орган белгилаган муддат мобайнида қонун ҳужжатларида белгиланган молиявий санкциялар суммасини ихтиёрий равишда тўлашга ҳақлидир.

Молиявий санкциялар суммаси ихтиёрий равишда тўланган тақдирда унинг тўланганини тасдиқловчи тўлов ҳужжати тўлов вақтидан бошлаб икки иш куни мобайнида монополияга қарши органга тақдим этилиши керак.

Агар қонун ҳужжатларини бузган шахс белгиланган муддат мобайнида ўзи содир этган қонун ҳужжатлари бузилгани учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган молиявий санкциялар суммасини ихтиёрий равишда тўламаса монополияга қарши орган тегишли молиявий санкциялар белгилаш тўғрисида судга мурожаат қилади.

Агар рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйган юридик ёки жисмоний шахс жарима солиш тўғрисидаги қарорни дарҳол бажариш унинг молиявий аҳволини ёмонлаштириши мумкинлигини исбот қилса, монополияга қарши орган ушбу шахсга ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб олти ой мобайнида жаримани кечиктириб ёки ҳар ойлик тўловлар билан бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини беришга ҳақлидир;

Ҳўжалик юритувчи субъектнинг охириги ҳисобот санасидаги жорий активлари суммасининг жами 20 фоизидан ортиқ бўлган молиявий санкцияларни ундириш ундириладиган суммани тўловчига ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 6 ой мобайнида ҳар ойда бўлиб-бўлиб тўлаш имконини берган ҳолда амалга оширилади.

Молиявий санкцияларни тўлаш монополияга қарши органнинг қарорини ёки кўрсатмасини бажариш ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятидан озод қилмайди.

Қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш қатнашчилари монополияга қарши органнинг қарори (кўрсатмаси)га қўшилмаган тақдирда қарор (кўрсатма) қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда қарор (кўрсатма)ни тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги

ариза билан судга ёки ёхуд қарор (кўрсатма)ни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақидаги ариза билан Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Ариза берилганлиги монополияга қарши органнинг қарори (кўрсатмаси) ижросини ариза кўриб чиқиладиган вақт мобайнида тўхтатиб туради.

### **Назарий учун саволлар:**

1. Рақобат қонунчилигини бузганлик учун ишларни кўришга доир ҳуқуқий асосларни ёритиб беринг.

2. Рақобат қонунчилигини бузганлик билан боғлиқ ишларни кўзғаш ва кўриб чиқишда монополияга қарши органнинг ваколатлари ва роли нималардан иборат?

3. Монополияга қарши орган томонидан рақобат қонунчилиги бузилишига доир ишларни кўзғаш тартибини тушунтиринг.

4. Монополияга қарши орган томонидан рақобат қонунчилиги бузилишига доир ишларни кўриб чиқиш тартиби ёритиб беринг.

### **1-Казус**

Сотиб олинган компьютерда нуқсонлар борлиги учун фирма томонидан тўланган пул қайтарилмади. Натижада, Монополияга қарши органга мурожаат қилинди. Монополияга қарши орган мурожаатни белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун ҳудудий органга юборди. Ҳудудий орган раҳбари томонидан буйруқ чиқарилиб, унда компьютер учун тўланган пул қайтарилиши ва компьютерни сотган фирмага нисбатан молиявий жарима, унинг раҳбарига нисбатан маъмурий жазо қўллаш лозимлиги таъкидланди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

### **2-Казус**

“Отахон” хусусий корхонаси ҳудудидан ўтган совуқ сув қувури ёрилди, тузатиб бериш учун тегишли “Сувсоз”га мурожаат қилинди. “Сувсоз” ходими 2 кун давомида ёрилган сув қувурлари ўрнига янгисини қўйиб берди ва бажарилган хизмат учун 200 000

сўм тўлаш кераклигини таъкидлади. “Отахон” хусусий корхонаси раҳбари бу хизмат давлат ҳисобидан амалга оширилишини, агар бошқа ташкилотга мурожаат қилганда ҳам хизмат ҳақи 100 000 дан ошмаслигини билдирди. “Сувсоз” ходими сув қувурлари ва канализация хизмати табиий монополия ҳисобланишини, табиий монополия субъектлари фаолиятида нархларни тартибга солиш ваколатли орган томонидан амалга оширилишини, нархни ўзи белгиламаганини таъкидлади. Шундан кейин, корхона раҳбари айтилган 200.000 сўмни тўлади. 10 кундан кейини қўйилган совуқ сув қувурлари яна ёрилди, бажарилган хизматнинг белгиланган нархи 100 000 сўм эканлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан “Отахон” хусусий корхонаси раҳбари монополияга қарши органга мурожаат қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

## **10 БОБ. РАҚОБАТ ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

---

*10.1. Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тушунчаси.*

*10.2. Жавобгарликка тортиш асоси сифатида айб.*

*10.3. Рақобат қонунчилигини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик.*

*10.4. Рақобат қонунчилигини бузганлик учун маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлик.*

### **10.1. Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тушунчаси**

Ривожланишнинг беш тамойилларидан бири бўлган бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш тамойили мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилиб келинмоқда. Йилдан йилга тадбиркорлик субъектлари сони ортиб улар томонидан товар ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш турларининг кўпайишига ҳамда уларнинг сифат жиҳатдан истеъмолчи талабидан келиб чиқиб белгиланмоқда. Мазкур ҳол ривожланган бозор муносабатларининг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, товар бозорида рақобат муҳитини қарор топтириш сўз юритилаётган тамойилни қарор топтиришнинг асосий шarti ҳисобланади.

Рақобат муносабатларини тартибга солиш ушбу соҳада мавжуд норматив ҳуқуқий ҳужжатлар орқали амалга оширилади. Мазкур норматив ҳуқуқий ҳужжатлар рақобат муносабати иштирокчиларининг ҳатти-ҳаракатларини йўналтириш ва ҳуқуқий баҳолашдаги ҳуқуқий таъсир чораларини ўзида мужассам этади. Зеро, муносабат иштирокчиларининг ҳар қандай даромад топишга қаратилган ижтимоий ҳолатга зид бўлган ҳатти-ҳаракатлари тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган у ёки бу ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш орқали тартибга солиб туришни назарда тутлади.

Рақобат қонунчилигини бузганлик учун шахсинин (ёки шахслар гуруҳи)нинг ҳатти-ҳаракатларига нисбатан қонунларда белгиланган ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш бу уларнинг фаолиятига тўсиқ бўлиш эмас балки, у билан рақобатлашаётган бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, иш муомаласи одатларига даҳил қилишнинг олдини олишдан иборат.

Рақобат муносабатларини бузганлик учун шахсга ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш шахс ёки шахслар гуруҳининг рақобатни чеклаш ва тўхтатиш билан боғлиқ ҳуқуққа хилоф ҳатти-ҳаракатларидан келиб чиқиб белгиланади. Ҳуқуқий таъсир чораси рақобат қонунчилигини бузган шахсга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарлик чорасини қўллашдан иборат.

Рақобат қонунчилигини бузганлик ҳолати шахсининг атайин онгли равишда товар ва молия бозорида бир шахсга ёки шахслар гуруҳига унинг ишчанлик обрўсига путур етказувчи ҳаракат ёки ҳаракатсизлик орқали содир этиладиган ижтимоий хавфли қилмиш ҳисобланади. Мазкур ҳатти-ҳаракатларнинг бошқа ҳуқуқбузарликлардан ўзига хос фарқли жиҳати шахс рақобат қонунчилигини бирон-бир шахсга нисбатан қандай ижтимоий хавф келтиришини билади ҳамда атайин ушбу инсофсиз ҳаракатларини содир этади. Бунда ҳуқуқни бузган шахс ёки шахслар гуруҳининг қонунга зид ҳаракатлари ўзининг иқтисодий даромад кўриш имкониятини янада кенгайтириш ёки ўзи билан рақобатлашаётган шахсининг синдириш мақсади кўзланади. Инсофсиз рақобат сифатида қараладиган ҳар қандай рақобат қонунчилигини бузганлик билан боғлиқ ҳолатнинг объекти, субъекти, объектив томони ҳамда субъектив томонларини ўзида мужассам этган бўлиши талаб этилади.

Шахсининг рақобат қонунчилигини бузганлик ҳолатини ҳуқуқий баҳолашда қуйидаги тўрт ҳолат бўлиши талаб этилади

Объекти

Объектив  
томони

субъекти

Субъектив  
томони

Рақобат муносабатлари субъекти бўлиб, тадбиркорлик фаолияти сифатида товар ишлаб чиқарувчи ва молия хизматини кўрсатувчи ўзаро бири бирига рақобатчи бўлган шахс ёки шахслар гуруҳини тушуниш мумкин.

Субъектив томони товар ва молия бозорида шахснинг ёки шахслар гуруҳининг ўзига рақобатчи бўлган бир шахсга ёки икки ва ундан шахсларга онгли равишда содир этадиган бунинг натижасида ҳуқуқий оқибатни келтириб чиқарадиган инсофсиз ҳатти-ҳаракатларини тушуниш мумкин.

Рақобат қонунчилигини бузганликнинг объектив томони шахснинг ёки шахслар гуруҳининг инсофсиз ҳатти-ҳаракатлари натижасида келиб чиққан оқибат ва уни келтириб чиқарувчи сабаб билан ўзаро боғлиқлигидир.

Товар ва молия бозорида шахс (ёки шахслар гуруҳи)нинг инсофсиз рақобатга олиб келувчи ҳатти-ҳаракатлари одатда икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ ҳўжалик юритувчи субъектнинг бир томонлама ҳаракатларини содир этиш орқали амалга оширилиб буларга жамладан:

бозорда тақчилликни келтириб чиқариш ва нархларни ошириш мақсадида товарларни муомаладан олиб қўйиш

тегишли товарни ишлаб чиқариш ёки етказиб бериш имкониятлари мавжуд бўлганда шартнома тузишдан бош тортиш

монопол қиммат ёки монопол арзон нархларни белгилаш

бошқа тадбиркорлик субъектларининг бозорга киришига тўсқинлик қилиши

### Иккинчи гуруҳ,

ҳўжалик юритувчи субъектнинг бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлар билан шартнома тузишда намоён бўлади. Буларга жумладан:

контрагентга шартнома моҳиятига таалуқли бўлмаган шартларни мажбуран киритиш

контрагентни бошқа бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларга нисбатан тенг бўлмаган вазиятга солиб қўядиган камситувчи шартларни шартномага киритиш

контрагент томонидан бошқа товарларни сотиб олиш ёки сотиш ёхуд контрагентнинг бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлардан товарлар сотиб олишидан ёки бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларга товарлар сотишидан тийиш шarti билан шартнома тузишга розилик бериш

Рақобат қонунчилигини бузиш билан боғлиқ юқорида санаб ўтилган ҳолатлар рўйхати қатъий тугал хусусиятга эга эмас.

Рақобат қонунчилигини бузганлик ҳолатини ўрганиш ва унга ҳуқуқий баҳо беришда махсус ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳисобланади. Мазкур давлат органи товар ва молия бозорида ўзаро рақобатлашиш муносабатларини кузатиб боради. Агар рақобат бузиш ҳолати аниқланадиган бўлса, тегишли ҳуқуқий таъсир чорасини қонунчиликда белгиланган тартибда қўллаш ваколатига эга.

Рақобат қонунчилигига кўра, ҳуқуқбузарлик турларини куйидаги гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин бўлиб:

-бозорда шахснинг устун мавқение суиистеъмол қилиш шаклида ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклайдиган битим ва келишилган ҳатти-ҳаракатлари кўринишидаги;

-рақобатлашиш муносабатларига зид бўлган методлардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик (инсофсиз рақобат).

-давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва юридик шахслар бирлашмаларининг рақобатни чеклайдиган ҳужжатлари ҳамда ҳаракатлари.

## **10.2. Жавобгарликка тортиш асоси сифатида айб**

Рақобат қонунчилиги бўйича шахснинг ҳаракатларини инсофсиз рақобат сифатида баҳолаш ва тегишли ҳуқуқий таъсир

чорасини қўллашда ушбу шахснинг ёки шахслар гуруҳининг айбнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги аниқлаштирилиши лозим бўлади. Чунки, ҳар қандай ҳолатда ҳам шахснинг ҳатти-ҳаракатларини рақобатга зид бўлган ҳолат сифатида баҳолаб бўлмайди.

Шахс (ёки шахслар гуруҳи)нинг ҳатти-ҳаракатларида рақобат қонунчилигини бузганлик учун унга жавобгарлик чорасини қўллаш учун энг аввало ҳуқуқни бузган шахснинг айблилиқ даражаси аниқлаштириш лозим бўлади. Чунки, айбнинг даражасини аниқлаш ушбу шахсга қонун ҳужжатларида белгиланган у ёки бу даражадаги жавобгарлик чорасини қўллашда аҳамияти катта.

Рақобат муносабатларида шахснинг айбдорлигини намоён этувчи жиҳати бу унинг товар ва молия бозорида инсофсиз рақобатга олиб келувчи ҳар қандай ҳатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддаси биринчи қисми иккинчи бандига кўра, инсофсиз рақобат — хўжалиқ юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг иқтисодий фаолиятни амалга оширишда афзалликларга эга бўлишга қаратилган, қонун ҳужжатларига, иш муомаласи одатларига зид бўлган ҳамда бошқа хўжалиқ юритувчи субъектларга (рақобатчиларга) зарар етказадиган ёки зарар етказиши мумкин бўлган ёхуд уларнинг ишчанлик обрўсига путур етказадиган ёки путур етказиши мумкин бўлган ҳаракатлари ҳаракатлари тушунилади.

Шахс (ёки шахслар гуруҳи)нинг рақобат қонунчилигига зид бўлган ҳатти-ҳаракатларида айбнинг мавжудлигини аниқлашда унда инсофсиз рақобат фактлари хусусан шартномада камситувчи шартларнинг киритилиши, келишиб олинган ҳаракатлар, рақобатга қарши ҳаракатларнинг мавжудлигидан келиб чиқилади.

Рақобат муносабатларида шахс (ёки шахслар гуруҳи)нинг инсофсиз рақобатга олиб келиши мумкин ҳатти-ҳаракатлар доираси жуда кенг бўлиб, унинг чегарасини белгилаш ва тегишли қонун ҳужжатларида мустаҳкамлашнинг имкони йўқ. Чунки, бозор муносабатлари шароитида шахс (ёки шахслар гуруҳи)нинг ўзига рақобатчи бўлган шахсга нисбатан қонунга зид бўлган турли

таъсир чораларини қўллаши мумкин. Масалан, товарнинг монопол юқори нархи ёки товарнинг монопол паст нархини белгилаш, муомалада бўлган товарларнинг ҳажмини товар ёки молия бозорида тақчилликни келтириб чиқариш ёки сақлаб туриш мақсадида нархларнинг ошишига олиб келадиган тарзда қисқартириши;

- шартнома предметиға тааллуқли бўлмаган шартларни, шу жумладан молиявий маблағларни, бошқа мол-мулкни, мулкый ҳуқуқларни ўзга шахсга ўтказишга доир асоссиз талабларни, шунингдек рақобатнинг чекланишига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган бошқа ҳаракатларни содир этиш талабларини мажбуран қабул қилдириши

- шартномаға камситувчи шартларни киритиши, хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқа хўжалик юритувчи субъектлар (рақобатчилар) томонидан ишлаб чиқариладиган товарларни олишини ёки реализация қилишини тақиқлаши ёхуд чеклаши;

- контрагент томонидан бошқа товарларни олиш ёки реализация қилиш ёхуд контрагентнинг товарларни ўзга хўжалик юритувчи субъектлардан олишдан ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектларға реализация қилишдан ўзини тийиши шарти билангина шартнома тузишга розилик бериши;

- тегишли товарни ишлаб чиқариш ёки реализация қилиш имконияти бўла туриб, шартнома тузишдан асоссиз равишда бош тортиши;

- товар ёки молия бозорига бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг киришига тўсиқлар қўйиши;

- сунъий равишда нархлар, тарифлар, чегирмалар, устамалар, қўшимча тўловларни ёки устама нархларни белгилашга ёки сақлаб туришга;

- нархларни сунъий равишда оширган ёки пасайтирган ҳолда эркин бозор нархларининг қарор топишига тўсқинлик қилишга;

- ишлаб чиқариш устидан, маҳсулот сотиш бозорлари ва капитал қўйилмалар устидан назорат ўрнатишга;

- таклиф ҳажмини сунъий равишда ўзгартириш мақсадида ишлаб чиқариш ҳажмларини келишиб олишга;

- шартнома предметиға тааллуқли бўлмаган шартларни, шу жумладан молиявий маблағларни, бошқа мол-мулкни, мулкый

ҳуқуқларни ўзга шахсга ўтказишга доир асоссиз талабларни, шунингдек рақобатни чекловчи бошқа ҳаракатларни содир этиш талабларини мажбуран қабул қилдиришга;

- аукционларда, биржаларда ва бошқа савдоларда нархларни оширишга, пасайтиришга ёки сақлаб туришга;

- шартномага камситувчи шартларни киритишга;

- тегишли бозорни ҳудудий принцип бўйича, реализация қилиш ёки харидлар ҳажми бўйича, товарларнинг хиллари бўйича ёхуд товарларни сотувчилар ёки сотиб олувчилар, товар буюртмачилари доираси бўйича бўлиб олиш каби шу ва бошқа ҳолатларни санаб ўтиш мумкин. Юқорида таъкидланганидек, рақобатга зид бўлган мазкур ҳатти-ҳаракатларнинг тугал рўйхатини ташкил этмайди.

Рақобат муносабатларида нафақат шахс (ёки шахслар гуруҳи)нинг балки давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва юридик шахслар бирлашмаларининг ҳам рақобат қонунчилигини бузганлик учун жавобгарликка тортиш ҳолати рақобат қонунчилигида белгиланиб ўтилади. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасида Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг рақобатга зид ҳатти-ҳаракатлари рўйхати келтириб ўтилиб жумладан:

фаолиятнинг бирор бир соҳасида янги хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этишга чекловлар жорий этиши

шартномалар тузишда устунлик бериш, сотиб олувчиларнинг муайян доирасига товарларни биринчи навбатда реализация қилиш, молиявий маблағларнинг манбаларини танлаш ва улардан фойдаланиш йўналишларининг афзаллиги тўғрисида хўжалик юритувчи субъектга кўрсатмалар бериши

айрим хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга кўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асоссиз равишда бериши

хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиши

хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятига оқибатда рақобат чекланиши мумкин бўлган тарзда аралашиши

Ўз вазифаларини хўжалик юритувчи субъектларнинг вазифалари билан қўшиб бажариши каби шу ва бошқа ҳолатларни санаб ўтиш мумкин. давлат ҳокимияти органларининг мазкур ҳаракатларга йўл қўйиши уларнинг айбдор сифатида қараш ва тегишли жавобгарлик чорасини қўллашга йўл қўйилади.

Шахс (ёки шахслар гуруҳи)ни рақобатга зид ҳатти-ҳаракатларининг хусусиятидан келиб чиқиб турли жавобгарлик чорасини қўллашни ўзида намоён этади. Жумладан фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик, маъмурий ҳуқуқий жавобгарлик ҳамда жиной ҳуқуқий жавобгарлик турларига бўлиш мумкин.

### **10.3. Рақобат қонунчилигини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик**

Рақобат қонунчилигини бузганлик учун шахсни (ёки шахслар гуруҳи)ни фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик чорасини қўллашда ҳуқуқ бузилган шахсга ҳуқуқи бузилган шахс томонидан етказилган зарарни моддий кўринишда қоплаб беришда намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 1-моддаси биринчи қисмида белгиланган хусусий ишларга бирон-бир кишининг ўзбошимчалик билан аралашшига йўл қўйилмаслиги, фуқаролик ҳуқуқлари тўсқинликсиз амалга оширилиши, мулкнинг дахлсизлиги, муносабат иштирокчиларининг тенглигини эътироф этиш принциплари бозор муносабатлари шароитида унинг иштирокчилар томонидан амал қилиши лозим бўлган қоидаларни ўзида мустаҳкамлайди. Мазкур қоидалар бозор муносабатлари иштирокчиларининг амал қилиши лозим бўлган қатъий қоидаларни ўзида ифодалайди.

Шахс (ёки шахслар гуруҳи)нинг рақобат қонунчилигини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигининг ўзига хослиги зарар етказувчи томонидан зарар кўрсаган шахсга етказилган моддий зарарни қоплашни назарда тутаяди. Шу билан бирга, шахс ФКнинг 6-моддасида белгиланган иш муомаласи одатларига зид ҳатти-ҳаракатларни амалга оширганлик хусусан уни бозорда ўзига рақобатчи бўлган шахслар ҳамда истеъмолчилар олдида ёлғон ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни

тарқатиши натижасида обрўсизлантирганлик учун ҳам тегишли фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни келтириб чиқаради. Лекин, зарар етказганлик шахсни фуқаролик ҳуқуқий жавобгар сифатида эътироф этиш ўзида айрим ҳолатларни намоён этиши лозим. Жумладан, кимнингдир, қонун билан кўриқланадиган моддий манфаатларини пой-мол қилиш; шахсинг зарар етказиш билан боғлиқ ҳуқуққа зид ҳатти-ҳаракатлари; зарар етказган шахсинг айбдорлик даражаси, зарар кўрган шахсинг ўзига етказилган зарарни ҳуқуқни бузган шахс томонидан етказилганлигини исботлаб бериши в.ҳ. Шахс (ёки шахслар гуруҳи)нинг рақобат қонунчилигига зид ҳолда ўзига рақобатчи бўлган шахс (ёки шахслар гуруҳи)га зарар етказганлик учун юқорида санаб ўтилган ҳолатлар мавжуд бўлганда тегишли фуқаролик қонунчилигида белгиланган жавобгарлик чораси қўлланилади.

Рақобат қонунчилигини бузган шахсга нисбатан фуқаролик жавобгарлик чорасини қўллашда ҳуқуқни бузган шахс ўзи томонидан рақобат қонунчилигини бузган ҳолда инсофсиз ҳаракат қилган ёки қилмаганлик ҳолатини исботлаб бериши, инсофсиз рақобат натижасида зарар кўрган шахс эса ўзига нисбатан зарар етганлик фактини кўрсатиб бериши лозим бўлади.

Фуқаролик қонунчилигига мувофиқ, рақобатга зид ҳатти-ҳаракатлар натижасида етказилган моддий зарарни қоплаш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 14-моддасига кўра амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 14-моддасига кўра зарар деганда, ҳуқуқи бузилган шахсинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмайд қолган даромадлари (бой берилган фойда) түшүнилади.

Агар ҳуқуқни бузган шахс бунинг натижасида даромад олган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс бошқа зарар билан бир қаторда бой берилган фойда бундай даромаддан кам бўлмаган миқдорда тўланишини талаб қилишга ҳақли.

Шахс (ёки шахслар гуруҳи) томонидан рақобат қонунчилигини ҳамда қонунчиликда белгиланган тегишли жавобгарлик чорасини қўллаш одатда турли қонунга зид ҳатти-ҳаракатлар натижасида хусусан бировга тегишли товар белгисидан, хизмат кўрсатиш белгиси, товар келиб чиққан жой номида рухсатсиз ишлаб чиқариш ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш, тижорат сиридан инсофсиз равишда фойдаланиш хусусан унинг эгасини рухсатсиз бошқа шахсга бериш ёки уни ошкор этиш, шартномага камситувчи шартларни киритиш, товарнинг хусусияти, ишлаб чиқариш усули ва жойи, истеъмол хоссалари, нархи, сифати, ишлаб чиқарувчининг (бажарувчининг) кафолат мажбуриятлари хусусида истеъмолчиларни чалғитиш, хўжалик юритувчи субъект (рақобатчи) томонидан ишлаб чиқарилаётган товарни унинг ташқи безатилишини, номини, тамғаланишини, товар белгисини ва юридик шахсни шахсийлаштиришнинг бошқа воситасини такрорлаш, реклама материалларидан, товарнинг фирма ўрови ва шаклидан нусха кўчириш орқали қалбакилаштириш, реклама ёки рақобатчини обрўсизлантириш билан боғлиқ оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш каби шу ва бошқа ҳолатларни санаб ўтиш мумкин.

Шахсга тегишли тижорат сирини ошкор қилиш ҳам инсофсиз рақобатни келтириб чиқарувчи омиллардан бири ҳисобланади. Фуқаролик қонунчилигида тижорат сирини ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг икки хил шакли яъни рўйхатдан ўтказилган ва рўйхатдан ўтказилмаган ҳолда муҳофаза қилиш белгиланган. Тижорат сирини у рўйхатдан ўтказилмасдан ҳуқуқий муҳофаза қилиш ушбу номоддий объектга нисбатан эгаси атамаси қўлланилади. Агар тижорат сирининг эгаси ушбу сирни тегишли ваколатли давлат органидан рўйхатдан ўтказилган ҳолда эгалик қилса у ҳолда тижорат сирига нисбатан ушбу тижорат сирининг эгаси эмас балки мутлақ ҳуқуқи эгаси тушунчаси қўлланилади. 2014 йил 11 сентябрда қабул қилинган “Тижорат сирини тўғрисида”ги қонун матнида эса эга атамаси ўрнига тижорат сирига нисбатан

мулкдор атамаси қўлланилган ваҳолангки, ФКнинг 98-моддасида тижорат сирига нисбатан унинг эгаси сифатида белгиланган. Фуқаролик қонунчилигига кўра мулкдор атамаси моддий ашёларга нисбатан унинг эгасини ҳуқуқларини ифодаловчи тушунча сифатида қўлланилади. Мазкур тартибни хусусан Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 1465-моддасида ҳам тижорат сирига нисбатан мулкдор атамаси эмас балки, эга тушунчаси қўлланилади. Ушбу ҳолатни Беларусь давлати ФКнинг 1010-моддасида, Қозоғистон давлати Фуқаролик кодексининг 1017-моддаларида кўришимиз мумкин.

Тижорат сиридан фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқ бузиш ҳолатларини ҳуқуқий баҳолаш юқорида таъкидлаб ўтилганидек, фуқаролик ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи ҳамда меҳнат ҳуқуқи нормаларига мувофиқ тартибга солинади. Хусусан тижорат сири қонунчилигини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик бошқа жавобгарлик турларидан фарқли ўлароқ, тижорат сиридан ноқонуний фойдаланётган шахсга нисбатан моддий жавобгарлик (хусусан ҳақиқий зарар ҳамда бой берилган фойда ундириш) шаклидаги жавобгарлик чораси қўлланилишида намоён бўлади.

Тижорат сирини фуқаролик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш ҳамда ҳуқуқни бузган шахсга нисбатан фуқаролик таъсир чорасини қўллаш ФКнинг 98-моддасида белгиланган шартлар мавжуд бўлгандагина амалга оширилади. Бундай белгилар жумладан:

- ушбу сир учинчи шахсларга номаълум бўлиши;
- унинг эгасига нисбатан ҳақиқий ва нисбий тижорат қийматига эга бўлиши;
- тижорат сири эгаси унинг бошқа шахслар томонидан эркин фойдаланиш имкониятини чеклаш мақсадида ушбу сирнинг махфийлигини сақлашга доир чораларни кўрган бўлиши асос бўлади.

Юқорида санаб ўтилган ҳолатлар қатъий аҳамиятга эга бўлиб уларнинг мавжуд эмаслиги зарар етказувчидан зарар кўрган шахс зарарни талаб қилиш ҳуқуқдан махрум бўлишига олиб келади.

Бунда:

- учинчи шахс ушбу тижорат сиридан ҳақиқий маънода манфаатдор бўлган тадбиркорлар, ушбу сир эгаси бўлган шахс

билан рақобатчи бўлган шахслар, тижорат сирининг эгаси томонидан таклиф этаётган маҳсулотга контрагент бўлган субъектлар ҳисобланади;

иккинчидан, тижорат сирининг эгасига ундан ўзи томонидан бевосита товар ишлаб чиқариш, иш бажариш ёки хизмат кўрсатиш билан боғлиқ фаолият бўлса ёки билвосита фойдаланиш эса ушбу сирни лицензия шартномасига мувофиқ вақтинчалик бошқа шахсга бериши тушунилади.

учинчидан, ушбу сир эгаси тижорат сир билан боғлиқ маълумотларни сақлаш чораларни кўрган бўлиши лозимлиги юқорида таъкидлаб ўтилди. Бундай ҳимоя қилиш унинг эгаси ёки ҳуқуқни қабул қилган шахс томонидан турли техник, ташкилий ҳамда юридик воситалардан фойдаланиш орқали амалга оширилишини тушуниш мумкин. Лекин, шуни назарда тутиш мумкинки, ушбу сир эгаси ёки ундан фойдаланишга рухсат олган лицензиат ҳар доим ҳам барча ҳимоя қилиш чораларини кўриш имкониятига эга бўлавермайди. Тижорат сирдан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолат кўриб чиқиладиганда тижорат сирининг эгаси ҳақиқатдан ушбу сирни ҳимоя қилиш хоҳиши очиқ-ойдин кўриниб турган бўлиши талаб этилади. Мазкур талаб тижорат сирини ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг муҳим шarti ҳисобланади. Лекин, ушбу сир эгаси уни ҳимоя қилиш чорасини кўрган бўлишига қарамай учинчи шахсларнинг ушбу сирдан эркин фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги тижорат сирини ҳуқуқий муҳофаза қилишни истисно этади ҳамда ҳеч қандай фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни келтириб чиқармайди. Масалан, тижорат сирининг эгаси ушбу сирни ҳуқуқий муҳофаза қилиш чораларини кўрган лекин, ўзи билмаган ҳолда оммавий ахборот воситаларида ва нашрларда эълон қилган, интернет саҳифаларида маҳсулотнинг таркиби тўғрисида ушбу сирни ўзида акс эттирган маълумотларни жойлаштириб қўйиши тижорат сирини оммага ошкор этиш сифатида тушуниш мумкин.

Тижорат сирдан фойдаланиш Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мувофиқ уни эгасининг розилиги билан амалга ошириладиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабат ҳисобланади. Юқорида таъкидланганидек, қонунчилик нуқтаи назардан шахснинг тижорат сирдан фойдаланиш уни рўйхатдан

Ўтказмасдан амалга оширилиб унинг эгаси ушбу сирга нисбатан инсофли эгалловчи сифатида талқин этилади. Бунда тижорат сири эгаси ундан амалда фойдаланган бўлиши талаб этилади. Тижорат сирининг эгаси ушбу сирни ФКнинг 1097-моддасига мувофиқ ошкор этилмаган маълумотнинг мазмунини ташкил этувчи ахборотнинг ҳаммасини ёки бир қисмини лицензия шартномаси асосида бериши мумкинлиги таъкидланади. Мазкур шартнома қоидаларига кўра тижорат сирини тақдим этувчи лицензиар ушбу сирни қабул қилувчи эса лицензиат сифатида қаралиб, шартнома тарафлари тижорат сирига нисбатан инсофли эгалловчилар ҳисобланади. Агар бир шахсга тегишли тижорат сирини бошқа шахс унинг розилигисиз олган бўлса унга нисбатан эса инсофсиз эгалловчи сифатида қаралиб тегишли тартибда ҳуқуқий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Тижорат сиридан фойдаланиш қоидаларини бузиш шартнома асосида ушбу тижорат сирини ўз тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун олган шахс яъни инсофли эгалловчи ҳамда шартномадан ташқари ҳолатда ушбу тижорат сири эгасининг тегишли тартибда розилигини олмаган ҳолда шахснинг яъни инсофсиз эгалловчининг ҳам ушбу тижорат сиридан фойдаланиш ҳолатларини қайд этиш лозим. Бир шахсга тегишли бўлган тижорат сирини бошқа шахс томонидан ўз тадбиркорлик фаолиятида фойдаланаётганлиги лекин, ушбу шахс мазкур тижорат сирини биринчи шахс томонидан олдинроқ ўз фаолиятидан қўллаётганлигини билмаган ва билиши лозим бўлмаган ҳолларда ушбу шахс мазкур тижорат сирига нисбатан инсофли эгалловчи сифатида қаралади. Лекин, Фуқаролик кодексининг тегишли моддаларига мувофиқ низо келиб чиққан тақдирда, ушбу сирнинг бошқа шахсга тегишли эганлигини исботлаб бериш мажбурияти ҳар доим иккинчи шахс зиммаси бўлади. Агар тижорат сирини иккинчи шахс ноқонуний фойдаланган яъни бошқа шахсга лицензия шартномасига мувофиқ берганлик факти исботланганидан бўлса, бундай ҳолда жавобгарлик иккинчи шахс зиммасида бўлади. Агар тижорат сирининг эгасига етказилган зарарни қоплашда иккинчи шахснинг маблағи етишмаса учинчи шахс ҳам тижорат сири эгасининг олдида жавобгар бўлади.

ФКнинг 1096-моддаси иккинчи қисмига кўра, тижорат сиридан ноқонуний фойдаланаётган шахс ушбу сирни тарқатишга ҳуқуқий бўлмаган шахсдан олган бўлса, ушбу сирни қўлган киритган шахс бундан беҳабар бўлса ва буни билмаслиги керак бўлса, ушбу тижорат сирининг қонуний эгаси ушбу сирдан ноқонуний фойдаланаётганлигини билиб қолгандан сўнг ушбу сирдан ноқонуний фойдаланганлиги натижасида етказилган зарарларни қоплашни талаб қилишга ҳақли ҳисобланади.

Тижорат сиридан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни ҳуқуқий баҳолаш ҳамда унинг эгасига етказилган зарарни ҳисоблаш ўзига хослиги билан характерланади. Инсофсиз эгалловчи бир тижорат сирини бошқа шахсга товар ишлаб чиқариш муносабатларида фойдаланаётганлигини билган ва билиши лозим бўлган ҳолларда олган ва ўз ишлаб чиқариш муносабатларида қўллаш инсофли эгалловчига нисбатан маълум моддий зарар етишига олиб келади. Табиийки, ФКнинг 11-моддасига мувофиқ зарар кўрган шахс зарар етказувчидан ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш усули сифатида етказилган зарарни тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Лекин, шу ўринда бир савол туғилади. Хўш, зарар кўрган шахс судга зарар етказувчидан ўзига тегишли тижорат сиридан ноқонуний фойдаланганлиги учун ўзига етказилган зарар миқдорини аниқлаш ва уни қоплашни талаб қилишнинг ҳуқуқий тартиби қандай белгиланади?

Бунда зарар кўрган шахснинг тахминий ҳисоблаб чиқилган зарар миқдори инобатга олинмайди. Балки тижорат сирини эгаси ўзига тегишли тижорат сиридан фойдаланган вақтдан бошлаб қанча даромад кўрганлиги ҳамда ушбу кўрган даромадини Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлаб борганлиги факти асосида ҳисобланади. Лекин, ҳар доим ҳам шахс ушбу сирдан фойдаланганлиги натижасида олинган фойда миқдорини ҳаммасини ҳам тақдим этавермайди. Бунга солиқдан яшириш олинган фойда миқдорини кам қилиб кўрсатиш каби ҳуқуқ бузилиш ҳолатлари тўсиқ бўлиб низоли ҳолатни етарли даражада зарар кўрган шахс фойдасига ҳал этилмаслигига олиб келади. Демак, ҳуқуқни қўллаш амалиётида тижорат сиридан ноқонуний

фойдаланган шахсдан ушбу сир эгасига нисбатан етказилган зарарни ҳисоблаб чиқишда олинган даромади тўғрисидаги солиқ органига тақдим этган маълумотига мувофиқ ҳисоблаб чиқилади.

#### **10.4. Рақобат қонунчилигини бузганлик учун маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлик**

Рақобат қонунчилигини бузганлик учун ҳуқуқни бузган фуқарога ва мансабдор шахсга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш қонун ҳужжатларида белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасида давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва юридик шахслар бирлашмаларининг рақобатни чеклайдиган ҳужжатлари ҳамда ҳаракатлари натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибат маъмурий-ҳуқуқий таъсир чорасини қўллашга асос бўлади. Рақобат қонунчилигини бузганлик учун маъмурий-ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш одатда ҳуқуқи бузилган шахснинг рақобат қўмитасига ўз ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши асос бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, рақобат қўмитасининг ташаббуси билан ҳам мансабдор шахсга ёки фуқарога рақобат қонунчилиги тўғри қўлланалиши билан боғлиқ текширилиши натижасида аниқланган камчилик юзасидан тегишли маъмурий-ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тартиби белгилаб ўтилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва юридик шахслар бирлашмаларининг рақобатни чеклайдиган ҳужжатлари ҳамда ҳаракатлари:

- фаолиятнинг бирор бир соҳасида янги хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этишга чекловлар жорий этиши, шунингдек фаолиятнинг айрим турларини амалга оширишни ёки муайян товарлар ишлаб чиқаришни ман этиши

- шартномалар тузишда устунлик бериш, сотиб олувчиларнинг муайян доирасига товарларни биринчи навбатда реализация қилиш, молиявий маблағларнинг манбаларини танлаш

ва улардан фойдаланиш йўналишларининг афзаллиги тўғрисида хўжалик юритувчи субъектга кўрсатмалар бериши

- айрим хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга кўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асоссиз равишда бериши

- хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиши

- хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятига оқибатда рақобат чекланиши мумкин бўлган тарзда аралашиши

- ўз вазифаларини хўжалик юритувчи субъектларнинг вазифалари билан қўшиб бажариши

- айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) белгилаш каби шу ва бошқа ҳолатларни санаб ўтиш мумкин.

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва юридик шахслар бирлашмаларининг товар ёки молия бозорининг нормал фаолият кўрсатишига, рақобатни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситувчи ҳаракатларига, шу жумладан:

- нархларни ёки тарифларни оширишга, пасайтиришга, сақлаб туришга;

- тегишли бозорни ҳудудий принцип бўйича, реализация қилиш ёки харидлар ҳажми бўйича, товарларнинг хиллари бўйича ёхуд товарларни сотувчилар ёки сотиб олувчилар, товар буюртмачилари доираси бўйича бўлиб олишга;

- хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга киришини чеклашга ёки уларни бозордан четлатишга олиб келадиган келишиб олинган ҳаракатлари ва битимларига йўл қўйилмайди.

Юридик шахсларнинг мансабдор шахслари, якка тартибдаги тадбиркорлар хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган келишиб олинган ҳаракатлари ва битимлари учун, шунингдек товар ёки молия бозоридаги устун мавқени суиистеъмол қилганлик, хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юборишда, қўшиб олишда ва устав фондидаги акцияларни ҳамда бошқа мулкый ҳуқуқларни олиш

бўйича битимлар тузишда рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларини тугатиш ҳақидаги, дастлабки ҳолатни тиклаш тўғрисидаги кўрсатмаларни бажаришдан бўйин товлаганлик ёки ўз вақтида бажармаганлик, монополияга қарши органга ахборотни тақдим этмаганлик ёки ўз вақтида тақдим этмаганлик, нотўғри ёки ёлғон маълумотлар тақдим этганлик, танлов (тендер) ёки биржа савдоларига доир монополияга қарши талабларни бузганлик учун ҳам тегишли равишда маъмурий жавобгарликка чорасини қўллашга асос бўлади.

Маъмурий жазо чораси қўлланилганлиги хўжалик юритувчи субъектни монополияга қарши органнинг қарорини (кўрсатмасини) бажариш ёки рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятидан озод этмайди.

Рақобатни чекловчи ва рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ йўл қўйиб бўлмайдиган битимлар тузганлиги ҳамда келишиб олинган ҳаракатлар содир этганлиги ҳақида монополияга қарши органга биринчи бўлиб ихтиёрий равишда маълум қилган шахс маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ҳолати қонунчиликда белгилаб ўтилади.

### **НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР:**

1. Жавобгарлик тушунчаси.
2. Рақобат қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик тушунчаси ва унинг ҳуқуқий табиати
3. Рақобат қонунчилигини бузганлик учун келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибат
4. Рақобат қонунчилигини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик
5. Рақобат қонунчилигини бузганлик учун маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлик

### **1-казус**

“Барака”, “Омад” ва “Сифат-сут” акциядорлик жамиятлари Андижон вилояти товар бозорида сут ва сут маҳсулотларига ўзлари учун маъқул нархларни ушлаб туришга ўзаро оғзаки равишда келишиб олишди.

Монополияга қарши курашиш органи Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ҳатти-ҳаракатларини ва мавжуд материалларни таҳлил қилиб, Ўзбекистон Республикаси монополияга қарши қонунчилиги меъёрлари бузилганлиги факти юзасидан иш кўзғатиш ҳақида қарор қабул қилди.

*Монополияга қарши курашиш органи ҳудудий бошқармаси мазкур ишлаб чиқарувчиларни айнан қайси қонун ҳужжатлари ва қайси меъёрларини бузган деб топган бўлиши мумкин?*

## 2-казус

Монополияга қарши курашиш органи ҳудудий бошқармасига Олмазор туманида аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи корхона томонидан қонун бузилиши ҳолатлари содир этилаётганлиги ҳақида ариза келиб тушди.

Муайян хизматлар бозорини 100 фоиз эгаллагаи ҳолда мазкур корхона, кўрсатилган коммунал хизматлар учун тўловаларни аҳолидан махсус белгилаб қўйилган тарифлар бўйича эмас балки, эркин нархларда ундирганлиги маълум бўлди.

*Монополияга қарши кураш органи ҳудудий бошқармаси бу ҳолатда қандай ҳаракатларни амалга ошириши керак?*

*Корхона Ўзбекистон Республикаси монополияга қарши кураш қонун ҳужжатлари талабларини бузганми?*

*Агар бузган бўлса айнан қайси меъёрларни?*

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Раҳбарий адабиётлар

1. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. Т.16. – Б. 235-236.

2. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

3. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. –Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 360 б.

4. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўртарадиган йил бўлади. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012.

5. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2014 йил 17 январь.- Тошкент: Ўзбекистон, 2014.

6. Каримов И.А. Асосий вазифамиз — жамиятимизни ислох этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси 2015 йил 7 декабрь сони.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: -Ўзбекистон, 2014. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг

Ахборотномаси, 1994 й., 1-сон, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 3-4-сон, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 й., 12-сон, 343-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 152-модда; 2008 й., 52-сон, 510-модда; 2011 й., 16-сон, 159-модда; 2014 й., 16-сон, 176-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. – Т.: Адолат, 2014. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сон, 1-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда; 9-сон, 229-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 37-сон, 408-модда; 2006 й., 14-сон, 110-модда; 39-сон, 385-модда; 2007 й., 1-2-сон, 3-модда; 3-сон, 21-модда; 14-сон, 132-модда; 15-сон, 154-модда; 31-32-сон, 315-модда; 50-51-сон, 506-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда; 2009 й., 39-сон, 423-модда; 2010 й., 37-сон, 313, 315-моддалар; 38-сон, 328-модда; 2011 й., 51-сон, 542-модда; 52-сон, 555-556-моддалар; 2012 й., 15-сон, 164-модда; 16-сон, 176-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда; 41-сон, 543-модда; 2014 й., 20-сон, 222-модда, 50-сон, 588-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 33-сон, 439-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда.

3. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 234-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда; 2001 й., 1-2-сон, 11-модда; 2002 й., 9-сон, 165-модда; 2003 й., 9-10-сон, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 28-29-сон, 261-модда; 2007 й., 31-32-сон, 315-модда; 2008 й., 40-41-сон, 406-модда; 52-сон, 513-модда; 2009 й., 3-сон, 9-модда; 2010 й., 22-сон, 174-модда; 2011 й., 16-сон, 162-модда; 2012 й., 38-сон, 433-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда; 41-сон, 543-модда; 2014 й., 20-сон, 222-модда; 36-сон, 452-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда; 52-сон, 645-модда.

4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 3-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 9-сон,

193-модда; 12-сон, 269-модда; 1996 й., 5-6-сон, 69-модда; 9-сон, 144-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда; 4-5-сон, 126-модда; 9-сон, 241-модда; 1998 й., 3-сон, 38-модда; 5-6-сон, 102-модда; 9-сон, 181-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда; 5-сон, 124-модда; 9-сон, 229-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда; 7-8-сон, 217-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; 9-10-сон, 165-модда; 182-модда; 2002 й., 1-сон, 20-модда; 9-сон, 165-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда; 5-сон, 67-модда; 9-10-сон, 149-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 37-сон, 408-модда; 51-сон, 514-модда; 2005 й., 37-38-сон, 280-модда; 51-сон, 374-модда; 52-сон, 384-модда; 385-модда; 2006 й., 25-26-сон, 226-модда; 39-сон, 385-модда; 41-сон, 405-модда; 51-52-сон, 498-модда; 501-модда; 2007 й., 14-сон, 134-модда; 135-модда; 15-сон, 154-модда; 17-18-сон, 170-модда; 37-38-сон, 377-модда; 39-сон, 400-модда; 50-51-сон, 504, 512-моддалар; 52-сон, 532-модда; 2008 й., 14-15-сон, 88-модда; 16-сон, 117-модда; 17-сон, 129-модда; 37-сон, 367-модда; 39-сон, 391-модда; 52-сон, 513, 514-моддалар; 2009 й., 3-сон, 9-модда, 38-сон, 414, 415-моддалар; 39-сон, 423-модда; 41-сон, 439-модда, 50-51-сон, 529-модда, 52-сон, 551, 553, 555-моддалар; 2010 й., 20-сон, 146-модда; 21-сон, 161-модда; 22-сон, 174-модда; 37-сон, 313, 317-моддалар; 38-сон, 329-модда; 40-41-сон, 343-модда; 44-45-сон, 380-модда; 51-сон, 479, 484, 485-моддалар; 2011 й., 1-2-сон, 1-модда; 16-сон, 162-модда; 17-сон, 168-модда; 36-сон, 365-модда; 2011 й., 40-сон, 410-модда; 52-сон, 556-модда; 2012 й., 15-сон, 166-модда; 37-сон, 423-модда; 2013 й., 1-сон; 1-модда; 18-сон, 233-модда; 41-сон, 543-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда; 20-сон, 222-модда; 36-сон, 452-модда, 49-сон, 579-модда, 50-сон, 588-модда; 2015 й., 23-сон, 301-модда; 32-сон, 425-модда; 33-сон, 439-модда; 52-сон, 645-модда; 2016 й., 3(I)-сон, 32-модда; 17-сон, 173-модда.

5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 1-сон, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 144-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда; 9-сон, 241-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда; 9-сон, 181-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда; 5-сон, 124-модда; 9-сон, 229-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; 9-10-сон, 165-

модда; 2002 й., 9-сон, 165-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда; 9-10-сон, 149-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 37-сон, 408-модда; 2005 й., 39-сон, 294-модда; 52-сон, 384-модда; 385-модда; 2006 й., 25-26-сон, 226-модда; 51-52-сон, 498-модда; 2007 й., 14-сон, 134-модда; 17-18-сон, 171-модда; 2008 йил, 6-сон, 248-модда; ЎР ҚХТ, 37-38-сон, 377-модда; 39-сон, 401-модда; 52-сон, 532-модда; 14-15-сон, 94-модда; 16-сон, 117-модда; 37-38-сон, 366-модда; 39-сон, 390, 391-моддалар; 52-сон, 513, 514-моддалар; 2009 й., 3-сон, 9-модда, 15-сон, 171-модда, 37-сон, 402-модда, 38-сон, 414, 415-моддалар, 39-сон, 423-модда, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 553-модда; 2010 й., 20-сон, 147-модда; 21-сон, 161-модда; 38-сон, 329-модда; 51-сон, 482-модда; 52-сон, 509-модда; 2011 й., 1-2-сон, 1-модда; 2012 й., 15-сон, 166-модда; 37-сон, 423-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда; 18-сон, 233-модда; 41-сон, 543-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда; 20-сон, 222-модда; 36-сон, 452-модда, 50-сон, 588-модда; 2015 й., 23-сон, 301-модда; 32-сон, 425-модда; 33-сон, 439-модда; 52-сон, 645-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда.

6. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон; 2008 й., 52-сон, 512-модда; 2009 й., 37-сон, 403, 404-моддалар, 52-сон, 555, 556-моддалар; 2010 й., 20-сон, 149-модда; 35-36-сон, 300-модда; 37-сон, 313, 314, 315-моддалар; 40-41-сон, 343-модда; 51-сон, 485-модда; 2011 й., 1-2-сон, 1-модда; 37-сон, 374-модда; 52-сон, 555-556-моддалар; 2012 й., 15-сон, 164-модда; 37-сон, 421-модда; 52-сон, 584-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда; 41-сон, 543-модда; 52-сон, 685-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда; 36-сон, 452-модда, 49-сон, 579-модда, 50-сон, 588-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда; 52-сон, 645-модда; 2016 й., 1-сон, 2-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда.

7. “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 1-сон, 5-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда.

8. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги

Қонуни.// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 210-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда; 52-сон, 645-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда.

9. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни.// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. -1998. - 9-сон. -170-модда. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 31-32-сон, 315-модда. 2011 й., 51-сон, 542-модда.

10. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 50-сон, 587-модда.

11. Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 1-сон, 14-модда; 2002 й., 9-сон, 164-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 51-сон, 374-модда; 2006 й., 14-сон, 110-модда; 41-сон, 405-модда; 2008 й., 14-15-сон, 93-модда; 2010 й., 37-сон, 317-модда; 40-41-сон, 343-модда; 44-45-сон, 380-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда; 41-сон, 543-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда

12. Ўзбекистон Республикасининг “Табиий монополиялар тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 212-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2007 й., 50-51-сон, 499-модда; 2010 й., 40-41-сон, 357-модда; 50-сон, 470-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда; 41-сон, 543-модда; 2014 й., 50-сон, 588-модда.

13. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 148-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 51-сон, 514-модда; 2005 й., 49-50-сон, 365-модда; 2009 й., 37-сон, 403-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда.

14. Ўзбекистон Республикасининг “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 142-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 14-сон, 110-модда; 41-сон, 405-модда; 2011 й., 36-сон, 363-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда; 2014 й., 50-сон, 588-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда; 52-сон, 645-модда.

15. Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 22-сон, 287-модда.

16. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 1-сон, 8-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 51-сон, 514-модда; 2006 й., 12-13-сон, 100-модда; 2007 й., 50-51-сон, 506-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда; 2010 й., 37-сон, 314-модда; 51-сон, 485-модда; 2011 й., 37-сон, 374-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда; 41-сон, 543-модда; 2014 й., 20-сон, 222-модда

17. “Тижорат сири тўғрисида”ги // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 37-сон, 463-модда

18. “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 178-модда; 2002 й., 9-сон, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 37-38-сон, 379-модда; 2011 й., 52-сон, 555-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда

19. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 18-сон, 201-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда; 41-сон, 543-модда; 2014 й., 49-сон, 579-модда, 50-сон, 588-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда; 52-сон, 645-модда.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 июндаги ПФ-3622-сонли “Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида”ги Фармони // “Ўзбекистон

Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2005 йил, 25-26-сон, 178-модда.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 328-модда.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 46-47-сон, 521-модда.

23. “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // «Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 16 майдаги 98 (6281)-сони.

24. “Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 17(1)-сон, 216-модда

### **III. Илмий адабиётлар ва мақолалар**

1. Оқюлов О., Мансуров К., Ходжаев Б. Рақобат ҳуқуқи. – Тошкент, ТДЮИ, 2008. - 174 б.

2. Оқюлов О., Мансуров К., Ходжаев Б. Конкурентное право. – Ташкент, ТГЮИ.2009. – 154 с.

1. О.Оқюлов., К.Мансуров., Б.Ходжаев. Рақобат ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТГЮИ, 2008. – 106 б.

2. Оқюлов О. Тадбиркорликни ривожлантириш ва унга нисбатан тўсиқларни бартараф қилишнинг ҳуқуқи муаммолари. /Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш муаммолари. / Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. -Т.: ТДЮИ. - 2002.-Б.36-39

3. Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммолари./ Илмий амалий конференция материаллари тўплами. - Т.: ТДЮИ. - 2003.- 264 б.

4. Ғайбуллаев Р. Тадбиркорлик тузилмаларининг рақобатбардошлик стратегиясини белгиловчи шарт шароитлар.// Олий хўжалик суди ахборотномаси. 2005 й, №10.

5. Рўзиназаров Ш. Тадбиркорлик субъектлари мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари./Олий хўжалик суди ахборотномаси. 2006 й, №11-12

6. Нурмухамедова М. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида реклама: ҳуқуқ ва мажбуриятлар.// Олий хўжалик суди ахборотномаси. 2006. №5

7. Бурханходжаева Х., Мансуров К. Аҳолига савдо хизмати кўрсатишда рақобат ва уни тартибга солишнинг конституциявий ҳуқуқий асослари.//ТДЮИ Ахборотномаси. 2007 й. №5

8. Азизов Х. Хусусий мулк дахлсизлиги ва уни таъминлашнинг айрим масалалари.// Олий хўжалик суди ахборотномаси. 2007. №12

9. Нарзиев О. Фонд биржалари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш методлари//ТДЮИ Ахборотномаси. 2007. №2

10. Ходжаев Б. Реклама тушунчаси: қиёсий-ҳуқуқий ёндашувлар таҳлили.//ТДЮИ Ахборотномаси. 2007. №2

11. Ходжаев Б. Реклама хизмати ва реклама хизмати кўрсатишнинг фуқаролик ҳуқуқий тавсифи.//ТДЮИ Ахборотномаси. 2008. №4

12. “Тадабиркорлик фаолиятини амалга оширишда эркин рақобатни таъминлашнинг ҳуқуқий муаммолари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. ТДЮИ Т.: 2010 й. 392 б.

13. Ибратова Ф.Б. Айрим тоифадаги қарздорлар банкротлигининг ҳуқуқий муаммолари. Монография.- Тошкент.ТДЮИ, 2012 й, 405 б.

14. Азизов Х.Т. Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар ва уларни такомиллаштириш. “Ўзбекистон демократик ислохотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Т.: Академия, 2012. Б.60-62.

15. Тотьев К.Ю. Конкуренция и монополия. Правовые аспекты регулирования. М. Юристъ 1996. 261С.

16. Князева И.В. Антимонопольная политика в России. Учебное пособие. М. 2006. 17 с.

17. Древалъ Л.Н. Антимонопольное регулирование предпринимательской деятельности. Лекция. Хабаровск, 2002 . С. 3.

18. Даниленко В.Н. Гражданско-правовая ответственность за злоупотребление доминирующим положением на товарных рынках. Новороссийск: Издательство СГУПС, 2005. С.27-28.

19. Таланцев В.И. антимонопольное регулирование за рубежом: учебное пособие. Владивосток: Издательство ТГЭУ, 2004. С. 7-8.

20. Парижская Конвенция по охране промышленной собственности. Публикация № 201 (R). – Женева: Всемирная организация интеллектуальной собственности, 1990.

21. Ярочкин В.И. Бузанова Я.В. Системы защиты предпринимательства: Защита от недобросовестной конкуренции. – М.: Академический проект; Фонд «Мир», 2005.С. 40-41,

22. Гукасян Л.Е. Правовое регулирование защиты от недобросовестной конкуренции в России: законодательство, правоприменение, комментарии. М., Информационно-издательский центр Роспатента (ИНИЦ). 2005, С.9.

23. Кондратовская С.Н. Правовые проблемы пресечения недобросовестной конкуренции на товарных рынках: Дис. канд. юрид. наук: 12.00.03. - Москва: ПроСофт-М, 2005 С. 22.

#### **IV. Электронные ресурсы:**

1. <http://www.lex.uz>
2. <http://www.legislature.ru>
3. <http://www.law.uk.edu>
4. <http://www.flexa.ru>
5. <http://www.law.harvard.edu>
6. <http://www.juristlib.ru>
7. <http://www.pravoznaves.com.ua>
8. <http://www.pravo.eup.ru>

